ҒАЙРИТАБИИЙ:

Уилльям Бранхамнинг ҳаёти



ИККИНЧИ КИТОБ:

ЙИГИТ
ВА УНИНГ
УМИДСИЗЛИГИ

(1933 — 1946)

Оуэн Джоргенсен

Бу китоб сиз ўқиган барча китоблардан фарқ қилади...

Унинг атрофида уй бир фалокатдан дарак бериб, ғичирлаб тебранар эди. Шувоқлар шифтдан дўлдай ёғилар, деворлардан маккажўхори бодроғидай ёрилиб тўкиларди. Коридор охиридаги қаттиқ қарсиллашдан ҳамма хоналар акс-садо берди. Силжиётган уйнинг ҳар бир силкинишларидан поллари ҳам силжиб кетар, шу учун Билли уйчанинг эшигига урилиб кетди. Кетидан ёғоч конструкцияларнинг синиши, шовқинга қўшилиб, жуда кучли қарсиллади. Бино пойдевордан силжиб кетди.

Билли коридордан югурганча, эшикдан чиқди-ю, эшик олди қанотини ҳозиргина уйдан бўлиниб кетганидан бехабар, муздек сувга қулади...

Ҳадемай кўз ўнгингизда ғайритабиий сфера очилади...

Муаллифлик ҳуқуқи халқаро ва панамериканинг муаллифлик ҳуқуқи қонунлари билан ҳимояланади. Бу китобни чоп этиш, муаллифнинг ёзма рухсати туфайли мумкин бўлди.

Дунёнинг узоқ бир бурчагида ўспирин бола ўзининг саволларига жуда тиришиб жавоб излайди:

Ҳақиқатдан Худо борми ўзи? Агар бўлса, унда қаерда?

Ва Унинг Ўзи Ким?

Бу Худони менинг ҳаётим қизиқтирадимикин?

Бу китоб сенга бағишланади, ЁШ ИЗЛАНУВЧИ, чунки бу барча саволлар қачонлардир менинг олдимда ҳам турган эди.

Мундарижа

Муаллифдан
Биринчи китобнинг қисқача шархи

Иккинчи китоб: ёш йигит ва унинг умидсизлиги

12. **“Ҳавода осилганча…”**
13. **Сирли юлдуз яна пайдо бўлди**
14. **Келажакдаги чодир ҳақида ваҳий.**
15. **Тортиниб қилинган таклиф.**
16. **Жаҳаннамдан чиққан кўрсичқон.**
17. **Умид уйғотувчи никоҳ**
18. **Мишавакидан қайтгандан кейинги хато**
19. **Қора парда тушади**
20. **Ҳалокатли сув тошқини**
21. **Хоупнинг ўлими**
22. **Ҳаётидаги доғули лаҳза**
23. **Аста-секин қайғудан ўнглана бошлади**
24. **Қийшайган оёқлар тўғриланади**
25. **М-и-и-и-ллтаундаги мўъжиза**
26. **Бўрон тоғида адашди**
27. **Қотил-ҳўкиз**
28. **Фаришта ва ғор**
29. **Қўлдаги аломат**
30. **Тутқунлар ҳибсдан чиқарилди**

Маллиф изоҳи
Маълумотлар манбалари ва адабиётлар
Предмет кўрсатгичи
Кейинги китоблар ҳақида маълумотлар

Муаллифдан

БАХТСИЗЛИК БЕСАБАБ БЎЛМАЙДИ. Ҳаворий Павел ёзган эди: *«... Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга, ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади»*. Баъзан Худо бизларни шавқатсиз синовларга солинишимизга йўл беради. У бунинг воситасида бизларни Ўзининг буюк мурод-мақсадига йўналтиришни истайди. Уилльям Бранхам ҳаётида мана шундай бўлиб ўтди, менинг ҳаётим ҳам бундан мустасно эмас.

Мен Уилльям Бранхам ҳақида илк бор 1970 йилда эшитдим, унинг ўлимидан беш йил кейин. Эшитганларим мени ҳайратга солди. Бу оддийгина воизнинг тарихига ўхшаган эмас эди. Аниғи шу эдики, бунда Худо очиқчасига ва тўппа-тўғри одамларнинг ҳаётига аралашган эди. Буларнинг барисига жуда қаттиқ маҳлиё бўлганимдан, мен у ҳақидаги иккита қисқача таржимаи ҳол китобни ўқиб чиқдим. Бу Гордон Линдсей томонидан 1950 йилда ёзилган: *«Уилльям Бранхам — Худо юборган инсон»,* ва Пэрри Гриннинг 1969 йил чоп этилган: *«Пайғамбарнинг фаолияти»* деган китоблар эди. Бу ҳайрон қоларли одам ҳақида кўпроқ билиш истагида куйиб-пишиб, қўлимга тушган ҳар бир нарсани ўргана бошладим. Мен кўплаб топса бўладиган маълумотларга эга бўлдим, бироқ, унинг ғаройиб кечинмаларининг кўп қисми унинг магнит тасмаларига ёзилган барча ваъзларида бўлиниб ётган эди. Менинг бошимга, агар бу кечинмаларнинг ҳаммасини бир жойга йиғилса ва хронологик тартибда жойлаштирилса, бу қандай илҳом, руҳланиш бахш этар эди, деган фикр келди. Айнан ўшанда мен илк бор Уилльям Бранхам ҳақида таржимаи ҳол китоб ёзишни орзу қила бошладим.

Бироқ, узоқ таржимаи ҳолни баён этиш учун етуклик ва ишига бутунлай садоқат талаб қилинар эдики, менинг йигирмадан ошган ёшимда бунга эга эмас эдим. Хуллас, батафсил биографик китоб ўрнида, мен 1973 йилда Уилльям Бранхам ҳақида каттагина рисола ёздим. Уни ўзим чоп эттириб, уни бир неча хизматчи ва танишларимга, уларда у қизиқиш уйғотади деб ўйлаб, тарқатдим. Уларнинг мулоҳазалари мени ҳайратлантирди. Одамлар бу рисолага минглаб нусхада буюртма бера бошладилар. Тез орада менга бутун жаҳон мамлакатларидан мактублар кела бошлади ва уларда одамлар мендан Уилльям Бранхам ҳаёти ва хизмати ҳақида кўпроқ маълумот беришимни сўрашар эди. Етарлича бўш вақтим ва маблағим йўқлигидан, мен бир неча масиҳчи-миссионерлик гуруҳларига бу рисолани босиш ва тарқатишни топширдим. Кейинги 20 йил ичида ўнлаб тилларга таржима қилинган юз минглаб нусха рисолалар бутун дунё бўйлаб тарқатилган эди.

Бу рисолага бўлган буюк эҳтиёж, мени Уилльям Бранхам ҳақида тўла-тўкис ва мукаммал биографик китоб ёзиш кераклигини англашимга мажбур қилди. Аммо бундай таржимаи ҳол ёзиш учун зарур бўлган тоғдай маълумотларни ўрганиш ва уларни классификация қилишдан иборат бу вазифа, менинг тишим ўтмайдиган ишдек туюлди. Мен бутун иш кунимда ўзимнинг 6500 акр майдондаги буғдой ранчода, ўз оилавий фермамда ишлар эдим. Бунинг устига, кичикроқ черковда ярим кун шуғулланиб, у ерда пастор эдим. Буларнинг ҳаммаси тўрт фарзандимни тарбиялашим устига оғир юк бўлиб, қўшимча бўлди. Ёзишим учун мен қандай қилиб вақт топа олар эдим? Бунинг имкони йўқдай эди.

Бироқ, агар Худо бизларни бирор юмуш қилишимизни истаса, У бизларни бунинг учун керакли ҳолатга олиб боришни билади. 1986 йил март ойида менинг оилам бошига қатор мусибатлар ёғилди. Биринчидан, хотинимнинг умуртқа поғонасида хавфли операция бўлишига тўғри келди; иккинчидан, мен чанғида учиб, қаттиқ жароҳатландим; учинчидан, мен пасторлик ишимдан айрилдим; тўртинчидан, ҳукумат билан шартнома масаласида келишмовчилик сабабли, оилам устида биз бутун фермани йўқотиб қўйиш хавфи туриб қолди. Гўё бу бирваракайига жуда кўп зарбадай эди. Шундай ҳаётий чигалликда қолиб, мен ўз мақсадларимни янгидан қараб чиқдим ва келажак учун ибодат қилдим. Худо менга нима демоқчи, ўзи? Менга тинмай ором бермай юрган ягона фикр, бу менинг Уилльям Бранхамнинг ҳаёти тарихини батафсил ёзишдек ўша, олдинги орзуйим эди. Ниҳоят, қўрқув ва титроқ билан, мен ўзимни бу ишга бутунлай бағишладим.

Худонинг марҳамати билан хотинимни ҳам, мени ҳам соғлигим тикланди. Буни устига, фермамиздан айрилмаган ҳолда, ҳукумат билан келишмовчиликни бартараф қилдик. Бу барча воқеалар вақтида мен Уилльям Бранхам таржимаи ҳолини ёзишга ўзимни батамом бағишлагандим. Икки йил мобайнида ҳафтада ўн икки соатимни бу лойиҳани ўрганишга бағишладим. Мен Уилльям Бранхам ҳақидаги мақолаларни газета ва журналларда ўқидим ва унинг шифоланиш кампаниялари вақтида содир бўлган мўъжизаларнинг видеоёзувларини қарадим. Шу билан бирга, мен унинг ҳаётидаги ғайритабиий ҳодисотлар бўлиб ўтган ўша жойларнинг баъзиларини бориб кўрдим ва ўз кўзи билан кўрган гувоҳлар билан гаплашдим. Аммо менинг вақтимни кўп қисми Уилльям Бранхамнинг магнит тасмаларига ёзиб олинган юзлаб ваъзларини эшитишга кетди. 1988 йилга келиб, мен ёза бошлаганимда, мингдан зиёд ёзилган саҳифаларни категорияларга тақсимлаб бўлган эдим.

Агар бирор бир нарса, бахтсизлик бесабаб содир бўлмаслигини исботлайдиган бўлса, унда бу нарса Уилльям Бранхам ҳаётининг шу ердаги бир қисми бўлади. 1933 – 1946 йиллардаги даврида у дуч келган синов ва кулфатлар унинг характерини шаклланишида етакчи рол ўйнади. Бу нарса уни, Худо ундан ниманики сўрамасин, барчасини бажонидил бажариши кераклигига имонини комил қилди, ишонтирди. Худо эса ундан жуда ҳам кўп нарсани талаб қилмоқ ниятида эди. Уилльям Бранхам: *«Характер — бу инъом эмас, ғалаба»* — деганида, озгина йиллар ўтмаган эди. У бу сўзларни ўзининг шахсий тажрибаси асосида айтган эди. Умид қиламанки, Уилльям Бранхам ғалабаси ҳақидаги ҳикоя Сизни ҳам Ўз ҳаётингизда руҳлантиради. Менинг ибодатим шундан иборатки, ушбу китобни ўқиб, Сиз Исо Масиҳнинг бизларнинг кунларимизда қудратини ва

яқинлигини англаб етсангизлар, шу билан бирга Худонинг муҳаббатини ва Унинг барча фарзандларига ғамхўрлигини янгича идрок этсангизлар.

Оуэн Джоргенсен, 1995 й.

Биринчи китобнинг қисқача баёни

Уилльям Бранхам болалигида бор кучи билан ўлмай қолиши учун ҳаракат қилди. Унинг отаси – Чарльз, саводсиз эди, кам ишҳақи бериладиган ишларда ишлар ва борган сари сони кўпайиб бораётган болаларини боқишга зўрға етар эди. Бу ҳаммаси етмаганидек, Чарльз ичимликка ишқибоз бўлиб, охир оқибатда бу унинг соғлигига путур етказди ва у умуман ишлаёлмай ҳам қолди. Бунинг натижасида Бранхамлар ўн боласининг энг тўнғичи, ёшгина Биллининг елкасига оилани боқиш мажбурияти тушди.

Билли Бранхам асабий бола эди ва тенгдошлари билан келишолмасди. Унинг хаётида доимо уни ҳам жаҳлга, ҳам саросималикни соладиган тўла сирли, ўзгача руҳий ҳолатлар рўй берарди. Бунинг устига, унинг онаси Элла у туғилган вақт уларнинг тоғдаги кулбачасига гир айланиб кирган ғалати нур тўғрисида тез-тез айтиб берарди: 1909-йил 6 апрель соат бешда. Бу тарих қанчалик қизиқарли бўлмасин, у Биллида саросималикни оширарди холос. Нима учун дарахтдаги қуюндан унга овоз, ҳеч қачон ичмасликни, чекмасликни ва танасини ҳеч қандай тарзда расво қилмасликни, ва катта бўлганида, унга меҳнат бор деб буюради? Ва аниқ нима учун лўли хотин томошалар ярмаркасида, унинг оркасидан нур эргашиб юрганини кўргани сабабли, уни белги остида туғилгансан дейди?

Бу ва бошқа “ечим калитлари”га қарамай, Билли фақат 1931-йили, кўричакни олиб ташлаш учун операциядан кейин, ўлимига сал қолган кунидан бошлабгина Худога мурожаат қила бошлади.

Унинг юраги уриши камайиб борган сари, касалхона палатаси чалкашиб кета бошлади, кейин эса бутунлай йўқ бўлди. Кейин у катта терак тагидаги сўқмоқчада пайдо бўлди. Бу худди ўша, болалигида қўрқитган, қуюндан чақирган ўша товуш келган жой эди. Ҳозир у шохларда айланаётган ўша қуюнни кўрди; аммо бу сафар қуюндан товуш бундай деди: ***“Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг”.***

Умидсизликка тушган ҳолда, Билли сўради:

— Ким чақирди? Ким сен? Ва сен нима қилишимни хохлайсан?

Товуш такрорлади холос:

*— **Мен сени чақирдим, сен эса келмадинг.***

Билли қичқирди:

— Исо, агар бу Сен бўлсанг, мени ерга қайтаргин, ва мен Сенинг Хушхабарингни уйларнинг томларидан ва кўчаларнинг муюлишларидан ваъз қиламан. Мен бу ҳақида ҳаммага айтаман!

Бир онда Билли тағин касалхона палатасида пайдо бўлди. У мўъжизали тирик қолди.

Энди у Худони астойдил қидира бошлади. Ойлаб у деноминация черковларига қутқарилишни излаб борди. Бир куни ота-онасининг уйи орқасидаги саройда тиззасига турди. У дилидан оташин бўлиб, ўз гуноҳларини айтди ва буюк эҳтиёжини айтди. Тўсатдан ҳавода унинг олди-да шуълаланиб, хоч пайдо бўлди ва овоз унга ноўмалум тилда гапирди. Қўрқув ўрнига, у тинчлик ва осудаликни ҳис этди, гўё, юз пудлик юкини ҳозиргина унинг елкасидан олганларидай. Охийри, у Исо Масиҳ хочида қутқарилишни топди.

Тез орада бу кечинмалардан кейин у, Амелия Хоуп Брумбах деган ёш қизни учратди, у қиз уни Жефферсонвиллидаги Баптистларнинг Миссионерлик Черковига боришга таклиф қилди. Билли у ерга доимо бора бошлади. Пастор, доктор Рой Дэвисда бу ёш одамнинг жаҳду-жадаллиги ва самимийлиги зўр таассурот қолдирди. Уни бир неча ой кузатиб юргач, доктор Дэвис Биллига хизматда бўлишни таклиф қилди. Билли ўлим тўшагида берган ваъдасини яхши эсларди: агар унга яна бир марта яшашга имконият берилса, у Исо Масиҳ Хушхабарини уйларнинг томларидан ва кўчаларнинг муюлишларидан ваъз қилади. У шундай имкониятга эга бўлганидан шод-хуррам эди.

12-БОБ
“ҲАВОДА ОСИЛГАНЧА...”
1933

ЭНДИГИНА ИМОНГА КИРГАНЛИК Уилльям Бранхам учун иккинчи даражали ютуқ, нонга “суртиш” мумкин бўладиган мой билан мураббодек қандайдир қўшимча эмас эди. У, имон, унинг нони эди. Йигирма тўрт йил мобайнида у руҳий биёбонда салкам ўлгундайин оч қолиб мақсадсиз дайдиди; ўлиб қолмай, тирик қолиш учун у, руҳий маънода, пустлоқ билан, барглар ва ўтлар билан озиқланди. Ҳозир эса, ўз бутун умри давомида биринчи марта, у руҳий витаминларга бой чинаккам озуқа еди; ўлаётган одамга Абадий Ҳаёт бериш учун осмондан тушган, Ҳаёт Нони – Исо Масиҳ эди. Билли кундан-кунга унинг руҳий кучи ўсганлигини ҳис қилди. Бирданига дунё фақат бир қадоқлар, тери, инкорлик ва парокандаликдан кўра кенг маъно унинг кўз ўнгида очди. Энди Биллида доимий умид, муҳаббат ва мақсад бор эди. Унинг Исо Масиҳга имони, атрофида унинг бутун фикрлари ва кароматлари айланадиган – таянч нухтаси – унинг борлиғи марказига айланди.

Билли ҳар бир Масиҳчи ўз ҳаётида Раббимизнинг иродасини била олиши учун Қудратли Худо қисқича Ўз фикрларини Библияда баён қилганлиги ҳақида пастори ваъзларини эшитди. Бор-йўғи улардан талаб қилинадигани – Библияни ўқиш ва ибодат қилиш. Бу мулоҳаза Билли учун доно фикр бўлиб кўринди, шу сабабдан зўр ихлос билан Каломуллоҳни билиш учун, кейин буни ҳар куни ишлата олиш мақсадида кучли иштиёқ билан Библияни ўқиди. Библия у учун кутилмаганда меърос бўлиб берилган, хазиналарга бой уйга ўхшарди гўё. У ҳамма хоналарга киришни, ҳамма столлардаги яшинларни тортиб кўришни, шкафларни очишни ва омборхоначаларни ковлаштиришни, ҳозир нималарга эгалигини аниқ кўришни хохлар эди.

Ўн йил аввал еттинчи синфни тугатгандан бери, у кам ўқир эди; натижада ўқиши эсдан чиққан ва секин эди. У ўқийдиган текстни умумий маъносини анчагина яхши тушунар, аммо Эски аҳддаги қийин исмларни айта олмасди, Артаксеркс, Новуходоносор, Зоровавель и Ванея номларни. Бунинг устига унинг кентукки шевасидан кучли фарқ қиладиган Король Иаков замонларидаги инглиз тили синтаксисини қийин ўзлаштирар эди 1933-йил бошида Билли биринчи марта ваъз қилганда, у Библияни эшитириб ўқишда ўзининг тилига ишонмади. Шу учун у Хоупни орқасидан платформада ўтириб, ҳар сафар унга белги берганда унинг ўрнига Библиядан парча ўқиб беришга кўндирди. Унинг темаси Самсоннинг шиддатли ҳаётида Худонинг ғамхўрлиги ва иноятн эди. Хоуп Хакамлар китобидан Билли кўрсатган парчани ўқиди ва у ўз фикрларини айта бошлади. Тезда йиғилишга Юҳанно 14-бобда Исо нима деганини ўқишни хохларди. У Хоупни имлади ва ўқий бошлади: *“Юрак ларингиз ғамга тўлмасин...”*. Билли уни бўлди: “Сиз эшитдингизми у ерда нима дейилган? Ташвишланманг”. У яна Хоупни имлади ва давом эттирди: *“Худога ишонинг ва Менга ишонинг”*. Билли яна уни тўхтатди: “Сиз ишонасизми? Сиз ҳақиқатдан ҳам ишонасизми?” Шундай қилиб унинг биринчи ваъз қилишга уринишлари давом этди, — шубҳасиз, ноқулай ва тутилиб-тутилиб, аммо, чуқур самимийлиги ўрнини билдирмаслигидан у жуда қизиқарли туюларди.

Элла Бранхам, мажлисда ваъзни эшита туриб, ўз ўғли сўзларини диққат билан тарозига соларди. Билли ҳаётида ҳайратланарли ўзгариш, ҳамда унинг ғайритабиий шифоланиши юрагида қандайдир руҳий нарсани чуқур уйғотди. У бунга жавобан ўттиз тўққиз ёшида ҳаётини Исога бағишлади. Шодликдан тўлиб-тошган Билли онасини Раббий Исо Масиҳ Исмида чўқинтирди.

Онасининг жавоби Биллини дадиллантирди, шу учун у отасини черковга келишга кўндира бошлади. Чарльз Бранхам Биллининг ҳамма уринишларига қарамай, рад қилди, бу томонга уни жойидан бир қадам ҳам жилдириб бўлмасди. Бу Биллига ором бермасди. У ўн тўрт ёшида операция вақтидаги дахшатли, ўшандаги умидсиз ва саросима жонлар орасига тушгандаги қўрқинчли кечинмаларга асосланиб, умидсиз йўқолган одамлар учун қайғуришдан ўзини тўхтата олмасди. Энди Билли тез-тез ибодат қиларди: “Азиз Худовандим, менинг отамни бу ерга тушишига йўл қўйма; илтимос, унга Сенинг марҳаматингни ва Сенинг кечиришингни кўришга имкон бер”.

[37]Синтаксис — сўз боғланиш методлари ва уларнинг сўз бирикма ва гапдаги формалари.

*Бир куни кечаси, қачонки оила аъзоларининг қарийб ҳаммаси аллақачон ухлаганди, Билли меҳмонхонада похол тўшакда ётганча ўша жойдаги қовоқхонада майхўрлик қилган отаси учун ибодат қиларди. Ибодат вақтида Биллига гўё овоз **“Тур”** деди. У ўрнидан турди ва нима учунлигини билмай, эшикдан чиқди, аммо қаергадир боришга майли борлигини ҳис қилди.*

Уй орқасидаги сўқмоқча ўша ерларда тарқалган тиззадан келадиган, қизғимтир дуккакли буталар ўсган, ҳали одам кўчиб келмаган бир неча ер учаскалари билан кесишарди. Биллига юлдузлар

нури сўқмоқдан боришга ёрдам берар эди. Майдоннинг ўртасига бориб, у тиззасига турди, бошини эгди, қўлларини кўксига қўйди ва отаси учун ибодат қилишга давом этди. Кутилмаганда у кўзини очди-ю,ўзидан уч метр нарида, олдида турган одамни кўриб сесканиб кетди. Бу жуда бошқача одам эди: пастгина, нозик жуссали, сочлари елкасигача тушган, калтароқ соқолли ва самодаги юлдузлар нурида аниқ билиниб турган оқ кийимда эди. Бу эркак Биллига ёни билан бурилган турар ва шарқ томонга қараб турарди. Ундан ором ва осойишталик тараларди. Унинг қўли кўкрагида букилган, оёқлари эса шахмат тартибида жойлашганди — бир оёғи бошқасидан хийлагина олдинроқда эди. Билли яна бир бор унинг оёқларига разм солди. Бўлиши мумкин эмас, ахир унинг оёқлари ерга тегмасди!

"Тўхтачи", — Билли ўйлади-да, шу вақтнинг ўзида қўлини "суякчасини" тишлаб оғритди. "Мен ухламаяпман. Йўқ, мен у ерда отам учун ибодат қилдим ва нимадир менга бу ёққа чиқишимни айтди... ва мана бу ерда бу одам турибди".

Бу ҳаммаси жуда реал бўлиб туюлди; ўскин ўтларни тебратган ўша шабада бу нотаниш одамнинг оқ кийимларини тортқиларди. Билли оқ толнинг шохчасини синдирди ва тиш тозалагич сифатида оғзига этди. У ўйлади: "Раббим Исога ўхшаб кўринади. Қизиқ, бу У эканми?"

Сўқмоқчадан тушиб, Билли бу одамнинг юзини озгина яхшироқ қараб кўриш учун яқинлаша бошади. У йўталиб қўйди: "Ҳм – ҳм". Эркакгина қимирламади. Билли ўйлади: "Уни чақириб кўрайчи". У деди: "Исо!"

Бегона одам бурилиб қаради ва қўлини чўзди.

Бу Биллининг энг охирги, ёдида қолгани эди. У турган жойида эсдан кетди-ю, йиқилди; аммо, бу сиймо абадий унинг хотирасига қолганидан кейингина ҳушдан кетди, — юз қиёфаси шундай чуқур характерни ифодалар эдики, уни оламда бирор-бир рассомга ҳеч қандай тарзда бўёқлар билан уни етказа ололмасди. Бу юздан бешафқат хокимлик кўриниб турарди: У шундай кўринар эдики, агар биргина сўз айтса, унда дунё йўқ бўлиб кетар эди — ва лекин, Унинг кўзларидан шундай бир таърифга сиғмайдиган, тил ожизлик қиладиган мулойимлик, раҳм-шавқат ва муҳаббат акс этар эди.

Тонгда Билли ўскин оқ толларни устида далада ётиб, туннинг совуқ ҳавосидан ва шубҳасиз ўзининг кўз ёшларидан ич-ичигача ҳўл бўлиб кетган пижама кўйлакнинг намлигидан қалтираб, ўзига келди. У уйига борди, кийинди, кейин эса, қувончи ичига сиғмай, бу кўрганлари ҳақидаги фикрини билиш учун пасторининг уйига борди.

Бу кечинмалар умуман доктор Дэвисни севинтирмади. У деди:

— Билли, бу сени ақлдан оздиради. Бу шайтондан. Бунақа, ҳеч нарса билан ҳазиллашма.

Бу сўзлардан Билли хафа бўлди, чунки буни, у жуда ҳурмат қиладиган одами айтганди. Бу ҳақида яна бирор кишининг фикрини билиш илинжида пасторнинг уйини қўрқув ва саросимада тарк этди. Биллининг кейинги борган одами, унинг эски дўсти, руҳоний МакКинни бўлди. Бу қарри хизматчига ҳамма бўлиб ўтганларни айтиб берди.

— Шундай қилиб, МакКинни ака, сиз нима дейсиз бу ҳақида?

Руҳоний МакКинни ўйланиб иягини қашиди.

— Нима ҳам дердим, Билли, мен сенга ўз фикримни айтаман. Мен ўйлайман, сен агар покиза яшасанг ва мана бу ерда Библияда ёзилган — Худо иноятн ва бошқаларни ваъз қилсанг холосгина, — сен яхши вазиятда бўласан. Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда эди, мен қандайдир фантастик нарса билан қизиқмасдим.

— Сэр, мен қандайдир фантастика билан шуғулланмоқчи эмасман. Мен буни, ўзи нималигини билишга уриняпман холос.

Руҳоний МакКинни бошини чайқади.

— Билли, кўп йиллар бурун одамларда шунга ўхшаш кечинмалар черковда бўлганди, аммо қачонки ҳаворийлар ўтиб кетгач, бу нарсалар улар билан бирга йўқ бўлди. Бизларни кўпларимизда бунақа ҳодисалар бирдан-бир иблис ва жинлар билан боғлиқ.

— О-о, Мак Кинни ака, сиз буни жиддий айтяпсизми?

— Ҳа.

Билли биргина шу фикрнинг ўзидан сесканиб кетди.

— О, Худойим, менга раҳм қил! МакКинни ака, илтимос, мен билан ибодат қил, Худо мен билан бунақа кечинмаларни бўлишига йўл қўймасин. Сиз биласиз, мен Уни севаман ва мен бу нарсаларда хато қилишни истамайман.

— Ҳа, мен ибодат қиламан, Билли ака.

Улар иккаласи пастор уйида полга тиззага чўк тушишди. Руҳоний МакКинни ибодат қила бошлади:

— Осмондаги Ота, мен Сендан бу ёш Масиҳчи акани ҳаётини иблис ҳодисотларидан асрашингни сўрамоқчиман.

— Ҳа, Осмондаги Ота, илтимос, йўл қўйма, яна бошқа бу нарсалар мен билан содир бўлишига йўл қўйма, — Билли ибодатда рози бўлди.

Улар эса ҳеч нарса бўлмагандай, буни устига узлуксиз рўй беришда давом этаверди. Айрим пайт қандайдир ғалати босим унинг терисига таъсир қиларди, гўё нимадир (ёки кимдир) кўринмасдан унинг ёнида турар ва унга эсарди. Унинг терисига санчилар ва бу сезги унга қўрқув соларди. Баъзан, иш вақтида, у бирдан умуман бошқа жойга бир неча дақиқага "кўчарди", у ерда нимадир қандай бўлиб ўтишини кузатарди; у буни шунчалик аниқ кўрардики, гўё театрнинг биринчи қаторида ўтириб, пъеса пастановкасини кўргандек эди. Кейин трансдан чиққач, (асабларнинг кучли қўзғалиши) у, бошлаган ишига қайтарди, ҳеч нарса бўлмагандек, унинг ҳаёти ўз маромида давом этарди. Аммо бу кўриниш Биллиининг фикрида қоларди, чунки у ўша ерда бўлган эди. У ниманидир кўрар экан, ҳатто, агар бу нарса нимани англатишини билмаган тақдирда ҳам, уни унитолмас ёки бунга беэътибор бўлолмас эди.

Билли яна пасторнинг сўзларини эслади: "Агар ҳаётингда Худо иродасини билмоқчи бўлсанг, унда Библияни ўқи ва ибодат қил". Билли одамларнинг кўзидан нарироқдаги, қари эманнинг тагида, хилватгина жойни топиб ва ўзининг муҳтожи учун алламаҳалгача ибодат қилди. Бир куни ярим кечадан ўтиб у шимидан чангни қоқди-да, уйига кетди. Уни келганини онаси эшитиб, чақирди-да, синглиси касал бўлганлигини айтди. Билли Дэлорес ухлайдиган хона эшиги олдида тўхтади-да, уч яшар сингилчаси учун ибодат қилиб, кейин эса юқорига, ўзининг хонасига кўтарилди. Орқасидан эшикни ёпишга ҳам улгурмай, иккита изоляциясиз, очиқ электр симининг учқун чиқарганидаги чарсиллаганига ўхшаш товушни эшитди. Хонада қисқатуташув бўлмадимикан? У девордаги розеткага синчиклаб қаради, аммо бирданига хона одатдан ташқари ғалати бир сарғимтир-яшил нур билан ёришди. Икки дақиқадан сўнг хона бутунлай йўқолди.

Билли гўё ҳавода муаллақ турарди. Қўрқув унинг юрагини қисди. Нима рўй берди? Ёки у ўлаётибдимикан? Ё у аллақачон ўликми? Унинг атрофини олдингидек равшан қилаётган бу нур, юқоридан, қандайдир манбадан тараларди. У юқорига қаради, тебраниб ва гир-гир айланиб, қарийб унга тиқилиб келган шуълаланаётган юлдузга кўзларини хонасидан чиққудай тикилиб, ҳайратдан оғзини очиб юборди. Биллининг юраги улкан дўмбирадай урарди; кўкрак қафаси қисилар ва нафаси ичига тушиб кетди. У қичқиришга уринди, лекин ўпкасидан ҳавони чиқаролмади. Ҳеч нарса бўлмагандай, бу ёлқинланаётган шар яқинлашар экан, охири ўлчами муштдек бўлгунга қадар кичраяверди. Бу алангаланаётган масса унинг кўкрагига кўринмас куч билан урилди ва унинг юрагига ботди.

Шу пайт атрофдаги вазият ўзгарди. Билли ўтлари ўсиб ётган тепаликда пайдо бўлди. Ерда, унинг олдида эски, олдинги модадаги музчали ширинлик бонкаси турарди: туби тўртбурчак, оғзи эса айлана банка эди. Лекин банкада ялпиз ҳидли конфетлар ўрнига, озодликка чиқиш учун ўзини жазавада ҳар ён отиб, шишага урилаётган тун капалаги қамалган эди. Қишлоқ жойларини кузатиш мақсадида, Билли ўнга бурилди. У ерда оқ кийимга бурканган, ифодаси бешафқат ва даҳшатли Фаришта шуълаланаётгандай эди. Билли Фариштани юзини кўрмоқчи бўлиб, кўзларини қисди, аммо уни таниёлмади. Фариштанинг юзи хира нурланиб кўринар эди.

— **Диққатли бўл. Қара, мен сенга нимани кўрсатаман, —** *деди Фаришта ва банкани кўрсатди.*

Билли банкага қаради-ю, шу фурсатда бир қўл банкага тош отганини ва тун капалагини "зиндонча"сини чил-чил синдирганини кўрди. Семиз тун капалаги учиб кетишга уринди, лекин ердан узилолмади: танаси унинг калта қанотчалари учун ҳаддан ташқари оғирлик қиларди. Ўшанда ғумбак оғзини очди ва у ердан ғуж-ғуж пашшалар учиб чиқди-да, ҳавони дарғазаб ғувиллаши билан тўлдирди. Пашшалар ҳар томонга учиб кетди ва улардан бири Биллининг қулоғига кирди. У сесканиб кетди ва афтини буриштирди.

— Ҳушёр бўл. Бу пашшалар фолбинлик ва келажакни башорат қилувчиларга ўхшаш ёвуз руҳларни ифодалайди. Шай бўлиб тур, *— деди Фаришта.*

Билли қандай қилиб уйида пайдо бўлиб қолганини ҳам тушунмай қолди. Бир секунд олдин баланд ўсган ўтли тепаликда турган эди, бир секунддан кейин эса, яна ўзининг қоронғи хонасида пайдо бўлди. Бунда у ҳатто мижжа ҳам қоқмади. Қаерда ўзи бўлди у? Қандай қилиб у ерга пайдо бўлди-ю ва қандай уйга қайтди? Бу кўринишдан қалтироққа тушиб, у адёлига ўранди. Аммо ўша оқшом у ҳеч қандай ухлай олмади. Бу нимани билдирар экан, деб ўйлайвериб, Фариштанинг огоҳлантиришини фикрида тўхтовсиз "айлантираверди".

Кейинги куни Билли ишда ҳаддан ташқари ҳушёр, ҳатто асабий эди. У ҳар дамда муҳим бир нарсани кутди. Тушлик танаффус вақтида боққоллик дўконига кирди,дўконда эса Жорж ДеАрк ва унинг акаси Эд ишлардилар. Дўконнинг тўрида Билли Жоржга кечаги ваҳийни сўзлаётганди, шу пайт асосий эшикдан бир аёл кирди, Биллини ғалати босим чулғаб олди: ўша тез юрар автобусга кирганда, асролог-аёл уни безор қилган вақтда бўлган ўша ҳис-туйғу эди.

— Жорж, бу аёл қандайдир шубҳали кўринади, — деб, ўртоғига ҳалиги айтганларини эслатиб қўйди.

Касса олдида тўхтаб, аёл Эд ДеАркка деди:

— Мен Бранхам фамиляли одамни қидиряпман. Менга уни Худо танлаган одам дейишди.

— Нима ҳам дейман, омадингиз бор экан. У дўконда, шу ерда.

Эд дўконнинг тўрига қараб бақирди:

— Билли, бу ерда кимдир сен билан суҳбатлашмоқчи.

Билли аёлни олдига келгач, у сўради:

— Сиз Уилльям Бранхам, Худонинг пайғамбаримисиз?

— Ҳа, мен Уилльям Бранхам.

— Мистер Уилльям, Мэррилл устида мўжиза қилган сиз эмасми, яна ўн етти йил фалаж бўлиб ётган Мэри Дер Оханионни шифолагансиз?

Билли бош чайқади.

— Леди, сиз буни нотўғри тушунгансиз. Мен — Уилльям Бранхам, ва мен ўша ерда, қачон бу икки мўжиза бўлганда, бор эдим, аммо бу одамларни шифолаган мен эмас. Исо Масиҳ бу мўжизаларни қилди.

Бу жавоб уни қониқтирди.

— Мен айрим қимматли бойликларимни йўқотдим, ва менга уни қаёрдалигини аниқлаб беришингизни хохлардим.

Билли аёлнинг айтиб бериш деб, нимани у кўзда тутаётганини тушунмаса-да, аммо, ўтган кечасидаги ваҳий шу вазият ҳақида огоҳлантирганини шубҳасиз биларди. У деди:

— Хоним, сиз бошқа одам олдига келдингиз; сиз шу фолбин ёки медиум (сеҳргар)ни излаётган бўлсангиз керак.

Бу сўзлардан у ҳайрон бўлди.

— Сиз нима, сеҳргар эмасми?

— Йўқ. Сеҳргар шайтондан, мен эса — Масиҳчиман ва менда Худонинг Руҳи.

Аёл совуқ тикилганча серрайиб қолди. Бирданига Билли унинг ўзи сеҳргарлигини билиб қолди. У деди:

— ўтган оқшом Раббим менга ваҳийда, сизнинг келишингиздан огоҳлантириш ва мени ҳушёр бўлишимни айтиш учун Фариштасини юборди. Сиз қилаётган иш — шайтондан ва Худонинг Руҳи бундан хафа.

— Мен — мен дори ичишим керак, — деб қўллари билан юрагини чангаллади.

— Хоним, бу ишлар билан шуғулланишни бас қилинг, ва юрагингиз билан ҳаммаси жойида бўлади.

Аёл пошнада бурилди ва дўкондан нафрат билан чиқди. Унинг яна тўхтагани ва яна юрагини чангаллагани ҳали кўриниб турарди. Кейин қаттиқ чинқириб, йўлакка йиқилди. Эд ва Билли унинг ёнига бориб, уни ўлик ҳолида топдилар

Гарчи ҳамма вақт ҳам шундай тушунарли таъбири бўлмасада, бошқа кўринишлар ҳам ваҳийларда келарди.

Кейинги ваҳийлардан бирида Билли ўзини оқшомдаги қоронғи соялар тушиб турган йўлда ирғишлаб, сакраб-сакраб юрганини кўрди. Унинг кўнгли шунчалик беташвиш ва шод-хуррам эдики — ўзини худди ўша биринчи марта юрагини Исо Масиҳга берганидагидек ҳис қилар — ваҳийда ҳам севинчини ичига сиғдиролмай сакраб, муштларини, қулочларини отиб силкитар эди. Бирданига улкан қора кўланка унинг олдига чиқиб қолди, бу гўё унга ташланмоқчи бўлган баджаҳл итга ўхшарди. Билли сапчиб тушди-да, уни тепиб юборди ва бақирди:

— Ит, бу ердан кет!

Бу қора кўланка кўтарилиб, бутунлай қаддини ростлади. Билли ғоят ҳайрон бўлиб қараса, бу умуман итни эмас, балки, баланд бўйли, қора кийимли одамни кўрди. У бўкирди:

— Хўш, сен мени ит деб ҳақорат қилдингми?

— Мени кечиринг, сэр, — Билли кечирим сўрай бошлади. — Мен сизни итми деб ўйладим, чунки сиз эмаклаб чопиб келдингизда.

Бу нусха ўдағайлади:

— Сен мени ит деб ҳақоратлашга қандай журъат этдинг?! Мен сени бу учун ўлдираман!

У камаридан узун қиличини чиқарди ва Биллини устига аста-аста ишонч билан кела бошлади. Ўлдириш ниятида, унинг кўзлари ёнди.

— Илтимос, сэр, — Билли орқасига тисарилиб, ялинди, — илтимос, мени тушунинг. Сизни одам эканлигингизни мен билмадим. Мен ростдан ҳам сизни ит деб ўйловдим.

Бу телба ниятидан қайтмайдиган, ҳар қадамда у борган сари кўпроқ иблисга ўхшайверди.

— Мен сенга қандай қилиб мени ит деб ҳақорат қилишни ўргатаман! Мен сени ўлдираман!

Билли тўсатдан орқаси билан оқава сув қувурига суяниб қолди. У мушкул аҳволда қолди.

— Сэр, мен ўлишдан қўрқмайман, чунки менинг қалбимда Исо. Мен фақат сизни адашиб ит деворганимни тушунишингизни истайман.

Қора кўланка телбаларча ириллади, холос:

— Сени мен ўлдираман!

У қийшиқ шамшири билан ўқталди ва зарба беришга шайланди.

Шунда Билли бақириб юборди ва шу заҳоти юқоридан шовқинни эшитди-ю, у шу учун кўзларини баландга тикди. Оқ кийинган одам шитоб билан осмондан пастга учарди. У Биллининг ўнг томонидан дадил турди ва унинг рақибини қатъий, мустаҳкам иродали нигоҳи билан қаршилади. Унга ҳужум қиладиган сапчиб тушди-да, тисарилди; унинг боши узра кўтарилиб турган шамшири қалтиради, кейин эса қўлидан тушди. Қора нусха ўзини у ёндан бу ёнга урганча, кучи борича қочиб кетди.

Оқ кийимли киши Биллига бурилди ва жилмайди — ҳеч бўлмаганда, у буни табассум деб қабул қилди. Билли олдингидагидай уни юзини кўриб олиш учунроса тиришди, аммо Фаришстанинг юзи хира ва фарқ қилиб бўлмайдиган эди. Фаришта оппоқ кийимга бурканганча, яна осмонга қайтиб кўтарилди. Шу билан ваҳий тугади.

Бу нимани англатиши мумкин? Билли қатъий эмасди, аммо ҳозирча у аниқ, равшан талқин олмаганлигидан, уни Худо шайтоннинг ҳар қандай тузоғи ва найрангидан асраш учун Фаришстасини юборади, шуни англатади деб қарор қилди.

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ўзининг янги хизматига жиддий ёндашди. Ўзининг ваъдасига вафо қилиб, у ҳар қандай имконият бўлганида Хушхабарни ваъз қилди ва имон билан Исонинг муҳаббати ва иноятини олдинги дўстлари билан, тасодифий танишлари ва умуман нотаниш кишилар билан баҳам кўрди. Раббийга имонга келтирганларининг биринчиларидан бири, шерифнинг ўринбосари, Биллининг Фриц лақабли овчи итини заҳарлаган мистер Шорт эди. Ундан кейин Билли кўплаб бошқа кишиларни имонга олиб келди ва доим Исо тўғрисида гувоҳлик берарди. У ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда ҳам гапиришга қўрқмасди: механиклар гаражларида, кўчалар муюлишларида, автобус бекатларида ва шаҳар хиёбонларида — ҳар қандай тўхтаб, уни эшитадиган одамларни топиб билган жойларда. Бунинг натижасида унинг имони доим синалар эди.

Бир куни, шанба куни Билли хиёбонда бир кичикроқ одамлар тўдасида ваъз қилар эди, ва худди шу пайт уларнинг ёнидан, шу яқинда яшайдиган бир одам, дўкондан қўлида маҳсулотлари солинган пакети билан ўтиб қолди. Бу одам бир пайтлар рим-католик руҳонийси бўлиш учун ўқиган, аммо кейин умуман динни ёмон кўриб қолган ва ҳозир у имонсизлигини яширмасди ҳам. Бу йигит лунжида чайнайдиган тамакини каттагина бўлагини шимиганча бир дақиқа эшитиш учун тўхтади. Охири деди:

— Воиз, сен тўхтамай Библия ҳақида гапирасан, худди унда бирор яхши нарса бордай. Бу Библия — ҳамма ёзилган китоблардан энг жиркнчи. У шунчалик ёлғончики, уни жамият адабиётлари орасида пайдо бўлмаслиги учун,таъқиқлаш керак.

— Нима ҳам деяр эдим, бу озод мамлакат. Сиз ўз шахсий фикрингизга эгасиз, — деди Билли.

Собиқ руҳоний суюқ тамаки массасини Биллининг оёғигача чўзилтириб туфлади.

— Воиз, Худо бор деб чиндан ҳам ишонасанми?

— Ҳа, сэр, мен ишонаман.

— Ва сен Исо деган бу Худо-одам деб ҳам ишонасанми?

— Ҳа, сэр, мен Исо Масиҳни ҳам одам эди ва ҳам Худо эди деб ишонаман.

— Ва сен Уни, ўша одам танасида ўликдан тирилди деб ишонасанми?

— Ҳа, сэр, мен ишонаман.

Эркаккина яна бир отим тамаки олди-да, лунжига отди.

— Агар, мен сенга Худо-одам деган нарса йўқлигини исботласам, сен буни қабул қилармидинг?

— Ҳа, сэр, мен қабул қилар эдим.

Эркаккина айёрона тиржайганча лабини бурди.

— Хўш, унда, воиз, менга айтчи, одамда нечта ҳис туйғу бор?

— Давом этинг, сиз ўзингиз биласиз, қанча улар.

— Ҳа, аммо мен сени айтишингни хохлайман.

— Кўриш, таъм билиш, ҳид билиш, сезиш ва эшитиш, — шариллатиб ташлади Билли.

— Яхши, хўш агар Исо, сен айтгандай Худо-одам бўлса, бу бешта туйғудан бирортаси Уни кўрсатиши керак, шундай бўладида ахир?

Уларни атрофдаги оломон завқ қилиб, диққат билан эшитарди.

— Анчагина асосли эшитилади, а нима? — Билли ҳушёр тортиб жавоб қилди.

— Сен қачон бўлса ҳам ўз Худойингни кўрдингми?

— Ҳа, албатта. Бир куни кечаси, шу яқинда, мен...

— Унда менга қўй, рухсат бер Уни кўришга, — эркаккина уни бўлди. — Мен ҳозир имон тўғрисида эмас. Менинг кўриш туйғум худди сеникидек.

— Мен Уни ваҳийда кўрдим, — Билли деди.

— Унда рухсат бер, мен ҳам ваҳий кўрай.

— Мени қўлимдан келмайди. Фақат Худо кўрсата олади...

— Унда сен билан ҳаммаси тушунарли: сен ҳеч қачон У билан бешта туйғунг орқали алоқада бўлмагансан.

— Мен Уни сезаман.

— Ҳўш, агар сен Уни сезсанг, унда мени ҳам Уни сезишга рухсат бер, сезайин. Мени сезиш ҳис туйғум сеникидан ҳеч ҳам кам эмас. Исони бу ёққа олиб кел, Уни мен ҳис қилишим учун, ва ўшанда мен Унга ишонаман.

Билли безовталаниб жавоб берди:

— Мен Уни юрагимда сезаман.

— Унда мени ҳам юрагимда Уни сезишимга рухсат бер, — эркаккина қаршилик қилди.

— Агар сиз ишонсангиз...

— Хўш, менга сенинг психологиянг керак эмас. Мен ҳақиқатни билишни истайман.

Эркаккина яна бир туфлади ва суюқ тамаки массаси яна Биллининг оёғи томон тушди.

— Сэр, илтимос, менинг оёғимга тупурманг.

Собиқ руҳоний тантана қилди:

— Хўш, воиз, нима бўлди? Қўчқор шохингни усталик билан букиб қўйдим, а? Сен Уни ҳеч қачон кўрмагансан, сезмагансан Уни, ҳис қилмагансан Уни, таъмини, Уни пайпасламагансан ҳам ва Уни эшитмагансан. Шу учун, агар Уни бешта туйғу кўрсатмаса, унда Худо деганини ўзи йўқ, ва сени сафсатанг билан одамларни алдашдан тўхташ вақтинг келди.

Бу одамда далил-исбот бўлиб, уни жиловлаш қийин эди. Билли юрагида, донолик сўраб ибодат қилди.

— Сэр, сизда яхши исбот-далиллар бор деб ўйлайман.

Эркаккина мағрурона жилмайиб, деди:

— Сен ўзингга кела бошлаяпсан, шундай эмасми?

— Мумкин, шундай ҳамдир. Сиз чиндан ҳам ақли расо одам экансиз. Сизда зўр идрок бор, — Билли жавоб берди.

Мунозарачи мухолиф яна чайнайдиган тамакини тупурди ва мағрурлик билан пишқириб қўйди:

— Бўлмасамчи, албатта, мени ақлим зўр. Менинг онам ҳеч қачон ахмоқларни ўстирмаган.

— Бир минутга. Сиз менда ақл бор дедингизми?

— Албаттада, менда ақл идрок бор. Ахир бу ҳаммада борку, шундай эмасми?

— А бу инсон ақлими? — Билли сўради.

Эркаккина бир оз боши қотгандай туюлди.

— Ўғлим, сенга нима бўлди? Сен ақлдан озганга ўхшайсан. Албатта, бу инсоний ақлку.

— Хўш, агар бу инсоний ақл бўлса, унда инсоннинг бирор бир ҳис туйғуси уни кўрсатиши керак, шундай эмасми? — деди Билли.

— Хўш, ўйлайманки, нима...

— А сиз сира, қачон бўлса ҳам ўз ақлингизни кўрганмисиз?

Энди беҳуда ўсал бўлиш навбати келди.

— Хўш... ҳм... мумкин, врачлар агар...

— Йўқ, мен мияни демоқчи эмасман, а ақл-идрокни, — Билли чўрт кесди. — Мия билан ақл ўртасида фарқ бор. Мия бу орган, қайсиники кўрса бўлади, агар бош суяги орқали қаралса; ақл эса бу фикрлар, мияда жойлашган. Шу учун, сиз ҳеч қачон кўрмаганмисиз ўз ақлингизни, шундай эмасми?

— Ҳа, ўйлайманки кўрмаганман.

— А сиз бирор пайт сездингизми ақлингизни? Ёки ҳис қилдингизми? Мумкин уни эшитгандирсиз? Йўқ, сиз ҳеч қачон бунақани бошдан кечирмагансиз, а? Шу учун сизнинг мулоҳазангизга асосан сизда ақл йўқ.

— Мен аниқ биламан, мени ақлим бор! — дарғазаб жавоб берди у одам.

— Ва мен ҳам аниқ биламан, менда ҳам Худо бор, — ўзининг далил-исботларини аъло даражада асосланганидан қаноатланиб, — деди Билли.

Кейин у донолик билан хотимани ўйлаб топди. Эшитувчилар орасида костюмининг ёқасига бандакланган гулчаси бор йигит турарди. Билли ундан бандакни олди.

— Энди менинг далилимни кўряпсизми? — деди у ва собиқ руҳонийнинг қўлига суқди.

— Эй!

— Сиз буни сездингизми? — Билли сўради.

— Албатта, — қўлини сийпалаб ва у томонга жаҳл билан қараб, жеркиди у.

— Таажжуб, аммо мен ҳеч нарса сезмадим, — Билли бироз кулиб қўйди.

Унинг атрофидаги одамлар ҳам кулишди.

— Мана, ҳозир бу бандакни сенга суқаман, ва сен ҳам дарров сезиб қоласан.

Билли энди рақибини боши берк кўчага киритиб, уни хохлагандай айлантирарди.

— Шунда-да, менинг ҳамма исботу-далилим. Агар сиз Ўша Исо Масиҳни, мен қабул қилгандай қабул қилсангиз, унда сиз, мен қандай Уни сезгандай сезасиз.

У ўзини фикрида қолган ҳолда, беҳуда аламдан ёнганича, кетиб қолди. Бу Биллини ажаблантирмади. У бор йўғи бир неча ойдан бери имонга келган бўлса-да, у озгина одамларга гувоҳлик бермади ва англадики, ҳатто яхши далил-исбот билан ҳам одамнинг фикрини ўзгартира ололмас экан. Имон — бу ваҳий, Худодан юбориладиган.

13-БОБ
СИРЛИ ЮЛДУЗ ЯНА ПАЙДО БЎЛДИ
1933

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Баптистлар Миссионерлик Черковида бор йўғи ўч ой ваъз қилди, ва у билан доктор Дэвис ўртасида ихтилоф бўлиб ўтди. Доктор Дэвис Биллини шу атрофдаги маэлисдаги бир нечта аёлларни воизликка бағишлашин хохларди. Билли қатъий рад этди.

— Бу яна нимаси? — доктор Дэвис жазава билан сўради, ўзининг бўйсинадиганини қатъийлигидан жаҳли чиқиб, доктор жазавада деди. — Сен ахир шу йиғилиш каттасику. Шу черковнинг низомии ҳимоя қилиш сенинг бурчингга киради, — унга пастор эслатди.

— Доктор Дэвис, мен бағишланган шу баптистлар имони ва ҳаммаси ҳурматим баробари, мен черков таълимотида, аёлларни воизликка бағишлаш ҳам киришини билмагандим.

— Шунга қарамай, бу черковнинг таълимоти шунақа.

— Сэр, сиз фақат шу оқшомгина мени бу мажбуриятдан озод қилолмайсизми? — Билли илтимос қилди.

— Йўқ, у ерда бўлиш сенинг бурчинг

Билли доктор Дэвис ундай бўлсаям, бундай бўлсаям, ҳақлигини сезди: маҳаллий черков ҳимоя қиладиган ҳамма нарсани оқсоқол бўлгани учун қўллаб-қувватлаши керак эди. Уни бу ерда алдаб тортганликларини ва ич-ичидан бу адашиш эканлигини ҳис этиб, Биллини қўрқинчли туйғу қоплади.

— Унда сиз, ҳеч бўлмаса бир неча саволимга жавоб беролмайсизми?

— Буни мен қиламан.

— Илтимос, тушунтирсангиз, нима учун Павел Коринфликларга биринчи мактуби 14-оятида: *“Сизнинг (хотинларингиз) аёлларингиз черковда сукут сақласин; зеро уларга сўз гапириш рухсат берилмаган”?*

— Албатта, — доктор Дэвис деди ва муомаласида ўзидан ўзи хурсанд, ўзига ишонч билан тўлиб тошди. — Ўша кунлари ҳамма аёллар ғийбат қилишар ва баланд гапириб бурчакларда орқада ўтиришар эди, шу учун Павел айтди: “Уларга буни рухсат берманглар”. Тушундингми?

Билли учун бунақа тушунтириш Каломдаги бошқа ўқиган жойлар билан боғланмади.

— Унда менга 1-чи Тимофей 2... тушунтиринг..., — Билли ўша парчани топмагунича Библияни варақлайверди, — Павел гапирган: *“Хотин таълим беришига эса рухсат бермайман, эркак устидан ҳукмронлик қилишга ҳам, лекин сукут сақласин. Чунки олдин Одам Ато, кейин Момо ҳаво яратилган; ва Одам эмас, балки хотин шайтонга алданиб, жиноят қиди. Агар хотинлар имонли, меҳрли, номусли, муқаддас умр сурсалар, бола туғиш орқали нажот топадилар”.* Хўш мана, доктор Дэвис, уни бирор нарсада адашмоқчи эканлигини назарда тутмаяпман, лекин айнан шунда уни алдадиларку ахир. Шунинг учун Худо уни ваъзхон бўлишини хохламайди.

— Бу сенинг шахсий фикрларингми? — сўради доктор Дэвис, қошларини чимириб.

— Бу Ёзувнинг фикри менинг-ча.

— Яхши йигит, бунинг учун баптист черкови хизматчи рухсатномасини олиб қўйиши мумкин.

Билли билинтирмай ўзининг орқа киссасидан ҳамёнини чиқарди

— Мен чиндан ҳам уларни кўп ташвишлардан халос қиламан ва уни хозирнинг ўзида қайтариб бераман. Агар мен ундан озод бўлсам, яхшироқ бўлади, чунки кўриб турибман, бу мен учун оғир юк.

— Йўқ, йўқ, Билли ака, кел яхшиси бу тўғрисида жуда ҳам шошмай турайлик.

Мана шу заифгина келишиш муомаласи билан бу баҳс тугади. Униси ҳам, буниси ҳам ўз фикрида қатъий турганлигидан, иккаласи ҳам бир битимга келдилар, зеро Билли ўз йўлидан бориши ва Раббий учун ўз меҳнатини бошлаши керак эди. Уларнинг қарорини маҳкам қўл қисиш билан тасдиқланди ва иккала эркак ҳам дўстларча ажралдилар.

Орзулари тўлиб тошган ва ғайратини зўрға тутиб, Билли Жефферсонвиллидаги эски Мосон Холлни ижарага олди ва якшанба кунлари йиғилиш ўтказа бошлади. Биринчи якшанба унинг ваъзини эшитишга бир нечтагина одам йиғилди, аммо ундан кейин унинг йиғилишига ҳар ҳафтада бир-икки кишидан кўпая бошлади. Билли ишхонасида учратган янги одамларгаям ва бутун ҳаётини билган эски танишларига ҳам доим ўзининг имонини бўлишар, гувоҳлик берарди. Шунчалик кўп одамларни черковга таклиф қилганидан, унинг якшанба йиғилишига доим янги одамлар келишарди. Бу

келадиганлардан айримлари Масиҳни ўзларининг Нажоткори деб қабул қилишар ва Биллининг йиғилишларига доимо кела бошлардилар. Оз-оздан унинг қавми кўпаяверди.

Билли, ҳар бир янги имонга келган одамнинг пайдо бўлиши билан бўш вақтидан кўпроқ жудо бўларди, аммо у бунга қарши эмасди. Аслида, бу унга ёқарди. Ахийри, шунча йиллар рад этилгани, хўрланганидан кейин, Исо Масиҳдан уни ўзларининг пастори ҳисоблаган одамлар гуруҳидан муҳаббат ва ҳурматга сазавор бўлди. Ниҳоят, у ҳаётда ўз жойини, яшаши учун ўз мақсадини топди, ва у бутун қалби билан ўзини Масиҳ меҳнатига бағишламоқчи бўлди.

1933 йилнинг июнида Билли, икки ҳафталик уйғониш йиғилишларини мўлжаллаб, Жефферсонвиллидаги бўш майдондаги катта цирк палаткасини ижарага олди. Якшанба куни, унинг йиғилишларини бошланишидан бир ҳафта олдин, у Масон Холлдаги якшанба мактади дарсига тайёргарлик кўраётган пайтда, трансга тушди ва олдин у бошидан ўтмаган қандайдир нарсани бошидан ўтказди.

У бутун дунёни, олдида тўшалган дастурхондагидек кўрди ва у қандайдир тарзда бўлиб ўтаётган воқеалар оқими билан алоқадор эди. Малла-жигарранг чарм кийимли унисон[38] кўп овозли товушлар ритмида ҳарбийча қадам ташлаётган аскарларни кўрди; уларнинг милтиқлари стволларида найзалари ялтирарди; кейин у бу солдатларни уларга таёқлар, шоха ва ўроқлар билан қаршилик қилаётган қора танли одамлар тўдасига ҳужум қилаётганини кўрди.

[38] Унисон — икки ёки ундан ортиқ бир хил баландликдан товушларнинг жўр овози, ҳар хил созлар ёки товушларнинг жўрлигига мос ҳолда қадам отиш.

Биллининг ўнг томонидан, орқа томондан, унга кўринмайдиган томондан Овоз гапирди. Бу ўша етти ёшида терак баргларидан гапирган ўша Овознинг ўзи эди; теран ва аниқ овоз ҳозир деди: ***“Бенито Муссолини Эфиопияга бостириб киради ва уни забт этади. Бечораҳол мамлакат унинг оёқларига йиқилади. Кейин Италия бошқа мамлакатларга ҳужум қилмоқчи бўлади, аммо мағлубиятга учрайди, Муссолининнинг ўзи эса шармандали ўлим билан дунёдан ўтади”.***

Аҳвол, вазият ўзгарди. Энди Билли кулранг ҳарбий формадаги солдатларга қарши курашган кулранг-яшил формада кийинган солдатлардан иборат армияни кўрди. Билли танкларни, портлашлар ва улкан бетонли бункерлар, пушкалар, пулемётлар уялари ва тиканли симлар тўрини кўрди. Орқасидан овоз тушунтириб берди: ***“Австриядан чиққан, ёш немис, Адольф Гитлер, дунёни урушга тортади. Америка бу урушга қатнашади, ва шу воқеалар мобайнида Франклин Рузвельт президентлик лавозимига тўртинчи муддатга сайланади. Германия ҳайбатли бетон девор ортида мустаҳкамланади, ва Америка бу бетон деворни тирик қўшинларининг катта талафоти билан ёриб ўтади, Гитлер бўлса, сирли интиҳога келади”.***

Бу ваҳий бошқасига айланди. Унинг кўз олдида Европа, географик карта кўринишида пайдо бўлади, у қандай қилиб давлат чегаралари ўзгаришини ва янги сиёсий секторлар тузилганини кўрди. Овоз гапирди: ***“Бутун дунёда ҳукмронлик қилиш учун учта сиёсий идеология курашади: фашизм, нацизм ва коммунизм. Биринчи иккаласи ҳеч нарсага эришолмай тугайди, аммо коммунизм равнақ топади. Россияни кузатинг, Шимолий подшоҳни”.***

Аҳвол тўртинчи марта ўзгарди. Европадаги урушлар кўриниши кўк ранг билан босилди ва тарихий ўтмишга айланди. Буларнинг ўрнига Билли бутун ер шарини тўлдирган, фандаги катта силжишнинг гувоҳи бўлди. Кўплаб ғаройиботлар орасида формаси тухумни эслатадиган, обдон такомиллаштирилган автомагистралларда елаётган суйри машиналарни кўрди. У хатто ҳайдовчисиз машинани кўрди. Ичида ўтирган одамлар олдинги шишага орқаларини қилиб ва ўз диққатларини қандайдир кўнгилчоғлик ўйинига қаратишган, машина эса электрон тарзда бошқарилиб кетиб борарди. Овоз ҳеч қандай нарсани тушунтирмади, ва вазият бешинчи марта ўзгарди.

Энди Билли узун сочли ва узун кўйлакдаги аёлларни кўрди. Улар овоз бериш ҳуқуқини талаб қилганча, қўлларида плакатлар билан боришарди. Қачонки уларга сайлов ҳуқуқи берилганди, улар ёш эркакни Қўшма Штатлар президенти лавозимига сайлаганларини у кўрди. Кейин Билли аёлларни сочини кеса бошлаганларини кўрди. Улардан айримлари брюк кийган, бошқалари юбкаларини қисқартирган ва кийимларини токи уст-бошлари ўлчами ва формаси билан фартукка ўхшаш анжир баргчасини эслатадиган бўлмаганича кичрайтиришди.

Кўриниш олтинчи марта ўзгарди. Билли Қўшма Штатларда қандай қилиб, чиройли, башанг кийинган аёл кўтарилганини кўрди. Аммо, юзининг чиройли кўринишига қарамай, ундан ифодалаб бўлмайдиган шафқатсизлик тараларди. Катта ҳокимиятга эга бўлиб, у мамлакат устидан ҳукмронлик қиларди.

Биллининг ўнг томонидан Овоз қаттиқ тахкидлаб деди: ***“Яна бир бора қара”.*** *Билли озгина бошини бурди ва еттинчи ва якунловчи охирги кўринишни кўрди: Қўшма Штатлар унинг кўз ўнгида тартибсиз, вайроналарда кўринди. Бутун ер портлашдан кейинги кратерлар билан қопланганди,*

тутаётган харобалар ва қолдиқлар тўдаси ҳавони қоронғилаштирганди. Билли қанчалик узоққа олдинга қарашга интилмасин, лекин, шунга қарамай, у мамлакатда бирорта ҳам одамни кўрмади. Кейин кўриниш аста-секин ғойиб бўлди.

Билли узоқ ва қимирламай донг қотиб ўтирди. Қачонки у яна бармоқларини қимирлата олиши билан, ручка олди ва бу етти ваҳийни тезда унинг мазмуни билан бирга ёза бошлади.

"Муссолини Эфиопияга ҳужум қилади..." Бу дунё воқеаларида кутилмаган бурилиш бўлар эди. Биллига Муссолини ҳақида у-бу нарса маълум эди, чунки у ҳақида тез-тез янгиликларда хабар бериларди. Муссолини 1922 йилдан бери италияда ҳукмдор диктатор эди, ва уни кўпроқ даражада миллий халаскор деб ҳисоблашарди. Жаҳон урушидан кейин тартибсиз ва хонавайрон аҳволдан, Италияда устивор иқтисодиётни ва унинг обрўсини қайтариб, у мамлакатни тартибга келтирди. Унинг социал реформалари шундай тартибда ўтказиларди, у саноатчилар томонидан ҳам, ер эгалари томонидан ҳам ёрдамдан маҳрум эмасди. Бутун Европа ва Қўшма Штатлар жамоатчилик арбоблари Муссолинини жўшқин олқишлардилар, гоҳида унинг ўз давлатини қайта ўзгартириш ва бошқаришдаги улкан ютуқлари учун уни Цезар, Наполеон ва Кромвел[39] билан таққослашар эди. Нима сабабдан Эфиопиядай қолоқ давлатга қарши уруш қилиш учун, Муссолини ўзининг яхши номи билан тавваккал қилар экан?

[39] Оливер Кромвель (Oliver Cromwell) (1599-1658) — 17-аср Англия революцияси доҳийси, буюк ҳарбий қўмондон ва саркарда, давлат арбоби 1653-58 йилларда Англия лорд-протектори. (Тарж)

[40] Пауль фон Гинденбург (Paul von Hindenburg) (1847-1934) — 1925 йилдан Германия президенти, (1914 й.) генералгфельдмаршал. 1914 йил ноябридан 1чи жаҳон урушида Шарқий фронт қўшинларига қўмондонлик қилган, 1916 йил августидан Бош Штаб бошлиғи, аслида эса бош қўмондон 1933 йил 30 январда Гитлерга ҳукуматни тузишни буюриб, ҳокимиятни миллий-социалистлар қўлига топширди. (Тарж.)

Адольф Гитлерга келсак, бор йўғи ўтган йилнинг январида Поуль фон Гинденбург[40], Германия президенти уни канцлер лавозимига тайинлади, шундай қилиб, Гитлернинг нацистлар партиясини немислар сиёсатининг олдинги планига чиқарди. Аммо, у қандай қилиб Европа давлатларини яна урушга тортиши мумкин, қачонки, ўтган уруш шунчалик хонавайронлик ва тушкунлик келтирди? Дунёдаги ҳеч ким навбатдаги уруш ўт олишини хохламасди. Шунга қарамай, бу ваҳийлар бехато эди.

Билли дунёдаги сиёсий кучларни тушунмасди; аммо, у газеталарни ўқир ва Муссолинининг фашизми Осиё ва Жанубий Америкадан мадад олишини биларди. Фашизм индивидуал шахс озодлиги тушунчасини инкор қилиб, ҳамма яшовчилар озодлигини давлат бошқаришини ҳимоя қиларди. Бунинг устига, фашистлар мамлакатни олий ҳокимият орқали якка ҳукмдорлик қиладиган битта актив одам бошқариши керак деган фикрни ушлаб олгандилар. Биллига Гитлер нацизми ҳақида қарийб ҳеч нарса билмасди, у ҳақида фақат яқингина янгиликларда кўпроқ гапирила бошланди. У Россия коммунизми ҳақида бир нималарни, унинг риёкорона ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ва унинг исканжага ўхшаш, фақат коммунистик партия номоёндалари бошқарадиган марказий ҳукумати ҳақида у-бу нарсани биларди. Европада шу даврда ҳукмронлик учун курашаётган барча кучлардан кўра, коммунизм устунликка эришиши имкони энг камдай бўлиб туюларди. Аммо яна ҳам, бу ваҳийлар доимо битта ҳам хатосиз бўларди.

А, у кўрган машиналар хусусидачи? Улар қанчалик дабдабали ва суйри! Улар 1933 йил йўлларда юрган "қути"лардан қанчалик кўп фарқ қиларди. Агар фан ва технология шундай қойил-мақон машиналарни ишлаб чиқаришни уддаласа, келажакда буни қанақа ажойиботлар кутиши керак бўлади. Лекин бу ютуқларга посанги бўлиб, тарозининг бошқа палласида, ваҳийда кўрган аёллар ахлоқининг бузилиши мисолида бутун дунёда ахлоқий қадриятларнинг пасайиб кетиши турарди. Бунинг устига, бир куни Америкда ҳукмрон бўладиган, шафқатсиз аёл нимани билдиради экан? У чиндакам аёл бўладими, ёки у қандайдир кучнинг рамзими? Эҳтимол, аёлларнинг сиёсий ҳаракати ёки маънавий ҳаракати. Билли қўштирноқ ичида ёзди: "Мумкин, католик черкови". Ва ниҳоят, ўша даҳшатли қирилиш содир бўлди. Американинг куни битганга ўхшайди.

Билли бу башоратни ўз йиғилишига ўқиб, ҳамда мулоҳазаларини айтиб берди. Қачонки у қандай қилиб учта Европа "изм"лари коммунизмга қўшилиб кетишини муфассал изоҳлаганда, у одамларни туришга ва унинг кетидан бир неча бор: "Россияни кузатинг. Шимол Подшоҳини кузатинг" — деб такрорлашларига мажбур қилди. Охирги, еттинчи ваҳийни тушунтириб бергандан кейин, у ўзининг шахсий фикрини айтди: "Шундай қилиб, қулоқ солинг, буни Раббим айтмади; бу шахсан мендан. Аммо, дунёда воқеалар қанчалик тез ҳаракатга келаётганидан, мен олдиндан айтаманки, булар ҳаммаси 1977 йилда амалга ошади".

Бу ваҳийлардан илҳомланган Билли, биринчи оқшомдаёқ олинган чодирда уйғониш йиғилишларида бутун қалби билан ваъз қила бошлади. Гарчи Хоуп унинг ўрнига Библиядан лавҳа ўқиб, ҳали ҳам унга ёрдам бериши керак бўлса ҳам, бу уни воизликдан чалғитмасди, ва у одамларга Исо Масиҳнинг қутқариш учун иноятини қабул қилишлари учун одамларга ишонч билан даъват

қиларди. Кейинги кечқурун ва ундан кейинги кечқурунлари чодир оз-оздан одамлардан тўлавериб, ниҳоят, икки ҳафтадан кейин Билли якшанба куни, охирги, эрталабки йиғилишда, 1000 дан ортиқ жонга ваъз қилди. Ким Раббий Исо Масиҳ Исмига сувга тушиб имон келтиришни хохларди, деб сўради, ва 200 дан кўп киши олдинга чиқди. Уларни Огайо дарёсига боришлари учун йиғилишни тарқатди.

1933 йилнинг 11 июни эди. Қоқ туш маҳали, соат иккиларда Спринг Стрит кўчасининг охирида, Огайо дарёси қирғоғида 1000 дан кўп одам сувдан чўмилиб имон келтиришда қатнашиш учун тўпланди. Осмонда бир булутча ҳам кўринмас ва офтоб ерни шафқатсиз қиздирарди. *“Иордандан ортга, узоқларга қарайман, қаерда ҳайбатли тўлқинлар отади. Бахтиёр Каньон юртини кўраман, у ерда менинг меросим ётади. Мен ваъдаланган ўлкага бораман...”,* — деб аҳил куйлаганларида, уларга оз бўлса ҳам салқинлик олиб келадиган бир енгилгина шабада ҳам йўқ эди.

Қирғоққа келиб, Билли ёшлари салкам ўзи қатори бўлган Марджи В***[41] деган қизни кўрди, қиз сувда чўмдирилиш лозим бўлган жойга яқинроқда эшкакли қайиқда ўтирарди. Марджи чўмилиш кийимида ярим яланғоч кўринарди. Марджининг чўмилиш костюми уятли ва бемавридлигини тушунган Билли, ундан мулойимлик билан қирғоққа чиқишини илтимос қилди.

[41] Ҳар сафар бу биографияда кимнингдир фамилияси В*** кўринишида ёзилса, бу дегани, Уилльям Бранхам бирор нарсани ҳикоя қилаётганда, бу одамни фамилиясини тилга олмаган Муаллиф воқеаларни яхшироқ ёритиш учун ушбу ҳарфни ихтиёрий танлади.

— Мени бу ердан кетишим керак эмас, — жаҳл билан қиз жавоб берди.

— Марджи, сен ҳақсан, сенинг кетишинг керак эмас. Аммо мен сенинг ўрнингда бўлганимда бу ердан, сув дан чўмдирадиган жойдан кетишим учун, менда етарлича Хушхабарга ҳурмат топиларди.

— Менга, Инжилга ҳурматни гапирма. Мен якшанба мактаби ўқитувчисиман, аммо мен чўмдиришга ишонмайман ҳам, қирғоққа чиқмоқчи ҳам эмасман.

Билли Марджига орқасини қилганида, у ҳингиллади.

У чўмдирилишга биринчи хоҳловчи билан белигача сувга кирди, оқим уларни аста айланиб ўтарди. Дарё сирти шунчалик текис эдики, гўё у куйдираётган қуёш нури остида шиша массасини эслатарди. Қарама-қарши қирғоқдаги дарахтлар кўтарилаётган ҳарорат ҳилидан хира бўлиб кўринарди. **(№1 Сурат)**

— Мана шу уйғониш йиғилиши вақтида Исо Масиҳни учратганингга ишонасанми? — Билли сўради.

— Ҳа, — эркак киши жавоб берди.

— Сен ўз гуноҳларингда тавба қилдингми?

— Ҳа.

— Унда кел ибодат қиламиз.

Улар иккаласи бош эгдилар. Билли ибодат қилди: “Осмондаги Ота, Сен бизни халқларга бориб, уларни Сенинг шогирдларинг қилишга ва Ота ва Ўғил в Муқаддас Руҳ Номига чўмдиришга амр қилганинг туфайли биз шу ердамиз. Омин”.

Кейин у бошини кўтарди, чўмдирилаётган одамга бурилиб деди:

— Сенинг гуноҳларингга тавба қилганингга асосланиб, менинг севикли биродарим, мен сени Раббим Исо Масиҳ Исмига чўмдираман.

У киши бурнини қисди, ва Билли уни орқасига эгиб лойқа сувга чўмдирди.

Қачонки, ҳозиргина сувга чўмган одам қирғоққа чиққанди, иккинчи одам аллақачон сувга кирганди. Шу вақт Билли одамлар тўдасига насиҳат билан мурожаат қилди: “Исо нима учун бизга сувда чўмдиринг деб васият қилган? Битта мақсад учун: бу ўлимга ишорадир, — ҳамма дунёвий нарсаларга нисбатан ўлиш. Эски одам, тимсолида, гўрга киради, у ердан одам чиқа олиши учун ва Исо Масиҳда янги ҳаёт билан яшаш учун. Лекин унутманг, сувдан чўмдирилиш сизни ўзгартирмайди; бу шунчаки ташқи белги, қайсики у ичкаридаги амалга ошган ўзгаришни кўрсатади”.

Шу алфозда Билли янги эътиқодга келганларни бирин-кетин чўмдирди. Эдвард Колвин дарёга тушганларнинг ўн еттинчиси бўлди. Бу йигитча қарийб Билли қатори ёшларда эди. Иккаласи белигача сувда турганда, Билли сўради:

— Эдвард, сен менинг шу уйғониш мажлисларимда янгидан туғилганингга ишонасанми?

— Ҳа, — йигит жавоб берди.

Қирғоқдаги тўпланган одамлар уни эшитиши учун, Билли овозини кўтарди:

— Ҳаммангиз бошингизни эгинглар.

Қачонки улар уни илтимосини бажардилар, у кўзини юмди, ҳамма бошини эгди ва овозини чиқариб ибодат қила бошлади: “Осмондаги Ота...”

Худди шу пайт у *“Юқорига қара!”*, — деган овозни эшитди. У кўзини очди ва боши эгик, кўзларини юмиб, сабр қилиб кутиб турган Эдвардни кўрди. Бу сўзлар унинг оғзидан чиқиши мумкин

эмасди; Билли буни ким айтганини билолмади. Тўла ҳайронликда, у яна кўзини юмди ва бошлаган ибодатини давом этди: “Осмондаги Ота, қачон мен бу йигитни сувда чўмдираман, Сен уни Муқаддас Руҳ билан чўмдир”.

Яна у *“Юқорига қара!”*, деган овозни эшитди. Кўзини очиб теварак-атрофга қарай бошлади.

Эдвард ҳам нима уларни пайсалга солдийкан, деб кўзини очди.

— Билли ака?

— Сен буни эшитдингми?

— Нимани эшитдим?

*Учинчи марта Билли **“Юқорига қара!”**, деб такрорланган овозни эшитди. Энди у нигоҳини осмонга тикди... ва ҳайратдан оғзи очилди! Осмондан оловли шар пастга тушарди! Узоқдан у тебраниб турган ва сарғимтир-яшил ва янтар рангларида товланиб, юлдузга ўхшар эди. Шар яқинлашганда, у ҳар томонга учқунлар ва олов алангаси тиллари учиб турган, шовқин чиқараётган, тез айланаётган олов ҳалқага ўхшаб кўринарди. Қачон юлдуз Биллига қараб ҳаракат қилаётганди, унинг нафаси ичига тушиб кетди, қўрқувдан қотди. Аммо юлдуз кутилмаганда тўхтади ва тўппа-тўғри унинг боши узра муаллақ туриб қолди. Биллининг атрофидаги сувлар жимирлаб қолди ва юқорига кўтарилаётган сув бўгларидан ушбу юлдуз тепасида камалак товланди.*

*Бирданига Билли унга қаратилган овозни эшитди. Бу ваҳийларда тез-тез гапирган оҳангдор паст йўғон овоз эмасди; бу баланд-тенор овоз, унга яхши таниш овоз эди. У деди: **“Яхё чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар берганидек, сенга Унинг Иккинчи Келишини хабар бериш учун мактуб топширилган”.***

Дарё қирғоғида одамлар аввалгидай бош эгиб ибодатда туришарди, аммо Марджи қайиқда ўтириб, атрофида бўлаётган ҳамма нарсани кузатиб турарди. Бу нурни кўриб, у жазавада қаттиқ қичқирди ва ҳушидан кетиб, қайиқнинг бурни томонда юзи билан йиқилди. Бу қичқириқдан кўплар кўзларини очдилар ва бошларини кўтардилар. Юқорига қараб ва Билли Бранхам боши узра осилиб, гир айланиб турган олов шарни кўриб, бир неча дақиқадан сўнг улар ўзларини идора қилолмай қолдилар. Аёллар ҳаёжонда қичқира бошладилар, эркаклар бир-бирларидан ушлаб олдилар; айримлар ваҳимада бу ердан қочиб кетишди; бир неча одам ҳушдан кетиб, йиқилди; иштирокчиларнинг кўплари қўрқув оғишида фақат қалтирашарди.

Юлдузни кўрганлар ҳаммаси бу овозни эшитмади, аммо биргина ўн тўрт ёшли қиз уни эшитди. У кўзини юмиб ва бошини эгиб, ҳатто халқнинг қўрқувдан ваҳимасида ҳам тураверди, чунки унинг пастори бош эгишни сўради, у бўлса ҳар доим пасторининг айтганини қилишга ҳаракат қиларди. Ва буни у эшитди, нимадир кучли таъсир қиладиган ва аҳамиятли бир нарса унинг юраги тўрига кирди, гўё унинг бошига тушган кечинмаларида тўпланган “лой”га лангар ботгандай бўлди. У Меда Брой эди, ва унга Биллининг келажагида муҳим роль ўйнаш тақдир қилинган эди.

Биллининг боши устида оловли шар бир минутдан кўп турмади; кейин у ўқдай ортга, осмонга кўтарилди, қаердан тушган бўлса. Сувнинг тўлқинланиши тинч мовий осмон остида яна силиқ бўлиб қолди. Билли халқни тинчлантиришга ҳаракат қилиб, унга мурожаат қилди, кейин эса 200 янги келган кишини Раббий Исо Масиҳ Номига чўмдириб бўлмагунича чўмдиришни давом эттирди. Қачонки сувни шоппилатиб у қирғоққа чиқар экан, уни Жефферсонвиллидан бир гуруҳ бизнесменлар ўраб олишди ва ҳаяжон билан сўрашди:

— У нур нимани англатади?

— Мен билмайман. Мен имонлиман. Эҳтимол, бу ишонмайдиганлар учун аломат. Мен сизга айтишим қийин.

КЕЙИНГИ ЭРТАЛАБ маҳаллий газета бу воқеа тўғрисида қуйидаги сарловҳа билан мақола эълон қилди: “ХУДО ХИЗМАТЧИСИ УСТИДА, ЧЎМДИРИШ ВАҚТИДА СИРЛИ ЮЛДУЗ ПАЙДО БЎЛДИ”. Қачон бу газета чиққанда, уни куни бўйи гапирса бўладиган навбатдаги ажойиб янгилик бўлди у. Лекин Уилльям Бранхам учун анчайин кўп нарсани англатар эди. Ахир у янтар рангли липиллаб турган нур остида турган ва унинг ёрқинлигидан кўзлари қисилган эди-да. У атрофидаги сув қандай жимирлаб қолганини ҳам кўрганди. Бунинг устига, у овознинг қандай қилиб, *“Яхё чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар берганидек, сенга Унинг Иккинчи Келишини хабар бериш учун мактуб топширилган”*, деб, аниқ эълон қилганини эшитди. Энди йўқ, асло, бу унақа эмас, қайсики унинг ғаройиблиги ва тушуниш қийинлигидан мулоҳазасизлик билан калта ўйлаб, қўл силтаб кетадиган нарса эмасди. Билли буни тушуниш лозим бўлган ғайритабиий аломат деб ҳисоблади. Агар бу аломат Худодан келган бўлса, унда, унинг тушуниши ҳам Худо Каломи саҳифаларидан чиқиши керак бўлади деб ишонар эди. Жумбоқни ечишга калитни топиш учун Билли буюк ғайрат билан Библияни ўқишга тушди. Ёзувдан мос келадиган жойларни дарҳол ёзиб олиш

учун ёнида ёзув дафтарчаси ва қалам тайёрлаб қўйди. Бундай жойларни кўплаб топганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Худонинг ғайритабиий олов кўринишида намоён бўлишини кўрсатадиган биринчи Ёзув жойини Ибтидо 15:17 да топди, у ерда Худо Иброҳим билан билан аҳд тузди. Мусо Худони ёнаётган бутадан гапирганда эшитди, бу ғайритабиий олов бўлиши керак эди, чунки бута сира ёниб тугамасди[42]. Кейин Мусо Исроил болаларини Мисрдан олиб чиқишда ёрдам берган Худони нур булутида курди. Кейинроқ бу нур билан Синай тоғида, ўн амрни олганда, учрашди[43]. Мусо буни яна кўп, кўп марта, қачон улар чўлда чодирни бағишлаганларида ҳам, шундай илҳомланиб: *"Зеро Раббинг, сенинг Худовандинг, еб битирувчи оловдир..."*[44]. Сулаймон бу нурни Қуддусда биринчи маъбадни бағишлов пайтида кўрди[45]. Самсоннинг отаси Маной уни Раббийнинг Фаришгаси билан учрашганда кўрди[46]. Илёс уни Кармил тоғи чўққисида кўрди[47]. Иезекиил уни ваҳийда кўрди[48]. Довуд уни 17-забурда тасвирлади. Тарслик Савл масиҳчиларни қувғин қилиб, Дамашқ йўлида "осмондан нур" билан кўрмайдиган бўлди. У ҳатто у нурдан: *"Мен сен қувғин қилаётган Исоман"*, — деб гапирган овозни эшитди[49]. Ниҳоят, Дониёр ва Юҳанно бу нурни Раббий Исо Масиҳда мужассамлигида кўрдилар[50].

Булар ҳайратда қолдирадиган Ёзув жойлари мажмуи бўлиб, Худо Каломини Ибтидодан Ваҳийгача бир бутун боғлаган, Библиядаги меросни ифодалаган, ўтган якшанбада дарёда унинг устида порлаган ўша юлдузга нисбатан Биллининг фаҳмида ҳеч қандай шубҳа қолдирмади. Тасдиқ далил сифатида бундан ортиқ нимани талаб қилиш мумкин? У биларди, бу Худодан эди.

Билли эътибор берган кейинги факт, дарё суви шишадек тиниқ эди, нур пайдо бўлганида унинг атрофида сув бирданига бижирлаб қолди. Библияда буни эслатадиган ягона жойни, у Юҳанно 5:4 да топди. Дарёда унинг устида турган нур, қадим Қуддусдаги Вифезда ҳовузида сувни ҳаракатга келтирган ўша Фаришта бўлиши мумкинми? Бу фикрни у узоқ ўйлади, лекин буни тасдиқлайдиган ёки рад этадиган бошқа бирор нимани тополмаганидан, у буни саволлигича қолдирди.

Бу аломатга нисбатан учинчи ва энг тўғри исбот ўша овоздан келиб чиқарди: *"Яҳё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар бериш учун юборилгандай..."* Билли бу сўзларни айнан нимани англатишини билмоқчи бўлиб, ҳар томондан ўйлаб кўрди. У Яҳё Чўмдирувчининг ҳаётини ўрганди ва Худо Яҳё пайғамбар ва Илёс пайғамбар орасидан параллел ўтказганини кўриб, ўзига хос илҳомланди. Фаришта Яҳёнинг отасига деди: *"У Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудрати ила Раббимиз олдида юриб келади..."*[51]. кейинроқ Исо Яҳё ҳақида деди: *"Энди қабул қилишни истасангизлар, қайтиб келиши муқаррар бўлган Илёс пайғамбар худди Яҳёнинг ўзидир"*[52]. Бу ерда буюк маъно ётарди ва Билли уни яхшироқ тушуниши учун, унга кўп вақт керак бўлишини биларди.

Ниҳоят, у овознинг айтганларини иккинчи қисми устида фикрлай бошлади: *"...Унинг Иккинчи Келишини хабар бериш учун сенга мактуб топширилган"*. Билли Масиҳнинг Иккинчи Келишига, бу ҳақида доктор Дэвис ваъзларидан эшитиб ва бу ҳақида Янги Аҳддан ўқиб, ишонарди. Лекин унинг арзимасгина фақир ҳаёти билан ҳамма асрлар ва замонларнинг энг муҳим воқеаси ўртасида нима умумийлик бўлиши мумкин? Дарё устидаги бу ғайриоддий нур аломат бўлиши мумкинми? Бу, Масиҳнинг Иккинчи Келиши билан қандайдир боғлиқлик бўлиши мумкинмикин? Вақт ниҳоясига яқинлашдимикин? Ва ўша овоз: *"...сенга мактуб топширилган"*, — деб нимани кўзда тутдийкин? Библия, у эга бўлган ягона мактуб эди. Бундай фикрлардан Биллининг боши айланар эди. Бунда жуда чуқур ва унинг ақлига сиғмайдиган бир сир жойлашгандай туюларди. Шунга қарамай у, шубҳасиз, кутишдан юзага келаётган, қалбида алангаланган ҳаяжонни сезарди.

[42]Чиқиш 3:2.
[43]Чиқиш 14:19-20; 19:18-19 ва 20:1-17.
[44]Левитлар 9:24; Қонунлар 4:24 ("Еб битирадиган" сўзи Библиянинг синодал таржимасида "ҳаммасини қамраб оладиган, йўқ қиладиган" деган маънони билдиради. (Тарж))
[45]2Паралипоменон 7:1.
[46]Қозилар 13:19-20.
[47]3-Шоҳлар 18:38.
[48]Иезекиил 1:4.
[49]Ҳаворийлар 9:1-5.
[50]Дониёр 10:5-7; Ваҳий 1:14-15.
[51]Лука 1:17.
[52]Матто 11:14.

14-БОБ
КЕЛАЖАКДАГИ ЧОДИР ҲАҚИДА ВАҲИЙ. 1933

1933 ЙИЛ ИЮНИДАГИ Уилльям Бранхамнинг биринчи хушхабар кампаниясида бўлганлар юзлаб кишилардан кўпчилиги палаткадаги йиғилишлар тугаши биланоқ ўзлари доимий бориб юрган черковларига қайтдилар. Лекин улардан баъзилар Масиҳга энди имонга келганлар бўлиб, унгача ҳеч қайси черковга тегишли эмас эдилар. Улардан кўпчилиги Биллининг якшанба мажлисларига мунтазам кела бошлади. Бу орада ижарадаги Масон Холл унда йиғилишни қулай сиғдириш учун жуда тор бўлиб қолди, шу сабаб Билли бошқа бино қидиришга мажбур эди.

Жефферсонвиллидаги Саккизинчи ва Тенн кўчалари кесишган жойда, у ўз оиласи билан яшаган жойга яқинроқ; сув нилуфарлари ўсган кичкинагина саёзроқ ҳовуз атрофидан йўл айланиб ўтарди. Масон Холлдан уйга қайтаётиб, Билли ҳовуз четидаги қалин дашт ўтлар устида тиз чўкди ва ўзининг кутмаган муаммоси ҳақида ибодат қила бошлади: “Раббим, мен нима қилишим керак? Бу черковни Сен қаерга ўтишини истайсан?”

У сув сиртида тарелкадай сузаётган думалоқ яшил кўзача барглари диққат билан разм солди. Унинг гулчалари қанчалик чиройли эди: пушти ранг ва оппоқ! Билли ҳовуз нилуфарига қойил қолди. Ахир улар ҳовуз тубидаги шундай балчиқ ва лойда ўса бошлайдилар ва ниҳоят ташқарига шундайин беғубор ва нафис бўлиб чиқмагунларигача, қуёш нурига талпиниб, ўзларига йўл очиб борардилар. Бу Биллига ўзининг шахсий ҳаётини, яқинда гуноҳ ботқоғидан чиқиб ва Исо Масиҳнинг муҳаббат қуёши нурларига кирганини эслатар эди. Бундай мўъжиза қила олган Раббий, қанчалик ажойиб эди!

Кейин уни Худонинг тахтидан ўқдай учиб келган, ваҳийга ўхшаш бир нарса лол қолдирди: бу ерда унинг черкови бўлади — нақ шу ерда, нилуфарлар ўсиб турган ҳовуз ўрнида. Билли турди ва ҳовуз қирғоғидан, қамишзордан ўтиб-қайтди. Унинг юраги ҳаяжондан дуккиларди. Ҳа, бу бекам-кўст бўлади. У қура оларди...

Унинг ваҳийси “қурилиш қоришмаси” қотишга улгурмай, ҳар томондан унинг устига ишончсизлигу-шубҳа “ғиштлари” дўлдай ёғила бошлади. Қандай қилиб у бу ер участкасини сотиб ололади-ю, унда черков қура олади, қачонки у ўзини, онаси ва сингилларини укалари билан зўрға боқаёлар экан? Қачонлардир бу мамлакат бошига оғир иқтисодий инқирозлардан бири даврида, ўзига ўхшаш камбағаллардан иборат йиғилишларда ваъз қилиб, Билли ночор одам эди. Унинг йиғилишидаги эркакларнинг кўпчилиги ишсиз эдилар. Шубҳасиз, черков қурилишини маблағ билан таъминлаш амалга ошмайдиган орзудек туюларди. Бироқ, агар бу ваҳий Худодан бўлса, унда қандайдир тарзда йўл очилади...

Билли буни ўз йиғилиши аъзолари билан муҳокама қилди. Унинг ҳайрон қолганига яраша, ўзларининг озгина маблағларини йиғиштириб, мажлис биринчи бадал-тўловга етарли нақд пулни амал-тақал қилиб тўплади. Саноқли ҳафталарда қурилиш лойиҳалари чизилган ссуда[53]-қарз олинган, ва ҳовуз тупроқ билан кўмилган эди. Июлда пойдевор қўйилди ва унинг кетидан бетон блоклар келтирилди. Лекин иккинчи қотар бетон блоклари қўйилишларидан, кўтарилишидан олдин, Билли қисқагина бағишлаш маросимини ўтказиш ва маросим вақтида у тўғрибурчакли пойдевор асосига ўз қўллари билан асосий бурчак тошини қўйишни хохлаб қолди.

[53] Қарз — юридик ёки жисмоний шахсга бериладиган маблағ.

Бағишлов маросими бўладиган куни тонгда, Билли соат олтиларда уйғонди. Ҳовлида қушларнинг баланд оҳангдаги сайрашига асаларилар паст хонишлари билан жўр бўлишар эди. Унинг иккинчи қаватдаги хона деразаси тагида ўсган шилви, учқат бутаси новдалари уни ёзнинг хушбўй ҳидлари билан тўлдирганди. “О Буюк Иегова, Сен қандай ажойибсан! Ҳозиргина қоронғу эди, энди эса қуёш чиқди ва бутун табиат қувоняпти. Ва тез орада жуда совиб кетган ва гуноҳдан қоронғилик қоплаган руҳий дунё ҳам шодланади, чунки *Ҳақиқат қуёши чиқади ва шифо Унинг нурларида”*[54], — дея ўйлаб ва бу сонияларнинг қувончини бахиллик, ташналик билан ўзига сингдирганча, Билли қўлини боши остига қўйиб, тўшагида узоқ ётди.

[54] Малахиё 4:2 (Тарж.)

У ерда ётиб, ичидан бир овоз унга тур дегани эшитди. Билли тўшакдан турди ва деразага юз ўгирди. Бирданига у хонада босимга ўхшаш, бироқ бехосият ва хатарли бўлмаган, тасвирлаб бўлмайдиган босимнинг борлигини сезди. Бу ниманингдир шу ерда ҳозирлигидан, у муқаддас қалтироққа тушди, гўё, нақ Раббий Ўзи яқинлашганди. Билли тикилиб қараб, кўриш доирасида учта деворни кўрди. Хона бўм-бўшдай туюлди. Кейин у орқа томонини қарамоқчи бўлиб бурилди ва шу сонияда ваҳийда бўлди.

У қараса, Яхё Чўмдирувчи Исони чўмдирган Иордан дарёси қирғоғида турибди. Билли одамлар тўдасига Хушхабарни ваъз қилар ва бирдан орқасида хур-хурлаш ва чайиллашни эшитди. У бурилди ва ўша дарё яқинида қурилган улкан чўчқахонани кўрди. Бу бино чўчқалар билан ғиж-ғиж тўлган ва у ернинг бадбўй ҳидига чидаб бўлмасди. Билли норозилик билдирди: "Бу ер ифлосланган. Ҳеч қачон бундай бўлмаслиги керак. Бу, Исо Ўзи юрган муқаддас ер замин".

Кейин Раббийнинг фариштаси зоҳир бўлди ва Биллини бу ердан Жефферсонвиллидаги Саккизинчи ва Тенн кўчалари ўзаро кесишган жойга олиб ўтди. Олдин сув нилуфарлари ўсган ҳовуз ўрнидаги участкада; энди асосий эшиги тепасида "Бранхам Чодири" деган ёзув осилган бетон блокларидан иборат, катта бино турарди. Фаришта уни чодир ичига олиб ўтди. Билли ўз кўзларига ишониши қийин эди: бино сиқишгача одамлардан лиммо-лим тўла эди. Ҳамма ўринлар эгалланганидан ташқари, одамлар йўлакларда ўтиришган ва девор тагида туришарди. Залнинг нариги томонида, охирида учта хоч осилиб турар: бири кафедра томонида ва иккиси ён томонида эди. Бу ваҳийда Билли озроқ кафедра орқасига ўтди ва деди: "О-о бу ажойиб, бу жуда яхши! Худойим, Сен қанчалик меҳрибонсан, менга шу чодирни бергин!"

Шунда Раббийнинг Фариштаси деди:

— Лекин бу сенинг чодиринг эмас.

— Албатта, бу менинг чодирим, — Билли эътироз билдирди.

— Йўқ. Боргин ва қарагин, *— Фаришта такрорлади.*

У Биллини юқорига олди ва яна туширди, бу сафар кўм-кўк — зангори осмон гумбаз остига туширди. Фаришта деди:

— ***Бу сенинг чодиринг бўлади.***

Атрофга қараб, Билли боғда турганини билди. Баландлиги олти метрларгача етган мевали дарахтлар орасидан йўлак ҳосил қилиб, иккита бир-бирига мос қаторда ўсиб турарди. Йўлнинг охирида иккита қатордан ҳам бир хил масофада бўлган битта катта дарахт ўсарди. Маълум бўлдики, битта қаторда олмалар, бошқасида — олхўрилар экан. Қанчалик ғалати бўлмасин, лекин, улар катта яшил челакларга ўтқазилган эдилар. Ҳар бир дарахтлар қаторига мос ҳолда, Биллининг ўнг томонида ва чап томонида биттадан бўш челак турарди.

Осмону-фалакдан момоқалдироқдай товуш янгради:

— ***Ҳосил пишди, юмушчилар эса оз.***

— Раббим, нима ёрдам қилоламан? — Билли сўради.

Шу вақт, у кузатиб турган дарахт, ўз чодири ҳақида кўрган, черковь курсиларига ўхшаб қолди. Йўлакнинг охиридаги эса, учта хоч формасини қабул қилди.

— Бу нимани билдиради? Ва бу учта бўш челак нима дегани? — Билли сўради.

— ***Сен бу икки челакка ўтқазишинг лозим,*** *— Фаришта жавоб берди.*

Дарахтларнинг икки қатори орасидаги йўлакда турганча, Билли олмадан бир новдани синдирди ва уни ўша қаторга мос бўш челакка ўтқазди. Кейин у олхўридан новда синдирди ва уни бошқа томондаги бўш челакка ўтқазди. Бу икки челакларда шу заҳоти тўхтовсиз дарахтлар, токи улар боғдаги қолган дарахтлар билан тенглашмагунича ўса бошлади.

Кейин кучли шамол дарахтларни силкиди, ва овоз деди:

— ***Сен яхши йўл тутдинг. Қўлингни чўз ва ҳосилни тер.***

Билли иккала қўлини чўзди. Битта қўлига юмшоқ ва пишган, катта сариқ олма тушди, бошқа қўлига эса, катта юмшоқ ва пишиқ, сариқ олхўри тушди. Овоз деди:

— ***Бу меваларни егин, чунки улар ёқимли.***

Билли биттасидан, кейин бошқасидан тишлади. Иккала мева ҳам ширин, серсув ва мазали экан. Овоз такрорлади:

— ***Ҳосил пишди, юмушчилар эса оз.***

Энди Билли йўлакнинг охиридаги, ҳалиям хоч формасида бўлган катта дарахт шохларида шингил-шингил олмалар ва олхўрилар осилиб турганини пайқади.

— Раббим, мен нима қиламан? — дея қичқириб, у бутун йўлак орқали югурди ва ўша дарахтнинг остига йиқилди.

Кучли шамол дарахтларни шунчалик тебратдики, олмалар ва олхўрилар Биллининг устига дўлдай ёғилди. Овоз уч марта гапирди:

— ***Қачон бу ваҳийдан чиқасан, 2-Тимофей 4ни ўқиб чиқ.***

Кейин Билли яна ўз ётоқхонасида ҳозир бўлди.

Қуёш эрталабки осмон гумбазида озроқ кўтарилиб, то у ваҳийда бўларкан, қанчалик вақт ўтканини кўрсатаётганди. Билли ўзининг Библиясини тутганча, Тимофейга 2-мактубни очди. У шошилмай ҳар бир сўз устида ўйланиб ва уни бу ваҳий билан боғлашга урониб, 4-бобни ўқиб чиқди.

Худо каломини ваъз қил, вақтими ёки вақти эмасми, демай, доим гапиришга тайёр бўл.

Бутун сабр-тоқат билан таълим бериб, одамларни мулзам қил, уларга таънаю-насиҳат қил.

Чунки шундай вақт келадики, одамлар соғлом таълимотга чидаш бермайдилар, натижада ўз орзуларига мос муаллимлар тўплайдилар. Бу муаллимлар ўшандай одамларнинг қулоқларига ёқадиган сўзлар айтадилар.

Улар қулоқларини ҳақиқат каломидан беркитиб, афсоналарга буриладилар.

Аммо сен ҳамма нарсада ҳушёр тур, азобларга сабр-тоқат қил, Инжил воизлигингни бажо келтир, хизматингни сидқидилдан ижро этгин.

Билли бу саҳифани Библиясидан йиртиб олди ва Саккизинчи ва Тенн кўчалари кесишмасида бўлиши керак бўлган чодирни бағишлаш маросимига ўзи билан олиб борди. Шу куни иш куни бўлганлигидан, унинг йиғилишидан фақат эллик одамгина у ерда қатнаша олди — кўплари аёллар ва болалар эди. “Америка кўчалари”дан бўлган майор Ульрей ўзининг духовой оркестрини олиб борган бир пайтда, Билли ҳаяжонлантирадиган марш остида маҳкам қилиб тўғри бурчакли тошни нам цементга ўрнатди. Бу амал, ҳодиса рамзий маънога эга эди. Янги Аҳд Исо Масиҳни, Унинг ер юзи черкови Асосий Тош деб тантанали эълон қилганидек, Билли ҳам, тўғри бурчакли тошни ўзининг янги биноси асосига ўрнатиб, бу черков Исо Масиҳнинг (Асосий) Пештоқ Тоши принципларига бағишланади деб эълон қилди. **(№2 Сурат)**.

Кейин одамлар чақа-танга, эсдалик совғалар, ва ёзилган ибодат илтимосларини тунука банкага қўйиб, тўғри бурчакли тош ковагига жойлаштирдилар. Билли ўша эрталаб Библиясидан: “*Аммо сен ҳамма нарсада ҳушёр тур, азобларга сабр-тоқат қил, Инжил воизлигингни бажо келтир, хизматингни сидқидилдан ижро этгин”,* — деган пайғамбарлик бу сўзлари бўлган саҳифа кўринишида ўзининг камтаргина ҳиссасини қўшди.

15-БОБ
ТОРТИНИБ ҚИЛИНГАН ТАКЛИФ
1933

ГАРЧИ УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ ҳозир ўз йиғилишининг пастори бўлса ҳам ва ҳар якшанба эрталаб Жефферсонвиллидаги Масон Холлда ваъз қилса ҳам, у бутун 1933 йил ёзи Баптистларнинг Миссионер Черковига қатнашишда давом этаверди, қайсики, якшанба ва чоршанба кечқурунлари ўтарди. Албатта, бу у учун доктор Дэвис ни эшитишдан кўра, кўпроқ таниши Хоуп Брумбах билан кўришиш учун баҳона эди. Аммо унинг ўз черкови тез орада қурилар экан, бу ҳамма ишларнинг боришини ўзгартиради, чунки у ўз ҳизматини ҳафтанинг ўртасида ўтказади. Унда у қандай қилиб таниш қиз билан учраша олади? Аёл жинси олдида Билли ўзини журъатсиз ва қўрқоқ ҳис қиларди. Фақат биргина фикр — Хоуп билан учрашиш учун имкон берадиган сийқаси чиққан баҳонаю-сабабдан ажралиб қолишни фикрлагандаёқ ҳаяжонланар ва қора терга тушар эди.

Билли Хоуп билан бирга ўтказган ҳар бир минутни ардоқлар эди. Қачон у жилмайса — у жилмаяр, кулса — у ҳам куларди. Хоуп уни қандайдир у тушунмайдиган, лекин, шунга қарамай, унга ёқадиган қанақадир бир сеҳрли афсун билан ушлаб турарди. Хоуп у учун оламдаги барча яхши ва гўзал нарсаларнинг тимсолидай туюлар эди: ҳаво ва ёмғирнинг, ёзнинг ва гулларнинг, нозиклигу-орзу қилинадиган ҳамма нарсанинг... Унинг ёнида қанча кўп бўлса, унинг ёнида шунча кўп тургиси келарди. Агар у билан ҳар чоршанба кечқурун учрашишга бошқа баҳона бўлмаса, уларнинг муносабатлари нима бўларди? У дўстликни ўзи билан узармикан? Билли бундай фикрдан ларзага келди. Агар у ўзига бошқа маҳбуб топсачи, унда нима бўлади? Бу ҳақида фақат биргина фикрлашданоқ нафаси бўғзига тиқилди. У Хоупдан ажралиб қолишга журъат қилолмади. У қандай яшай олади, унда? Мадомики шундай экан, у қиз билан иложи борича кўпроқ кўришиш учун, унга бошқа асосли сабаб ўйлаб топиши керак эди. Бир куни, бу муаммони яна ҳаёлида айлантирар экан, Хоуп билан иложи борича кўпроқ бирга бўлишнинг энг дуруст йўли, унинг Брумбах фамилиясини Бранхамга алмаштиришни дилига солиш, деган фикр унга ялт этиб келди.

Ўша вақтнинг ўзидаёқ, қачонки Билли Хоупни унга турмушга чиқишни таклиф қилишга қарор қилган эди, буларнинг ҳаммасига бошқача нуқтал-назар билан қараб, у шубҳа-гумонлардан қийнала бошлади. У коммунал хизмат компаниясида ишлаб, соатига ҳаммаси бўлиб, атига 20 цент олган бир пайтда, унинг отаси Пенсилвония Темирйўлчилар Ширкати, касаба уюшмаси раҳбари бўлиб, ойига 500 доллар маош олар эди. Мана шу озгина маош билан у онаси, отаси, еттита укаси ва синглиси рўзҳорига ёрдам берарди. У қандай қилиб хотинини боқолади? Муҳаббат ва садоқат — ундаги бори, унга тақдим қилоладиган ҳаммаси шу эди. Ҳа ва ким ҳам бўлибдики у ўзи, Хоупни шинам уйидан олса-да, уни ночорликдаги, уни азоб-уқубатли ҳаётга мубтало қилса. У бундан кўра анча ортиғига арзирди. Ақлида ва дилидаги даҳшатли қийноқлардан кейин Билли Хоупдан, турмушга чиқишни сўраш аҳволида эмасман, деган хулосага келди. Билли уни жуда ҳам яхши кўрар, шу сабабдан унинг ҳаётини барбод қилмоқчи эмасди.

Бироқ бу қарор унинг азобларига интиҳо қўймади, уни бошқа оғир аҳволга қўйди, холос. Агар у Хоупга умуман турмушга чиқиш таклифини қилмоқчи бўлмаса, унда у билан вақт ўтказишини қандай тушунтиролади? Агар у қиз билан умуман алоқани узса, қизга яхши бўлмасмикин? Қанчалик у тезроқ учрашишларни тўхтатса, шунчалик тезроқ у бошқа кимнидир — унга яхши ҳаётни таъминлай оладиган бирор эркакни топа олади. Ҳа, бу тўғри муомала бўлади, ва у худди шундай иш тутиши керак. Аммо...

Қанчалик Билли бу нарса Хоупни ўзини фойдасига ва агар улар ажралсалар, қизга яхши бўлади деб фикрлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, буни қилишга у ўзини мажбур қилолмади. У яна бир бор ўзининг молиявий аҳволи ва имкониятларини тарозига солиб кўрди. Укаларидан айримлари ҳозир вояга етган ва улар ҳам оналарига оила харажатларини тўлашга ёрдам берардилар. Бу буюк ютуқ эди. Қолган укалари эса, озгина улардан қолишарди: бир-икки йилдан кейин улар ўзи томонидан ёрдам берадилар — яна бир ютуқ. Эҳтимол, Билли аста-секин ёрдамини камайтириб, бу билан онасига қўшимча қийинчилик туғдирмасликни уддалар. Кейин, агар у зўр бериб ишласа, ҳар ҳолда Хоуп учун дурустгина ҳаётни таъминлаши. Қачонки у бу имкониятни ҳар хил нуқтаи-назардан қараб чиқарган, уни ҳаяжони ортди. Ҳа, молиявий жиҳатдан у буни уддасидан чиқа оладигандай, туюларди. Унга шундай қилиш лозиммикан? Ҳа, ҳа, у буни қилади! У Хоуп Брумбахга хотини бўлишни сўрайди!

Бироқ унга таклиф қилишни қарор қилиш билан ва ҳақиқатдан ҳам уни амалга қилиш — икки хил нарса. Аллақачон август сентябрга ўтган, а Билли бўлса илгаригидай Хоупга бу ҳал қилувчи саволни бериш учун илгаригидай ўзининг бор жасоратини тўпларди, йиғарди. У, унинг қора кўзларига ва гул-гул яшнаган кулгусига термулар, “О-о, биз бирга шундай бахтли бўлар эдик!”, дея фикрларди. Бироқ, ҳар сафар, қачон у бу саволни кўтарса, унинг оғзи қуриб қолар, ва ўпкаси тўлар, шу учун у базур сулагини ютолардир, таклифни аниқ ифодалаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳар оқшом, у билан бирга бўлганида, Билли яна-яна уририб кўрар, лекин ўзидан бирор сўз чиқаролмасди. У ўзига айтарди: “Бугун мен буни қиламан! Соатимда ўн минут ҳам ўтмаёқ, унга таклиф қиламан”. Бундан ҳеч нарса чиқмасди; вақт ўтган сайин, ўтаверар, у бўлса, уни қўлини сўрашга журъат қилолмасди.

Билли бу муаммосидан соатлаб қийналарди. Баъзан, ариқда ишлаётиб, у дам олиш учун тўхтар, ияги билан белкураги дастасига таяниб олар ва кўзини уфқдан ғирт узмас, унинг мияси эса бу вақтда унинг фикридаги бу саволга жавоб излаб, серҳосил ерни чопар ҳам, юмшатар ҳам эди. Агар қизга ниятини юрак ютиб айтолмаса, умуман ўзи қандай қилиб унга уйлана олади? Бир неча вафт дўсти Жорж ДеАрк уни ўрнига унинг номидан қизга таклиф қилишини сўрайман, деган фикр билан овуниб юрди. Лекин бу нотўғри бўлиб кўринди. Хоуп бунақа шароитда ҳатто рад қилиши ҳам мумкин. Унда бу вазиятдан чиқиш йўлини, ахир қандай топса бўлади? Қандай? Бирдан ялт этиб, унга ажойиб фикр келди. Бу унга керак бўлган, худди ўзи. У қизга хат ёзади.

Ўша якшанба оқшом алламаҳалгача Билли қора терга тушганча, ҳар бир гапни обдон ўйлади, хатнинг матнни баён қилиб ва кейин қайта ишлаб, қобилияти етганича, то икки томонли вараққа бор ҳисларини ифодаламагунича қоғоз ва ручка билан имирсилаб юрди. Бундайин улкан жасоратдан кейин биринчи унинг фикрига келгани — бу хатни шахсан Хоупнинг ўз қўлига топшириш эди. Кейин у ўйланиб қолди, қандай қилиб у жимгина хатни ўқийди-ю, у бўлса, бу вақтда унинг ёнида бекорчиликда лабини тишлаб, асабийликда ҳушсиз йиқилиши турган гап. Йўқ, бунақада иш кетмайди. У хатни жўнатишга қарор қилди. Агар у хатни душанба кунида жўнатса, Хоуп уни сешанба куни олади ва шунда чоршанба кечқурун уни черковга оборганида унга жавоб қайтариши мумкин бўлади. Бу ўша пайти Биллига ажойиб режа бўлиб кўринди.

Душанба эрталаб Билли маркани ялади, конвертга уни ёпиштирди ва ишга кетаётиб хатни почта қутисига ташлади. Кейинроқ, ариқ қазиётиб, уни даҳшатли фикр ҳайратга солди: “Агар хатни Хоупни онаси олса нима бўлади?” Биллининг пешонасида тер чиқиб кетди; ва оёқлари дармонсиз чалишганидан, йиқилиб кетмаслик учун деворига суянишига мажбур эди. “Агар бу хатни унинг онаси ўқиса, мен тамом бўлдим”, — деб ўйлади у.

Билли Хоупнинг отаси Чарли билан яхши муносабатда **(№3 Сурат),** аммо унинг онаси билан ишлари умуман бошқача аҳволда эди. Ноз-қарашмали ва расмиятчи Брумбах хоним, ўзининг жамиятдаги юқори мартабадалигидан мағрурланар эди. У чиройли уйда яшар, қимматбаҳо кийим кияр, катта, расмий бир черковга иштирок этар ва кўплаб нуфузли ташкилотларга мансуб эди. У Билли Бранхамни бир оддий қишлоқи, албатта унинг қизига уйланиши учун етарлича башанг эмас, деб ҳисобларди. Бунинг устига, унинг чекланган диний имонидан бирор бир яхши нарса кутмасди. Агар, бу хатни у кўриб қолса борми, аниқ , унга жаҳл билан рад жавобини беради. У Хоупни, у билан алоқани узишга мажбур қилишгача бориши мумкин. Бу фикрдан унинг орқаси совуқ қалтиради.

Чоршанба оқшом Билли Брумбахларнинг янги ярқираб турган “Buick” моделидаги янги машинаси орқасида тўхтади. У ўзининг лиқиллаб қолган “Форд”и эшигини, агар Брумбах хоним унинг хатини ўқиган бўлса, ва уни у ердан шошилинч жўнаб қолишига тўғри келиб қолса деб, очиқ қолдирди **(№4 Сурат).**

— Салом, Билли. Марҳамат, кир, — деб, унинг эшик қоқишига Хоуп жавоб берди.

“О, йўқ”, — ўйлади Билли. “Сен мени у ерга, онанг ўтирган жойга этасан ва орқамдан эшикни ёпасан. Унда мен оғир аҳволда қоламан”.

— Рахмат, Хоуп, лекин бу ерда, сизларникида иссиқ. Мен эшик олдида сен тайёр бўлгунингча, тура-тураман, — деб Билли озгина кулимсиради.

— Кираверда энди. Ота-онам сен билан кўришмоқчи.

“Ой-ой-ой! Энди аниқ тамом бўлдим”, — Билли ўйлади. Асабий, уйга кирди, шляпасини ечди ва яшин тезлигида қочишга тайёр бўлиб, эшик олдида турди.

— Ошхонага ўт, у ерда онам отам билан ўтиришибди. Мен икки дақиқадан кейин черковга боришга тайёр бўламан, — деди Хоуп.

Билли ошхона эшигига келди. Хоупнинг ота-онаси ошхона столи атрофида ўтиришганди.

— Ассалому алайкум, жаноби Брумбах. Ассалому алайкум, Брумбах хоним.

—Салом, Билли. Мархамат, кир музли чойдан бир стакан ич, — деди Чарли Брумбах, ўзига хос меҳмоннавозлик билан.

— Йўқ, раҳмат. Мени ичгим келмаяпти.

— Унда, барибир бу ёққа ўтда, ўтир.

Фитна, чуқурлашгандай туюлди, Биллининг юраги учқунлаши кучайгандан-кучайди.

— Йўқ, раҳмат. Агар сиз қарши бўлмасангиз, мен шу ерда тураман. Шубҳасиз, ҳовлида яхши ҳаво.

— Ҳа, ҳаво жуда соз, — Брумбах хоним маъқуллади.

Хоуп пастга тушгунича, учовлари об-ҳаво ва бошқа арзимаган воқеалар хусусида гаплашиб ўтиришди. Хоуп билан эшик олдига чиқиб, орқаларидан эшик маҳкам ёпилгандан кейингина Биллининг юраги енгил тортди.

— Билли, бугун ғоят гўзал оқшом. Кел, черковга ўтамиз.

Биллининг яна баданига совуқ титроқ югурди ва ваҳима қоплади. У ўйлади: “Мана, ҳаммаси тамом. У менга орамизда ҳаммаси тугади демоқчи. Яхшиси, мен унга тўйиб-тўйиб қараб олишим керак, чунки, мумкин мен у билан охирги марта бирга бўляпман”.

Аммо Хоуп черковга боришаётганда хат тўғрисида эслатмади. Бу Биллининг бутун йиғилиш давомида ҳаяжонлар гирдобида қийнади, шу сабабдан доктор Дэвис нима ҳақида ваъз қилганини эшитмади. Бунинг ўрнига у Хоупга ҳадеб сездирмай, яширинча қарар ва ундан ажралиб қолишни бениҳоят хохламаслиги ҳақида ўйларди. У шундайин одобли қиз эди. Бу оқшом у ҳар қачонгидан ҳам нурга тўла, ёрқин эди. Билли уни унга яхши муносабатда бўладиган кимдир олади, деб умид қиларди. У ҳаётдаги энг яхши нарсаларга арзир эди.

Билли билан Хоуп черковдан чиқиб, уйга тўғри борганларида, аллақачон қоронғу тушган эди. Ўроқсимон ой фалакни ёритар, гўё кўча чироқларидай. Ҳар сафар улар дарахт соясидан чиққанларида, ойнинг ёрқин нурига Хоупнинг қора кўзлари ва сочлари, унинг нозик юзлари оппоқлигига эътиборни қаратарди. Билли муҳаббатга ва эҳтиросли орзуларга тўлиб, ич-ичидан ларзага келди.

— Хўш, Билли, сенга бу кеч йиғилиш қандай ёқди? — хотиржам сўради Хоуп.

— О-о, жуда яхши бўлди деб ўйлайман.

Билли пастки жағини гўё картондай ҳис қилди: жағи шундай қаттиқ ва бефойдадек туюлди. У Хоупнинг юзини, унда хафагарчилик қарашими ёки бирор-бир бошқа уни ўша қўрқинчли дақиқадан огоҳлантироладиган аломатни сезмоқчи бўлиб, кузатди. Қиз гапира бошлаганда, уни лабларини ҳар бир ҳаракатида, куним битди, деб Билли ишонарди. Лекин бунинг ўрнига унинг оғзидан навбатдаги қувноқ ва бепарво мулоҳазалар чиқар, худди унинг ақлида фақат биргина олтин куз оромбаҳшлиги ва қувончлари ҳақидаги фикрлар бордек эди.

Улар энди қизнинг уйига яқинлашар экан, қиз эса хат ҳақида бир сўз ҳам демаганидан, Билли у хатни умуман олмаган, деб шубҳалана бошлади. Эҳтимол, у почта қутисида қисилиб қолган ёки почтада йўқолган. Нимадир бўлган бўлиши керак. Агар Хоуп хатни ўқиганда эди, унда, бу вақтда бу ҳақида эслатган бўлар эди. Билли яна тинчланди, ва уни тили очилиб кетди. У Хоупнинг қўлини ушлади, ундан кўнгли кўтарилди.

Энди улар қарийб уйга келиб қолгандилар. Хоуп одатдагидай, гап орасида деди:

— Билли, мен сенинг хатингни олдим.

Биллининг эти бижирлаб кетди, томоғига эса, суяк тиқилгандек ва “кислородни бекита” бошлаганидан базўр нафас оларди. У сўлагини зўрға ютди ва бир амаллаб, жавоб учун ғўлдиради:

— Олдингми?

— А-ҳа, — деди Хоуп ва юришда давом этди.

Билли чидаб бўлмайдиган даражада диққат бўлди. “О, қиз, менга бир нима дегин ахир, бўлмаса мен йиқиламан”, — ўйлади у. Аммо Хоуп сўзларини изоҳланмай ҳавода қолганидан мамнунга ўхшарди. “Унда менда айтадиган гап топилади, чунки биз унинг уйига бир неча қадам қолдик”, — Билли яна ўйлади. У бутун мардлигини тўплаб сўради:

— Сен уни ўқидингми?

— Аҳа, — жавоб берди у, бир сўз ҳам қўшмай.

Билли бундай мавҳумликдан ўзини ақлдан озаётгандай сезди.

— У сенга ёқдими?

— О, у жуда ажойиб эди, — деди Хоуп, лабларини ҳазил жилмайиш учун хийла буриб.

Билли кучга кирганини сезди. У тўхтаб унга нигоҳини қаратди.

— Хоуп...

— Билли, мен сенга турмушга чиқишни хохлайман, — деди у. — Мен сени севаман.

Кейинги куни Билли Хоуп билан шаҳар марказидаги заргарлик дўконига борди. У комплект никоҳ узуги учун 8 доллар тўлади. Тасодифан никоҳ узуги йўқолмасин деб, уни чўнтагига бандаклади. Кейинроқ у қаварган қадоқ қўллари билан Хоупнинг нафис қўлларини оҳиста олди ва унга, унаштирилганлари шарафига узукни тоқа бошлади.

Хоуп уни тўхтатди.

— Билли, агар сен, ҳаммасидан олдин ота-онамдан рухсат сўрасанг, қандайдир маъқул ва назокатли бўлади. Сен қандай ўйлайсан?

Билли ҳаяжондан юрагини тўхтагандай ҳис қилди. “О-о, мана, яна бошланяпти”, — ўйлади у. Агар Брумбах хоним уларнинг никоҳига жуда қаршилик кўрсатса, Хоуп уни тарк этади деб қўрқарди. Аста-секин ва хохлар-хохламас, у зўрға сўзлади:

— Ҳа, шундай деб ўйлайман.

Кейин унинг бошига ялт этиб фикр келди:

— Хоуп, эшит-да, биз турмуш қурганимизда, биз ахир ҳамма нарсани баробар қиламиз, шундай эмасми?

— Рост. Мен ўзимнинг вазифаларимни бажараман.

— Мен эса ўзимникини. Агар буни ҳозирнинг ўзида бошласак, бунга қандай қарайсан: сен онангдан рухсат сўрайсан, мен бўлсам, отангдан?

— Мен учун эшитилиши ёмон эмас, — елкаларини қисиб, деди Хоуп.

— Эҳтимол, биринчидан, мен отангдан рухсат олишим керак, — зийраклик билан Билли таклиф қилди. У Чарлининг розилигини, бу ҳақда Брумбах хонимга бирор нарса маълум бўлишидан олдин олишни хохларди. Билли учун бу энг яхши имкониятдай эди.

— Сен буни тез кунда сўрайсанми?

— Якшанба кечқурун.

Кейинги якшанба кечқурун, Билли Хоупни черковдан уйга олиб келгандан кейин, “Виктрола” граммофонияда пластинка эшитиб, икковлари меҳмонхонада ўтиришар эди. Чарли Брумбах ўз столида ўтириб, машинкада ёзар эди; Брумбах хоним ҳашаматли “Моррис”[56] креслосида ўтирар ва илгак билан бир нимани тўқир эди. Қовоғини уйганча, Хоуп, бош ҳаракати ва нигоҳи билан Биллини отасига боришга ундади. Билли бош чайқади ва кўзи билан онаси томонни кўрсатди. Унинг онаси отаси билан бирга, меҳмонхонада ўтирар экан, у ҳозирча, отасидан сўрайолмасди. Бу дегани, уларнинг иккаласидан рухсат сўраш билан баробар эди. Унинг онаси жанжал кўтариши мумкин ва Биллига икки қўлини бурнига тиқиб қайтишига тўғри келар эди.

[56] Моррис креслоси — суянчиғи созланадиган ва ёстиқчалари олинадиган кресло. (Тарж.)

Билли турди.

— Энди 9:30. Ўйлайман, мен боришим керак.

Хоуп унинг қўлидан ушлаб, эшиккача кузатди. У ҳаммага “Хайрли тун” тилаб, кетмоқчи бўлган эди, аммо қиз унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, уни қўйвормади.

— Сен ундан сўрамоқчи эмасмисан? — шивирлади у.

— Мен у билан онангни ёнида гаплашолмайман.

— Унда мен орқага қайтаман, сен эса уни кўчага чақир.

Бу ҳолат Билли учун қалтис кўринсада, лекин у яхшироқ бошқа ҳеч нарса ўйлаб тополмади.

— Бўпти.

Хоуп меҳмонхонага кирди.

Билли йўталиб қўйди ва:

— Жаноб Брумбах, сиз билан бир минут гаплашсам бўладими? — деди.

Чарли ёзишдан тўхтаб, креслосида бурилди.

— Албатта, Билли, нима истайсан?

— Балки, биз уй олдига чиқармиз?

Брумбах хоним тўқишидан чалғиди ва қизиқиб қошларини кўтарди.

— Қани чиқамиз, — деди Чарли ва орқасидан эшикни ёпиб, Биллини айвонга ўтказди.

Билли дарахтларнинг энг баланд жойларидан нур таратаётган ойга тикилиб қолди.

— Ажойиб оқшом шундай эмасми?

— Бу рост, — Чарли мақуллади.

— Охирги вақтларда жуда иссиқ.

— Ҳа, албатта.

Билли тўғри сўзларни саралаб, тутиларди.

— Биласизми...ҳм...мен...мен шуни билишни хохлардимки...

— Сен уни олишинг мумкин, Билли.

У шу ондаёқ ич-ичидан енгил тортди. У жаноб Брумбахни қучоқлаб олгиси келди; аммо у қўл сиқишув билан чегараланди.

— Чарли, сиз биласиз, мен камбағалман. Мен сизнинг каби унга яхши шароит яратиб беролмайман. Мен фақат 20 цент соатига ишлайман. Лекин, Чарли, у мендан ҳам кўпроқ севадиган бирор кимса тополмайди. Уни ҳаётини таъминлаш учун мен қўлимдан қон чиққунича ишлайман. Мен унга содиқ бўламан, ва уни бахтли қилиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

Чарли оғир қўлини Биллининг елкасига қўйди.

— Билли, мен биламан, уни яхши кўрасан, у ҳам сени яхши кўради; ва мен, шу сабабли бошқа бировдан кўра, яхшиси, уни сенга бераман, қанча пули бўлмасин, бошқа биров унга ёмон муомалада бўлиши мумкин. Гап сени ҳаётингда қанча нарсанг борлигида эмас, гап сенда боридан қанчалик розилигингда, шукур қилишингда.

— Чарли, сиздан миннатдорман мен. Мен буни ёдимда тутаман.

Билли шу билан Хоупдан, онаси ундан рухсат сўраганида, нима деганига қизиқмадиям. У учун Брумбах хоним уларнинг йўлига тўғаноқ бўлмаслигини билиши етарли эди. Тўй кейинги йил июнида тайинлади.

16-БОБ
ЖАҲАННАМДАН ЧИҚҚАН КЎРСИЧҚОН. 1933 — 1934

САККИЗИНЧИ ВА ТЕНН кўчалари кесишган чорраҳадаги участкада қурилиш 1933 йил сентябрь ойи охирида тугади. Ўз пасторига ҳурмат ва муҳаббатлари боис йиғилиш аҳли бу бинони Бранхам Чодири деб аташни таклиф қилди. У одатдаги черков биносига ўхшамасди: унда учли пирамидасимон томи, найзасимон гумбази, улкан хоч ва гумбазсимон шифти йўқ эди. Бу оддийгина бетон блоклардан иборат, томи сал қия, олд томони (фасад[57]) декоратив безалган ва тўғрибурчакли, тўғри формадаги эшик ва деразалардан иборат иморат эди **(№5 Сурат)** Шу ерли айрим одамлар уни черковдан кўра кўпроқ гараж ёки омборхонани эслатади, деб ҳазиллашар эди. Лекин Уилльям Бранхам учун у гўзал эди. У кафедрани худди ўша жойда, қачонки Раббий унга бу ер майдонини сотиб олишни юрагига солган вақтда, тиззада турган жойда ўрнатди. У залнинг олд томонида учта хоч ўрнатди: бири кафедрада ва иккитаси ҳар икки томонидан, — худди, уларни жойлашишини ваҳийда қандай кўрган бўлса.

[57]Фасад — бинонинг олд томони, ҳамда умуман унинг ташқари томони. (Тарж.)

Бу қурилиш программаси тугашигача ҳаммаси 2000 долларга тушди, бунинг устига банк, чодир қурилиши учун қарзни тўлаш учун йигирма йил муҳлат берди. Бу камбағалгина йиғилиш учун Буюк Инқироз қизғин даврида, бу, катта сумма ҳисобланарди. Бранхам Чодири учун имконият бўлиши учун ҳар ойлик молиявий мажбуриятга риоя қилиш учун, Билли одамлардан ўн улушни ва инъомларни ўз ҳаётий эҳтиёжлари учун олишдан бош тортди, бунинг ўрнига маблағларни бино учун сарфлашни афзал кўрди.

Билли Индиана коммунал хизмат компаниясида, энди уни бошқа бўлимга ўтказсалар ҳам, ишлашни давом эттираверди. Энди у линиядаги монтёр бўлди, ва унинг вазифасига ўрмонлардан ўтган юқори кучланиш линияларини текшириш кирар эди. Бу иш унинг ҳайвонларни муҳофаза қилиш инспектори вазифаси билан жуда яхши уйғунлашиб кетарди, шундан у тез-тез у иш билан ҳам – бу иш билан ҳам машғул бўла оларди. Бу сафар Биллининг омади келди, чунки у бурунгидай ўрмон ҳайвонларини муҳофаза қилиш инспекторлигидан иш ҳақи олмасди.

Полни тупроғи билан қолдириб, Билли бу билан ҳам Бранхам Чодири қурилиши харажатларини камайтира билди. Қачонки ташқарида ер музласа, аудиториядаги пол ҳам музларди. Бир куни, чоршанба кечқурунги хизматдан олдин, Билли эртароқ келиб, одамлар йиғилишига қараб, зални иситиш учун, иккита печкага кўмир ёқди. Одамлар музлаган ерда юриб кириб ўтиришди, лекин хизмат охирида пол эриди ва лойга айланди. Кампирлар ҳам, неваралар ҳам тўпиғигача лойга ботиб, у ердан чиқиб олишди. Бундан ҳаммаси чин юракдан тўйиб кулгандилар, лекин, бунақа бошқа бўлмаслиги учун полни ёғоч қипиғи билан ёпдилар.

Билли пасторлик вазифасини ёшлик кучи ва ниҳоят ўзининг яхши кўрган машғулотини топиб олган йигит ғайрати билан бажаришга тушди. Ваъз қилиш, маслаҳат бериш ва касаллар учун ибодат қилишдек одатдаги вазифаларидан ташқари, у яна қўшиқ айтишда етакловчи, печкадан кулни олар, қарзларни ҳам тўлар эди. Қачонки бирор иш қилиш керак бўлса, Билли қувониб ўзининг бўш вақтини ҳам қурбон қиларди.

Ҳам янги пастор, ҳам “янги узилган нондай” ёш Масиҳчи — Биллининг ҳаёти ўрнак олгудек кечинмаларга тўла эди: улардан айримлари олдиндан кутса бўладиган бўлса, бошқалари эса — хийла фавқулоддаги ҳоллар, ҳодисалар бўларди. Бир куни шанба кечқурун машинасида уйга қайтаётиб, кўчада чайқалик келаётган маст одамни шарпасини Билли фаралари билан ёритди. Қараса, бу одам, укаси Эдварднинг дўсти, Уэйн Блэдсоу деган ёш йигит бўлиб чиқди. Ичмаслик қонуни ҳали ўз кучига эга эди, шу учун Билли Уэйнни полиция қўлига тушишидан олдин, машинасида уйига олиб келди. У Уэйнга уйга киришга ёрдам берди, ўзининг кроватига ётқизди, ўзи бўлса диванга ўрин тайёрлади.

— Уэйн, наҳотки сен уялмайсан ўзинг учун? — гина қилди Билли.

— Га-а-пи-и-рма Билли, бу-у-ундай дема Билли.

— Мастликдан сенга яхши бўлмайди. У сени вақтидан олдин гўрга этади. Ҳаётингни Исога бағишла — мана сен нима қилишинг лозим. Бундан сенинг вақтинчалик ҳаётинг Абадийликка ўтади.

— А-а, Билли.

Билли қўлини Уэйннинг пешонасига қўйиб, деди:

— Мен сен учун ибодат қиламан, Уэйн.

Шу пайт уйга такси келиб тўхтади. Машина эшиги шовқин билан ёпилди, ва Билли йўлакдан чопаётган одам оёқ товушларини эшитди. Икки секундлардан кейин кимдир ҳаёжонда тақиллатар ва қичқирарди:

— Билли ака! Билли ака!

“Эй Худойим! Кимдир ўлаётган бўлса керак!, — ўйлади Билли. Светни ёқиб, тез кийиндию, эшикни очиш учун чопди.

Бўсағада ўн саккиз ёшли Нелли Сандерс турарди. Унинг юзи докадай оппоқ, кўзлари эса шишиб кетган ва қип-қизил эди.

— Кир, Нелли.

Нелли кирди.

— О Билли, мен тамом бўлдим! Куним битди!

— Нелли, нима бўлди? Юрагинг хуруж қилдими?

— Йўқ, Билли ака. Мен Спринг Стрит кўчасидан бораётгандим, ва... Чин сўзим, Билли ака, менинг ҳатто фикримда ҳеч ёмонлик йўқ эди.

Бу ҳаяжондаги қиз билан қандай муомала қилишни билмай, уни тушуниш учун Биллининг боши айланиб қолди.

— Синглим, қани, илтимос тинчлангин. Нима бўлганини менга айтиб бер.

Неллининг ўзи яқинда Масиҳчи бўлди; у Биллининг июнда чодирдаги йиғилишлари вақтида эндигина имонга келганлардан бири эди. У юрагини Исога бағишлагунга қадар, шаҳарнинг энг яхши раққосаларидан бири эди, ва унинг шериги Ли Хорнда буни тасдиқловчи мукофотлар ҳали сақланар эди.

Қалтираган қўлларини назорат қила олиши учун, Нелли чуқур нафас олди. У секин ва тушунарли гапиришга ҳаракат қилди, аммо сўзлари кескин тезлаша борди, токи, ниҳоят, Билли базўр уни нима деганини билолмагунича.

— Мен Рэдмен-Холл ёнидан ўтаётган эдим, рақсга чорловчи мусиқани эшитдим. Мен бир дақиқа эшитиш учун тўхтадим. Мусиқа борган сари ёқимли ва жозибадор эшитила бошлади. Мен юрагимда шундай дедим: “Раббим, Сен биласан, мен Сени яхши кўраман, мен ҳали ўша Ли билан ўша кубокларни ютганимизни ва мукофотлар олганимизни эслайман. Балким, агар мен ўша зиналардан кўтарилсам, ўша одамлардан кимларгадир гувоҳлик берарман”. Шундай қилиб, мен зиналардан кўтарилдим, ва кўз очиб юмишга улгурмай, рақс майдончасида қандайдир йигит қучоғида пайдо бўлиб қолдим. О Билли, энди мен аниқ адойи-тамом бўлдимми? Мен хохламайман, ўшанда Марджида бўлгандай аҳволга тушишни.

Билли Марджи В***ни, ўша чўмилиш кийимидаги ярим ялонғоч қизни эслади. У июндаги уйғониш мажлисларидан кейин янги имонга келганларни дарёда чўмдириш вақтида, ўша куни кемадан чиқиб кетишни илтимос қилганида, уни рад этувди. Ўша сирли юлдуз пайдо бўлганида Марджи беҳуш йиқилди. Кейинчалик у ичкиликбозликка берилди, ва мастларнинг жанжалларидан бирида унинг юзини синиқ бутилка парчаси билан абжағини чиқаришган эди. Билли у ҳақда асаб касаллиги шифохонасига тушганидан бошқа ҳеч нарса эшитмаган эди.

Нелли шунчалик ҳафа эдики, бошдан-оёқ қалтирар эди. Билли уни тинчлантирмоқчи бўлди.

— Йўқ синглим, сен йўқолганинг йўқ. Лекин сен Исони учратганингга қадар, қаерда бўлган эдинг, ўша жойга қайтиб чақираётган иблиснинг товушини эшитиш учун бир дақиқа тўхтаб, хато қилдинг. Мен ўзим яқинда Масиҳчи бўлдим, лекин мен аллақачон тушундимки, энг буюк жанг одамнинг ақлида боради. Бу уруш имон ва шубҳа ўртасида бўлади. Худонинг Каломига ишонасанми ёки шубҳа қиласанми? Сен ўзинг учун танлашингга тўғри келади.

— О Билли, мен Исога ишонишни танлайман.

Уэйн Блэдсоу бу вақтда хийла ҳушёр тортган ва бу ҳамма қий-чувни қизиқиб кузатганча, ўрнида ўтирарди.

— Мен Библияни жуда яхши билмайман, — деди Билли, — аммо Исо мана нима деган: *“Менинг Номим билан жинларни қувадилар”*[58].

[58] Марк 16:17

Қўлини Неллининг елкасига қўйганча, ибодат қила бошлади:

— Шайтон, мен билмайман, сен кимсан ўзи, лекин бу менинг опам, ва уни ушлаб туришга сенинг ҳақинг йўқ. Дарҳол ундан чиқиб кет. Сен мени эшитяпсанми?

Эшик-парда бирдан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзидан-ўзи шовқин-сурон билан очилиб ёпила бошлади: *бух-бух-бух-бух.*

— Билли, у ёққа қара-чи. Нима бўляпти? — қўрққанидан кўзлари хонасидан чиққудай деди Нелли.

Биллининг ҳайронлиги уникидан кам эмасди.

— Мен билмайман.

У яна Неллига қаради ва ибодат қилди:

— Иблис, уни тинч қўй. Исо Масиҳ Номидан, ундан чиқиб кет.

Билли Исо Номини айтган заҳоти, Нелли Сандерсни орқасидан қанотлари ва оёқларидан узун пахмоқ сочлари осилган, улкан кўршапалакка ўхшаш қора соя кўтарилди. Бу шарпанинг бўғзидан бўғиқ ириллаш эшитилди: *"гр-гр-гр-р-р-р-р-р-р"*, ва у Биллига ташланди, у эса "Исонинг Қони мени асра!", деб қичқиришга улгурди. Иблис қайтди ва Уэйн ўтирган кроват томонга учди. Ҳавода бир айлана қилиб, шарпа лип этиб кўрпа тўшакка кирди. Дарҳол мастлиги тарқаб, ўзига келган Уэйн,телбага ўхшаб бақириб, ўзидан адёлни отиб юборди ва бошқа хонага ўқдай учди.

Билли Неллини уйига этиб қўйди. Қайтиб келиб, у онаси билан кроватни обдон қарадилар ва чойшабни яхшилаб қоқдилар. У ерда ҳеч нарса йўқ эди.

Ташвишланганидан, Билли бу воқеани бир неча хизматчилар ўртасига ташлади. Улардан ҳар бири амалда биргина нарсани айтишди: "Билли Бранхам, жинларни қувиш вақти аллақачон ўтиб кетди. Бунинг устига, одам ҳеч қандай иблисни кўра олмайди. Шубҳасиз, бу шундай туюлган сенга". Билли, бу "ҳаёл қилиш"га қўл силтаб кетса бўларди, агар Уэйн ва Нелли ҳали шарпани кўрганлиги ҳақиқат бўлмаганида эди. Уни шубҳасиз, қийнаган иблис шу эмасмикан? Уни таъқиб қилиб юрган, шу эмасмикан? Ҳамма вақт унинг ёнида турган, у эмасмикан? У эмасмикан, унинг ҳаётидаги бўлиб ўтган ғалати воқеаларнинг айбдори, шу қатори ваҳийларнинг ҳам? Шунақа фикрлар доимо Биллининг жонига тегар эди ва уни, нима учун унинг ҳаёти, бошқа, унга таниш бўлган хизматчилар ҳаётидан шунчалик кучли фарқ қиладигандай туюлади, деган саволни беришга мажбур қилар эди.

17-БОБ
УМИД УЙҒОТУВЧИ НИКОҲ
1934 — 1935

1934 ЙИЛ 22 ИЮНДА Уилльям Маррион Бранхам — Амелия Хоуп Брумбахга уйланди. Билли йигирма беш ёшда, Хоуп салкам йигирма бирга кирган эди. **(№6 Сурат)** Улар Бранхам Чодиридан узоқ бўлмаган, Грэхам Стрит 434 манзилидаги, унчалик катта бўлмаган уйни ижарага олдилар. Унда иккита хонача бор эди. Биридан улар меҳмонхона ва ётоқхона сифатида фойдаландилар, уйнинг иккинчи ярми эса, ошхона бўлиб хизмат қилар эди. Уйда водопровод ўтказилмаган, шу учун Хоупга сувни қўшни кварталдаги колонкадан ташишга тўғри келар эди. Умуман бу айтарли яхши уй эмасди, лекин бу уй, улар ойига тўрт доллар учун эп кўрадиган ягона уй эди.

Янги келин-куёвлар оилавий ҳаётини ихтиёрларидаги жуда озгина мулк билан бошладилар. Биллида эски чармли диван ва “Форд” автомобили бор эди. Унинг онаси уларга кичикроқ матраси йўқ, темир койкани берди, яна кимдир эса уларга эски йиғиштириладиган кроват берди. Эски нарсалар сотувчидан 75 центга Билли, эскигина ошхона плитасини, ундан кейин эса плита устига қўйиладиган янги панжара учун бир доллару йигирма беш цент тўлади.

Хоуп “Файнс” кўйлак фабрикасига ишга кирди ва кўпроқ мебель харид қилиш учун қўшимча пул ишлади. Тез орада, бўялмаган ошхона комплектига пул жамғардилар ва уни “Сиэрс” дўконидан 3 доллар 98 центга харид қилдилар. Билли бу комплектни сариқ рангга бўяди, кейин столга ва ҳар бир ўриндиғига яшил уч барг чизди, чунки Хоуп доим унга ирландсан деб тегажоғлик қиларди. Бу ошхона комплекти уй қиёфасини анча яхшилади. Шунга қарамай қаттиқ ёғоч стулларида дам олишни иложи йўқ эди. Кундузи иккита ишга ишлаб, кечқурун эса пасторлик вазифасини бажариб, Билли жуда ҳам чарчаб қолар эди. У оқшомлари юмшоқ креслога таппа ташлаб, оёқларини яхшилаб ўнғай қўйволиб ва Библияни ўқиганча, ҳордиқ чиқаришни қанчалик хохларди.

Мадомики Хоуп ишлар экан, Билли ҳар қалай улар ўзларига хийла қулай мебелни эп кўрсалар ҳам бўлади, деб ўйларди. Ўзларига суянчиғи пастроқ, юмшоқ кресло қараш мақсадида, икковлари Луисвилли дарёсидан ўтиб, улар, бор-йўғи 16 доллар 98 цент турадиган Моррис креслосини топдилар. Бу бемалол қўлдан келадиган эди. Яна янги бир ҳаяжондан тўлиб тошган Билли, сотувчига 3 доллар биринчи бадални тўлади ва бу чиройли яшил Моррис креслоси билан уйига қайтди. Улар уни ётоқхона бурчагига қўйдилар. Янги материалнинг тетиклантирувчи хушбўй ҳидидан тўйиб, нафас олиб, Билли усти юмшоқ-бахмал креслога ўзини ташлади. Бундай ҳолатни тушунтириш учун, *беназир* деган сўздан ўзгасини тополмади.

Бу Моррис Креслоси Биллининг ҳаётида энг муҳим зеб-зийнат буюми бўлди. Юқори кучланиш линияларида зериктирадиган иш кунидан ва шаҳарда ярим кечагача ваъзлардан кейин, Биллини Моррис креслоси билан жуда яхши кутиб олинар, ундаги тинчлантирадиган ёстиқчаларида ҳолдан тойган мускулларини бўшата оларди. Кейинги ой давомида Билли, тиззаларида Библияни очганча бир марталар ухлаб қолмади. Хоуп нозик меҳр билан туришга кўндирар, кейин эса уни тўшакка ўтказар эди.

Аммо яқиндаги харид тез орада Биллига кутилмаган муаммо туғдирди. Шартнома шартига асосан, қарзни қоплаш учун, у ҳар ҳафта бир доллардан тўлаши керак эди. Бу пул эса унга, бошқа жойда жуда ҳам зарур бўлиб чиқди. Ҳафталар бир лаҳзада учиб ўтди, бу вақт ичида қарз бир доллардан йиғилавериб, унинг камбағал бюджетида янада кўпроқ етишмовчиликни вужудга келтирди. Еттинчи ҳафта ўтганда, Билли биринчи тўловни амалга оширолмади. Унда ҳатто ортиқча доллар топилмади. Кейинги ҳафтада ҳам шундай бўлди. Қачонки Билли учинчи тўловни бажаролмаганди, унга молия компанияси вакили қўнғироқ қилди. Билли кечирим сўради ва юрагида оғир ситам билан уларга, келиб креслони олиб кетишларини айтди.

Бир неча кундан кейин, Билли уйга ишдан қайтганида, ошхона унинг ёқтирган янги пиширилган олчали пирогининг ҳушбўй ҳидига тўлганди. Кечки нонуштада сорго (жўхори) шарбати аямай қуйилган икки дона пирогни еб, у Хоупни эркалай бошлади:

— Бугун сен нима учун менга бундай меҳрибонсан?

У жилмайди, гўё ундан бир нарсани яшираётгандай.

— Билли, кундузи мен қўшнининг ўғлидан чувалчанг териб беришин илтимос қилгандим. Кел, дарёга борамизда ва озроқ балиқ овлаймиз, а?

Бу Биллига нимагадир бошқача туюлди, чунки Хоуп балиқ тутишга кўп қизиқмас эди-да.

— Кел, олдин бошқа хонага ўтамиз ва олча пироги қорнимда озроқ тинсин учун ўтирамиз.

— Йўқ, Билли, кел бирданига балиқ тутишга борамиз, — деди у ва унинг товуши қарийб ялингандай эшитилди.

— Севгилим, нима бўлди бугун?

— Ҳеч нарса, — жавоб берди у, ва унинг кўзлари ёшга тўлди.

Билли нимадир ноҳушликни шубҳа қилди, шу сабаб такрорлади:

— Кел, аввал бу хонага ўтамиз.

Қачонки унинг юзи маюс тортганди, Билли хато қилганини тушунди. У хотинини бир қўли билан қучди ва бирга хонага ўтдилар. Моррис креслоси ғойиб бўлганди.

Хоуп бошини Биллининг кўкрагига қўйди-да, ҳўнграб юборди:

— Оҳ Билли, мен бор кучим билан, қўлимдан келганича уни сен учун қолдиришга ҳаракат қилдим.

Билли уни оҳиста ўзига тортди.

— Биламан, ширингинам менинг. Бунда сенинг айбинг йўқ. Биз ҳеч нарса қилолмадик. Лекин бир куни келиб, ҳаммаси бошқача бўлади. Ўшанда Худо хохласа, йўл очса, бизда ҳам яхши кресло бўлади.

Хоуп эрининг умид уйғотувчи кўзларига қарасин деб, Билли унинг бошини кўтарди.

— Ишонаман, Билли, шундай бўладиям.

ҚОЧИБ ҚУТИЛОЛМАЙДИГАН камбағалликнинг машаққатларига қарамай, Билли билан Хоуп бирга жуда бахтли эдилар. **(№7 Сурат)** Улар бир-бирларини қадрлар ва уларнинг чексиз муҳаббати “чуқурлар” ва “унқур-чунқур”ларни текисларди. 1934 йил декабрда Хоуп хомиладор бўлди. Уларнинг иккиси ҳам уларда фарзанд бўлади деган фикрдан қувончга тўлиб-тошгандилар. Биллининг насл-насаби ирланд, Хоупники эса — немис бўлганидан, у ҳазил билан хотинига тегажоғлик қиларди:

— Агар ўғил бўлса, уни Генрих Майкл деб атаймиз.

— О, Билли, бу ғирт хунук эшитилади, — деди Хоуп, ҳайронликдан оғзини очиб.

1935 йил 13 сентабрида Хоуп туға бошлади. Унинг туғиши қийин кечди, ва бу салкам уни ўлдираёзди. Билли эса шу вақтда касалхона қабулхонасида орқа-олдинга бориб келавериб, километрлар масофани юриб қўйди. Тушдан кейин соат учда чақалоқ йиғиси эшитилди. Худди шу оннинг ўзида, Билли хитоб қилди: “Миннатдорман Сендан, Раббим! Бу ўғил, ва биз уни Билли Пол деб атаймиз”.

Икки минут ўтиб туғилиш хонасидан юзида табассум билан врач чиқди ва деди:

— Муҳтарам Бранхам, эҳтимол сиздан мана шу сиз тўзитган линолеум учун пул ундирарман, лекин сиз бу учун афсусланмайсиз. Сиз ўғилли бўлдингиз.

Хотини билан ҳаммаси жойидалигига амин бўлгач, Билли ҳазиллашмай туролмади:

— Азизам, фикримдан қайтдим. Уни Генрих Майкл десак бўлмайди деб ўйлайман. У жума куни, 13-чида туғилгани учун, уни Жинкс[59] деб атасак яхши бўлади, деб ўйлайман.

[59] Jinx (инглизча) — нарса ёки одам, бахтсизлик келтирадиган. (Тарж.)

У жилмайди.

— Лекин Билли, мен ахир уни отаси ҳурматига атамоқчи эдим.

— Майли, унга отаси, ҳамда буюк ҳаворий Муқаддас Павелнинг шарафига атаймиз. Биз уни Билли Пол деб атаймиз.

1935 ЙИЛ ОКТЯБРИДА газеталарда Муссолини Эфиопияни босиб олганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Италия, ўзининг замонавий ҳарбий техникаси билан гумбурлаб, бу қолоқ мамлакатга бостириб кирди ва эфиопларнинг қаршилигини тезда синдирди. Европа бу кутилмаган босқинчиликка жавобан ўзининг норозилигини, Италияга қаттиқ иқтисодий санкциялар қўллаш йўли билан билдирди.

Билли янгиликларни жуда эътибор билан ўқиди. У тушунолмасди, қандай ғалати куч унга келажакни кўришга имкон берди, аммо бу нима бўлганда ҳам, кўрган воқеалар доим амалга ошар эди. Уни лол қолгани, унинг хизматчи дўстларининг ўжарона тиришқоқликлари бўйича, бундай неъмат, инъом қандай қилиб шайтондан келар экан. У бундан янада кўпроқ саросимага тушди.

Бир куни, якшанба хизматидан кейин, Билли беихтиёр Уолт Жонсоннинг гапини эшитиб қолди:

— Сенга айтай, кеча у ёққа бориш керак эди-да, ўша муқаддас сакровчиларни тинглаш керак эди!..

Билли суҳбатга аралашди.

— Нима бўлганди у ерда, Уолт ака?

Уолт ошқозони ҳал қилолмаганидан апельсиннинг қуритилган пўстлоғини чайнарди.

— Элликчилар, Билли. Бунақасини сен ҳали ҳеч қачон кўрмагансан: улар у ёқдан – бу ёққа сакрадилар ва полда ағанардилар. Бунинг устига, агар қандайдир ўзга тилда ғулдирамасанг, сен қутқарилмагансан дейдилар.

— Қаерда у жойлашган?

— Луисвиллининг нариги томонида чодирдаги йиғилиш. Бу гуруҳ ўзини Довуднинг Уйи, бу йиғилишни эса Пайғамбарлар Мактаби деб аташади. Қора танлилар, албатта.

— О, унда тушунарли, — айрим қора танли одамлар қанчалик ўз динларига ихлосмандлигини билганидан, деди Билли.

— У ерда кўплаб оқ танлилар ҳам бор эди.

— Ростданми? Ва улар ҳам шунақа қилишдими?

— Ҳа, улар ҳам шунақа қилишди.

— Қизиқ. Одамлар шунақа нарсаларда ҳам адашадилар. — Билли бош чайқади. — Нима энди, бизлар ҳам буни чеклаб ўтолмаймизми, дейман.

Шунга қарамай, бу хабар Биллининг қизиқувчанлигини қўзғади, шу туфайли, душанба кечқурун ҳаммасини билиб олиш учун Луисвилли дарёсидан ўтди. Гарчи у бирор кишини полда юмалаганини кўрмасада, халқ шак-шубҳасиз нимадандир ҳаяжонда эди. Бунинг устига уларда қандайдир ғалати таълимот бор эди.

Ўша йиғилиш вақтида, минбарга ўрта ёшлардаги ғалати одам гувоҳлик бериш учун чиқди. У Биллига, елкасига тушиб турган оқ сочлари ва кўкрагига борадиган жингалак соқоли билан эски аҳд пайғамбарларини эслатди. Унинг гувоҳлиги, кўриниши каби шу қадар ҳайратланарли эди. У Мичиган штати, Довожаклик Жон Райен деб ўзини таништирди. Уни Раббий, Кентукки штати, Луисвиллига келиб, бу йиғилишда гувоҳлик билдиришини буюрганини айтди. У, Худонинг кучи, Эллигинчилар олови ва Муқаддас Руҳга чўқиниш тўғрисида гапирди. Унинг гувоҳлиги ўзида шундай буюк энергияга ва ишончга эга эдики, бундан Билли бу ғалати одам билан яқиндан танишмоқчи бўлди.

Улар хизматдан кейин узоқ гаплашишди. Жон Райен ёшлигида циркда акробат бўлганлигини айтди. Кўп йиллар католик черковига борган, ўз юрагини Исо Масиҳга бергандан сўнг, у эллигинчи бўлди ва энди Раббийнинг етакчилиги бўйича кезар ва ҳамма жойда Худонинг кучи ҳақида гувоҳлик қилар эди.

Билли унга 1933 йил июнида кўрган етти қисмдан иборат ваҳийни сўзлаб берди. Қачонки Жон Райен етти қисмнинг бирида Муссолини Эфиопияга бостириб кириши кўрсатилганлигини билганди,у ўзининг ғайратини базўр босди ва у ҳақида кўпроқ гаплашишнинг иложи борми, деб сўради. Биллига бу жуда маъқул бўлганидан у қарияни уйига тунаш учун таклиф қилди.

Эрталаб улар ошхона столи атрофида яна узоқ ўтиришди, бу пайт Билли ўзининг ғайри оддий кечинмаларининг айримлари билан ўртоқлашди. У, бу нотаниш одам билан мулоқоти вақтида, йиллаб билган хизматчилардан кўра катта эркинликни сезди.

Жон Райен Биллига, бу ваҳийлар орқали Худо эҳтимол унга гапиряпти деган фикрга йўналтирди, ваҳийларга алоҳида эътибор беришга ундади.кейин у “элликчилар кечинмалари” деб аталган, қайсики, унинг гапи бўйича Масиҳчи ҳаётида жўшқин ва тирик куч кўринишида бўлган, Худо кучи ҳақида гапира бошлади. Билли бунинг маъносини тушунолмади. Ёши бир ерга борган бу одам “Муқаддас Руҳга чўмилиш”, “тилларда гапириш” ва “тилларни тушунтириш” каби нотаниш ифодаларни ишлатди. Лекин бир нарса аниқ эди: Жон Райен ҳақиқатдан ҳам нима ҳақида гапираётган бўлса, ўшанга жуда ишонарди. У гапираётган вақтида, сезиларли руҳга кира бошлади, ва бирдан осмонга қўлларини кўтариб, қандайдир номаълум тилда гапира бошлади. Тез орада у тўхтади; кейин столдан айланиб ўтди-да, Биллининг елкасига қўлини қўйди ва деди: *“Билли ака, мана таъбири. Ҳозир сен бор-йўғи йигитсан. Сен ҳали ёшлик давридасан, лекин бир кун бунинг ҳаммаси жойига тушади ва Буюк Худо халқларни титратиши учун сени ишлатади”.*

18-БОБ
МИШАВАКИДАН ҚАЙТГАНДАН КЕЙИНГИ ХАТО
1936

КЕЙИНГИ ОЛТИ ОЙ МОБАЙНИДА Уилльям Бранхам Жон Райенни бир неча бор ўзиникига меҳмонга таклиф қилди ва шу тариқа у билан яқиндан танишди. У Жон Райенни ўзга тилларда гапиришга иштиёқини кўриб, бироз хижолат бўлса ҳам, у бу қарияни Исо Масиҳга имонини ҳурмат қиларди, албатта. Жон Райен уни ҳар куни бошқариши учун тез-тез ибодат қилар, кейин эса руҳий эшитиш билан жавобни тингларди. У буни "Муқаддас Руҳ раҳбарлиги" деб атарди.

Жон Райен Мичиган штатидаги, Жефферсонвиллидан тахминан 480 км шимолда, Индиана штати чегарасининг ўзида жойлашган Доводжак деган кичикроқ шаҳарда яшарди. У Биллини, ёнларидаги Паупау кўлидаги ажойиб балиқ ови ҳақидаги ҳикоялари билан қизиқтириб, ўзиникига меҳмонга таклиф қилди.

Билли қармоққа илинди. У кўп йиллар дам олишга боролмаган бўлса ҳам, бунақа сафар ҳаражатлари унга олдингидай тинчлик бермасди. Хоуп кўйлак фабрикасидаги ўз иш ҳақидан 8 доллар тўплади. Уларга қанчалик бундай кўп нарсаларни сотиб олиш лозим бўлган бир пайтда, оғир меҳнат эвазига келган, ўзининг хотини тежаган маблағи эвазига борадиган ҳордиғини қандай қилиб оқлай олади экан? Хоупда эса мутлақо бошқача тасаввур бор эди. У бу пулни ўз маошидан тўплаган экан, буни қандай харажат қилиш қарорини қабул қилишда қатнаша оламан, деб ўйлади. У эса бу пулни эри кичкинагина таътилда ишлатишини хохлади. Шундай ҳам қиламан, деди Билли ва у хотинини ҳам боришини хохлади. Лекин Хоуп тўққиз ойлик Билли Полга қараб, уйда ўтиришни хохлаб, унга кўнмади. Бунинг устига, ҳозир у иккинчи боласига учинчи ой ҳомилали эди. Неча марталаб у, эрталаблари ўзини камқувват ва ланж ҳис қилган эди, шунинг учун, нима бўлганда ҳам бу ҳордиқ унга ботмайди, деб ўйлади.

Шундай қилиб, 1936 йил июнда Билли ўзининг "Т" нусхали "Форд"ини ёнилғи билан тўлдирди ва шимолга, дам олишга жўнади. У Мичиган штати, Доводжакка келганида, Райен хоним уни самимий кутиб олди. Биллини жуда ажаблантиргани, Жон Райенни ғойиб бўлгани эди.

— Раббий уни қаёққадир Индианаполис яқинларига боришга чақирди, — тушунтирди Райен хоним.

Билли икки хонали фақирона кулбага қараб қўйди. Буфет шкафларида эшикчалари йўқ эди, ва улар бўм-бўш эканлигини пайқади.

— Сиз бу билан бу одамни кетиб қолишига ва сизни бир ўзингизни бир бурда нонсиз уйда қолдиришига рухсат бераман демоқчимисиз?

— О-о! Лекин у Худонинг хизматкори, Билли ака, — деди у.

"Опа, сенинг юраккинанг дуоли бўлсин. Агар сен ўз эринг ҳақида бундай юксак, олий фикрлайсан, унда мен ҳам уни танқид қилмайман", — Билли ўйлади.

Куни-бўйи Паупау кўлида балиқ овлаб ўтказган Билли, овини Райен хонимга келтирди. Балиқни пишириш учун унда ҳатто мой ҳам йўқ эди, шу сабаб у шаҳарга борди ва Райен хоним учун озроқ маҳсулотлар сотиб олди.

Шанба эрталаб Билли уйига қараб жўнади. Индиана штати, Мишаваки деган кичиқроқ шаҳар орқали ўтаётиб, ён томонида "ФАҚАТ ИСО" деган ёзуви бор улкан машинани кўриб қолди. Билли ўйланиб қолди: "Бу нима экан?" Кейин у бошқа машинани кўриб қолди, бир томонида "ФАҚАТ ИСО" ёзуви билан, кейин бошқа бирини ва яна... Бу белги ҳамма жойда илинганга ўхшарди: "Кадиллакларда", "Бьюик", "Форд" ва ҳатто велосипедларда. Қизиқиши ортиб, Билли битта машинанинг ортидан юраверди, у машина уни шаҳар чеккасидаги черков биносига олиб келди. Қўшни кўчалар ва бир неча бўш майдонлар, келиб тўхтаган машиналардан лиқ тўлиб кетган, уларнинг аксарияти "ФАҚАТ ИСО" деган ўзига жалб қилувчи белгини намойиш қиларди. Билли машинада черков ёнидан ўтаётиб, очиқ деразалардан унинг қулоғига ашула эшитилди. Ашулага алоҳида ҳайқириқ ва нидолар жўр бўлар эди. Бу ҳам, худди Билли Луисвиллида,у "Довуд уйи" деб аталувчи гуруҳга боргандаги кўрган йиғилишни эслатар эди. "Қулоқ сол, мана қаерда мен муқаддас сакровчиларнинг нималигини кўраман", — ўйлади у.

Машинасини қўйиб, Билли ичкарига кирди. Бу ибодатхонани икки мингга яқин оқ танлилар каби, қора танли кишилар ҳам тўлдириб турар эди. У ерда нима бўлаётганини кўриш учун, Биллига залнинг охирида туришга ва одамлар боши устидан қарашга тўғри келди. Қаердадир олдинда пианино янграр эди. Одамлар қарсак чалар ва хурсанд бўлиб куйлашар эди: *"Улардан бириман,*

улардан бириман; мен ҳам улардан бири, шундай бахтлиман мен...” Аёллар қаттиқ қичқиришар, бундан Биллининг орқасига совуқ жимирлаш югурди. Кейин қаторлар орасидаги йўлакда кимдир рухда ўйинга тушди. Тез орада унга бошқалар ҳам қўшилишди. Бутун халқ мусиқа ритми бўйича тўлқиндай чайқалар эди.

Аввалига Билли ўйлади: “Фу! Ана холос! Черковда бундай одатлар! Бу одамларга нима бўлди?” аммо қанчалик кўп у ерда тураркан, у ўзини шунчалик яхши ҳис қила бошлади. У фикрлай бошлади: “Бу одамларда ҳаммаси жойида. Улар жинни эмаслар; улар ҳаяжонланганлар холос”.

Қачон ваъз бошланган эди, буни миллий эллигинчилар конференцияси эканлигини билиб олди. Ҳали жанубда ирқий камситилиш “қутурган”лиги сабабли, улар уни шимолда ўтказишга мажбур эдилар. Ёш ваъзхон Муқаддас Руҳдан чумдирилиш тўғрисида гапирди ва шунда бармоғи билан кўрсатди. Биллига гўё, у бевосита уни кўрсатгандай туюлди. Воиз доим Каломнинг қуйидаги жойларини далил қилиб кўрсатар эди: Ҳаворийларнинг 2:4: *“Ва ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлдилар ва Унинг бераётган башорати билан бошқа-бошқа тилларда гапира бошладилар”*; Ҳаворийларнинг 2:38: *“Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга тушиб, имон келтиринглар – ва Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар”*; Ҳаворийларнинг 10:44,46: *“Пётр ҳали гапириб турганда, каломни эшитаётганларнинг барчаси устига Муқаддас Руҳ тушди. Чунки у кишиларнинг бошқа-бошқа тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди”*.

“Бу ахир Библиянинг бир қисми-ку, — Билли ўйлаб қолди. — Мен ҳеч қачон буни шунақасига кўрмаганман, ҳа. Мумкин, чинданам бунда, ҳақиқатнинг қандайдир бир улуши бордир?” Қанча кўпроқ тингласа, эшитаётган унга шунчалик кўпроқ ёқаверди. Хизматнинг сўнгида у фикр қилди: “Бу одамлар ҳақида бир нарсани айта оламан: улар ўз динлари билан тортинмайдилар. Ўйлайманки, бу ерга кечқурун ҳам келсам керак”.

Биллини сираям кетгиси келмади: “Муқаддас Руҳга чўмдирилиш” ўзида нимани мужассамлаштирганини билиб олишни хохларди. Хуллас, ўзидаги майда пулларини ҳисоблаш учун машинасига қайтди. У 1 доллар ва 75 центни тўплай олди. Унга, уйига боргунча, қанча пули ёнилғи учун кетишини билганидан, ўзида бор йўғи 20 цент қолишини тахмин қилди. Меҳмонхонада тунаши учун бу етарли эмас эди; лекин зарари йўқ — у маккажўхори майдонида ҳам ухлай олади. Шаҳар марказига тушиб, икки кунга ўзига етказади деб ўйлаб, беш центга бир халтачада суви қочган булочкачалар харид қилди. У булочкадан бирини еб, қолганини орқа ўриндиққа қўйди ва кейин черковга, кечки йиғилишга қайтди.

Хизмат бошланишидан олдин, бир эркак платформага чиқди ва:

— Бугун биз хохлардикки, ҳамма воизлар, қанақа деноминация бўлишига қарамай, бу ёққа ўтсинлар ва платформадан жой олсинлар, — деди.

Икки юздан ортиқ хизматчи олдинга чиқди, улар қатори Билли ҳам чиқди. Қачонки уларнинг ҳаммаси ўтириб бўлгач, кафедрадаги одам:

— Бизда ҳамма хизматчиларнинг ваъз қила олишлари учун вақтимиз етмайди. Шу учун биз сизлардан ҳар бирингизни микрофонга келишингизни ва ўзингизни таништиришингизни истар эдик: исми-шарифингиз ким ва қаердан келганлигингизни айтинг, — деди.

Микрафоннинг сими ярим метрлар кафедра устида чайқалиб турган эди. Билли ҳеч қачон микрафонни кўрмаган эди. Унга қизиқиб қараганча,

— Уилльям Бранхам, инжилчи. Жефферсонвилли, Индиана, — дея уни олдидан ўтди.

Ўша оқшом Билли бутун умр хотирасида қолган, юрагини ўзига жалб қилган ғалати бир аҳволни кузатди. Тўпланганлар орасида иккита эркак ўтирган эди, қайсики уларни Худо ўзига хос тарзда ишлатгандай эди. Бир эркак турди-да, худди пулемётдан тариллагандай, ноўмалум тилда гапирди; кейин иккинчи эркак турди ва биринчи эркак номаълум тилда нима гапирган бўлса, инглиз тилида унинг маъносини айтди. Қанчадир вақтдан кейин улар буни такрорладилар, фақат бу сафар ролларини алмаштирдилар. Бу одамлар қанчалик руҳоний бўлишлари керак, уларни кўриб қойил қолди холос, шу учун у албатта эртага уйга кетишдан олдин, улар билан гаплашишга қарор қилди.

Ваъз қилиш вақти келгач, платформага қора танли қария оқсоқланиб чиқди. Унинг устида вельвет ёқали, узун қора пиджак бор эди. Унинг энсасини оқарган сочлари қоплаб турарди. У шунчалик дармонсиз ва нимжон кўринардики, Билли беихтиёр ҳайрон бўлди: “Наҳотки улар бу бечора қарияга ваъз қилишга қўядилар?”

Лекин улар айнан шундай қилишни ният қилдилар. Кекса хизматчи микрофонга келди ва деди:

— Қадрли болалар, бугун мен каломни Аюб 38:4-7 дан олмоқчиман.

У Библиясини очди ва ўқий бошлади: *“Мен ерга асос солганимда, сен қаерда эдинг?... Тонг юлдузларининг умумий шод-ҳуррам тантанасида, қачон ҳамма Худо ўғиллари қувончдан нидо қилдилар?”*

Ўз мавзусини ерга “тушуриш” ўрнига, ҳали ер бор-йўғи Худонинг идроки, фикрида эканлигида, осмонда бўлиб ўтган ҳодисаларни тушунтириш учун, у ёқдан бошлаган кекса воиз, вақт бўйича, ўн миллион йил мозийга сафар қилди. Кейин у вақт бўйича олдинга, замонлар ва даврлар орқали, ҳатто Миллениум[60] — Минг йиллик Шоҳликкача камалак бўйича горизонтал ҳаракат қилди ва ваъзида янги осмон ва янги ерга[61] қараб ҳаракат қила бошлади. Бу вақтга келиб у шунчалик қувноқ ва бахтли эдики, бундан қичқирарди:

[60] Миллениум ёки Минг йиллик шоҳлик; Ваҳий 20:6 (Тарж)

[61] Ваҳий 21:1 (Тарж)

— Худога шукур! Сиз ўйлайсиз, мен қандайдир янги дин — религия олдиммикин? Биродар, мен бор-йўғи қадимги религиянинг яп-янги порциясини олдим холос! О-го-го!

У сакраб, пошналари билан чертди ва ҳайқирди:

— Аллилуя! Мен ваъз қилишим учун, сизда бу ерда жой етишмайди.

Шу сўзлар билан платформадан ёш боладай чаққон сакради.

Билли ҳайратдан оғзини очиб, ўйланиб қолди: “Агар Муқаддас Руҳдан чўмилиш қарияни шундай ҳолатга солса, нима бўларкин, агар Бу мени топса?”

Хизматдан кейин Билли водозабор кранидан сув ичиш учун тўхтади, бир неча булочкани еб олди, кейин эса қишлоқ жойига чиқди-да, машинасини кукуруз майдонига тўхтатди. Унинг кўчалик шими жуда ғижим бўлгани сабабли, у дағал йўл-йўл чалворини текисламоқчи бўлди. Уни олдинги ўрнига ёзди-да, кейин орқа ўриндиқни олиб, юк остида эрталабгача ҳамма ғижимлари текисланади, деган умидда, чалвори устидан бостириб қўйди. Кейин Билли олхўри дарахти тагига, ўтга ётиб олди ва ибодат қила бошлади: “Раббим, мен бу қаёққа тушиб қолдим? Бу эмасми, Жон Райен айтган “элликчилар кечинмалари”? Раббим, бу нима ўзи, тушунишга ёрдам бер? Мен ҳеч қачон ҳаётимда, бундайин диндор одамларни кўрмаганман. Мен аниқ билмайман, улар нима олдилар-у, аммо мен сезяпман, орзуманд юрагимнинг шунча вақтлар излагани – худди шуни ўзи. Худойим, қандайдир қилиб бу одамларнинг ихлосини оқлашга рухсат бер”.

Ярим кечадан ўтиб, у куйлагини юмалоқ қилиб, ёстиқ ўрнига боши тагига қўйди ва уйқуга кетди.

Эрталаб Билли йўл-йўл чалворини айлантириб қаради. Гарчи унинг бошқа бир жуфт шимидан кўркамроқ кўринса-да, унинг кўриниши унчалик яхшиланмаган эди. Кўчалик кўйлаги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: у кўрқинчли кўринарди. Баптистларнинг таълими Биллини Худонинг уйига боришдан олдин, у энг яхши кийим кийиши лозим, деб ўйлаштар эди. У бундай йўл-йўл чалвор ва футболкада черковга боришга жасорати етармикан, дея бир қарорга келолмасди. Кейин ўйлади: “А нима учун бўлмас экан? Ҳеч ким бу ерда мени танимайди. Ҳаммаси жойида бўлади”.

У черковга эртароқ келди. Ибодатхона аста-секин одамларга тўла бошлади. Бир томонидан қора танли одам ўтирди, бу томонидан эса оқ танли аёл. Қўшиқлар айтиш хизмати тугагандан кейин, бир одам микрафонга келди-да, деди:

— Кеча бу платформада Индиана, Жефферсонвиллидан Уилльям Бранхам деган, энг ёш инглиз хушхабарчи бўлган эди. Биз уни олдинга чиқишини ва бу эрталаб бизга калом айтишини истаймиз.

Билли қулоқларига ишонолмасди. У кўримсизгина кийимига қаради-да, кейин билинтирмай стулга қапишди.

Ҳалиги одам такрорлади:

— Жефферсонвиллидан хушхабарчи Уилльям Бранхам қаердалигини бирор киши биладими? У кеча кечқурун платформага чиқувди. Биз бу эрталаб уни ваъз қилишини хохлаймиз.

Билли стулга баттар қапишди. Унинг ёнидаги қора танли одам энгашиб сўради:

— Менга қара, балки, уни сен биларсан?

— Ҳа, мен уни биламан, — ёлғон айтишни истамай, Билли шивирлади.

— А шу ердами у?

— Йўғе, ҳм... Ҳа, у шу ерда, лекин...

— Унда олиб кел уни шу ерга.

Бу Биллини ноқулай ҳолатга қўйди.

— Йўғе, ҳм... Менга қулоқ сол, ака, мен – мен бир нарсани сенга айтмоқчиман. Бу мен.

Қора танли одам жилмайди ва бошини чайқади.

— Мен бўлсам, сени, полдан бирор нарса олмоқчи бўлиб, бунчалик эгилди, деб ўйлабман. Қани, унда у ёққа чиқ, ваъз қилгин.

— Йўқ, мен бу кўринишда боролмайман, — деди Билли ва футболкасини ғижимлаб, нимада кийинганини кўрсатди.

— Бу одамлар қандай кийинганинг билан иши йўқ. Қани борақол.

— Йўқ, сэр, мен бундай қилолмайман.

Микрафондан яна акс садо эшитилди:

— Бирор киши топдими, муҳтарам Уилльям Бранхамни?

Қора танли одам қўлини кўтарди ва Биллини кўрсатиб, бор овозида қичқирди:

— У шу ерда! У шу ерда!

Бинодаги ҳар бир кишининг нигоҳи у томонга қараган, Билли аста турди. У қулоғигача қизариб кетди. У Библияни қўлтиғига қистирганча қаторлар орасидан, асосий йўлакдан ўтди ва платформага кўтарилди. Кейин у тортинибгина кафедрага ўтди. Ҳамма нарса уни асабийлаштирар эди: катта йиғилиш, унинг ташқи кўриниши ва ҳатто янги одат бўлган микрафон ҳам. Лекин ҳаммасидан кўп уни ҳаяжонлантираётгани, унинг калласида ваъз қилиш учун битта ҳам мавзу йўқ эди.

Шундай қилиб, у фикрига келганини гапира бошлади, холос:

— Хўш, дўстлар, сиз қандай ваъз қиласизлар, бу ҳақда мен кўп нарсани билмайман. Мен ўзи шу яқиндан тасодифан ўтаётгандим ва...

Билли Библияни жилдини кафедрага қўйди, унинг саҳифалари эса шу пайт ўз-ўзидан очилиб кетди. Гапира туриб, у очилган саҳифанинг биринчи оятига кўз югуртирди. Бу Лука 16:23 экан: *“Тамуг* азобидан ўтар экан, у бошини кўтарди... Ва фарёд қилди...”* Бир лаҳзада Билли, бой ҳақидаги масални эслади, қайсики, у Лазар исмли қашшоққа эътиборсиз бўлганди. Кейин бой ўлди ва дўзаҳга жўнади.

Тамуг* — (юнон Хадес) тавба қилмай, раҳмга эришмай ўлганларнинг жонлари қиёматгча қоладиган қўрқинчли жой; ўликлар диёри.

Биллида воизлик сўзи пайдо бўлди. У бу масални тўпланганларга ўқиб берди, кейин эса ваъз қила бошлади:

— Мана, бу бой дўзаҳда ўтирибди. У нима учун қийналар эди? У қаради, у ерда гуллар йўқ эди, ва у фарёд қилди. У қаради, у ерда болалар йўқ эди, ва у фарёд қилди. У қаради, у ерда қушиқлар йўқ эди, ва у фарёд қилди...

Билли шу руҳда, Хушхабарни инкор қилган у жоннинг охир-оқибатдаги фожиасини кўрсатиб, ваъз қилаверди. У қанча кўп гапирар экан, бу элликчи одамлар шунчалик унинг мавзусига чуқурроқ тушуна бошладилар, токи бутун аудитория бўйлаб ҳис-туйғулар шовуллаши эшитилмагунигача.

— У ерда ором йўқ эди, ва у фарёд қилди. У ерда муҳаббат йўқ эди, ва у фарёд қилди. У ерда Масиҳчи йўқ эди, ва у фарёд қилди. У ерда Худо йўқ эди, ва у фарёд қилди.

Кейин Биллининг ўзи фарёд қилди.

Ҳамма оёққа турди ва Худога раҳм-шавқат учун илтижо қила бошлади. Шу лаҳзада йиғилиш Биллининг бошида хиралашиб айланар ва у қаергадир, ҳис-туйғулари гирдобида, чайқалаётган одамлар орасида йўқолиб қолди. У ўзига келганида, аллақачон черков ҳовлисида юрган эди. Унга дароз, бақувват одам келди-да, деди:

— Хўш, сен хушхабарчими?

— Ҳа, сэр.

— Мен — Жонсон деган оқсоқолман. Сен Техасга келолмайсанми, уйғониш йиғилишларини ўтказмайсанми?

Билли унинг баланд пошнали ковбойлар этигидан бошлаб ва то соябони кенг шляпасигача қараб чиқди.

— А сиз воизмисиз?

— Ҳа, албатта.

Бундан сўнг бир онда, олдинлар гольф ўйинчилари киядиган чорхона чолворда паст бўйли одам келди. У ўзини таништирди:

— Мен — муҳтарам Смитман, Флорида штати Майамаданман. Менинг черковимда беш юз имонли одам. Мен, сени ҳам келиб, уйғониш йиғилишларини ўтказишингни истайман.

Билли ҳайронликдан қошларини чимирди ва ўйлади: “Нима ҳам дердим, охир-оқибат менинг йўл-йўл чолворим ва футболкам унчалик ҳам ёмон эмас экан”.

Кейин тўдадан бир аёл чиқди ва деди:

— Мен Мичиган шимолидаги ҳиндулар ўртасида миссионерлик қиламан. Сиз ваъз қилган пайтда, Раббим менга сиздан келиб, ҳиндулар орасидаги меҳнатимда ёрдам беришингизни сўрашимни айтди.

— Бир минут, — деди Билли, — менга бир варақ-қоғоз олишга рухсат беринг. — Ҳали у тез-тез фамилия ва манзилларни ёзиб олар экан, шу илтимос билан бундан ҳам кўпроқ хизматчилар келдики, охири у ерда фақат сафарда ваъз қилишга бир йилга етадиган таклифлар йиғилди. Билли бундайин бахтдан еттинчи осмонда эди. Унинг ҳаётида ўзгаришлар турарди. У уйга келиб, ҳаммасини Хоупга айтиб беришни интизор кутарди.

Лекин уйга кетишдан олдин, Билли яна иккита одам билан танишмоқчи бўлди. У ҳовлида тўпланганлар орасидан, йиғилиш пайтида ўзга тилда гапирган ва таъбирлаганлардан бирини топмагунича, қараб излади. Билли унга келди ва ўзини таништирди.

— Сен эмасми, бу эрталаб ваъз қилган ёш йигит? — ёши ўтган одам сўради. — Сен Муқаддас Руҳни олдингми?

— Мен баптистман.

— Лекин, имон келтирганингдан кейин Муқаддас Руҳни олдингми?

— Нима десам биродар, бир нарса менга аниқ: сизлар эга бўлган нарсага, мен эга эмасман.

— Сен қачондир ўзга тилда гапирганмисан?

— Йўқ, сэр.

— Сенга бирдан айтишим мумкин: сен Муқаддас Руҳга эга эмассан.

— Ҳа, агар Муқаддас Руҳни олиш учун шу зарур бўлса, унда мен Унга эга эмасман.

Суҳбат давомида Билли унинг руҳи билан боғланиш учун уни диққат билан кузатди. Гарчи Билли ўзи эга бўлган буюк инъомни ҳали тўлиқ тушунмаса ҳам, у бундай зарур мақсадларда фойдаланишни ўрганаётганди. У шу нарсани англадики, агар у бирор киши ҳақида чиндан ҳам бирор нарса билмоқчи бўлса, у одатда, одам билан, унинг руҳи билан алоқага эга бўлмагунича мулоқотда бўларди. Энди кекса Масиҳчи, бир ғалати нарса бўлаётганини сезгандай, унинг кўзлари асабий олазарак бўла бошлади. Билли у билан суҳбатни йиғилиш мавзусига қаратиб давом эттирди ва тезда ваҳий пайдо бўлди. Билли ўзида қониқиш сезди: бу одам асл, ҳақиқий Масиҳчи эди.

Энди у нотўғри йўлдалигига ишониб, Худо бераётган Ўшанга кўпроқ эга бўлиш дардида ёнар эди. Машина қайтаётиб, аудиторияда катта таассурот қолдирган иккинчи одам билан учрашди. Билли ўзини таништирди.

— Сен қайси черковга тааллуқлисан? — сўради ўша одам.

— Мен баптистман.

— Сен ҳали Муқаддас Руҳни олмагансан, шундай эмасми?

— Ҳа, мен билмайман. Сизлар эга бўлган нарса менда йўқ, шуни биламан.

— Сен қачондир ўзга тилда гапирганмисан?

— Йўқ, сэр.

— Унда сен Уни олмагансан.

Бутун суҳбат давомида, Билли бу одам руҳи билан ҳам боғланишга ҳаракат қилди. Қачонки, охири, ваҳий пайдо бўлгач, унинг бутун ҳаётини очди. Билли бу эркакни қора сочли аёлга уйланганлигини, лекин ҳозирги пайтда малласочли аёл билан яшашини ва ундан иккита боласи борлигини кўрди. Ваҳий унинг жирканч икир-чикирларигача кўрсатишда давом этди. Бу айни иккиюзламачининг ўзи эди. У “Фақат Исо” эмас, балки “фақат якшанба кунлари” эди. Билли ваҳийда уни барда ўтирганини кўрди; у ичарди, беҳаё сўкинар, кейин эса якшанба кунлари черковда ўтирарди, ўзга тилларда гапирар ва каромат қиларди! Қўрққанидан унинг фикрлари заифлашди, сусайди. “Раббим, мени кечир. Бу одамлар орасидаги Руҳ шубҳасиз, нотўғри бўлмасада, бу иккиюзламачи қандай қилиб черковда туради ва каромат қилади?”

Билли узр сўради ва дарҳол машинасига борди. Мишавакидан қайтишда унинг эски “Форд”и ўнқир-чўнқир йўлдан сакраб-силкиниб юрганидай, фикрлари ҳам бошида “ўйнар эди”. “Раббим, мен ҳеч қандай тушунолмайман. Қандай қилиб ҳақиқий Муқаддас Руҳ бир вақтнинг ўзида ҳам чин Масиҳчи устига ва ҳам бу иккиюзламачи устига тушади? Бундай бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол, мен алданаяпман, лекин мен буни Библияда кўрмаяпман. Мени бу “тиллар ва кароматлар”ни тинч қўйишим керакка ўхшайди, холос, деб ўйлайман.”

Кейин Биллининг хотирасига Исонинг Марк 16-бобидаги сўзлари келди: *“Кимки ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади; ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар, янги тилларда гапирадилар...”* Билли ўйлаб қолди: “Бу калом-ку ахир. Мен бу билан нима қиламан?”

Бу бошқотирмани ечишда унда бирорта ҳам калит йўқ эди, шу сабабли бу ўйлов билан куймаланишни йиғиштириб, бунинг ўрнига шимининг орқа чўнтагидаги ўша ҳамма таклифлар тўғрисида фикрлай бошлади. Унинг руҳи жонлана бошлади, орзулари бургутлардай “қанотларини ёйди” ва булутлардан юқорига парвоз қилди, у ёқдан ўзининг келажаги йўлига лаззатли ҳаяжон

билан қарай олди. У эслади, ўз чодирига бурчак тошини қўйган кун, Раббий нима деганини: *“Хушхабарчи ишини қил...”* Худо у учун шу йўлни кўрсатганга ўхшайди, айнан шу иш билан шуғуллансин дея.

Қачонки Билли уйига етиб келганда, уни бир шундайин ҳаяжон қоплагандики, у ҳамма нарсаларини шу заҳотиёқ жойлашга ва кейинги куниёқ сафарга жўнашга тайёр эди. Хоуп уни кутиб олишга чопиб чиқди. Шамол унинг узун қора сочларини тебратарди. Улар қучоқлашганлариданоқ, Хоуп дарров унинг қувончли ҳаяжонини пайқади.

— Билли, нима бу сен, бахтиёрликдан яшнаяпсан?

— Азизам, мен дунёда энг ажойиб черковни топдим!

— Бу сен қаерда бўлдинг?

— Мишаваки яқинида. Севгилим, ана бу черков! Бу одамлар қичқиришар ва хурсанд ҳайқиришар, улар ўз динларидан уялмайдилар.

— Улар бу “муқаддас сакровчилар” эмасми, а? — норозилик маъносида қошини чимириб, сўради Хоуп.

— Мен билмайман, “сакровчи”си нимаси, лекин уларда менга зарур бўлган, нимадир бор. Мен қандай қилиб тўқсон ёшли қария яна ёшарганлигини кўрдим. У одамлардан айримлари ўзга тилларда гапирдилар ва бошқалари, улар нима деганларини айтиб беришди. А қанақа ваъзлар! Улар нафаслари тиқилиб қолгунича ваъз қилишар, тиззалаб олишар, яна сакраб туриб кетар, яна ўзини ўнглаб давом этишарди. Бунақасини ҳаётимда ҳеч қачон эшитмаганман. Қарагин-да, бир.

Билли фамилия ва манзиллар ёзилган варақни олиб мақтанганча, тебрата бошлади.

— Мичигандан Техасгача ҳамма пасторлар, мени уларга бориб ваъз қилишимни хохлаяптилар. Мен ишдан бўшаб, черковни қолдириб ва ҳамма вақтимни шу одамлар орасида ваъз қилишга бағишламоқчиман. Мендаги таклифлар бутун бир йилга етади. Сен мен билан борасанми?

Хоуп унга ҳеч иккиланмай жавоб берди:

— Билли, қачон мен сенга турмушга чиққанимда, сенга меҳримни қўяман, токи бизни ўлим жудо қилмагунича, ажралмайман, дея ваъда берганман. Албатта, мен сен билан бораман. Бунинг устига, сен айтгандай, агар бу одамлар шунчалик бахтли эканлар, унда мен ҳам шундай бахтни истар эдим. Улар буни нима дейишади?

— Улар буни Муқаддас Руҳга чўмилиш дейишади. Кел, шундай Исони қидиришга борамиз.

Уларнинг кейинги қадамлари, бу ҳақида ота-оналарига айтиш эди. Қачон Билли онасига келганида, Элла деди:

— Билли, сени имонга келганингдан бир неча кун кейин кўрган тушимни эслайман. Мен сени оқ булут устида туриб, бутун дунёга воизлик қилганингни кўрдим.

Билли ўша дақиқани, бундан кўп йиллар олдин онасига унга айтиб берган ўша тушини ғира-шира эслади. У елкасини қисди ва:

— Бутун дунё борасида, майли, билмадим–у мен, лекин ҳамма штатлар бўйлаб ваъз қилишим аниқ. Ва онажон, сен кўрсанг эдинг, бу одамлар Исодан қанчалик хурсандлигини! Улар Унинг Исмини бор овозда айтишга, озгина ҳам уялишмайди.

— Аллақачонлар, бизда Кентуккида, “қадимдан қолган” деб бизлар атайдиган баптистлар бўларди. Улар ҳам шундай шовқин қилишар, қичқиришар ва ҳайқириб нидолар қилишарди. Билли, бу самимий, асл религия.

— Она, мен чин, самимий динга ишонаман.

Онаси унинг елкасига уриб қўйди-да, деди:

— Биламан, Билли, сени шундай ишонишингни. Мен ишонаман, Худо сени дуо қилади.

Бироқ улар бу ҳақида Хоупнинг онасига айтишга борганларида, аҳвол бутунлай бошқача бўлди. Бу пайтга келиб мистер Брумбах ва Брумбах хоним ажралишган эди. Чарли Брумбах Индиана штати, Форт-Уэйнга яшаш учун кўчиб кетди. Брумбах хоним эса, олдингидай Жефферсонвиллидаги уйида яшарди. Хоуп ва унинг онаси билан айвонда ўтириб, Билли деди:

— Брумбах хоним, мен ажойиб одамлар гуруҳини учратдим. Биз Хоуп билан уларга бормоқчимиз.

Кейин унга Мишавакида нималар бўлганини айтиб берди.

Брумбах хоним қовоғини уйди.

— Уилльям, сенга шуни тушунтириб қўяй, мен қизимга

—“Муқаддас сакровчилар” деган қандайдир ташландиқ чиқиндилар тўдаси билан юришга ҳеч қачон йўл қўймайман.

— Қизиқмисиз, Брумбах хоним, улар дунёдаги энг бахтли инсонлар. Улар ўз динлари учун уялмайдилар ва бу менга ёқади.

— Ташландиқлар! Улар ахлатдан бошқа нарса эмаслар! — у ўзиникини маъқуллади.

— Наҳотки сен англамаяпсан, бу одамлар бошқа черковлардан ҳайдаб юборилганлигини? Мен ҳеч қачон сенга қизимни бу ювиндиқлар ўртасида судраб юришингга қўйиб бермайман. Бундай бўлмайди!

— Лекин Брумбах хоним, юрагимнинг тубида, Раббим мени ўша одамларга боришимни хохлашини сезиб турибман.

— Чиқиндилар! — такрорлади. — Уилльям, орқангга ўз черковингга бор ва қарзларни тўлаб, ўзингники қилмагунингча, ўша ерда бўл. Кейин сенга пасторлик уйи беришсин ва бамаъни одамдай йўл тут. Сен ўйлайсан, мени қизимни мамлакат бўйлаб судраб юришингни билиб, мен бахтиёр бўламанми: бугун у тўқ, эртага эса — тишини кирини сўрсин, икки сира кийими йўқ алмаштиришга, ёки устига тузиккина кўйлак?

— Брумбах хоним, гап кийимда эмас. Мени шундай қилишимни Худо хохлаётганлигини, мен сезиб турибман, ҳамма гап шунда.

— Ҳатто ўйламанг ҳам! Мен ҳеч қачон қачон қизимни бундайин ахлатлар орасига тушишига қўймайман.

Бу сўзлар билан Брумбах хоним бурилди ва Хоупга норози қаради.

— Ва агар у барибир ҳам кетишга журъат қилса, унинг онаси вайрон юраги билан қабрга киради.

— Она, наҳотки сен ҳақиқатдан ҳам буни назарда тутяпсан? — бутунлай ҳайрон бўлиб, Хоуп сўради.

— Худди шу нарсани назарда тутяпман ҳам.

Хоуп ҳўнграб юборди. Билли қўллари билан уни қучоқлади.

— Лекин Брумбах хоним, у ахир менинг хотиним-ку.

— А менга у қиз!

— Ҳа, хоним, — деди Билли, кейин турди ва айвондан тушиб, машинасига кетди.

Хоуп унинг изидан чопиб келди.

— Билли, онам нима деганда ҳам, мен сен билан бирга бўламан.

— Вой-бўй, ҳаммаси жойида. Кел, бу ҳақида унутамиз, холос.

— Лекин Билли, агар сен боришингни Худо хохлаётганлигини сезаётган бўлсанг, унда сен боришинг керак.

Билли оғир хўрсинди.

— Азизам, менимча, мен унисига ҳам, бунисига ҳам маъқул бўлишга ҳаракат қилаётгандайман, лекин мен онангнинг кўнглини қолдирмоқчи эмасман. Биз сафарда бўлганимизда, унга бирор нарса бўлса, нима бўлади? Унда бутун умр ўзингни, унинг юрагини вайрон қилганинг учун айблаб ўтасан. Кел, бу нарсани вақтинча қўйиб турайлик.

Билли Худонинг бутун мамлакат бўйлаб хушхабарчилик меҳнатини бажариши учун биринчи чақириғига эътиборсизлик қилди. Бу эса унинг ҳаётидаги энг даҳшатли хато, — тез орада ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган хато эканлиги маълум бўлди.

19-БОБ
ҚОРА ПАРДА ТУШАДИ
1936

Уилльям Бранхам қалбидаги оғирликни енгиллатиш учун, Жефферсонвилли атрофида хушхабар тарқатишда кўп куч-ғайратини сарфлади. Ўзининг ҳаёти тарихи бошқа одамларни ҳам Худога имонга келтириши мумкинлигига ишониб, Билли ўзининг шахсий кечинмаларидан айримларини ўн беш саҳифалик рисолада баён қилди[62]. Бу рисолага номни Ибронийларга 13:8 дан олди: — *"Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадий Ўшанинг Ўзидир",* — ва унга қуйидаги автограф қўйди: *"Муҳтарам У. (Билли) Бранхам".*

[62] Бу рисола биринчи варианти 15 саҳифали эди, кейин эса 22 саҳифагача кўпайтирилди. (Охирги вариантдаги рисола рус тилида мавжуд; "Адабиёт ва информация манбалари" бўлимига қаранг.)

Муқаддимада ёзди:

Бу китоб, уни ўқиган ҳар бир киши, Исо Масиҳ ҳали ҳам одамларни ҚУТҚАРИШИНИ ва ШИФОЛАШИНИ билиб олиши учун ёзилган.

Мен ишонаман, У тез орада яна келади.

Бу китоб, қандай қилиб, У камбағал болани танлагани ва хизматга чақиргани, қандай қилиб бу бола бир неча вақт Ундан қочиб юргани, кейин эса бутун юраги билан Унга ўзини бағишлагани ҳақида ҳикоя қилади.

Кейинги саҳифада Биллининг ибодати бор эди:

О Самовий Ота, бу китобни ўқиган ҳар бир одамни дуо қил.

Тез орада, биз ҳали ҳеч қачон кўрмаган буюк Черковингни бунёд қилмоқчилигингни унга билдиргин.

Биз Сенга олдингидай ишонамиз.

Ҳар бир юракка кучли орзу-иштиёқ бер, о Адолат соҳиби, Ўз камтар қулингга Сенинг мактубингни етказишга ёрдам бер.

Биламан, Мусони қандайдир мақсадда яширгандай, Сен мени қамишзорингда яширдинг.

О Ота, Сенинг Исмингни улуғлашимда менга ёрдам бер, зеро мен буни Исо Исми ҳақи сўрайман.

Омин.

Кейинги етти саҳифада асосий ўрин Биллининг ғайри-оддий ҳаёти тўғрисидаги ҳикоясига асосий ўрин берилади: у онаси билан қорбўрон вақтида ўлим ёқасида бўлганлари ва қачон қўшнилари уларга ёрдамга улгурганидан бошлаб. У етти ёшлигида қандай қилиб дарахт барглaридан овознинг: *"Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда ҳаром қилма. Катта бўлганингда сен учун юмуш бўлади",* — деганини ҳикоя қилади. Кейин у 1927 йилда Аризонага борганлиги ҳақида ва укаси Эдварднинг ўлими, қандай уни уйига қайтаргани ва инсонни бу ҳаётидан кейин нима кутиши ҳақида ўйлашга мажбур қилгани тўғрисида эслатади. Билли коммунал хизмат компаниясида ишлаган вақтида газдан заҳарланиши, кейинги операция ва уни Худога келтирган ёрқин хоч кўриниши ҳақида ёзди. Кейин у ошқозони касалидан, кўз астигматизмидан ғайритабиий шифоланиши ҳақида сўзлайди; кейин ваъз қилишга чақирилгани ва охирида, 1933 йил Огайо дарёсида сувдан чўмдириш вақтида боши узра оловли шар пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилиши билан тугатади.

У рисолани қуйидаги сўзлар билан тугатди:

"Азиз ўқувчилар, агар менга бу китобда кўпроқ жой бўлганида, сизга кўпдан-кўп бўлган ишларни, қандай қилиб черков қурганимиз ва биздаги кучли уйғониш йиғилишлари ҳақида ҳикоя қилардим. Одамлар атрофлардан ва узоқлардан шифоланиш учун келдилар. Лекин мен бу китобчани ҳар ким ҳам сотиб ололадиган кичикроқ ва арзон бўлишини хохлардим. Уни ўқиб, Исо Масиҳни бугун ҳам Ўшанинг Ўзилигини, У кеча қандай бўлса, ҳамма вақт ҳам У шундай бўлишини билиб оласиз; ва сиз Унга ишонишингиз ҳамда нажотга эга бўлишингиз лозим. Агар

иложи бўлса, бизнинг уйғониш хизматимизга, улар сизнинг яқинларингизда бўлаётганини эшитсангиз, хохлаган вақтингизда келинглар”.

Кейинги иккита саҳифада ғайри-табиий тарзда шифоланган одамларнинг, шу жумладанжаноб Уилльям Мэррилл ва Мэри Дер Оханион хонимнинг гувоҳлиги ёзилиб, қайсики, Билли энди Масиҳчи бўлгандан кейин кўрган ваҳийсига кўра, биринчи иккала шифоланганлардан эдилар.

Жаноб Мэррилл ёзди:

“Мен Индиана штати, Нью-Олбанидаги касалхонада эдим, ва мен ўша ерда Бранхам ака ҳақида эшитиб қолдим. Мени машина урди. Қарийб ҳамма қовурғаларим синиб кетганди. Менинг орқам шикастланганди. Тиббиёт учун чорасиз ҳол эди.

Бранхам ака мен учун ибодат қилган эди, шу заҳоти қовурғаларим ўз жойига келди, ва худди шундай орқам ҳам. Шифокор ҳеч нарсага тушунолмади. Мен турдим, кийиндимда, уйга жўнадим ва ишга чиқдим.

Худога шарафлар бўлсин, Унинг Шифоловчи Қудрати учун”.

Уилльям Х. Мэррилл
1034 Кларк Стрит,
Нью-Олбани, Индиана.

Дер Оханион хоним ёзди:

“Мен кўп йиллар давомида ногирон эдим. Касаллик мени тўшаклик қилиб қўйганди. Менинг оёқларим чангак бўлиб қолган ва мен юролмасдим. Шифокор менга ҳеч қачон юролмайсан, деганди. Мен Бранхам ака ва унинг ибодатларига Раббий қандай жавоб бериши ҳақида эшитиб қолдим. Шу учун Унга ёлвордим. Бранхам ака ва яна ДеАрк деган ёш одам келишди ва мен учун ибодат қилдилар. Менинг оёқларим дарҳол шифоланди. Мен юрай билдим. Шундан бери мен юряпман. Ўша кунга ҳам мана тўрт йил бўлди.

Мен Худони Ажойиб Қудрати учун улуғлайман”.

Мэри Дер Оханион хоним
2223 Ист Оук Стрит
Нью-Олбани, Индиана.

Китобчанинг охирги тўрт саҳифасида Исо Масиҳнинг бугунги кунларда ҳам шифолаш кучи ҳақидаги воизлиги ёзилган эди. Билли ёзди:

“Кўплаб Библияни ўқувчилар айтади: “Агар мен Библия ҳикоя қилаётган даврда яшаганимда эди, мен Исога мурожаат қилар эдим, ва У менга ёрдам берар эди”. Дўстлар, худди ўша кунлардагидек сизга ёрдам бериш учун, У бугун ҳам шу ерда. Фақат Муқаддас Руҳга ишонинг, зеро У Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик беради. Марҳамат, ҳозир қаерда турибсиз, тўппа-тўғри ўша ернинг ўзида, Унга ишонинг ва У сизни шифолайди”.

Биллининг черков аъзолари *“Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир”* рисолаки нусхаларини қариндошлари ва дўстларига тарқатдилар. Вақт ўтиши билан бу оддийгина китобча кўплаб бориш қийин бўлган жойларга “саёҳат қилди” ва кўплаб ҳайратланарли ғаройиботлар қилди...

КЕЙИНРОҚ, 1936 ЙИЛНИНГ ЁЗИДА, Билли Хоуп билар Индиана штати, Форт-Уэйнга, Хоупнинг отасини кўргани бормоқчи бўлди. Билли йўлга чиқишни сабрсиз кутарди, чунки у ерга ўз вақтида етиб борилса, улар Редигар Черковига, шанба кунги кечки хизматга боришлари мумкин эди. Бу, у ҳар сафар Форт-Уэйнда бўлганида боришни ёқтирадиган черков эди.

— Хоуп, сен энди кетамиз деганда, ванна қабул қилмассан, ахир? — деди Билли, соатларига асабий қараганча.

— Бу кўп вақтимни олмайди. Лекин Билли, агар биз черковга борсак, унда менга бир жуфт янги пайпоқ керак. Мен йиғиштирилиб, тўғри бўлгунимча, “Джей-Си-Пенни”га бориб, менга бир пара сотиб олишинг мумкинми?

— Майли, агар бу ишни тезлаштирса.

— Ҳа. Мана сенга 60 цент. Фақат билиб ол, капрон эмас, а шифон пайпоқ харид қилгин. Ва унутмагинки, улар “стилда” бўлиши керак. Буни эслаб қололасанми?

— Албатта. Шифон пайпоқ, “Стилдаги”

Шифон пайпоқлари тоза ипакдан тайёрланилар ва силлиқ ва нозик дидли бўларди. Гарчи улар капрон пайпоқдан уч баробар қиммат турсада, ўзини янада ораста ва модада кўрмоқчи ҳар қандай аёл шифон пайпоқни афзал кўрарди. Капрон бўлса, бошқа томондан кўпроқ ёши ўтган аёллар дидига тўғри келарди, уларни кўпроқ ташқи кўринишидан кўра, тежалган пули ва қулайлиги қизиқтирар эди. Билли аёллар кийими фасонлари ҳақида кўп билмас эди, шу сабабдан унга капрон билан шифон орасидаги фарқни эслаб қолиш қийин эди. Магазинга боргунча унутиб қўймаслик учун, йўл бўйлаб у пайпоқларнинг тўғри номини тинмай такрорлаб борди: “Шифон...шифон...шифон...шифон...”

— Салом, Билли! — деди кимдир ёнидан ўтаётиб.

— Салом! — у жавоб берди ва дўнғиллашда давом этаверди: “Шифон...шифон...шифон...”

Кейин у эски балиқчи дўсти Орвилл Спонни учратиб қолди.

— Билли, биласанми, дамбанинг у томонида окунлар қармоққа тушяпти? Айримлари мана бундай узун-узун, — деди Одвилл ва қўллари билан балиқнинг катталигини кўрсатди.

Билли қойил қолганидан ҳуштак чалиб қўйди. Бир неча минут улар икковлон қармоқлар ва ушлаш усулларини муҳокама қилишди. Билли йўлида давом этар пайти, у энди қанақа пайпоқ ҳарид қилиш тайинланганлигини эслай олмади.

Энди унга нима қилиш қолди? У уйга қайтиб ва унутиб қўйганини Хоупга айтишга ийманди. Бунинг устига, бунга кўп вақт кетар эди. Тўсатдан у шу яқиндаги универсал магазинда ишлайдиган Тельма Форд деган танишини эслади. У эҳтимол, унга керакли маълумот бера олади.

Билли эшикдан кириши билан, спорт товар бўлимида, қуроллар устунида турган ўзининг севимли 22-калибрли милтиғини завқ қилиб томоша қилди. Бу олмахон овлаш учун беками-кўст, ажойиб қурол эди. Билли уни сотиб олмоқчи бўлганига бир йилдан ошди. У 17 доллар турар, у бўлса, бошланғич тўлов учун 3 долларни ҳам йиғиштиролмасди. Майли, мумкин, қачондир келажакда...

Шу пайт Тельма Форд келиб қолди.

— Салом, Билли. Қандай ёрдам керак?

— Саломатмисан, Тельма. Хоуп мендан ўзи учун бир жуфт носки олишни сўраганди.

— Билли, Хоупга носки керак эмас-ку, ахир, — деди Тельма афтини буриштириб.

— Ҳа, улар керак унга. У “стил”дагисини хохлайди.

— О-о, сен пайпоқ демоқчисан. А қанақаси керак унга?

Ноқулай ҳолатдалигини сезиб ва яна бир марта ўзининг қолоқлигини билдириб қўймаслик учун, Билли қандай қилиб бўлса ҳам қутилиб кетмоқчи бўлди.

— А қанақалари бор сизларда?

— Хўш, бизда ҳаммаси бор, капрондан то...

— Капрон, мана худди шуни ўзи керак унга. Қанча туради улар?

— Бир жуфти 20 цент.

— Унда мен икки пара оламан.

Билли қилган ишидан мағрурланди. Уйга келиб, Хоупга тегажоғлик қилди:

— Мана, сиз аёллар савдолашиш қобилиятингиз билан тинмай мақтанасиз. Дарёдан ўтиб Луисвиллига борасиз, савдо учун бир кунни ўтказасиз, мен эса, Жефферсонвиллининг қоқ марказига бордим ва сен битта оладиган пулга икки жуфт носки олдим. Ва менга яна қайтим ҳам қолди.

— Сен шифон олдингми?

— Ҳа, айнан ўшани.

“Шифон”, “капрон” — у бунда ҳеч қандай фарқни кўрмади.

Хоуп қоғоз халтачани олди ва унга кўз ташлади.

— Ҳа Билли, чиндан ҳам сен савдолашиб биларкансан, — жилмайиб деди Хоуп.

Улар Форт-Уэйнга тушдан анчалар ўтиб келишди. Хоуп черковдаги йиғилишдан олдин универмаг кириши кераклигини айтганида, Билли хавотирлана бошлади. Билли тўхтади, ва хотини шошиб тушиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг, у қўлида қоғоз халтача билан қайтди. Хоуп Биллига нима олганини айтиб ўтирмади, а у бўлса, бутун фикрини Редиган Черковига иложи борича тезроқ боришини ўйлаб, бу ҳақда сўрамадиям. Ўшанда, эрталабки қилган бегуноҳ хатоси, қанчалик тез орада уни қийнаш учун қайтиб келиши унинг калласига ҳам келмади.

1936 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДА унинг қизи туғилганда, Биллининг ҳаётини Қуёш нурлари мунаввар қилди. Улар уни Шарон Роуз — Исо Масиҳнинг шоирона исмларидан бири. Сарон

Нарцисснинг[63] ўзгартирилган формаси билан аташди. Шарон Роуз ёқимтой қизалоқча эди ва Билли уни кузнинг ёрқин кунидаги иссиқ қуёшдан ортиқ яхши кўрар эди. Шарон Роузнинг туғилиши кўп йилларга унинг учун бахтнинг тасалли берувчи охирги шуълачаси бўлиб қолишини билмасди...

[63]Сулаймон ўланлари 2:1. Инглизча Библияда Сарон Нарцисс — Шарон Роуз деб аталган, шу сабабдан Уилльям Бранхам қизини Шарон Роуз деб атади. (Тарж.)

"Ёмғирли қора булутлар" ноябрда қуюқлаша бошлади. Биринчидан, Биллининг келини ўлди. Кейин унинг укаларидан бири — ўн етти ёшар, кичик Чарльз Эдвард Бранхам ҳалок бўлди. Бир якшанба кечқурун Чарльз ва рулда маст киши бўлган йўловчи машинасини тўхтатди ва зинасига базўр ўрнашди. Машина телеграф столбасига урилди, Чарльз зинадан учиб кетиб, бўйнини синдирди. Бу совуқ хабарни укаларидан биридан эшитиб, Билли черковда мажлисни дарҳол тарқатди-да, касалхонага тез етиб келди. Аммо укаси Чарлининг аллақачон жони узилган эди.

Ёш Чарлининг ўлими, Биллининг отасини жуда ларзага солди. Катта Чарльз Бранхам соғлиғига путур кетган ва ҳамишагидай пулга жуда муҳтож, ўз ҳаёти ҳақида ўйлай бошлади: ўтмиши ҳақида ҳам, келажаги ҳақида ҳам ўйлаб қолди. Бир куни эрталаб Билли уни плуг айрисида ўтирганча, йиғлаётганини кўриб қолди.

— Дада, нима бўлди? — Билли сўради.

— Буни ҳозир тушунмайсан, Билли, лекин бир кун келажакда тушунасан. Мен яна бир бориб, ватанимни кўриб келмоқчиман. Мен 52 ёшдаман, ва мен у ерда 25 йилча бўлмадим. **(№8 Сурат)**

— Дада, сен у ёққа бормоқчи бўлсанг, мен сени йўлингга пул бераман.

Чарльз ўзи туғилган Кентукки штати, Берксвилли яқинидаги ўша жойни ҳаётида охирги марта бориб кўрди. Жефферсонвиллига қайтиб, у қаҳвахонага жўнади ва у ерда ўтириб, алкагол билан ҳаётига қандай путур етказганини ўйлаб қолди. Эркаклардан бири ўз ҳисобидан навбатдаги вискили стаканни таклиф қилди. Гуноҳкорликнинг юракни зиқ қиладиган ғам-андуҳи билан, лекин ўзини қўлга ололмаган ҳолда, у таклифни қабул қилди. Унинг жомини то қизғиш суюқлик тўлдиргунча, Чарльз деди:

— Эшитинглар, эркаклар, бугун кечқурун менинг ўғлим минбарда турибди. У йигит ҳақ, мен эса ноҳақ. Бу спиртли қадаҳ менинг ўғлимда ҳеч қачон акс этмасин.

Стаканни оғзига этганида, унинг қўллари шунчалик қалтирай бошладики, вискининг кўпроғи унинг энгакига чайқалиб тўкилди. Эркаклар уни масхара қила бошладилар. Чарльз чидаб туролмади ва ҳўнграб йиғлади. Шляпасини олди-да, у қаҳвахонадан чиқди.

Икки ҳафта ўтиб, 1936 йил 30 ноябрида Чарльз Бранхамда оғир юрак ҳуружи юз берди. Билли уни тўшагида ҳали тириклигида етиб келди. У ўз қўллари билан отасининг бошини қучоқлади ва бармоқлари билан унинг сочларини силар эди. Бу жингалак қора сочлар аллақачон чаккаларда оқара бошлаган. Билли ўйлади: "Мен бу оқ сочларни у ерда пайдо бўлишига ёрдам бердим. Қанчалик юрак оғриқларига сабабчи бўлдим мен!" У отасининг қўлларига қаради: у ерда, кукуруз эзадиган тегирмончадаги бахтсиз ҳодисада йўқотилган бармоқ етишмас эди. Билли, бу одамга ўнта болани вояга етказиш учун қанчалик оғир ишлашига тўғри келганини ўйлай бошлади. Чарльз Бранхам тўғрисида бошқа одамлар нима деб ўйлаши, Билли учун барибир эди. Бу одам унинг отаси эди, ва у уни севарди.

Чарльз ўзининг тўнғич ўғлининг кўзларига қаради ва пичирлади:

— Билли, мен хато қилибман.

— Дада, ҳаммасини тузатишга ҳали ҳам жуда кеч эмас.

Ва ўша ернинг ўзида, отасининг ўлим тўшагида, Билли уни Исо Масиҳга, бутун ҳаётнинг ва умиднинг Раббийсига имонга келтирди. Салкам бир соатлардан кейин Чарльз Бранхам ўз Парвардигори билан учрашишга кетди. Шу лаҳзада Билли ўз олдида оқ кийимга бурканган Фариштани кўрди. Ғам-қайғу ичини кемираётган Билли, ҳеч бўлмаганда ҳозир, отасининг жони Масиҳда, ишончли ҳимояланганини билар эди.

НАВБАТДАГИ МУСИБАТ, иккала боласи қаттиқ шамоллаган пайтда, янги йилга икки ҳафта қолганда, бошига тушди. Тез орада Хоуп ҳам улар билан бирга пишиллаб йўталиб юрди. Кўчада ҳарорат нолдан пастга тушди. Хоуп совуқ шамол кирадиган эшик остига адёл ва дераза токчасига сочиқ ёпиб қўйди. Бу озроқ наф қилса-да, уйда изоляция материаллари камлигидан, ошхона плитаси икки хонани кераклича иситолмас эди.

1936 йил Янги йил — Рождество жума кунга тўғри келди. Янги йилдан бир кун олдин болаларга совға харид қилишга улгуриш учун Хоуп дугонаси билан дарё ортига — Кентукки штати, Луисвиллага борди. Билли одатдагидек ишга борди. Тушлик танаффус вақтида икки ойлик қизчасига янги йил совғаси сифатида, Шарон Роуз жамғарма ҳисоби очди ва унинг исмига 80 цент ёздириб қўйди. Кейин болаликдан қадрдон дўсти — Сэм Эдернинг офисига кирди, қайсики у яқинда тиббиёт

мактабидан қайтиб, Жефферсонвиллида шахсий фаолиятини бошламоқчи эди ва унга янги совғасини қолдирди.

Кундузи, кечроқ Биллини шошилинч чақирдилар. Хоуп Луисвиллида савдо қилиб юриб, кўчада беҳуш йиқилган эди. Ҳозир у уйда, унинг ёрдамига жуда муҳтож ҳолда ётар эди. Билли шиддат билан уйга келди ва Хоупни адёлга зич ўралган ва тўхтовсиз қалтираётган ҳолда топди. Билли қўлини унинг пешонасига қўйди. Хоуп бутун иситмада ёнарди.

Билли Сэм Эдерга қўнғироқ қилди, у эса дарҳол етиб келди. Врач, Эдер термометрни Хоупнинг тили остига жойлаштирди ва қошини чимирганча, стетоскоп ёрдамида унинг кўкрак қафасини эшита бошлади. Кейин у термометрни кўрди.

— О Худойим, унинг ҳарорати 40 градусдан юқори. Билли, бу жуда қаттиқ касал. Унинг ўпкаси яллиғланган, зотилжак. Унга кеча дароз апельсин шарбатидан бериб туришингга тўғри келади. Иссиқ тушиши учун, бу кеча ҳеч бўлмаганда саккиз литр ичсин.

Билли Хоупнинг тўшаги ёнида ўтириб, ҳар икки дақиқада озгинадан апельсин соки ичирди. Янги йил эрталабига унинг ҳарорати бир неча градусга тушди.

Брумбах хоним қизини кўргани тўхтади ва хоналарнинг бундай совуқ, хонадан-хонага эсиб турган шабададан қўрқиб кетди.

— Уилльям, бу уйда Хоупни кераклича иситадиган иссиқлик йўқ. Мен уни уйимга олиб кетаман.

— Мен яхшиси доктор Сэм Эдердан уни олиб кетса бўладими – йўқми, сўрайман, — деди Билли.

— Эдер? Ундан сўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу йигитда заррача ҳам соғ фикр йўқ. Мен доктор Лоренсни уни текшириши учун чақираман, — деди у ва кетди.

Билли доктор Эдерга қўнғироқ қилганди, у шундай маслаҳат берди:

— Билли, уни ҳеч қаёққа кўчира кўрма. Агар сен ҳозир Хоупни тўппа-тўғри бунақа изғирин совуққа чиқарсанг, бу уни нобуд қилади.

— Лекин, доктор, ахир унинг онаси нима бўлганда ҳам шундай қилади.

— Унда мен ҳозирнинг ўзида бу ишни тугатаман. Билли, сен биласан, мен сени акамдай яхши кўраман, лекин мен бунақа шароитда Хоупнинг аҳволи учун жавоб бермайман. Мен бу даволашни тўхтатишга мажбур бўламан ва уни доктор Лоренс қўлига узатаман.

— Нима ҳам дейман, сен ҳақсан, сен ахир менинг ҳис-туйғуларимни жуда яхши биласан.

Биллининг фикрлари саросима гирдобида чарх урарди. Черковга кириб, у тиззада турди ва ибодат қилаверди: “Раббим, мен хотинимни яхши кўраман. Илтимос, унга раҳм қил ва уни шифола. Илтимос, Раббим!”

Билли олди-да, театр кўринишлари охирида тушадиганга ўхшаш пардани тушганини кўрди. У бундай ваҳийдан даҳшатга тушиб, анграйиб қолди. Кейин, авж олаётган ҳодисаларга қарашда давом этганди, кўк-кулранг булутлар қуёшни тўсиб қўйди. Қишлоқ жойларига ёмғир жаласи келди, бундан Огайо дарёси сув сатҳи то Жефферсонвиллини ҳимоя қилаётган дамба, сув остига қолмагунича, кескин кўтарила бошлади, у эса шаҳарнинг пастки қисмини босди. У, қўлида линейка тутганча, осмонда тушган бир одамни кўрди ва у Спринг Стрит кўчасидаги сув сатҳини ўлчай бошлади. Сувнинг чуқурлиги 22 фут[64] гача борди.

[64] Олти ярим метр.

Бу ваҳий Биллининг тинчини бузди. Шу пайтгача у кўрган ҳар бир фрагмент кўриниши, айнан шундай рўёбга чиқди. У бу кўрган ваҳийни, шаҳар бўйича ҳамма одамларга айтиб берди, улар бунга эътибор бериб, тегишли тайёргарлик кўриб ва шу йўсин кўпларнинг ҳаёти асралади, деб умид қилди. Бироқ, Билли буни кимларга айтган бўлса, ё ҳиринглади ва кулди, ёки хохоладилар. Ҳатто унинг йиғилишидан айрим кишилар бунга шубҳа билан қаради. Масалан, кекса Джим Уайзхарт деди:

— Билли, энг даҳшатли сув тошқини бизда 1884 йилда бўлувди ва ўшанда Спринг-Стритда сувнинг чуқурлиги бор-йўғи 15 сантиметргача етганди.

Билли ваҳийни қайтадан айтиб берди.

— Мен кўрдим, осмондан одам тушди, линейка олди, уни Спринг Стритда сувга ботирди ва деди: “Йигирма икки фут”.

— А, қўйсангчи, Билли, сен ҳаяжондасан холос, — Джим Уайзхарт устидан кулди уни.

— Мен ҳаяжонланганим йўқ. Бу РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЯПТИ! Ва бундан ташқари, менга сув тошқини бўлади, деган Ўша Худо, У билан менинг орамизда қора парда тушганини кўрсатди. Нимадир мени Ундан айиряпти: У мени эшитмаяпти, хотиним учун ибодат қилганимда. У бу аҳволдан тузалмайди деб қўрқаман.

20-БОБ
ҲАЛОКАТЛИ СУВ ТОШҚИНИ
1937

ГАРЧИ БИЛЛИ ПОЛЬ билан Шарон Роуз шамоллашдан тузалган бўлсада, Хоупдаги ўпка яллиғланишига даволашлар наф қилмади. Билли болаларига ишдан кейин қарар, лекин кундузи уларни болага қаровчи қизга қолдиришга мажбур эди. У бу ишга Меда Бройни ёллади. Меда эндигина ўн саккизга тўлаётган эди. У ўтган йили майда ўрта мактабни тугатди ва ҳозирча тўлиқ ойликка иш тополмаганидан, бу иш унинг учун озроқ пул ишлашига яхши имкон ва шу билан бирга пасторига ёрдам ҳам эди.

1937 йил январининг иккинчи ярмида, бўронли фронт[65] Қўшма Штатларнинг шимоли-шарқий қисмига кўчди. Икки ҳафта давомида Аппалачи тоғларининг ғарброфида совуқ жала қуйди, унинг сувлари эса Огайо дарёсига тушар эди. Ҳар куни бу дарёда сувнинг сатҳи Жефферсонвилли ва Луисвиллини тошқинлардан ҳимоя қилиб турган дамба четларидан бир неча сантиметрга кўтарилаверди. Шунга қарамай, ёғингарчилик тўхтай демасди; қор, кўпинча ёмғир аралаш қор келар эди. Одамлар дамбани доимий кўриқлаб турдилар. Агар улардан бирини сув уриб кетганда ҳам, тошқин юзлаб километрдаги ҳайдаладиган ерларни, шу жумладан қирғоққа яқин шаҳарларнинг бу жойлардаги пастқам територияси ҳам босар эди. Дамбалар яхши қурилгану, лекин улар фақат тупроқдан иборат эди ва шу туфайли бундайин юқори сатҳдаги сувни узоқ вақт давомида ушлаб туролмасди. Кундан-кун дамбалар заифлашаверди. Ниҳоят, февраль ўртасида, шундай фурсат бўлдики, шаҳар маъмурлари хавфли районларда истиқомат қилаётган ҳамма аҳолини кўчиришга қарор қабул қилди.

[65] Фронт — ҳарактланаётган турли хил ҳаво массалари орасидаги чегара. Масалан: *атмосферавий фронт; бўрон фронти, булутлар, илиқ ҳавонинг.* (Тарж.)

Ўша кун, куни бўйи йўллар, баландроқ жойларга кўчиб ўтувчи одамлар билан тўлиб кетди. Биллининг ҳам Брумбах хонимнинг ҳам хавфли зоналардан бирида жойлашгани туфайли, Билли хотинини қаергадир кўчириши лозим эди. Олдинига у одатдаги касалхоналардан суриштирди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси тўлиб кетган эди. Шу сабаб у хотини ва болаларини ҳукуматнинг вақтинчалик касалхонасига оборишга мажбур эди. Шундан сўнг у эвакуация қилиш фуқаролик хизматига аъзо бўлиб кирди.

Доимий огоҳлантиришларга қарамай, айрим одамлар, кўпинча транспорт воситалари йўқлигидан ҳали ҳам ўз уйларида ушланиб турардилар. Кўпчиликлар кечаси билан қўли-қўлига тегмай шунақа одамларни топишга ва уларни ҳали жуда ҳам кеч бўлмасидан кўчиришга ҳаракат қилишарди. Ярим кечага яқин Индиана штати томонидан дарё дамбасининг бир қисми ушлаб туролмади, ва сув уриб кетди, натижада сувнинг улкан массаси Жефферсонвилли маркази томон шовқин билан босиб кетди. Шаҳарнинг барча сиреналари охирги шошилинч огоҳлантиришни эълон қилиб, увиллашди. Фалокат юз берди. **(№9 Сурат)**

Рациядан қуйидаги: “Билли, бу томонда дамба ўпирилди. Қайиқ билан Каштанли кўчасига шошил. Бизга сенинг ёрдаминг зарур” — деган хабарни эшитганида, Билли шаҳарнинг бошқа четида эди. У коммунал хизмат компанияси юк машинасида патруллик қилар ва унинг кузовида эҳтиёт шарт юкланган моторли қайиқни олиб юрар эди.

Тайинланган жойга етиб келгач, Билли уй атрофларидан тошиб келаётган сув томонни қўллари билан кўрсатаётган бир неча одамлар билан учрашди.

— У ерда, бир она ёш болалари билан фалокатда қолган. Бизлар у ерга боролмаймиз. Сенинг моторли қайиғинг у ерга боролармикин, шунга нима дейсан?

Қоронғулик, нам қор орасидан тикилганча, Билли ўпирилган дамбадан унчалик узоқ бўлмаган уйнинг супасида пиллапояда турган одам шарпасини пайқади. Дамбанинг ўпирилган жойидан оқим отилиб чиқар ва сувнинг даҳшатли босимидан уй даҳшатли силкинарди. Сув тошқини ва шамол шовқини орасидан Билли ёрдам сўраётган аёлларнинг қичқириғини эшитиши жуда қийин эди.

— Мен, нима қўлимдан келса, ҳаммасини қиламан. Қайиқни сувга туширишга ёрдам беринглар, — деб Билли жавоб берди.

Моторни юргизиб, Билли қайиқни тўғри ўша бадбахт аёл томонга тўғрилади, лекин оқим жуда кучлилик қилиб, уни бошқа томонга олиб кетди. Шу учун у қайиғини тумшуғини оқимга қарши тўғирлади ва тошқин бўлаётган томонга бораверди. Унинг кичкина мотори ва парраклари қайиқни

базўр олдинга йўналтирарди. Дамбанинг ўпирилган жойига яқинроқ сузиб келгач, Билли қайиқни бурди-ю, оқимга кўндаланг сузиб, керакли жойга диагональ бўйича етиб борди.

Қайиқни уйнинг деворига кескин тўхтатди ва эшик олдидаги устунларнинг бирига чаққонлик билан боғлади. Она беҳуш ётарди. Эшик олдида, совуқда чўзилиб ётганидан, одамни раҳмини келтирар эди; нам қордан унинг сочлари бошига, кийимлари танасига ёпишиб кетган эди. Унинг орқасида очиқ қолган эшик ичкарисида қўрқувдан бир-бирини пинжига кириб тиқилганча икки қизалоқ ўтирар эди. Билли бир амаллаб учаласини ҳам сирпанчиқ супачадан, чайқалиб турган қайиққа ўтказиб олди.

У қайиқни тўғри тепаликка, машинаси турган жойга тўғрилади, лекин кучли оқим уни ўша ердан қарийб бир ярим километрга олиб кетди. Қутқарувчи гуруҳ олдин болаларни қайиқдан олишга ёрдамлашди. Ҳушсиз онани ўтказганларида, у ўзига келиб, жазава билан қичқира бошлади:

— Менинг кичкинам! Менинг гўдаккинам! О-о, миттигинамни қолдирманглар!

Билли сапчиб тушди, ўзи қутқарган иккала қизчага қаради. Улардан кичиги бўлса бор-йўғи икки ёшларда эди. Ваҳима, уни юзларига урилаётган қордан ҳам баттар музлатди. У уйдаги ҳамма нарсани текширишни унитиб, ўша маҳкум уйда чақалоқни қолдирган бўлса керак!

— Мен қайтаман ва унинг чақалоғини олиб келаман! — деб қолган қутқарувчиларга қичқирди. Улар бош ирғиб, маъқулладилар.

Билли яна қайиғини дамбанинг ўпирилган жойига йўналтириб, қийналиб сузиб кетди. Қачонки мўлжалдаги жойга борганида, киришдаги пиллапоянинг бир қисмини сув олиб кетган, уйнинг қолган қисми эса, исталган пайтда қулайдигандек аҳволда эди. Билли қайиғини ҳали оқиб кетмаган устунларнинг бирига боғлади-да, ўзи уй ичига, у хонадан бу хонага асабий югурганча болани излаб, уйга кириб кетди. Аммо ҳеч қаерда бола йўқ эди. Буни қандай тушунсада энди? Кейин у ҳаммасини тушунди: она иккала қизи ҳам хавфсиз жойдалигини билмаган. “Менинг гўдагим!” — деб қичқирганда, кичкина боласини ўйлаган бўлиши керак.

Унинг атрофида уй бир фалокатдан дарак бериб, тебранар эди. Шувоқлар шифтдан дўлдай ёғилар, деворлардан маккажўхори бодоғидай ёрилиб тўкиларди. Коридор охиридаги қаттиқ қарсиллашдан ҳамма хоналар акс-садо берди. Силжиётган уйнинг ҳар бир силкинишлардан поллари ҳам силжиб кетар, шу учун Билли уйчанинг эшигига урилиб кетди. Кетидан ёғоч конструксияларнинг синиши шовқинига қўшилиб, кучли қарсиллади. Бино пойдевордан силжиб кетди.

Коридордан югурганча, эшикдан чопиб чиқди-ю, муздек сувга тушиб кетди, у эшик олди қанотини сув олиб кетганини билмай қолган эди, аммо, Худо шавқат қилиб, оқиб кетаётган ўша уйнинг қанотига тирмашиб олди. Сузаётган тахталардан бир амаллаб моторли қайиғига тирмашиб чиқиб олди. Қотиб қолган бармоқлари билан тийғончоқ тугунни еча олди. Бир-икки дақиқадан сўнг, уй пойдеворидан кўчиб кетди, у эса оқим бўйлаб сузганча, тун зимистонида ғойиб бўлди.

Хавф-хатар ҳали тугамаганини Билли билар эди. У уйга қараб чиққанигача мотор ўчган ва энди унинг омонатгина қайиқчаси сув босган кўчалар бўйлаб шиддат билан оқиб борарди. Қайиқ ҳар лаҳзада кучлироқ тўлқин ёки дарахт танасига урилишдан, оғанаши мумкин эди. Билли стартёрнинг музлаган шнурига тармашди, унинг бир учини двигателнинг маховиги ғилдирагига ўради-да ва куч билан шнурни тортди. Ҳеч нарса бўлмади. У яна тортди — бўлмади. Кейин у карбюраторнинг ҳаво тўсиғини бурди ва яна куч билан шнурни тортди; мотор ўша-ўша, ўт олмади. Бунгача двигателни сув босди. Билли стартёр боғичини мускуллари бўйсунмай қолганигача тортаверди. Матор ҳеч ўт олмасди.

Унгача оқим Биллини Бозор кўчасига, кейин эса, дамбанинг бошқа бузилган жойидан ўтиб, нақ Огайо дарёсига бориб қолди. Қўрқув Биллига яна куч берди. Чунки оқимнинг пастроғида, ундан унчалик узоқ бўлмаган Огайо шаршараси айқирарди.

Бўйсунмас мотор билан овора бўлиб, мувозанатни сақлашга ҳаракат қиларкан, Биллининг атрофида тўрт метрли тўлқинлар жўшқинлашарди. Ҳар бир тортгани орасида, — *“Ўша эллигинчилар гуруҳига бормаслик қароринг ҳақида нима деб ўйлайсан?”* — деган овозни эшитгандай туюлаверди. Билли стартёр боғичини яна тортди — ҳеч ўзгариш бўлмади.

У энди, олдиндаги Огайо шаршарасининг шовқинини аниқ эшита олар эди. Қайиқнинг ичидаги муздек сувга тиззада туриб, Билли совқотган бармоқларини қовуштирганча, оташинликда ибодат қилди: “Раббим, менинг касал хотиним ва иккита бемор болам касалхонада ётишибди. Яна икки дақиқадан кейин мен бу шаршарада чўкаман. О, Раббим, илтимос, ёрдам бер менга. Мен оиламни ночор қолдириб, бу ерда, дарёда ҳалок бўлишни истамайман”.

Умуман бошқа бир фикр унинг ибодатини бўлди. Гўё, қайнонасининг сўзларини эшитолгандек бўлди: “Чиқиндилар! Улар чиқиндидан бошқа нарса эмаслар. Мен ҳеч қачон сенга қизимни бунақа ахлатлар орасига этишингга йўл қўймайман”.

Ўз айбини англаганидан қалтираганча, Билли ялина бошлади: “Азиз Худовандим, мен биламан, хато қилдим, лекин, илтимос, кечир мени. Исо, илтимос, ўтинаман, менга раҳм қилгин. Илтимос, бу моторни ўт олдир!”

Дақиқа сайин шаршаранинг шовқини кучайгандан кучаяр эди. Билли турди-да, стартёр боғичини яна бир тортди. Бу сафар двигатель “пишқирди”, икки бор “акса урди” ва кейин ўт олди. Билли қайиқни бурди ва тўла газ берди. У оқимга қарши аста-секин сузиб, охири, шаршарадан етарлича узоқлашди-да, кейин Индиана қирғоғига қайиқни йўналтирди.

У сузиб кетган жойидан бир неча километр узоқда, қарийб Нью-Олбани ёнларидаги Говард Пайк яқинида тўхтади. Қайиқни дарахтга боғлаб, орқага Жефферсонвиллига қараб кетди.

Фақат эрталаб саҳардагина ҳолдан тойган Билли, охири ўзининг патруллик машинаси рулига ўтирди. Шу заҳоти хотини ва болаларини кўриш учун йўл олди, аммо, бу йўлни сув босганлигини билиб, айланиб ўтишга мажбур эди. У бошқа йўлдан уриниб кўрди, лекин бу йўл ҳам сув остида қолган эди. Беҳуда уринишлардан кейин, қарийб бир соатлар ўтиб, Билли англадики, бу йўналишдаги ҳамма йўллардан ўтолмайдиган бўлиб қолган. Бирданига даҳшатнинг умуман янги бир тўлқини унинг кўнглига келди. Агар ҳукумат касалхонаси ҳам сув остида қолган бўлсачи?! У ҳукумат касалхонасига чопди ва у ерда дўстларидан бири, Майор Уиклини топди.

— Майор, касалхонани сув босдими?

— Билли, у ерларни олти метрдан кўп сув босди. Сенинг бирор кишинг бормиди у ерда?

— Ҳа, бемор хотиним ва иккала болам.

— Ташвишланма. Улар ҳаммаси қутқарилган. Уларнинг ҳаммаси поездга юкланиб, шимолга, Чарльзтаунга жўнатдилар. Уларга осон бўлмаган деб қўрқаман. Товар вагонлари — ўша вақтда қўлимиздаги бору-йўғимиз шу эди.

— А мен эса эшитдим, ўша поезд Ланкассандж Крик дарёсидан ўтаётган жойда эстакадада рельсдан чиқиб кетган деб, мен ўйлайман, ҳамма сувга чўкиб кетган, — деб бошқа биров айтди.

Жефферсонвилли ва Чарльзтаун оралиғидаги барча телеграф ва телефон столбалари ювилиб-йиқилганлиги сабабдан, у ерга бормасдан туриб яна бирор маълумот олишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Билли йўл машинасига сакраб чиқди-да, Ютик Пайк кўчасидан юқорига, Жефферсонвиллидан 20 километрларда жойлашган Чарльзтаун йўналишига қараб юрди. У бирданига Ланкассандж Крик дарёсига келиб тўхтади. У қирғоқларидан чиқиб, кукуруз ёвонларни ботқоққа айлантириб ва йўлларни ювиб, кўп километрларга тошган эди. Билли шошилиб Жефферсонвиллига қайтди, машинаси кузовига қайиқни юклади, бензобакни ёқилғига тўлдирди ва ўша ёққа, Ютик Пайк ва темирйўл рельслари сув остига кетган жойга қайтди.

Билли қайиқни сувга туширган пайтда нам ёмғир дўлга айланган ва қайиққа тушиб ҳар томонга учар эди. У чўкиб кетган рельслар ўтган жойга сузиб боришга уриниб кўрди. Шу алфозда бир ярим километр олдинга юра олди. Лекин у қанчалик дарё ўртасига яқинлашар экан, оқим шунчалик қаршилик кўрсатар, ниҳоят, уни бутунлай бошқа томонга буриб юборди. Тез орада у икки ўрмонча орасида жойлашган чалкаш-чулкаш ботқоқли кукуруз майдонларида ноилож тиқилиб қолди. Олдинга ҳам, орқага ҳам сузиш жуда хавфли бўлиб қолди. Унинг юрагига қанчалик оғир бўлмасин, бу ёмон об-ҳаво ўтиб кетишини кутиш кераклигини Билли билар эди. у қайиғини оролчага боғлаб қўйди, дарахт шохларидан айвонча ясади ва гулхан ёқди. Кейин у дам олиш учун ўтирди... ва ўзининг ташвишли ўйларига чўмди.

21-БОБ
ХОУПНИНГ ЎЛИМИ
1937

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ даҳшатли, оғир уч кунни, ўша, ташқи дунёдан сув билан ажралиб қолган, ўша кафтдек оролчада ўтказди. Кўп вақтини энг ёмон фикрларни ўйлаб, қийналиб ўтказди: гўё унинг хотини ва болалари юзи сувга қараб, дарё бетида сузишар ва уларни қаергадир шох-шаббалар орасига келтириб ташлагандай эди. Бунақанги фикрлар уни жонини узишига сал қоларди. Ундан ёрдам сўраб, ғам-қайғуда қийналиб, Яратганга илтижо қилар эди. Лекин қанчалик зўр бериб ялинмасин у, Раббийдан юпаниш тополмади. Гўё, Худо унга орқасини ўгирган ва эшитишдан бош тортган. Ҳар сафар, Билли ибодат қилар экан, унинг фикрига Мишавакида учрашган элликчилар келаверар эди. Улар ҳақиқатдан ҳам бошқа черковлар "қолдиқлари"микин? Ёки улар қандайдир ҳақиқатни топганлари учун ўша черковлардан кетдилармикан? Бу оролчада бандиликда соатлаб ўтириб, ўша ҳис-ҳаяжонли элликчилар "чиқинди"ларми ёки йўқми; худди шундай Муқаддас Руҳ айтганича эмас, қайнонасининг фикрини афзал кўргани маъқулмиди, ўшанда, шуларни ўйлаб кўришга Биллини етарлича вақти бор эди.

Унинг бандилигининг иккинчи кунида охири, ёмғир тинди; булут кўрпаси озроқ сийралашди ва вақти-вақти билан қоп-қоронғу булутлар орасидан қуёш нурлари кўриниб қолар эди. Патрул самолёти учувчилари уни кўриб қолдилар ва унга озиқ-овқат ташладилар. Учинчи кун шамол тинди, шу учун Билли яна ўтиб кетишга қарор қилди. Умуман, кичикроқ тепаликда жойлашган, Порт-Фултон деб аталадиган аҳоли пунктигача бир ярим километрлар кемасида ўта олди. Ўша жой баландликда бўлганидан уйларнинг остонасига бир неча қадамгача сув тўлқинлари урилиб турарди. Билли Порт-Фултонда сувнинг пасайиши ва оқимни сусайишини сабрсизлик билан кутиб, бир ҳафта тўхтаб қолди. Охири, ортиқ кутишга сабри тугаб, у олисдаги қирғоққа чиқиш учун навбатдаги уринишини қилди, ва бу сафар унинг омади келди.

Қайиқни дарахтга яхшилаб боғлаб, Билли Чарльзтаун йўналишида шоссе йўл бўйлаб яёв кетди. Шаҳарга тушиб, учраган одамдан, Жефферсонвиллидан рельсларни сув босгунга қадар келган поезд тўғрисида бирор-нима билишини сўрай бошлади. Кимдан сўрамасин, ҳеч ким бу ҳақида ҳеч нарса билмасди. Билли оташинликда, кўчада темир йўл вокзали томон суриб кетди.

Унинг ёнидан машина ўтдию, бирдан тўхтади.

— Хов, Билли Бранхам, Чарльзтаунга қандай ташвиш билан келиб қолдинг?

Бу полковник Хейд эди, оиланинг эски қадрдони. Билли ўзининг оғир аҳволини тушунтиргач, полковник Хейд деди:

— Ўтир, Билли. Мен уларни топишга ёрдам бераман.

Тезда улар темир йўл диспетчерлик пункт эшиги олдида пайдо бўлишди. Билли қалтираган товушда сўради:

— Ўн кун олдин — ўша, Жефферсонвиллидаги дамба урган кеча, — бу томонга ярим кечага яқин поезд келганмиди? У товар вагонлардан иборат бўлган, а лекин бу вагонлар одамлар билан тўла бўлган — касал одамлар билан.

— Қандай қилиб мен бу поездни унута оламан? — диспетчер жавоб қилди. — Бу поезд рельсларни сув босишидан олдинги, сўнги поезд эди.

Билли енгил тортди.

— Ўша одамларга нима бўлди? — у сабрсизлик билан сўради.

— Бир нима дейишим қийин. Умуман, поезд бу ерга тўхтамаганди. Мен унинг охирги тўхташ жойини билмайман-у, лекин ўша поездни бошқарган машинист яқин орада шу ердан ўтади. Шу яқинларда бўлиб тур.

Машинист кўп маълумотга эга эди.

— Иккита кичкина болали онами? Ҳа, мен уларни эслайман. Уларнинг ҳаммаси оғир касал эди. Биз уларни Колумбусга туширганмиз, Индианага. Яхши йигит, сиз, тўғриси, у ерга боролмайсиз. Колумбусдан ҳамма поездларни сув босиб, ажратиб қўйди, ва ҳамма йўллар ҳам ёпилиб қолган.

Қачонки Билли ва полковник вокзалдан чиққанларида, Биллини ташвиш босди, у асабий ҳолатда қўлларини ишқалар ва бармоқларини тортарди. Полковник Хейд унинг елкасига оғир қўлларини қўйди-да:

— Билли, мен сени ўша ёққа етказоламан. Мен баланд жойлардан борадиган айланма йўлни биламан. Мен аниқ ишонаман, у йўлни сув босмайди, — деди.

— Унда кетдик!

Индиана штатидаги Колумбус бу ердан 80 километр шимолда жойлашган эди. Улар у ёққа қош қорайганда кириб келишди, сув тошқинидан азоб чеккан касал ва мажруҳларни жойлаштириш учун вақтинча госпиталга айлантирилган баптистлар черкови ҳақида суриштириб билишди. Билли бу бинога етиб келгани ҳамон, юқорига уч зиналаб чиқишга тушди. Залда одам қайнаган. Бир томон девор – черков скамейкалари билан қалаштириб, уйиб ташланган, поллар ҳам энди, раскладушка кроватлар билан тўлиб кетганди. Катта залда тартибсизлик ва шовқин-сурон ҳукм сурарди: одамлар қаторлар оралаб юришар, гаплашишар эди; бетобларнинг йўталиши ва инграшлари.

Билли оташинликда қичқирди:

— Хоуп! Хоуп! Қаердасан!

Ҳамма одам у томонга ўгирилди. Биллини бу қизиқтирмасди. У кроватлар оралаб югурар, ҳаммадан азизи, ягонасининг чеҳрасини излар эди.

— Хоуп, сен қаердасан ахир, азизам?

Билли залнинг энг охирида ориққина қўлнинг кўтарилганини кўриб қолди. У кроватлар оралаб, ўқдай учиб, унинг олдида тўхтади. Билли хотинини бир кўрганидан беихтиёр сапчип тушди. “Меҳрибон Худойим!” — ўйлади у. Хоупнинг эти бўздай оқарганди. Унинг қўллари қуруқ, қоқ суяк бўлиб кўринарди; у 12 килограммларга озиб кетган эди. Унинг кўзлари шунчалик чўккан, юзлари эса жуда кириб кетган эдики, ёноқ суяклари аниқ-тиниқ билиниб турар эди.

Хоуп унга қаради ва қийналиб жилмайди.

— Билли, кечир мени, мен жуда ёмон кўринганим учун.

Билли тиззасига йиқилди ва уни маҳкам бағрига босди. бор кучи билан равон гапиришга уриниб:

— Севгилим, кўринишинг яхши. Сени шунчалар бетоблигингга раҳмим келяпти... А Билли Поль ва Шарон қаерда? — деди у.

— Улар ана у хонада, кимбиландир. Менга улар билан кўришишга рухсат беришмайди.

Шу пайт кимнидир қўли Биллининг елкасига тегди.

— Муҳтарам Бранхам сиз эмасми?

— Ҳа.

— Мен шу ерлик ҳакимлардан бириман. Мумкинми, сиз билан бироз ёлғиз гаплашиб олсам?

Улар Хоуп эшитмайдиганча узоқлашганлариданоқ, ҳаким деди:

— Муҳтарам Бранхам, сизга буни айтиш айнан менга тўғри келганидан афсусдаман, лекин хотининггизни ўпкаси туберкулёздан яллиғланиши кучайган. Энди буни нима биландир тўхтатиб бўладими, билмадим.

Ҳакимнинг айтганларини, Биллига гўё унинг кўкрагини жарроҳлик пичоғи била ёриб ташлагандай бўлди.

— Йўқ, доктор, бундай эмас. Худо уни қутқара олади.

— Энди бундай бўлиши ҳам мумкин, аммо тиббиёт илми нуқтаи-назаридан қарасак, хотинингиз тамом бўлган. Биз унга ҳеч қандай ёрдам қилолмаймиз. Мен болаларингизга ҳам қараяпман. Ўғлинггизни аҳволи анча яхши, аммо қизчангизни ўпкаси қаттиқ шамоллаган. Агар у бундан яхши бўлиб кетса, жудаям бахтиёр бўлардингиз.

— О Худойим, раҳминг келсин! — Билли ҳўнграб юборди.

— Хотинггиз кўзи олдида руҳинггиз тушмасин, — доктор маслаҳат берди. — Бундан унга янада ёмон бўлади. У ўлишини билмайди.

Билли руҳий қийинчиликларини енгиб, ўзини қўлга ололди.

— Қачон уларни орқага, Жефферсонвиллига олиб кетсам бўлади?

— Йўл очилиши билан.

Хоупнинг кроватига келиб, Билли деди:

— Севгилим, доктор айтди, мен сени бир неча кундан кейин уйга олиб кетсам бўларкан. Биз Сэм Эдер доктордан, сенга қарашни сўраймиз.

Хоупнинг ингичка лаблари қайғули жилмайиб буришди.

— Билли, бу ажойиб бўлади. Балким, Худо менга шафқат қилиб, яна яшарман.

— У шундай қилади, мен бунга бутун юрагим билан умид қиламан, — деди Билли, овозини базўр сақлаб турганча.

ХОУП 5 ОЙ ДАВОМИДА Жефферсонвиллидаги касалхона тўшагига ётиғлик бўлиб қолганди. Уни кундан-кунга оғир бўлаётган ҳолатдан қутқариш учун, доктор Эдер ўзининг ҳакимлик тажрибасида бор бўлган ҳамма воситаларини қўллаб кўрди. Ҳеч нима наф қилмади.

Хоупнинг қон туфлай бошлаганидан, Билли қаттиқ қайғуга ботди. Доктор Эдер кўп тасалли беролмади, фақат нима бўлаётганлигини тушунтирди:

— Унинг ўпкасига юққан сил таёқчалари — бациллалари, нафас йўлидаги қон томирларини емирган. Мана қаердан қон келади.

— Доктор, яна бирор йўли борми, ўшани ҳам қўлласак? Мен ноиложман.

— Миллер деган докторни биламан, Луисвиллидаги санаторийда ишлайди. Сил касаллиги бўйича унинг тажрибаси катта; эҳтимол, унда қандайдир таклифлари бўлар. Мен унга қўнғироқ қиламан.

Доктор Миллер Хоупни текшириш учун дарёдан бу томонга ўтди, кейин ўз фикрини айтди.

— Касаллик жуда авж олганга ўхшайди. Ягона бир йўл ёрдам бериши мумкин — бу пневмоторакс билан даволаш.

— Пневмоторакс нимайди? — ҳайрон бўлиб сўради Билли.

— “Пневмо” лотинчада ўпка дегани, “торакс” эса — кўкрак қафаси, юрак ва ўпка жойлашган. Пневмоторакс — бу ҳолатда, ҳаво ёки газ ўпка ва кўкрак қафаси орасига киради, ўша жойда босимни ошириб, шу сабабдан ўпкани ишлатмай қўяди. Айрим ўпка касалларда бу ўзидан-ўзи бўлади ва одатда бу жуда хатарли. Сунъий равишда пневмоторакс вақтида эса, биз атайлаб ўпкалардан бирини ишлатмаймиз. Сил чақирувчи бактериялар яшаши учун кўп кислород муҳтожлигидан, биз агар навбат билан ўпкаларни боғласак, биз айрим пайтлар микробларни бўғиб қўйиб, уларни йўқотиб билганмиз.

— Бу умид уйғотади. Бу қандай бўлади?

— Биз кўкрак қисмида, қовурғалар орасига игна санчамиз. Кейин ўлчаб, ҳаво киритиб, навбат билан ўпкаларни боғлаймиз. Ўпкалар бу ҳавони аста-секин ютади, шу учун, маълум вақтдан кейин, бутун даволаш давомида, биз яна ҳаво қамаймиз.

Энди Билли бунга унчалик ишонмади.

— Бу хавфли кўринади.

— Биз муваффақиятга кафолат беролмаймиз, — деди доктор Миллер.

Билли Хоуп билан буни маслаҳат қилди, ва у бу фурсатда имкониятдан фойдаланишга рози бўлди. Жефферсонвиллидаги касалхонада, пневмотораксни бажарадиган аппарат бўлмаганлигидан, Билли уни Луисвилли касалхонасидан ижарага олиш учун, пул қарз олди. Врачлар уни биқинини оғриқсизлантирган ва кўкрак қисмида, қавурғалар орасига игна санчган пайтида, Билли Хоупнинг қўлини ушлаб турарди. Бутун бу процедура давомида, Хоуп лабини тишлар ва бор кучи билан Биллининг қўлини сиқарди. У даҳшатли қийноқда қолганди. Доктор буни ҳаммасини тугатганда, Биллига бармоқларини базўр ажратиб олишига тўғри келди.

Бу даволашдан сўнг, доктор Миллер унинг иккала ўпкасини рентген қилишга қарор қилди. Уларни синчиклаб текширди ва кейин хонасига Биллини чақирди.

— Муҳтарам Бранхам, биз муваффақиятсизликка учрадикми, деб қўрқаман. Хотинингизнинг ўпкаси аллақочан-жудаям шикастланган экан. Дунёда ҳеч нарса йўққи, биз унга ёрдам беролсак эди. Буюк Худо уни уйга чақиряпти. Уни бир неча кунлик умри қолган, деб қўрқаман.

Ифодалаб бўлмас азобда қийналиб, Билли Хоупнинг палатасига қайтди. Тўшагида ётганча, у катта чинни қўғирчоқдай, нозик ва оқарган кўринар эди. У қандай қилиб аёлисиз яшай олади? Болаларчи? Билли Поль икки ёшга ҳам тўлмаган, Шарон Роуз эса тўққиз ойлик ҳам бўлмаганди. Улар онасиз нима қиладилар, ахир?

— Доктор сенга бир-нима дедими? — Хоуп сўради.

Билли бош чайқади.

— Севгилим, бу ҳақда мендан сўрама. Мен ҳозир ишга боришим керак, лекин сени аҳволингни сўраб, ҳар неча соатда келиб тураман.

Унинг ёнидан кетишни сирагина хохламасди, аммо кейинги ойларда тиббий харажатларга юзлаб доллар қарз бўлган эди, шу сабабли ҳамма қарзларини тўлаши учун, ҳар доимгидай ишлаши керак эди.

22 июль, пайшанба, қачонки, радиодан: “Уилльям Бранхамга мурожаат қиламиз: сизнинг хотинингиз ўлим тўшагида. Агар уни ҳали тириклигида кўрмоқчи бўлсангиз, яхшиси у ёққа ҳозирнинг ўзида жўнанг” — деган шум хабарни узатганларида, Билли 50 километр шимолда, Индиана штати, Скоттсбургдан узоқ бўлмаган жойда патруллик қилар эди.

Билли юк машинасини йўл ёқасига тўхтатди ва кабинадан чиқди. Тўппонча қини тасмасини ечиб, уни ўриндиққа қўйди; кейин шляпасини ечди ва йўл ёқасида тиззасида турди. Худо ҳузурида бош эгиб, ибодат қила бошлади:

“Самовий Ота, мен кучим етган ҳаммасини қилдим. Сенга маълум, қандай Сен қулингни жонини тилкалаяпсан; аммо мен, эҳтимол, Сени дилингни пора-пора қилгандирман, қачонки Сенинг ўрнингга қайнонамга қулоқ солганимда. Мен Сендан олдин кечирим сўрагандим. Раббим, илтимос, уни яна бир кўрмагунимча, Хоупни ўлишига йўл қўйма”.

Кабинага ўтириб, у сиренани ёқди ва машинаси чидай оладиган даражада газни босиб, касалхонага кетди. Кириш эшиги орқали зиналардан юқорилаб, Билли коридор бўйлаб, ўзи томонга қараб келаётган Сэм Эдерни кўрди. Доктор Эдер унга бир қаради-ю, бошини эгди ва у билан учрашишдан қочиб, ёнбошдаги эшикдан чиқди. Билли коридордан югурди ва ўша эшикни очди.

Сэм уни бир қўли билан қучоқлади ва:

— Билли, бечора, — деди раҳми келиб.

— Доктор, менга айтчи, у тирикми ҳали?

— Ҳаёт бўлиши керак, Билли. Лекин кўпгамас.

— Доктор, юр унинг палатасига борайлик а?

Доктор Эдер бошини эгди.

— О, Билли, ундама мени у ёққа боришга. Хоуп менга шунчалик кўп пироглар пиширган. У менга опамдай. Унинг палатасига қайтишга, менинг юрагим йўқ.

Ҳамшира эшикни очиб, хонага кирди

— Муҳтарам Бранхам, илтимос, мана бу дорини ичсангиз. У асабларингизни тинчлантиради.

Билли дорини нари суриб қўйди-да, Хоупнинг палатасига кетди.

— Мен сиз билан бораман, — дея, ҳамшира унинг ортидан эргашди.

— Билли, у беҳуш, — унинг ортидан доктор Эдер бақирди.

Хоуп касалхона тўшагида ётар, унинг юзи чойшаб билан ёпилган эди. Билли чойшабни тортди. Унинг кўзлари юмуқ, оғзи салгина очиқ эди, танаси бўлса, шунчалик озиб кетганидан, ваъзни 50 килограмм ҳам чиқмасди. Билли қўлларини унинг пешонасига қўйди; пешонаси совиб қолган ва ёпишқоқ эди. Унинг елкаларидан олиб, уни енгил силкитди-да, деди:

— Хоуп, севгилим, менга жавоб бер. Сени мен бутун қалбим билан яхши кўраман. Илтимос, мен билан яна бир бор гаплашгин.

Бунга ҳеч қандай жавоб бўлмади, бирор бир ҳаракат сезилмади. Билли овозини чиқариб, ибодат қила бошлади:

— Худойим, биламан, мен ноҳақман, аммо унга мен билан, илтимос, яна бир мартагина гаплашишга...

У ибодатини тугатишга улгурмай, Хоупнинг қовоқлари учди-ю, кейин у кўзларини очди. У қўлларини кўтармоққа уринди, лекин жуда ҳам беҳол эди. У лабларини қимирлатди ва тушунарсиз гапирди.

— Бу шундай енгил, — деди у. — Нима учун мени чақирдинг?

Билли яхшироқ эшитиш учун кроватга энгашди.

— Асалим, нима демоқчисан?

— Билли, сен бу диёр ҳақида менга гапиргандинг, сен у ҳақида ваъз қилгандинг, лекин сен уни тасаввур қилолмайсан, у қандай ажойиб.

— Нималар ҳақида гапиряпсан?

— Мен Уйга кетгандим. Менинг иккала томонимда оппоқ кийимли икки одам бор эди. Биз сўқмоқдан бордик, биз борган сўқмоқ бўйлаб ажойиб гуллар очилиб турар ва нафис пальмалар бўй чўзиб турарди. Ҳамма жойда жуда гўзал қушлар дарахтдан-дарахтга учиб сайрашар эди. У ерда шундай ором бор эди. Кейин у томондан мени чақирганингни эшитдим, мен сени кўриш учун қайтдим.

Хоуп эрининг орқасида турган ҳамширани пайқади.

— Луиза, қачон сен турмушга чиқасан, ишонаман, сенинг эринг ҳам меникидай яхши инсон бўлади. У шунчалик меҳрибон, шунчалар ғамхўр.

Ҳамшира юзини рўмолчаси билан бекитганча, шошиб палатани тарк этди.

— Йўқ, азизам, сенга ўзим хохлагандай меҳрибон бўлолмадим, — деди Билли.

— Сен кучинг етганича меҳрибон эдинг, Билли, шунинг учун ҳам мен сени севаман. Лекин мен шошилишим керак, — улар мени кутишяпти. Кетишимдан олдин сенга бир нарсани айтишим керак. Нима учун кетишимни биласан, шундай эмасми?

У “ҳа” демоқчи бўлди-ю, аммо бу сўзни айтолмади, шу учун бошини қимирлатди, холос.

— Биз умуман онамга қулоқ солмаслигимиз керак эди, — шивирлади Хоуп. — Бу элликчилар ҳақ эди. Бир куни ўшаларга бораман деб ваъда бер. Болаларимизни шундай қилиб тарбияла.

— Мен биламан, онангга қулоқ солмаслигим керак эди. О-о, агар яна мен ўтмишга қайта олсам эди ва буни яна яшасам эди. Мен умуман бошқача йўл тутардим. Лекин шундай бир кун келиб, мен бу камчилигимни тузатаман.

— Билли, ёдингдами, ўша сен сотиб олмоқчи бўлган қурол, аммо бизда бошланғич взнос тўлаш учун етарлича пул бўлмаганди?

— Ҳа, азизам, эслайман уни, эслайман.

— Шу қурол сенда бўлишини жуда истар эдим. Тикувхонадаги ҳафталик маошимдан бериб турадиган пуллардан мен 5 – 10 центдан йиққанман. Уйга қайтганингда, йиғиштириладиган кроватга қара. У ерда пули бор конвертни топасан. Ўша қуролни сотиб оламан, деб менга ваъда бер.

У чуқур тин олди ва сўз берди:

— Уни мен сен учун сотиб оламан.

— Яна бир нарса... Мен сендан бир нарсани яшириб юрганим учун, кечирим сўрайман. Биз Форт-Уэйнга бораётган пайтда, эсингдами, ўшанда сен менга ўша пайпоқни харид қилгандинг?

— Ҳа, буни эслайман.

— Билли, сен менга умуман бошқа пайпоқларни олган эдинг. Ўша пайпоқлар кекса аёллар учун ва шу сабаб уларни онангга бергандим. Сенга бу ҳақда ҳеч нима демагандим, чунки сени хафа қилишни истамасдим.

Бирданига Билли, жонини мутлақо бошқа бир нарса кемираётганини ўзидаҳис этди. Ўша куни эътиборсизлиги туфайли, Хоупнинг эҳтиёжига бепарволик қилиб қўйганди. Қандай қилиб бунчалик бепарво, бераҳм бўлган? Шу пайтдаги дардига тоқати етмаётгандек эди.

Хоупнинг юзида хотиржамлик ва тинчлик ифодаланди.

— Улар мен учун қайтиб келаяптилар. Мен уларнинг яқинлашаётганини сезяпман. Билли, бу шунчалик осонгина. Бу қимматли Муқаддас Руҳ, биз қабул қилган Ўша — У мени олиб боради. Умринг охиригача Муқаддас Руҳга чўқинишни ваъз қиламан деб ваъда бергин. Бу чиндан ҳам бор нарса, — унда ўлиш ҳам ажойиб.

— Буни сенга ваъда бераман

Хоуп озгина жилмая олди.

— Менга шунингдек, бир ўзинг сўққабош бўлиб яшамайман деб ваъда беришингни ҳам хохлайман.

— О, Хоуп, буни ваъда беролмайман. Мен сени жуда ҳам яхши кўраман.

— Билли, бизнинг икки боламиз бор. Уларни қаровсиз қолиб кетишларини истамайман. Болаларимизни яхши кўрадиган ва қабул қиладиган яхши масиҳчи қиз топ ва унга уйлан.

— О, Хоуп, илтимос, ваъда беришни сўрама.

— Илтимос, Билли. Сен ахир мени ўлимим олдида хафа қилмайсан-ку, шундай эмасми?

— Ваъда бераман, мумкин бўлса ҳаммасини қиламан, — ғўлдиради Билли, унинг юраги эса кўкрагидан отилиб чиқишга тайёр эди.

— Билли, миссионерлик майдонида қолгин, — унинг Билли учун охирги сўзлари шулар бўлди.

— Азизам... Мен сени Уолнат Риджда дафн қиламан. Ва агар мен ўлсам, мени сенинг ёнингга қўядилар. Агар ўлишимдан олдин Исо келса, мен бирор жойда Муқаддас Руҳ Хушхабарини ваъз қиламан. Исо осмонни очадиган ва осмондан Янги Қуддус тушадиган ўша улуғ кунда, мен Билли Поль ва Шарон Роузни оламан ва унга кириш олдидан, бизлар сени Шарқий Дарвозада кутиб оламиз.

Хоуп охирги марта жилмайди ва унинг қўлларини қисди. Кейин у, Худонинг шаҳрига борадиган пальмалар аро сўқмоқдан кетиш учун, кўзларини юмди. Биллининг хотирасида у, ҳамиша 24 ёшли Хоуплигича қолаверди...

22-БОБ
ҲАЁТИДАГИ ДОҒУЛИ ЛАҲЗА
1937

ЭЛЛА БРАНХАМ, Хоуп ўлимидан сўнгги биринчи тунда ўғлини ўзиникида қолишини сўради. Унинг болаларига Брой хоним қараётганлигидан хабардор Элла, Биллини якка ўзи қолишини хохламасди. Аммо у кўнмади: уйига боргиси келди. Гарчи, у ерда кўп нарса бўлмаса ҳам, — икки хонадаги ҳамма нарсани 10 долларга сотиб олса бўладиган эди, шунга қарамай, бу кичкинагина кулба уларнинг уйи — ўзлариники эди. Хоуп уни тоза-озода сақлар, ва ўзининг меҳри билан ижарага бериладиган ўртамиёна бу уйни, иссиқ ва кўргиси келадиган ёқимли уйга айлантирган эди.

Аммо Билли кириш эшигидан ўтиши билан хато қилганини тушунди. Уй меҳмондўстлик, ҳаёт ва кўнгилни кўтарадиган руҳдан маҳрум эди. Хонадан ўтаётиб, Билли йиғма кроватга қаради. Унда, газета тагида, Хоуп эслатган конверт ётарди. Билли тўшак ёпинчиғига тангачаларни тўкди-да, санай бошлади. Жами бўлиб 2 доллар-у 80 цент бор эди — ўша бир йилдан ҳам кўпроқдан бери сотиб олишни ният қилган 22-калибрли қуролни бошланғич тўлови учун бор-йўғи 20 цент етишмасди. Билли бу пулни қурол учун бошланғич бадал тўлашга юрагида қарор қилди, ва медицина тиббий харажатлар учун юзлаб доллар қарз бўлганига қарамай, садоқатли хотинининг хотираси учун, ўша қуролнинг тўла эгаси бўлганича ҳар ойлик маошидан пул тўлаб боришни ўзига ваъда берди.

Уйқуга кетишни астойдил истаб, у кроватида ётар эди. Нимадир қилиб сичқон ошхона плитасига кириб қолган ва панжарада тиқилиб қолган қоғозни шитирлатарди. Бу товушдан Биллига гўё, Хоуп ошхона полкаларида сақлайдиган конверт қоғозларини шитирлатаётгандай бўлди. У туриб оёғи билан ошхона эшигини ёпди. Эшик орқасида илмакда Хоупнинг халати осилган эди. Фақат энди онасиникига бориши кераклигини тушунди: бу ердаги ҳамма нарса унга, ўликхонада ётган хотинини эслатар эди. Билли ҳўл юзини тўшакка ўради-да, ўз қайғусига эрк берди.

Бирдан кимдир эшикни тиришиб тақиллата бошлади. Билли тўшакдан сакраб кетди ва хонага Фрэнк Брой ва унинг ўғли Флетчерни киргизди.

— Билли, мен сенга ёмон хабар билан келдим, — деди Фрэнк.

— Биламан, Фрэнк. Хоуп ўлаётганида, унинг ёнида эдим.

— Лекин бу ҳаммаси эмас. Сенинг кичкинанг ҳам оғир.

— Шарон? — Билли қулоқларига ишонмай, оғзини очди. — Бўлиши мумкин эмас!

— Ҳа. Доктор Эдер уни ҳозиргина касалхонага этди. У менингит. Унинг яшаб кетишига озгина ҳам имкон йўқ, деди врач. Кетдик, сени у ёққа этиб қўяман.

Лекин, юриб бориш ўрнига, Билли полга қулади. Фрэнк билан Флетчер туришига ёрдам беришди ва Фрэнкнинг машинасига элтишди.

Билли касалхонага келганида, доктор Эдер у билан лабораторияга борди ва унга Шароннинг умуртқасидан олинган суюқликни таҳлилини микроскопдан кўришга қўйди.

— Бу туберкулёз менингити, — маъюс деди доктор. — У буни онасидан юқтирган. Одатда туберкулёз бацилласи ўпкада тўхтаб қолади, аммо айрим ҳолларда у қон айланишига тушади ва мияни ўраб турган мия пардасигача етиб боради. Қизинг билан ҳам худди шундай бўлган. Ачинаман, Билли, лекин айнан ҳозирги ҳолатда биз унга умуман ёрдам беролмаймиз.

— Доктор, қаерда у? Мен уни кўрмоқчиман.

— У пастда, изоляторда, шу учун сенга уни ёнига боришинг мумкин эмас. Унда юқумли инфекция.

— Менга фарқи йўқ, агар ўлсам ҳам. Шаронни яна бир кўришим керак.

Доктор Эдер қийналиб ўз қарорида турди.

— Билли, сенга бундай қилиш мумкин эмас. Бу менингит. Сен буни кийимингда олиб бориб, Билли Полга юқтиришинг мумкин.

Билли ўтириб, юзларини ёпиб, ҳўнграй бошлади.

— Менга хлороформани келтир ва мени у билан ўлишимга қўй. Энди менинг яшашим нима керак? Мен ҳамма суюклиларимдан айрилдим.

Доктор Эдер, бу қайғулар худди ўзиникидай, дўстининг азобларига шерик эди.

— Билли, шу ерда қол. Мен ҳамширадан сенга тинчлантирувчи бирор нарса сўрайман.

Доктор Эдер хонадан чиқиши билан, Билли бошқа эшикдан чиқиб олди ва подвалга туша бошлади. Шарон Роуз мускуллари қисилишидан чангак бўлганча, ҳиқиллаб йиғлаб, кроватчасида ётарди. Унинг танасига чивин қўнмаслиги учун, бир бўлак дока билан ёпилган, аммо унинг

мурғаккина танаси ҳаракатларидан дока ёнига тушиб кетган ва энди чивинлар унинг юзини босган ва унинг кўзлари атрофидаги намни сўришар эди. Билли чивинларни ҳайдади.

— Шарон, — у меҳр билан деди.

Гўдак унга бошчасини ўгириши билан, лаблари титрай бошлади. У шунчалик оғир қийналардики, ҳатто унинг кўзчалари ғилай қарар эди. У яна докани унинг юзига тортиб қўйди.

Билли тиз чўкди, кўзларини юмиб, ибодатга қўл қовуштирди. “О меҳрибон Худойим, — ҳайқирди у, — Сен менинг суюкли хотинимни олдинг ва ҳозир Сен менинг боламни ҳам оляпсан! Илтимос, менинг кичкинагина қизимни қолдир. Ахир хато қилган мен-ку; Сен мени олишинг керак. Сенинг ўрнингга, бошқа бировга қулоқ солганимдан пушаймонман. Мен бошқа ҳеч қачон бундай қилмасликка ҳаракат қиламан. Раббим, мен қайнонам “чиқинди” ва “ювиндиқлар” деб атаган ўша кишиларга бораман, ва менга аҳамияти йўқ, ким мени муқаддас сакровчи-ирғишловчи деб атаса ҳам. Сен нима хохласанг, ҳаммасини қиламан, фақат илтимос, менинг гўдагимни ўлишига йўл қўйма”.

Билли кўзини очган ҳам эди, у билан Шарон орасига қора полотнога ўхшаш, бир нарса тушганини кўрди. У худди шу нарсани ўтган йили Рождество — Янги йил байрами кунлари Хоуп учун ибодат қилганида ҳам кўрган эди. Худо унинг ибодатини қабул қилмаганини энди билди у.

Шу онда, Билли ҳаётида энг доғули лаҳзаси содир бўлди. Қачонки у изолятор подвалининг дағал полида тиззада тураркан, унинг кўз ўнгида тўққиз ойлик боласи ўлаётган бир пайтда, чақимчи ҳозир бўлди ва шивирлай бошлади: *“Сен айтасан, Худо муҳаббат деб. Наҳотки бу муҳаббат? Сен бор кучинг билан Унинг Каломини ваъз қилдинг, ва бутун кучинг билан Ўша учун яшашга ҳаракат қилдинг, энди эса, ўз болангнинг ҳаётига келганда, У сени рад этяпти. Унда сен Қанақа Худога хизмат қиласан?”*

Билли Ҳаёт ва ўлим ўртасида бир муддат оғир аҳволда довдираб қолди. Кейин унда жавоб ҳозир бўлди, бу жавоб унинг қалбини тубидан, пинҳоний қудрат булоғидан сузиб чиққанди: “Ўтмишда Аюб айтгандай: *“Раббим берди, ва Раббимни Ўзи олди; Раббимнинг Исми дуоли бўлсин!”* [66] — дейман. О Худойим, билмайман, нима учун Сен мени шунчалар қийнайсан, аммо бундан Сенга имоним олдингидай қолади. Ҳатто Сен мени ҳалок қилсанг ҳам, мен Сенга ишонавераман. Мен Сенга ишонавераман”.

[66] Аюб 1:21

У турди-да, охирги марта қизининг кроватчасига эгилди.

— Шарон, сенинг кичкинагина жонингни Фаришталар онанг олдига олиб кетгач, мен сени бу ерга, онанг қўлларига қўяман.

1937 йил 24 июл, шанба куни Амелия Хоуп Бранхамни Уолнат Ридж қабристонидаги, отаси ўзи ва хотини учун сотиб олган участкага дафн қилдилар. Бугуниси куни Шарон Роуз жон берди. Душанба эрталаб дафн бюроси ходими Хоупнинг қабрини очди ва Шароннинг тобутчасини онаси тобути устига қўйди. Билли ўз сўзида турди: у Шарон Роузни онаси қўлига берди.

КЕЙИНГИ ҲАФТАЛАР Билли учун чидаб бўлмас азобда ўтди. Кунлар чексиз туюлар, кечалар эса кўпинча, бедорликда қийнар эди. Иш кунлар ҳар эрталаблари у, ўзини ишга боришга мажбур қилар эди. Билли ҳамма тиббий ҳаражатлардан қарзларни узиши кераклигини билар эди, ва бу нарса ҳаётни давом эттириши учун омил эди. Кундузи Билли Полни Бройлар оиласидан оларди, кечки овқатни тайёрлар, кейин эса соатлаб ўғлини елкасига қўйганча, кўчаларда кезиб юрарди.

Бир куни, ишдан кейин, Билли ўғилчасини айвондаги зинага ўтирғизди-да, ўзи бўлса, орқа томондаги ҳовли этагида, дуб дарахтига боғлаб қўйилган овчи итидан хабар олгани йўл олди.

— Дада, а-а онам қаерда? — Билли Поль сўради.

Билли бу саволга юзлаб марталаб жавоб берган бўлса-да, икки яшар Билли Поль ҳали буни тушунолмасди.

— У осмонда. У Исо билан кўришишга кетди.

— А у қачон қайтади? У менга керак.

— У қайтмайди, Билли, лекин биз бир амаллаб, қандайдир қилиб уни кўришга борамиз.

Билли уй орқасига этадиган йўлчада юра бошлади.

— Дада, қарагин! Мен онамни ана у булутда кўрдим, — деди Билли Поль ва семизгина бармоқчалари билан осмонни кўрсата бошлади.

Билли бунга чидай олмади. Сўқмоққа юзи билан йиқилди-да, чуқур сукунатда бир соатча ётди, бу вақтда Билли Поль зинада ўтирганча, онасини чақириб йиғлар эди. Қачонки Билли ниҳоят бор кучини йиғиб, ўрнидан тургач, Билли Полни Бройлар уйига қайтиб этиб қўйди ва ўша ерда қолдирди, ўзи эса Уолнат Ридж қабристони томон кетди. Қабристонга ҳали етмай, унга машина етиб келди ва тўхтади. Мистер Айслер, Индиана штати сенатори, машинадан тушди ва деди:

— Сен бу, қаёққа боряпсан Билли? Қабристонга эмасми?

— Ҳа.

— Бу биринчи марта эмас, мен сени кўп бор тепага кўтарилаётганингни кўргандим. Сен у ерда нима қиласан?

— Мен аёлим ва қизим қабри ёнида ўтириб, шамолнинг дарахт баргларидан мусиқа чалишини тинглайман.

— Қанақа мусиқа чалар экан у?

Билли унга черков мадҳиясининг биринчи бандини айтиб берди:

Дарё ортида бир Ватан бор,
Қаердаки биз сен билан яшаймиз,
Фақат имон билан бу соҳилга етамиз.
Бизга Абадийликка эшик очадилар,
Бепоён чексизликка таклиф қилиб,
Бир куни қўнғироқлар товушини эшитамиз.

Сенатор Айслер қўлларида Биллининг иккала қўлини қисди.

— Билли, сендан айрим бир нарсаларни сўрамоқчиман. Мен сени кўча муюлишларида турганча, йиқилиб қолгунингча ваъз қилганларингни кўрганман. Мен сени ярим кеча бўлса ҳам, бетоблардан хабар олгани кўчаларда юрганингни кўрганман. Мана шу сенинг бошингга тушган кулфатлардан кейин, Масиҳ сен учун ким?

— Мистер Айслер, У — менинг борлиғим. У — менинг ҳаётим, менинг асосий принципим, ҳамма нарсам У. У — ҳаётимда энг мустаҳкам, ягонам, қайсигаки суяна оламан.

Мистер Айслер бош чайқади.

— У сени хотининг ва қизингни олди, шундан кейин ҳам сен Унга хизмат қилмоқчимисан?

— Ҳатто, агар У мени жувонмарг қилса ҳам, мен Унга ҳамишагидай ишонаман.

Кейинги куни эрталаб, Биллига Нью-Олбани яқинидаги 150-шосседаги ишдан чиққан иккиламчи линияни тузатишни буюришди. Ўзиниг монтёрлик чангалини ва йиқилишдан сақлайдиган белбоғини тақиб, у юқори кучланишли столбага чирмашиб, нақ кўндаланг харисига етиб тўхтади. Унинг ақли Хоуп ва Шарон ҳақида ўйлай бошлади. Худо хотинини нима учун олганини тушунолар; аммо нима учун боласини олди? Нима учун Худо унинг гўдаккинаси Шаронни олди?

Ишлар экан, у эски-олдинги Худо мадҳиясини куйлади:

Узоқ тепаликда хоч менга кўринади,
Шармандалик, азоб-уқубат ва азият белгиси.
Хоч ҳақида куйлаймиз, чунки унда,
Гуноҳкорларнинг энг яхши Дўсти михланган.

Худди шу пайт Биллига, уфқ узра дарахтларнинг устидан нурлари тушиб, қуёш кўтарилди. Натижада, тепалик ён бағрида унинг сояси — хочга осилган одамнинг сояси пайдо бўлди.

“Ҳа, — Исо, бу менинг гуноҳларим Сени у ёққа юборди, — деб хўрсиниб йиғлади у. — Мен ҳам ҳамма одамлар каби айбдорман”.

Бирданига ақлидан бир бемаъни фикр ялт этиб ўтди. Биллининг аҳволи саросимадалигидан фойдаланиб, иблис унга ўзининг жонига қасд қилиб, умрини ҳазон қилишга кўндира бошлади. Билли олдинига ўзининг оғир резина қўлқопига қаради, кейин эса, иккиламчи сим ёнидаги 2300 вольт ўтаётган бирламчи симга қаради. У ҳамма имкониятларини тарозига солди, ўйлаб кўрди. Бу нотўғри эди, жуда ҳам нотўғри; бироқ шу чоғда, унинг оташинлигидан фикрлари қоронғилашган бир пайтда, нима учундир нотўғри нарса ҳам тўғри бўлиб туюлди. Ҳимоя қўлқопларининг бирини қатъий ечиб, деди: “Азиз Худойим, мен буни қилишни жуда-жуда истамайман, аммо мен қўрқоқман-ку, ахир. Хуллас, мен уларсиз яшай олмайман”. У яланг қўлини 2300 вольтлик бирламчи симга, уни ушласа, электр токи унинг қонини куйдиради ва суякларини синдириб ташлашига ақли ета туриб, узатди. “Шарон, сенинг дадажонинг сени ва онангни кўриш учун боряпти”.

Билли бундан кейин нима бўлганини билмади ҳам... Ўзига келса, ерда ўтирибди, унинг ҳимоя белбоғи эса олдингидай симёғочга ўралган турарди. Ўша куни бошқа ишлашга кучи етмаганидан, у хизмат машинаси кузовига асбоб-ускуналарини ташлади-да, уйига ҳайдаб кетди.

Унинг почта яшигидан, айвонида бир нечта хат тушиб ётарди. Билли уларни тўплади, уйига олиб келди ва ошхона столига ёзиб қўйди. Одатдаги Коммунал хизматдан фойдалангани учун,

счётлардан ташқари, бошқа хат жуда ҳам кутилмаган чиқиб қолди. Бу хат унинг банкидан ва “мисс Шарон Роуз Брнхам” номига келган эди. Билли қалтираган қўллари билан хатни очди. Кейин у ҳаммасини тушунди: банк унинг 80 центини қайтарган эди. Билли Рождество байрамидан бир неча кун олдин Шарон номига, жамғарма банкида ҳисоб очганини умуман унутганди. Ахир ўшанда улар ҳали...

Ўша мудҳиш тафсилотларидан тўлиб-тошганидан, унинг ақли “тўғони” ёрилиб кетди. У ибодат қила бошлади: “Исо, мен ҳали умуман ёш бола эдим, мен кўпинча юпун ва оч юрардим. Ҳамма мени устимдан кулар ва “нозиквой” деб ҳақорат қилардилар. Мен ўзимни шунчалик ёлғиз ҳис қилардим. Кейин мен Масиҳчи бўлганимда, Сен менга уйча ва менинг оиламни бердинг. Мен тўғри яшашга ҳаракат қилдим. Энди бўлса, Сен буларни ҳаммасини мендан олдинг. Мен жуда қийналяпман; мен бошқа бундай яшай олмайман. О Худойим, нима учун Сен мени ҳам олиб қўявермайсан?”

Иблис Биллига, зимистон каби унинг ақлини хиралаштириб, соғ фикр ва эс-хушдан айириб, яна яқинлашди. Қандайдир бир лаҳза, Билли Худонинг Раҳбарлик қўлини назаридан қочирди. Шу оғир дақиқада, иблис уни мудҳиш ҳаракатга ундади. Билли ҳайвонларни ҳимоя қилиш инспектори револьверини қини билан, ошхона эшиги орқасига михга илиб қўйганди. Револьверни қўлига олиб, ошхонадаги ҳарбийларнинг йиғма кровати ёнида, полга чўккалади. Стволни тортиб қўйди ва револьвер оғзини чаккасига тиради, ўт очиш илгагини босаётиб, ибодат қила бошлади: *“Осмондаги Отамиз, Сенинг Муқаддас исминг улуғлансин; Сенинг Шоҳлигинг келсин; Сенинг ироданг бажо келсин...”* У яхши мойланган курокни янада яхшироқ босаверди, аммо у ҳатто қимирламади ҳам. Билли бор кучи билан уни босса ҳам, бу ўроқсимон пўлат илгак қимирламади ҳам. Охири, у кўнди ва револьверни ташлади. У полга тушганида отилиб кетди ва ўқ деворни тешиб ўтди.

Билли кроватга узала тушиб ётди. “О, Худойим, Сен мени қиймалаб ташладинг. Сен ҳатто мени ўлишимга ҳам қўймаяпсан”.

У ҳолдан тойгунча йиғлади, охири қаттиқ ухлаб қолди ва туш кўрди. Бу, мавҳум кўринишлар ва ноъмалум воқеалар бўладиган одатдаги туш эмас эди. Аксинча, бу туш кўринишлари аниқ ва равшан, ва улар унинг хотирасида, худди, гўё уни ўзи ўша ерда бўлганидай аниқ ўрнашиб қолди.

Унинг тушида, қаердадир Ғарбда таниқли кавбойлар қўшиғини, даштдаги йўлдан кетганча куйлаб борарди: ***“Араванинг ғилдираги синди, у ерда ранчо сотилади...”*** *Билли олдинги одамлар дашт кемаси — “шхуна[67]” деб аталадиган эски ёпиқ фургон ёнидан ўтди. Фургоннинг олдинги ғилдиракларидан бири синган, шу учун унинг корпуси ёнбошга қийшайганлигидан, унинг ўқи ерга тиркалиб турарди. Синган ёғоч ғилдирак, арава корпусига суяб қўйилган томонда, чиройли қиз турар ва Биллига қарар эди. Шамол унинг узун оппоқ сочларини тўзитар, унинг мовий кўзлари эса, қуёшдек милтирарди. Билли ўтаётиб, кавбойлар шляпасини олди-да ва унга қувноқ салом берди:*

[67] Шхуна — кичикроқ елканли кема. (Тарж.)

— Хайрли тонг, хоним.

— Хайрли тонг, дадажон — жавоб қилди у.

Билли тўхтади ва бу оқ кийимли чиройли қизга тикилиб қолди. У кўринишидан ҳеч бўлмаганда йигирма ёшларда эди.

— Мисс, нималар деяпсиз, сиз салкам менинг ёшимдасиз, мен қандай дада бўлоламан?

Унинг юзида очиққина, кенг табассум пайдо бўлганидан, беғубор оппоқ тишлари кўриниб кетди.

— Дада, сен қаерда турганингни билмайсан, холос. Ерда мен сенинг кичкинагина Шарон Роузинг эдим.

— Шарон? Аммо... аммо сен кичкинагина эдинг, ахир.

— Дада, бу ерда ҳеч қанақа кичкинтойлар йўқ. Биз ҳаммамиз бир хил ёшдамиз; биз энди боқиймиз. А, қаерда менинг акам, Билли Поль?

— Мен уни миссис Бройга бир неча дақиқа олдин қўйиб келдим.

— Мен шу ерда Билли Полни кутаман. Онам билан кўришишни хохламайсанми? У сени янги уйингда кутаяпти, — деди Шарон.

— Янги уйда? Бранхамларда ҳеч қачон уй бўлмаган, биз ҳар доим қашшоқ ва дарбадар бўлганмиз.

— Аммо бу ерда сенинг уйинг бор, дада. Қарагин.

У қўли билан баландга кўтарилаётган йўлни кўрсатди. Сўқмоқ, тепаликда қурилган ҳашаматли саройга олиб борар эди. Қуёш ҳозиргина бу сарой томи тепасига яширинган ва энди қуёш нурлари ҳар томонга таралиб, чарчаб қайтиб келаётган денгизчиларга бандаргоҳга кириш учун ёрдам берадиган машъалларнинг шуълаланишини эслатарди. Билли қўлларни кўтарганча, йўлдан

қўшиқ айтиб борар эди: ***“Менинг уйим, ёқимли уйим...”*** *Тепалик остонасидан то уйга кирадиган эшиккача зиналар бор эди, очиқ эшик остонасида эса, уни Хоуп кутаётганди. У оппоқ кийинган ва унинг узун қоп-қора сочларини шамол ҳилпиратар эди. Билли зиналарнинг учтасини бир қилиб, сакраганча юқорига отилди. Зина майдончасига етгач, у Хоуп оёқларига йиқилди. Хоуп юмшоқлик билан ундан туришини сўради. Билли деди:*

— Хоуп, ҳозиргина у ерда, йўлда Шаронни кўрдим. У шунақа ёш, гўзал қизга айланибди.

— Ҳа, у шундай хушрўй қиз бўлди. Билли, сен мен ва Шарон учун қайғурмаслигинг керак.

— Азизам, мен бундай бўлолмайман. Мен икковларингизни ҳам шунчалар соғиндим; бунинг устига Билли Поль ҳам доим йиғлайди ва сени чақиради. Мен у билан нима қилишни ҳам билолмайман, ҳатто.

— Бизга бу ерда Шарон билан жуда яхши, у ерда сенга қараганда. Менга ваъда бер, бошқа биз учун қайғурмайман деб, — деди Хоуп, қўлини унинг елкасига қўйганча ва орқасига енгилгина урib қўйди, худди ерда буни тез-тез қилиб тургани каби. — Билли, сен жуда чарчагандек кўринасан. Сен ўзингни касаллар учун ибодатларинг билан чарчатиб қўясан. Мен билан ичкарига кир. Энди сен ўтиришинг ва дам олишинг мумкин.

У биргаликда саройга кирди, у ерда эса, яшил рангли Моррис креслоси турарди. Худди ўша, молия компаниясига тўлиқ пулни беролмагани учун олиб қўйган креслоси эди.

— Сен бу креслони танийсанми? — сўради Хоуп.

Биллининг томоғига бир нима тиқилди.

— Қандай қилиб мен уни эсламайман!

— Бу креслони улар олиб кетмайди, — уни ишонтирди Хоуп. — Бу учун аллақачон тўланган.

— Мен буни тушунолмайман.

— Энди сен қайта бошлайсан, Билли. Сўз бер, Шарон ва мен учун бошқа қайғурмайман деб.

— Хоуп, мен буни ваъда беролмайман.

Бирдан Хоуп йўқолиб қолди ва Билли уйғона бошлади. У ҳалиям кроватга бошини эгиб, қоронғу ошхонада тиззасида турар эди. У турди ва қоронғу хонага бирма-бир кўз югуртирди. Худди елкасида кўринмас қўлни сезгандай бўлди.

— Хоуп, бу сенми?

Унинг елкасига енгилгина урib қўяётганини сезаётгандай туюлди.

— Хоуп, сен шу ерда, хонадамисан?

Бу унинг ҳаёллари меваси эдими? Ёки, ҳар қалай унинг, — Сўз бер менга, бошқа қайғурмайман деб, — дея шивирлашини эшитдими.

— Хоуп, мен сенга сўз бераман, — деди Билли.

23-БОБ
АСТА-СЕКИН ҚАЙҒУДАН ЎНГЛАНА БОШЛАЙДИ
1937 — 1939

1937 ЙИЛГИ СУВ ТОШҚИНИ вақтида, Огайо дарёси сув сатҳи, буларнинг бўлишидан олдин Фаришта Уилльям Бранхамга кўрсатганидек аниқликда, Спринг Стрит кўчасида ҳақиқатдан ҳам олти ярим метр чуқурликка етди. Спринг Стритдан унча узоқ бўлмаган Бранхам Чодири ҳам шундай "сувга чўмдирилишни" бошидан ўтказди. Тошқин сув кўтарилиб, деразани бузиб кирди, натижада ичкарида полга қотирилмаган ҳамма нарса, шу қатори кафедра ва скамейкалар ҳам суза бошлади. Қачонки дарёнинг лойқа суви ниҳоят қайтгач, скамейкалар полга қийшиқ-сийшиқ ва бутунлай тартибсиз ётганди, аммо кафедра қарийб ўша ўзи турган жойда — олдингидек вертикаль ҳолатда ва йиғилишдагиларга қараб турарди. Тошқиндан бир кун олдин, Билли кечқурун Библиясини кафедрада очиқ қолдирган эди. Қачонки у, етган зарарни кўришга келганида, унинг Библияси қаерда қолдирган бўлса, ўша ерда ва ҳали ҳам очиб қолдирилган жойида очиқлигича турганини кўрди. Билли буни Худодан аломат деб қабул қилди: ҳатто унинг ташқи ҳаёти-тарзи тартибсиз, чигал бўлган бўлса ҳам, у ваъз қилган Худо Сўзи гўё ҳеч нарса бўлиб ўтмаганидек, ҳақиқатлигича ва барқарорлигича қолган эди.

Бу кўнгилни кўтарадиган эди, ахир Билли ҳаётидаги оғирликлардан ўтишга ёрдам берадиган, озгина далдага ҳам муҳтож эди. У чинданам хотини ва қизидан айрилганининг ҳақиқатига сира кўника олмас эди. Унга, гўё муддатидан олдин чиқишга умуман умиди йўқ, қамоқхонадан вақтини ўтаб чиққандай туюлаверар эди. Ғам-ғуса гўё уни қамоқхона панжарасида банди қиларди; ёлғизлик, қамоқхона назоратчисидек уни орқасидан кузатар эди, тушкунлик бўлса, шафқатсиз қамоқхона бошлиғидай, унинг ҳар бир ҳаракатини бошқарар эди. Бу чидаб бўлмас жазодек, туюлаверар эди.

Гоҳида Билли, Хоуп билан Шароннинг осмонда эканлигини кўрган тушини эслаб, овунарди. Унинг тушлигини, чунки уни уйқуда кўрганлигини билар эди. (Ваҳий бўлса, ухламаган, уйғоқ ҳолатида пайдо бўлар эди.) Шунга қарамай, бу туш шунчалик эсда қоларли, унутиб бўлмайдиган эди: у шу қадар жонли эдики, ўша кўчманчилар фойтунидаги ёғоч пўстлоғи-ю, этигидан қолган қумдаги изларигача аниқ-тиниқ эди. Бунинг устига, бу туш шунчалар кўп маъноли эдики, гўё Худо унга бундан кўп нарсаларни айтмоқчи бўлаётгандай эди. Айрим ҳолатлари бутунлай тушунарлидай туюларди: фойтуннинг синган ғилдираги, албатта унинг чилпарчип бўлган оиласини ифодаларди; Хоуп ва Шароннинг эса, Ердалигидан кўра, ҳозир яхши жойдалиги ҳақиқат эди. Аммо бошқа рамз, белгиларни тушуниш қийин эди. Нима учун бу воқеалар Ғарбда содир бўлди? Қуёш ботаётганида қандайдир маъно бормикин? Ҳаммасидан кўпроқ, Биллини мана нима ўйлантирар эди: у касаллар учун ибодатлари билан ўзини қийнашини айтганда, Хоуп нимани кўзда тутдийкин? Бу саволларга мос келадиган жавоб тополмасди у.

Билли энг катта ёрдамни Библияда топди. У ҳаворий Павел айтган, Римликларга 8:28 ни ўқиди: *"Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади"*. Билли бунга кучи борича ишонишга ҳаракат қилди, аммо унга буни кўришлик, шунчалар қийин эди. Унинг хотини ва қизидан ажралиб қолишидан бирор бир яхшилик бўлиши мумкинми? У Исо айтган Юҳаннодан 14-бобга белгилаб қўйди: *"Юрагингиз ғаш бўлмасин; Худога ишонинг, Менга ҳам ишонингиз. Отамнинг уйида маскан кўп... Мен бориб сизларга жой тайёрлайман... Яна келаман ва сизларни Ўзим олдимга олиб кетаман... Юрагингиз сиқилмасин, ҳадиксираманглар"*.

Билли бу маслаҳатни амалда қўллашга ҳаракат қилар, аммо юрак тубида олдингидек ташвишланар эди. Гарчи у черковда ваъз қилишни давом эттирса-да, у олдинги ғайрати ва иштиёқининг анчасини йўқотган эди. У олдингидай одамлар муҳтожларига жуда ҳушёр эди-ю, аммо, Худо билан ярашмаганлигини қандайдир ҳис қиларди. Қанақа ибодат бўлмасин, ибодати вақтида, олдинлари бўлганидек, Худо Тахтига етиша олмас эди. У ўзини бебахт ва бечора ҳис қиларди.

Онаси ҳалиям ундан бир неча квартал нарида яшар эди. У эри Чарльзнинг вафотидан кейин, уйини пансионга айлантирди ва ундан озроқ бўлса ҳам, ҳар кунлик фойда олар эди. Элла ҳар куни келадиган мижозлари учун эрталабки ва кечки нонушта тайёрлар эди. Билли уникига кечки овқатга тез-тез келиб турар эди. Бир куни оқшом, у онасига столлардан ишлатилган идишларни йиғиштиришга ёрдамлашар экан, Элла ундан, Огайо дарёси устида, Кентукки штати Луисвилли шаҳри ва Индиана штати Жефферсонвилли шаҳри орасида қурилган янги кўприк ҳақида нима деб ўйлашини сўради.

— Сенга бу нимаси биландир таниш кўринмаяптими? — деди у

— Қизиқ, аммо нимагадир ҳақиқатдан ҳам таниш кўринади, — гўё буни олдин қаердадир кўрганман-у, энди шуни эслаётгандайман...

Элла бош ирғади.

— Бир куни, бундан кўп йиллар бурун, сен уйга ҳаяжонда чопиб кирувдинг ва қандайдир кўприк ҳақида, унда у ерда ҳеч қанақа кўприк йўқ эди, бир нималар деб ғулдировдинг. Аввалига, буларни сен ўзингдан ўйлаб чиқаряпсан, деб ўйладим, лекин кейинига мен қизиқиб, ҳақиқатдан ҳам бу бўлгандир, дедим, шу сабабли уни қоғозчага ёзиб, яшириб қўйдим.

У сарғайиб кетган, қатланган бир парча қоғоз бўлагини узатди. Билли уни ўқишидан олдин, у ерда нима ёзилганлигини билар эди. У шу онда фикран болалигига қайтди ва олма дарахтини, ғиштишарча ўйинини эслади-ю, уни ғалати ҳис-туйғу қоплади. У яна эслади, гўё дарё бирданига яқинлашганини ва сув устидан алоҳида қисимлари бир-бирига йиғилиб, кўприкка айланганини, токи юқоридаги марказий брус-устун қўпарилиб, пастга қулаганига қадар, ҳаммасини эслади. У эски ёзилган ёзувли қоғозни очди ва онасининг чалкаш ёзилган сўзларини ўқиди. Кейин у янги қурилаётган кўприк ҳақида ўйлаб қолди. У ўшанинг ўзи! Булар аниқ болалигида кўрганларидай бўлаётган эди.

— Она, бу ҳаммаси нима бўлишлиги мумкин, нима деб ўйлайсан?

— Мен қаердан ҳам биламан? — деди у елкаларини қисиб. — Лекин, Билли, шунча йиллар мен кўп ўйладим, сен ҳаётга алоҳида мақсад учун туғилмаганмикинсан. Мен ҳали ҳамон, бу шундай бўлиши мумкин, деб ўйлайман.

Ўша болалигидаги ваҳийни, ўзининг биринчи ваҳийсини эслаб ва ҳозир у амалга ошганлигини англаб, Билли ўша саволларни ўзига бера бошлади. Унинг ҳаёти ростдан ҳам қандайдир буюк мақсадга йўналтирилган бўлиши мумкинмикин? Шу паллада, унинг ҳаёти шунчалик зерикарли, бўм-бўш ва бемаъно кўринганлигидан, Худо қандай қилиб уни бирор-бир алоҳида, махсус мақсад учун ишлатишини тасаввур қилиш қийин эди. Аммо у дарахтдан шитирлаб: *“Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. Қачон улғаясан, сен учун меҳнат бўлади”*, — деган паст овозни эшитиб, қўрққан етти яшар болачани, ҳеч қандай унутолмас эди. Худо уни шу учун тирик қолдирмадимикин? Унинг олдида янада улкан ишлар турганмикин?

Унинг кўксида умид учқунчаси ялт этди.

1939 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИ, Адольф Гитлер ўз қўшинларига Польшани босиб олишга буйруқ берди. Икки кун ўтиб, Франция ва Буюк Британия Германияга уруш эълон қилишди. Французлар дарҳол Германия билан умумий чегара бўйлаб оқадиган Рейн дарёси орқали ҳужумга ўтдилар; аммо, уларда немисларнинг кучли мудофаасини тешиб ўтишда қийинчилик пайдо бўлди. Бир вақтнинг ўзида поляклarнинг отлиқ қўшинлари билан немисларнинг механизациялашган дивизиялари ўртасида тенгсиз тўқнашув бўлиб ўтди. 18 кунлик қаттиқ жанглардан кейин, поляклар ҳукумати ва ҳарбий қўмондонлиги бошпана излаб, қўшни мамлакат бўлган Руминияга қочди. Шундан кейин поляклар қаршилиги кескин сусайиб борди, бу эса, Германияга ўз кучларини французлар ҳужумига қарши тўплашига имконият яратиб берди. Гарчи французлар немис ерини шошилинч тарк этган бўлсаларда, кўпчилик сиёсий кузатувчиларга Европада уруш тугаши ўрнига, бор-йўғи энди бошланганлиги аён бўлди.

Кимда радиога ёки газеталарга имконияти бор бўлганлар қатори, Уилльям Бранхам ҳам Европада кенгайиб бораётган ушбу фожиали воқеаларни диққат билан кузатиб борди. Бироқ у, бу урушга умуман, бошқача нуқтаи назар билан қизиқди. Ахир, айнан мана шуни 1933 йил июнида, ваҳийда айнан шуларни кузатган эди, қачонки, ўшанда етти воқеа келажак манзаралари кўз ўнгида пайдо бўлганди. Бу ғайритабиий, қўрқинчли эди. Бу воқеаларни бўлиб ўтишидан олдин, уни кўришга қандай куч имкон бердийким? Ва нима мақсадда? Мана, яна шу сўз — мақсад. Мумкин, Худо чиндан ҳам унинг ҳаётига қандайдир муҳим мақсадни режалаштиргандир? Агар шундай бўлса, унда нима учун бу мақсад жуда очиқлик билан намоён бўлмади?

Шундай пайтларда Биллининг фикрлари, муқаррар Индиана штати, Мишавакида элликчилар билан икки йил бурунги учрашувига қайтар эди. Ўша элликчилар хизматчиларининг, улардаги черковларда хушхабар тарқатишини сўраб қилган таклифларини инкор қилиб, Худонинг топшириғини бажармаганлигини Билли билар эди. Аммо, энди қандай у Худо иродасига қайтади? Албатта, у элликчилар черковига, улардан бирортаси ваъз қилишни сўраб қолар, дея бора бошлаши мумкин, холос. Лекин, аввалгидек унга бир савол қандайдир тўсиқдай тинчлик бермасди, тўғри йўлдан боришга қўймас эди. Бу Муқаддас Руҳ иноятi тўғрисидаги савол эди, чунончи: ўзга тилларда гапириш ва уларни таъбирлаш иноятi ҳақидаги савол эди.

Бу вақтга келиб, Билли ўзга тилларда гапириш каби, уларни таъбир қилиш ҳам Худо Руҳининг асл иноятларилигига ишончи комил эди. Албаттада, Библияда бу мавзу етарлича яхши тушунтирилган[68]. Аммо Биллини мана нима ташвишлантирар эди: унинг Мишавакидаги кечинмалари, ўша икки одамга тегишли бўлиб, қайсики, айниқса, улар ўзга тиллар ва унинг таъбирлаш иноятини актив ифодаладилар. Уларнинг иккиси ҳам черковдаги хизмат вақтида Худо Руҳини кучли таъсирини намойиш қилдилар. Бироқ, кейинроқ, қачонки Билли уларнинг ҳар бири билан якка гаплашганда, уларнинг тўғридан-тўғри шахсий ҳаётига қарай олди. Гарчи улардан бири бутунлай Худога бағишланган Масиҳчи бўлса ҳам, иккинчиси бутунлай иккиюзламачи экан. Билли буни ҳақиқатлигини билар эди, чунки бу ваҳий ҳар вақт хатосиз эди. Айнан мана шу нарса уни ташвишлантирар эди, бу ҳамма элликчилар ғоясига боғлиқ, черковларда хизмат вақтида Руҳнинг иноятини очиқ намойиш этилиши эди. Агар элликчиларнинг ўша мажлисига Худо Руҳи ҳақиқатдан ҳам тушса, қандай қилиб Худо Руҳи ўша ўта-кетган иккиюзламачини дуо қилади, ахир? Бу ҳақиқатга хилофдек бўлиб кўринар эди. Бироқ, шайтоннинг руҳи Худо ишларини амалга ошира оладими? Бу ҳам худди шундай шубҳали кўринади. Унда бундай бўлиши, битта йиғилишнинг ўзида иккита руҳ ҳаракат қилиши мумкинми? Бу фикр янги қийинчиликларни келиб чиқарди. Агар Худо Руҳи ва иблис руҳи бир хил натижалар берса, унда бирор киши умуман, ҳақиқат эканини қандай қилиб била олади?

[68] 1 Коринфликларга 12:1 – 2 ва 14:1 – 33

Бу жумбоқ ўтган икки йил давомида бир неча бор уни ташвишлантирди. Ҳозир эса, Европада уруш тўғрисидаги ваҳийси воқеликка айланганини кўриб, Билли шошилинч, кечиктирмай жавоб топишга эҳтиёж сезди, бу жавоб туфайли ўз хатоларини орқага қолдиролса-ю ва Худо Ўз фикрида у учун тақдир қилиб қўйган мақсади йўлида янгитдан йўлга тушса.

Ишдан бир неча кун жавоб олиб, Билли 62-шоссе бўйлаб, то Туннель Милл жойлашган жойга етиб олгунча, шимолий йўналишда машинада борди. У машинани йўл яқинроғида қолдирди, Фортин Майл Крик дарёсидан ўтди ва ўрмонга жўнади. Куз ўз гўзаллиги билан Биллини сеҳрлади. Тўқ сариқ, жигар ранг ва қип-қизил барглар дарахтларда шитирлар ва у юрганида оёқ остида чирсиллар эди. Қушлар ўз нозик чириллашлари билан бу товушга қўшиларди. Ниҳоят, 25 метрлик дара бошланадиган тикка оҳактошли қояга етиб келди. Қоя этагидаги йирик тошлар ва буталар оралаб ғорга кирадиган жойга етиб келди. Бу тешик олдида юпқа, ўткирланган қоя бўлаги юқорига йўналган ҳолда, тишга ўхшаб ётар эди. Билли шамни ёқди, кейин бўлса, эгилиб оёғини тешикка тиқди. Ичкарига қараб тепалик ёнбағрига кўндаланг чўзилган саккиз метрлик коридор бўйлаб бориб тўхтади ва яна ўша тўртбурчак оҳактош столи устида, чўққиси пастга қараган пирамидасимон қоя тошни синчиклаб қарай бошлади. Бу кўриниш Биллини ҳар сафар кўрганида, қойил қолдирар эди. У паьтосини ва бир неча запас шамларини, кроват ўрнида фойдаланадиган тош дўнгликка қўйди. Кейин у Библияни олди ва ташқарига, қуёшнинг иссиқ нурларига қараб, Худони топиш учун чиқди.

Ғорга унча узоқ бўлмаган жойда, ерда йиқилган дуб ётарди. Бу қари дуб танасидан шохлар ўсиб чиққан жойда, бутоқлар дам олиш учун табиий кресло ҳосил қилган эди. Қулай ўтириб олиб, Билли бу шохланган жойда кун бўйи ўтириб, Библияни ўқиди ва ибодатда бўлди. Ниҳоят, осмон қоронғилашди ва юлдузлар милтиллади. Енгил, аммо кузнинг совуқ шабодаси уни ғорга, панага киришга мажбур қилди.

Кейинги кун эрталаб, унинг шинамгина жойини иситиш учун қуёш етарлича кўтарилмагунига қадар у, чиқмади. У Библиясини ўша қари дубнинг шохланган жойида очиқ қолдирган эди ва унинг саҳифалари шамолда очилиб, Ибронийларга мактубнинг 6-бобида тўхтади. Билли дарахт танасини “эгарлади” ва ўқий бошлади:

Бир марта зиёни кўрган, самовий инъомдан лаззат олган, Муқаддас Руҳдан баҳраманд бўлган,

Худонинг хайрли каломини ва келажак қудратини тотиб кўрган кишилар,

Агар бундан кейин имондан кайтсалар уларни яна товба қилдириб тузатиш имконсиздир. Чунки бундай кишилар Худонинг Ўғлини янгидан хочга қоқиб, масхара қилган бўладилар.

Устига мўл-кўл тушган ёмғирни ичган ва деҳқонлар учун фойдали ўсимлик берган ер Худодан баракат олади.

Аммо тикану қушқўнмасни берган ер эса ярамасдир ва лаънатга қолади. Унинг охирати – ёнишдир.

Билли ҳеч нарсага тушунмади. Тимофейга 2-мактубдаги унинг фикрида бўлган маълум бир оятни топиш учун саҳифаларни варақлай бошлади. Қачонки у қўлини Библиядан олган эди, бирданига шамол турдида саҳифаларни варақлаб, яна Ибронийларга 6-бобни очди. “Ажабо” – ўйлади

у. Худо шу Ёзув жойи орқали унга бир нарса демоқчи эмасмикин? У 6-бобни бошқатдан ўқиб чиқди, а лекин олдигидан ҳеч нарса тушунмади.

Ғорга келди-да, у тешикдан ўтди ва тўртбурчак тош стол устига учи билан пастга осиғлик пирамидага тор йулакча орқали келди. Билли тиз чўкди ва ибодат қила бошлади: "Раббим, Ибронийларга 6-боб нима дегани? Сен менга нима демоқчисан?"

Бирдан унинг бармоқлари увуша бошлади, лекин бу ғордаги салқин туфайли эмас эди. Бу ўша кўпинча ваҳий келишидан олдин бўладиган, тарракдек қотиб қолиш туйғуси эди. Унга гўё қўли ва оёклари оғирлашгандай, лаблари эса ҳозиргина тиш ҳакими унга новокаин укол қилгандай, катталашгандек туюлди. Кўзини очиб, Билли олдида ер шарини ўз ўқи атрофида айланиб турганини кўрди. Тупроқ янги ҳайдалган ёвонга ўхшар эди. Бу айланиб турган планетанинг горизонтидан ёнбошида катта қопи билан оқ кийимли одам чиқди. Хар икки қадамда у қопдан бир кисм уруғ олар, ва қўллари билан қулочлаб уни ерга сепарди. У горизонт ортига куринмай қолиши билан, Билли бошқа одамни кўрди – бу сафар у қора кийимда эди, – у биринчи одамни кетидан ўғринча, писиб бораётган эди. Бу иккинчи одам ҳам ёнбошида қоп осволган ва ёвонда оёғи учида юрганча, уруғ сепарди. Бироқ у тўхтаб-тўхтаб, у ёқдан-бу ёққа қараб олар, бир сўз билан у худди ёмон иш қилаётгандай ва қўлга тушишдан қўрқар эди.

Қачон бу қора кийимли одам ер шари чизиғидан кўринмай қолган эди, Билли бу уруғлар униб, қаддини тезда тиклаб ўсаётганини кўрди. Энди равшан бўлди, бу қанақа уруғлар эканлиги: айримлари буғдойга айландилар, а бошқалари бўлса – чакамуг, аломатчой, қушқўнмас ва сассиқ ёввойи ўтларнинг чақалакзорига айландилар. Шу пайт қуёш пайдо бўлди ва тупроқдан бор намни парлатиб, ёвонни қурита бошлади. Буғдой ҳам, ёввоий ўтлар ҳам бошоқчаларини осилтирдилар, бўғилиб, ночорликдан ёмғир сўраб ибодат қилдилар. Бу ўсимликлар қақроқ ерга янада энкайиб, қапиниб боравердилар. Кейин Билли горизонтда улкан қора булут пайдо бўлиб, сузиб келаётганини кўрди Қачон ёмғир челаклаб ёғганда, буғдой тикланди-да, олқишлай бошлади:"Худога ҳамд-сано! Раббимга шукур!" Шу пайтни ўзида, қушқунмас ва сассиқ ўтлар ҳам дик этиб турди-да қичқира бошлади: " Шон-шараф! Ҳамдлар булсин! Раббимга шукур!" Бирдан бутун ер шари чайқалиб турган ўсимликларнинг бир хил – "Раббимга шукур!" деган қичқириғидан жонланди.

Шу билан ваҳий тугади.

Билли руҳланиб, завку-шавққа тўлиб-тошди, У Ибронийларга 6-бобни эндигина тушунди: *"Зеро имконсиздир – бир марта ... Муқаддас Руҳдан бахраманд бўлган ... Агар бундан сўнг имондан қайтсалар, яна товба қилдириб ... Зеро ер, устига мўл-кўл ёққан ёмғирни ичган... Худодан баракат олади; А тикану-қушқўнмас етиштирган – рад қилинади..."*

Бу унинг саволига жавоб эди

Буғдойни ўсишга ундаётган худди шу ёмғир, қушқўнмас ва сассиқ ўтларни ҳам суғоради. Худди шундай Масиҳчини озиқлантираётган ва дуо қилаётган Муқаддас Руҳ, иккиюзламачини ҳам худди шундай дуо қилиши мумкин. Гап фақат шунда-ки, иккиюзламачи умуман бошқа мева келтиради. Бу ҳаммаси экилган уруққа боғлиқ.

Кейин Билли Исонинг айтган сузлари ҳақида зйлай бошлади: "*Душманларингизни севинглар, сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар, сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг ва сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун, сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар. Шунда сиз Осмондаги Отангизнинг ўғиллари бўласизлар; Чунки У Ўз куёшини ёвузлар устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солиҳлар устига хам, фосиқлар устига ҳам ёғдиради"*[69]. Руҳий нарсалардаги ҳамма нарса худди табиийликдагидек бўлиб ўтаётган эди. Бу Исони нима учун *"Қиёмат кунида кўплар Менга: "Ё Раббий, ё Раббий! Бизлар Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чикармадикми? Ва Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизалар яратмадикми?" — дейдилар. Ва ўшанда Мен уларни юзига қараб: "Мен сизларни ҳеч қачон таниган эмасман"— дейман. Эй бадкирдорлар, Менинг олдимдан кетинглар! — дейман".*[70] Ҳатто бу инсонлар Худо Қудратини юзаки аломатлар билан кўрсатсаларда, уларнинг ички ниятлари нотўғри ва бузуқдир.

[69] Матто 5:44-45
[70] Матто 7:22-23

Ниҳоят, Билли черковда иккита руҳ иш кўришини, улар ўзига ҳаётни битта манбадан оладилар-у, аммо, бир-бирига қарама-қарши томонга ҳаракат қилишларини тушунган ҳолда, ғорни тарк этди. Худди бегона новдаларни яқин, ўзларига ўхшаш дарахтга пайванд қилинганидек: уларнинг ҳаммаси ҳаёт сувини ўша битта дарахт танасидан олади. Шундай қилиб, апельсин дарахтига лимон, лайм[71] ёки грейфрут пайванд қилиш мумкин. Ҳамма пайванд қилинган новдалар худди апельсин дарахтидан ўсиб чиққандай бўлиб кўринади; лекин, қачонки мева тукканларида лимон новдаси лимон, лайм новдаси – лайм мевасини беради. Шунга ухшаш тарзда Масиҳчи черковида ҳам одамлар

ҳамиша битта Муқаддас Руҳ танасидан ҳаётни оладилар, аммо уларнинг мевалари манфаатпарастлик, сиёсат, ўзини қондирувчи қонунчилик ва иккиюзламачилик – куйинчки, Муқаддас Руҳ мевасидан бошқа ҳаммаси. Шунга қарамай, агар бу асл дарахтдан қачондир ўзининг янги новдасини чиқарса, унда бу новдада апельсин бўлар эди. Исо Инжилнинг Юҳаннодан 15-бобда деди: *"Мен—ток, сизлар – новдаси; Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради; Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар". Хаворий Павел ёзган: "Илоҳий Руҳнинг меваси эса – муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат луфткорлик, ҳайрихоҳлик, имон, мулойимлик ва ибодир"*[72]. *"Уларни меваларидан билиб оласизлар"* [73], — деб Исо қатъий таъкидлаган эди.

[71] Лайм — лимоннинг бир тури; кичик яшил лимонлар мевалари хилидан. (Тарж.)
[72] Матто 7:15-20
[73] Галатияликларга 5:22-23

Энди Мишавакидаги ўзга тилда гапириш ва уни таъбир қилиш иноятини таъсирли намойиш қилган икки одам орасидаги фарқни тушуниб олгач, у Руҳнинг иноятларига ва ташқи ҳиссиётларнинг намойиш қилишларига у анча бемалол қарай бошлади. 1939-йил 31 декабрида ўзининг черковида 1940-йилни кутиб олиш учун тунги янги йил хизматини ўтказди. У платформага мактаб доскасини ўрнатди ва ўзининг қобилияти етгунча, Масиҳнинг Иккинчи Келишини Библия вақтлари кетма-кетлиги бўйича тушунтирди. Унинг мажлисига дарёнинг нариги қирғоғида жойлашган Луисвиллидан бир гуруҳ эликчилар келишди. Қачонки Билли таълим беришни тўхтатиб, танаффус қилган эди, бу гуруҳдан булган айрим аёллар бир нечта яккахон қўшиқ ижро этмоқчи бўлдилар. Уларда кичикроқ ансамбль ҳосил бўлди: битта аёл металл тарелкада, бошқаси тунука банкада, учинчиси кир ювиш доскасида, тақиллатиб, бармоқларида ангишвона билан чертиб, тўртинчиси бўлса, пианинада тинғилатдилар. Улар тез айтиладиган қўшиқ куйини чалдилар, а йиғилишдагилар эса куйлардилар:

Тезда яқин ўша соат, Ширин учрашув соати.
Юқорида булутлар устида.
У ерда сени учратаман, учрашув бизни кутяпти
Осмондаги ажойиб уйда
Ҳеч ким одамлардан, бундай қўшиқларни эшитмаган,
У шуҳратини тўлиқ кўрсатади.
Худо Ўғлини Ўзи Бошқарувчи бўлади,
У ерда, юкорида ўша учрашувда.

Мусиқанинг шовқини ва гирдобига оқ сочли ўспирин—киз ўрнидан ирғиб турди-да, қаторлар аро йўлакда уйнай бошлади.

Билли "танқидчилар ўрни"да ўтириб, уни юрагида ҳукм қилар ва фикр қилар эди: "Бунда умуман Худога тегишли ҳеч нарса йўқ. Бу қиз хўжакўрсинчиликкагина бундайин қилаяпти, холос. Ҳамма унга карашларини хохлайди. У мени черковимни кирди-чиқдихона қилиб олади".

Бу қизга бошқаси қушилди, кейин яна биттаси. Билли ўйлаб қолди:"Бир минут! Қизиқ, Каломда бирор жойда ўйинга тушиш ҳақида бирор жойи бормикан?" У Мариямни эслади, Қизил денгизда фараон армиясининг сув остида қолганини кўриб, қўлига тимпан(ноғора) олганча, ғалаба нашидасидан шод-ҳуррам бўлиб, қирғоқ бўйлаб чопалаб рақсга тушган эди; а унинг орқасидан Исроил қизлари ўйинга чопиб чиқишди.[74]. Кейин Билли Довуднинг аҳд сандиғини Қуддусга қайтарилганидан кейин Раббий олдида бор кучи билан сакраганини эслади[75]. Билли ўйлади : "Эҳтимол, менда ҳали ҳам етарлича ғалаба йўк ...". Шундай қилиб, платформада ўтирганча, ўзининг расмиячи баптист оёкларига мусиқага мос тапиллатишига қўйиб берди. Тезда унинг оёклари юриб, қўллари билан қарсак чала бошлади. Мусиқа тинчиган пайтда, у эндиликда, Руҳда рақсга тушаётган қолганлар билан йўлакда ўйнаб турар эди.

[74] Чиқиш 15: 20-21
[75] 2 Шохлик 6:12-15

Буни бошидан ўткаргач, ундан тегишли дарс олган Билли, ибодат қилди: "Худойим, мени танқидчилар курсиларидан ол. Шу пайтдан бошлаб ва бундан кейин менга бир аниқ қарорга келишдан олдин, ҳамма нарсага ақл кўзи билан қарашга ёрдам бер".

Бу бир оддий ибодат эди, аммо келажакда натижага элтувчи ибодатлардан бири эди.

У янгидан ўз мақсади йулида ҳаракат қилаверди.

24-БОБ
ҚИЙШАЙГАН ОЁҚЛАР ТЎҒРИЛАНАДИ
1940

1940 ЙИЛНИНГ ЭРТА БАҲОРИ, якшанба оқшомларининг бири эди, Уилльям Бранхам йўл-йўлакай черковдан қайтаётиб, онасининг уйига кирди. У онаси билан ошхона столи атрофида ўтирганча, алламаҳалгача сухбатлашди. Тўрт яшар Билли Поль Меда Бройнинг уйига, кечаси қараш учун қолдирилганлигидан, Билли уйига қайтишга шошилмасди. Қачонки у, ниҳоят, кетиш учун турганида, Элла:

— Билли, ташқари жуда совуққа ўхшайди, нима қилади агар шу ерда тунаб қолсанг, а?—деди.

Ховлида кучли шимол шамоли дераза ойналарига қор урар эди. Билли, ўзини кутаётган иккита совуқ хоналари хақида ўйлаб кўрди.

— Албатта, мен сизникида тунайман, она, — деди у қувониб.

Онаси қараб юрган, меҳмонлар учун ётоқхонага кирган Билли, тўшакка ёнбошлаганча ибодат кила бошлади. Ўша куни, куни буйи юрагини қисган, ифодалаб бўлмас оғирликни ҳис қилиб, мана энди унга ўзининг Самовий Отаси билан гаплашишга имконият туғилди. Бир соат ўтиб, у ухлаб қолди.

Кечаси иккилар атрофида уйғонди, аввалгидай тушунарсиз бир оғирлик унинг руҳини қисар эди. Уйқудан тетикланиб, кроват ёнида чўккалади ва ибодат қилишни давом этди. Хона зим-зиёлигидан у фикрини бир ерга тўплаши учун кўзини юмиши керак эмас эди. Бир қанча лаҳзадан кейин у ётоқнинг бир бурчагида салгина оқ шуълани пайқади. Аввалига бу нарса онасининг стулига тахлаб қуйилган чойшаби бўлса керак, деб ўйлади, аммо кузатган сайин, бу шуъла гўё ҳавога кўтарилиб, ҳаракат қила бошлади. Энди у кўпроқ оқ булутчани эслатар ва унга яқинлашаётганга ўхшар эди.

Кейинги лахзада шуълалаётган туман уни ўзига сингдирди. Бирдан Билли энди ётоқхонада эмас, лекин қаердадир, кўчада пайдо бўлди. Унинг рўпарасида, у доим "вагон-уйча" деб атайдиган уйлардан бири, кичикроқ, камбаргина уй турар эди. У кириш эшигидан ўтди, ва мехмонхонага ва ётоқхонага ўхшаб кетадиган хонада пайдо бўлди. Унинг деворлари қизил шолчалар билан қаттиқ тортиб, қопланган эди. Тўппа-тўғри унинг олдида, эшик орқали ошхона кўриниб турар, ошхона бу уйда, худди ўзининг ижара уйида бўлганидек, иккинчи хона бўлиб ҳам хизмат қилар эди. Қора сочли аёл (ёши йигирмадан ўтган) бошини ошхона эшигига суяганча турар ва хўнграб йиғлар эди. Биллининг чап томонида, ёстиқчали қизил креслода ўтирганча ёши улуғроқ аёл йиғлаётган эди. У кўзойнагини олди ва қўл-рўмолчаси билан артди. Бошини ўнгга буриб, Билли қизил диванда ёстиқчалар орасида ўтирган ёш одамни кўрди. У юзини деразага бурди, шу учун Билли унинг фақат энсасидаги оқиш жингалак сочларинигина кўра олди. Хонанинг у бошида, бурчакда, Биллининг чап ёнида, қизғиш сочли кичиккина бола, вельвет камбинезон қийган, тўрт устунчали темир кроватнинг ўртасида, қорни билан ётар эди. Бола касалликдан жуда дабдаласи чиққан эди: унинг оёқлари, худди пармадай буралган ва танасиги ёпишиб турар эди; қўллари ҳам шундай букилган ва унинг биқинига қайрилиб қуйилган эди. Балланд бўйли қора сочли одам, Билли уни отаси бўлса керак, деб ўйлади, кроват олдида болага қараб турар эди.

"Чиндан хам ғалати эмасми?" — ўйлади Билли. " Бир неча лаҳза олдин мен онамнинг уйида эдим, энди булса, бу ерда, бу уйда турибман".

Шу пайт у ўнг елкаси орқасидан фавқулодда кучли борлиқни сезди. Билли бунга қарамоқчи бўлди, аммо нимадир унга, бошини буришига қўймади. Кейин у ўша овозни, унга доим ваҳийларда гапирган овозни эшитди.

— Бу бола яна яшай оладими? *— Фаришта сўради.*

— Жаноб, мен билмайман, — жавоб берди Билли.

Фаришта деди:

— Отасидан илтимос қил, сен у учун ибодат қилишинг учун болани сенга олиб келсин, ва у яшайди.

Отаси болани кроватдан кучоғига олди ва Биллига этди, у эса қўлларини болачанинг қорнига қўйди ва ибодат қила бошлади. Бола отасининг қўлидан тушиб, кетганидан ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. У полга чап оёғи билан урилиб, тўғриланди ва нормал формани қабул қилди. У шу заҳоти яна бир қадам ташлади, шунда унинг ўнг оёғи тўғриланди. Қачонки учинчи қадам отганида, унинг

қўллари одатдаги кўринишни олди. Шунда бола кафтчаларини Биллининг кафтларига қўйди ва унинг юзига қаради. Боланинг баландги лабларини ёруғ момиқмўй қоплади.

— Билли ака, мен бутунлай соппа-соғман, — деди у.

— Раббийга хамду-сано, нима ҳам дердим, — жавоб берди Билли.

Биллига кўринмай, унинг орқасида турган Фаришта деди:

*— **Энди мен сени бошқа жойга этаман.***

У Биллини олди ва узоққа этди, қишлоқ черковидаги қабристонга қуйди. Фаришта қабр устига қўйилган ёдгорликлардан бирини кўрсатиб, деди:

— Бу ёдгорликдаги сана, исм ва фамилияни эслаб қол. Бу сенинг мўлжални оладиган жойинг бўлади.

Кейин у Биллини яшин тезлигида бошқа жойга этди. У ерда иккита дўкон, бензин заправкаси ва бир неча уйлар кўча кесишган жой яқинида бир-бирига ёнма-ён турар эди. Ундан кўкрак чўнтакли кўк комбинезон кийган, бошида сариқ вельвет шапкаси бор бир одам чиқди. Унинг мўйлови оқ эди. Фаришта деди:

— У сенга йўлни кўрсатади.

Кейинги сафар Билли бошқа вокеа жойига ўтказилган эди. Унинг оёқлари ерга тегиши билан у энди йирик ёш аёл ортидан уйга кираётган эди. Билли қизил гул безакли сариқ обой ёпиштирилган хонада пайдо бўлди. Эшик пештоқида – "Худо бизнинг уйимизни дуо қилсин" – деган ёзувли тахтача осилган эди. Чап томон деворда ўтин печка турар, а ўнг томонда тўрт устунли бронза кроват жойлашган эди. Чойшабда касаллик симптомларидан қийналиб, эҳтимол, полиомиелитдандир, пижамада ўспирин ётар эди: унинг чангак оёқлари танасига тортилган, а битта қўли эса ночор қўриган эди. Билли унинг қиз ёки ўғиллигини билолмади – бир томондан, юзи ўғил боланикидай, аммо узун сочлари ва юраксимон лаблари эса унинг тескарисини уқтирарди.

*— **Бу одам юриб кетадими?** — суради Фаришта.*

— Жаноб, мен билмайман, — жавоб берди Билли.

*— **Бор, бу одамнинг қорнига қўлингни қўй ва ибодат қил,** — буюрди Фаришта.*

Қачонки Билли ҳаммасини кўрсатма бўйича қилган эди, айнан шу моментда, қачонки қуриган қўллар тўлиқ тикланган эди, а у икки чангак бўлиб қолган оёқлар тўғирланганди ва қувватлаган эди, ўша кроватдаги кимса бақирди: "Раббийга ҳамдлар бўлсин!" Ўспирин тўшакка ўтирди, натижада пижамасини бир пойчаси кўтарилиб, тиззаси очилиб қолди. Энди Билли унинг кимлигини билолди. Бу ўғил боланинг чангак-қоқсуяги тиззаси эмас, балки қиз боланинг юмшоқ, думалоқ тиззаси эди. Билли унинг ёнида кимнингдир " О-о, Худога шукур!" деб олқишлаган ҳайқириғини эшитди.

У узоқдан кимнидир, " Бранхам ака! Бранхам ака!" деб қичқирганини ҳам эшитди.

Бирдан Билли яна қайтиб онасининг уйида, ётоқхонанинг ўртасида, полда турар эди. У қаерда турганини тушунмай, ҳовлиққанидан бошини силкитди. Қўшни ётоқхонадан онаси уни чақирди:

— Билли, кимдир сендан ёрдам сўраб, эшикни тақиллатаяпти.

— Мен эшитдим, она.

У депсиниб коридордан борди ва кириш эшикни очди. Эшикда оз бўлмаса, руҳий осойишталигини йўқотай деган бир одам бор қаддида қотиб турарди; унинг кўзлари қизариб, қовоқлари осилган эди. Билли шу заҳотиёқ ваҳийнинг биринчи қисмида боласини полга тушуриб юборган одамни таниди.

— Киринг, — мулойимлик билан деди, Билли. — Нима бўлди?

Эркак киши совуқ шамолдан ўзини панага олиш учун уйга кирди.

— Бранхам ака, сен мени эслайсанми?

— Йўқ, эслолмасам керак.

— Менинг исмим Жон Химмел. Тўрт йилар олдин сен мени ва оиламни шу ерда Паудэр-Плэйсда сувга чўмдирувдинг.

— Ха, энди сизларни эслаяпман, — деди Билли, шу пайт унинг онгида ғира-шира хотиралар ойдинлаша бошлади.

— Сиз бир неча йил олдин одам ўлдиргансиз, шундай эмасми?

— Ҳа, сэр. Муштлашишда уни мен ургандим ва бўйнини синдирганман. Мен полициядан қочиб юрганман, худди шундай Худодан ҳам. Ўтган йили менинг катта ўғлим ўпкаси яллиғланишдан нобуд бўлди. Менинг яна бир ўғлим бор, ҳозир у ҳам икки-ёқлама ўпка яллиғланишидан ўлим тўшагида ётибди. Доктор ҳозиргина уйимдан кетди, чунки у қўлидан келган хаммасини қилди. Тўсатдан сен ёдимга тушдинг. Бранхам ака, сен меникига боролмайсанми, ва уғлим учун ибодат қилолмайсанми?

— Ҳа, сэр, мен бороламан. Фақат кийинишим ва машинамни юрғизишим керак.

— Сенинг машинангга ҳожат йўқ, сен мен билан боришинг мумкин, ва мен сени кейин қайтариб олиб келаман. Мен тахминан бу ердан 18 километрга, Ютикдан бор йўғи бир неча километр шимолроқда яшайман. Сен кийинганингча, мен Грайем Снеллинг учун бориб келаман. У –у менинг амакиваччам, ва мен уни ҳам ўғлим учун ибодат қилишини истайман.

Билли хонасига, кийимини олиш учун қайтди, онасининг эшиги ёнидан ўтаётганида, Элла сўраб қолди:

— Билли, бу одамга нима бўлибди?

— Она, нимадир бўлиб ўтди. Салгина олдин ваҳийда бўлгандим.

— О-о, ростданми? — деди у гап орасида. — Бирор нарса билан хурсанд қилоласанми?

— Ҳа. Бу одамнинг ўғли соғаяди. Мен сенга бу ҳақида қайтганимдан кейин батафсил айтиб бераман.

Ўн минут ўтиб, Жон Химмел аммакивачаси билан келди. Билли Грейем Снеттинг билан таниш эди, у ҳам ўша одам қатори ёшларда бўлиб, яқиндагина Масиҳчи бўлганди. Билли машинага ўтириши билан, Грейм ўша, вахийдаги, қизил диванга ўтириб, деразага қараб турган оқ-малла соч одам эканлигини англади. Худо мўъжиза қилишини билиб, Билли ҳаяжондан титроқда ловулларди.

Улар Ютик Пайк кўчаси бўйлаб шимол томон кетишди. Билли деди:

— Мистер Химмел, сен кичкина оқ уйда яшайсан, шундай эмасми?

— Ҳа, сэр, худди шундай.

— Сенинг уйинг тепаликда, эшиги жанубка қарайди.

— Худди шундай.

— У иккихонали. Хоналарнинг бирида девори ярмигача кизил доскалар билан тиғизлаб қопланган. У ерда сизда қизил диван, кресло ва устунчали темир кроват турибди. Сизнинг касал болангизга ...ўн ёшлар бўлса керак, дердим. Унинг сочлари каштан ранг ва у кулранг чунтакли кук велвет канбинезон кийган. Онасининг сочлари қоп-қора.

Жон Химмел ҳайронлигидан оғзи очилиб, анграйганча ўз йўловчисига тикилиб колди.

— Бранхам ака, наҳотки сен қачон бўлса ҳам, меникида бўлсанг?

— Қачонки сен мени эшигимни тақиллатган эдинг, ўша пайтда мен сенинг уйингдан чиққан эдим.

Одамнинг қойиллигидан, юз ифодаси ўзгариб кетди.

— Қизиқ... Мен у ерда сени умуман кўрмадим.

— Мен у ерда руҳий сферада бўлгандим. Мистер Химмел, сени мен сувдан чўқинтирганман, эҳтимол, сен мендан эшитгандирсан, айрим пайтлар бир хил нарсаларни, улар амалга ошишидан олдин кўришимни?

— Ҳа, эслаяпман. Сенда ҳозир ҳам бирор бир шунга ўхшаш нарса бўлиб ўтдими-ё?

— Ҳа. Ва бу нима бўлганда ҳам, бу нарсалар ҳақида нима деяпман, бу ҳеч қачон мени алдамаган. Мистер Химмел, биз у ерга борганимизда, сенинг ўғлинг соғаяди.

Бу сўзларни эшитиши билан Жон Химмел тормозни босди, машинани тўхтатди, рулга кўкси билан йиқилди ва, қўллари билан юзини ёпиб: — “ Худойим, мен ўзимдан ўзимуяламан. Агар Сен мени кечирсанг, мен қолган ҳаётимни Сен учун яшайман, ваъда бераман” — деб юборди.

Қачонки улар манзилга етганларида, уй айнан, Билли уни ваҳийда кўрганидек кўринишда эди. У эшикдан ишонч билан иккиланмай ўтди. Мана у ерда ўша қизил диван ва кресло, устунчали темир кроват, қора сочли ёш она ва бемор бола турган эди.

— У ҳали нафас олаяптими? — Жон хотинидан сўради.

Боланинг ўпкалар ҳаракати қарийб сезилмас, шу сабаб онаси унинг нафас олишини билиш учун бурнига қоғоз варағини қўйли.

— Ха, у ҳали тирик, — деди у. — Лекин зўрға-зўрға,

Билли шунда, ваҳийда кўрган ўша жуда ҳам чангак бўлган оёқ-қўллар, бу болани ҳаётига зомин бўлаётган ўпкасини ялиғланишини билдиришини тушунди.

— Болани менга келтиринг, — буюрди у.

Билли ибодат қилар экан, ўғлини отаси келтирди ва ушлаб турди. Аммо болани аҳволи яхши бҳлиши ўрнига, бирданига ёмонлашди. Уни жойидан қўзғатганлари унинг аҳволини оғирлаштирди. Энди у сўлаклари томоғига тиқилиб, умуман нафас олмай қолди. Ота-онаси ваҳимада ўғлини силкита бошлашди ва то ўпкасига нафас олмагунича, унинг орқасидан бир неча бор урдилар. Аммо, ҳар бир нафас олгани охиргисидек туюлар эди, у йўталар, тупик сочар, қандай бўлмасин тирик қолишга ҳаракат қилар, айрим пайт нафас орасида зўрға заифгина йиғларди.

“ Нимадир нотўғри бўлди” — ўйлади Билли. Хонага кўз югуртириб, муаммо нимадалигнини англади. Вазият, у ваҳийда кўрганига тўлиқ тўғри келмасди. Она ошхона эшигига суянмаган, Грейм

Снеллинг диванда деразага тикилганча қараб ўтирмаган; бунинг устига, ёстиқчали қизил креслода ёши ўтган аёл, кўзойнагини артиб ўтирмаганди.

Онаси умидсизликда, тушкунликда боласи тумшуғидаги дорини артар экан, Билли дили оғриб, диванда ўликдан бундайроқ бўлиб ўтирар эди. Ҳаёжонлаганидан, ваҳийдагидан олдин шошилди, ва шундай қилиб Худони назардан қочирди, Унга имконият бермади. У ҳатто Химеллар хонадонидагиларга нима нотўғри бўлганини айтолмади. Ҳозир у бирдан-бир қилиши мумкин бўлган нарса — бу ўтириш ва кутиш... ва Худо марҳамати ва меҳр-шафқати билан унинг хатосини ёпишига умид қилиш эди.

Билли босиқлик билан ибодат қила бир ярим соат ўтирди, бола бўлса бу вақт ҳаёт учун бор кучи билан тиришар эди. Қачонки чиқаётган қуёшнинг биринчи нурларидан уфқнинг туси ўзгара бошлаган эди, Грейем Снеллинг деди:

— Мен энди борай, чунки соат саккизда иш жойида бўлишим керак.

— Яхши, — деди Жон Химмел, — сени уйингга этиб қўяман.Бранхам ака, сен биз билан хохлайсанми кетишни?

— Йўқ, мен шу ерда бўлиб тураман.

Билли кўнгли тушиб, эшик олдида иккала эркакни пальтоларини кийишини кузатиб турди. У Грей Снеллинг ваҳийдаги ўша малла сочли одам эканлигини билар эди. Агар ҳозир Грейем кетса, у шу билан қачон қайтиб келади? Бугун кечқурунми? Ваҳий бўйича, агар Грейем шу ерда иштирок этмаса, бола шифоланмайди. Биллини: бу бола қандай қилиб кечгача тирик қолади?—деган ўй ташвишлантирар эди.

Деразага қараб, Билли йўлакчадан уй томон ёши ўтган аёл келаётганини кўриб қолди. Бирдан уни эсига келди: ахир у кузойнакда-ку! Билли ўйлади: “О Худойим, мен Сендан қанчалик миннатдорман! Аммо фақатгина шу икки эркак ҳозир кетмасайди”.

Жон Химмел пальтонинг охирги тугмасини тақди, кейин хотинига қараб деди:

— Мен тезда қайтаман. Бугун мен ишга бормайман.

Грейем қулоғини бостириб шапкасини кийди, шу пайт бирдан уйнинг бошқа томонидан эшик тақиллагани эшитилди. Она ошхона орқали орқа эшикни очиш учун чопалади. Кампир совуқдан дилдираганча чаққонгина уйга кирди.

— Ким эди? — сўради Жон.

— Онам, — орқа эшикни ёпганча, хотини жавоб берди. — Она, ҳеч бўлмаса сен озроқ ухлай олдингми?

— Бир-икки соатлар, — кампир жавоб берди. — А гўдак қандай? Мен кетганимдан бери сал бўлса хам унга яхшироқ бўлдими?

— Йўқ, — ёш она қалтироқ овозда жавоб қайтарди.

— Она, у ўлаяпти.

Шу сўзларни уни кўзлари ёшга тўлиб айтди, қўллари билан юзини бекитганча, бошини ошхона эшигига суяди.

“Мана, худди ўшани ўзи!” – ўйлади Билли ва унинг хаяжони кескин орта бошлади.”Бу ипидан-игнасигача ваҳийда кўрганининг ўзи эди. Энди кампир мана бу диванда ўтириши ва кўзойнагини артиши, а Снеллинг ака бўлса, мен ўтирган жойда бўлиши керак”.

Билли жой бериш учун ўрнидан турди Грейем Снеллинг шапкасини ечди, ҳозиргина Билли ўтирган жойга ўтирди ва деразага қарай бошлади.

О Худойим”, — ўйлади Билли, — энди бор йўғи бир нарса бўлиши керак”.

Кампир меҳмонхонага кирди ва қизил креслога ўтирди. Унинг кўз ойнаги терлади, — ахир у совуқ даладан иссиққа, нам хонага кирди-да – шу сабаб бурни устидаги кўзойнагини олди-да, айнан буни ваҳийда қандай қилган бўлса айнан шундай арта бошлади.

Бир сонияда ҳаммаси жойига тушди ва Билли ўз терисида ғалати босимни ҳис қилди, гўё ёнида қудратли бир нарса ёки кимса тургандай эди. Билли деди:

— Химмел ака, сен менга, Масиҳ хизматкорига ишонгандек, ҳалиям ишонасанми?

— Албатта, Бранхам ака.

— Унда болани менга олиб кел.

Ота-онаси болани ётқизиб қўйишган эди, чунки ҳар сафар уни турғазишганда, уни кучли йўтал тутар эди, натижада нафас олиши бутунлай тўхтаб қолар эди. Энди бўлса, қўрқмай ёки умуман шубхаланмасдан, отаси болани олди ва Биллига келтирди.

Боланинг кўкарган танасига қўлини қўйганча, Билли ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, ваҳийдан олдинга тушгани учун, хизматкоринг ақилсизлигини кечир. Болани Исо Масих Исми ҳақи шифола”.

Бола ҳаракатга келди. Унинг кўкарган юзчаларига ранг келди, бефарқ кўзлари эса қимирлай бошлади ва кейин диққатини тўплади.

— Дадажон! О, дадажон, дадажон! — қичқирди у ва қўлчалари билан отаси бўйнига чирмашди.

Хонадагиларнинг бариси шу заҳоти болага диққатини қаратди, ва хаммалари бир саволни беришди:

— Унинг аҳволи яхшими?

Бола аҳволи яхшилигини айтди, лекин Билли унга бундай деб кулиб қўйди:

— Мистер Химмел, бу болани уч кундан кейин қолдиради, чунки ваҳийда у кўл-оёқлари тўғриланганича уч қадам қўйганди.

Жон Химмел Грейем ва Биллини, улар иккови ҳам ишга кечикмаслиги учун, қайтариб Жефферсонвиллига этиб қўйди.

Чоршанба оқшомги йиғилишда Билли ушбу ваҳий ва шифоланиш тўғрисида шундай деб айтди:

—Мен хохлардимки, сизлар эртага кундузи мен билан ўша ерга борсангизлар ва деразадан қарасангизлар. Мана кўрасизлар: устки лабида оқ мўйчалари бор бола менга қараб келади. У менинг кафтимга кўлчаларини қўяди ва “Билли ака, мен соппа-соғман”, — дейди.

Пайшанба куни черков аъзолари қишлоқ жойидаги Биллини ортидан ўша иккихонали “вагон-уйча”га боришди. У эшикни қоққанида кўплар дераза, бошқалари Биллининг орқасида тўпланишди. Онаси уйнинг нариги томонида ошхона ишлари билан машғул эди. Билли унинг ёғоч полда эшикни очиш учун чопганини эшитди.

—О-о, бу сизми, Билли ака. Ўтинг, марҳамат, ва қаранг, бизнинг ўғилчамизда қандай ўзгариш бўлди.

Билли ҳеч нарса демасдан кирди. Ошхона эшиги очиқлигидан у болани бурчакда, кубиклар ўйнаётганини кўрди. Бола турди ва каловланиб юра бошлади. Унинг юқори лабини оқиш туклар безаб турарди. У қўлчаларини Биллининг кафтларига қўйди ва:

— Билли ака, мен соппа-соғман, — деди.

Черковдаги, навбатдаги йиғилиш вақтида Билли,: бир қўли қуриган ва оёқлар чангак бўлиб қолган, келгусида шифоланадиган қизча тўғрисида ваҳийнинг қолган қисмини сўзлаб берди. У таъқидлади:

— Бунинг ҳаммаси нима дегани, мен билмайман. Сизларга келсак, мен кўрганимни айтаман холос.

Икки ҳафта ўтиб, Билли эрталаб ишга чиққанида, унинг бригадири, мистер Скотт шундай деди:

—Билли, сенга хат келди. Мен уни яшикчангга қўйдим.

Шу кунлик топшириқ ёзилган иш ҳужжатларини йиғиштира туриб, Билли хатдаги юборилган манзилга эътибор берди. У Харольд Нэйл хонимдан, Индиана штати, Саут-Бостондан[76] келганди. У Индианадаги Саут-Бостон деб аталувчи жойни ҳеч қачон эшитмаган эди.

Конвертни йиртиб, хатни ёзди ва у қуйидагиларни ўқиди:

Ҳурматли жаноб Бранхам.

Мени Харольд Нэйл хоним деб аташади. Мен Индиана, Саут-Бостонда яшайман. Менинг ўспирин қизим бор, у мажруҳ ва касалликдан тўшакка михланган. Артрит унинг бўғинларини емирди ва энди у оғриқларда эрта-ю – кеч чинқиради. Мен методистман. Бир неча хафта илгари ибодат йиғилиши вақтида.... [қачонки ўша санани кўрган эди, Билли ғалати бўлиб кетди. Бу ўша ваҳийда мажруҳ-қиз шифолангалигини кўрган айнан ўша оқшом бўлган эди.]... *кимдир менга сизнинг **“Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир”** деган рисолангизни берди. Қачонки мен сизнинг китобингизни ўқувдим, нимадир юрагимга тегди, ва менга, сизга ёзишга ва сиздан менинг қизим учун ибодат қилишингизга илтимос қилишга ундади.*

Самимий ҳурмат билан.

Харольд Нэйл хоним.

Ўша кечқурун черковда, йиғилганларга ўзининг ваҳийсини эслатиб, Билли бу хатни ўқиб берди:

— Мен шунга аминманки, мен ваҳийда айнан шу қизни кўрганман, лекин бу жойни ҳеч қачон эшитмаганман. Ҳеч бирон киши биладими, Саут-Бостон қаерда жойлашган? Шу ерда бирор киши биладими уни?

— Бранхам ака, мен ўйлашимча, бу жой Нью-Олбанидан жанубда жойлашган бўлиши керак, — деди Жорж Райт.

Бир неча киши ваҳий амалга ошишини кўриш учун Билли билан бориш истагини билдирдилар: Биллининг катта нозири Джим Уайзхарт, 21-ёшли Меда Брой ва жаноб Брейс ўз рафиқаси билан бирга. Бу эр-хотинни Биллининг ибодати туфайли Брейс хонимнинг туберкулёздан ғайритабиий тарзда шифоланганидан сўнг, Биллининг Ибодатхонасига яқин яшаш учун, яқингинада кўчиб келган эди. Ўша дам олиш кунларида, улар Биллининг машинасига тўда бўлиб кириб ўтиришганларида, у Брэйс хонимга бир варақ қоғоз берди, у варақда қандайдир иккита сана ва исми-фамилияси ёзилган эди.

— Бу нима учун?

— Йўл-йўлакай қаердадир биз қабристонни кўрамиз, ва сизлар қабртошларининг бирида ушбу ёзувга дуч келасизлар.

— Мен ўйловдим, сен айтганингдек, аввал хеч қачон Саут-Бостонда бўлмагансан?

— Ҳа, мен у ерда ҳеч қачон бўлмаганман. Бу саналарни менга Раббимни Фариштаси кўрсатди. Йўлда мана шуларни кўрсак, тўғри йўлдан бораётган бўламиз.

Улар жанубга кетдилар, афсуски, Жорж Райт, Саут-Бостонни эмас, Нью-Бостон[77] [Янги-Бостон]деган шахарни кўзда тутган экан. Улар почтадан кириб сўрадилар ва Саут-Бостон – Генривилладан сал юқорида, Жефферсонвиллидан шимолдаги посёлка экан. Яна бир бор аниқ сўраб, у ёққа бориш учун умумий кўрсатма олдилар.

[76] Сўзма-сўз: Жанубий Бостон (Тарж.)
[77] Сўзма-сўз: Янги Бостон (Тарж.)
[78] Сассафрас — Америка лаврлари (Тарж.)

Улар эгри-бугри йўллардан кичикроқ фермалар, кукуруз ёвонлар, сердарахт тепаликлар ва сассафрас[78] бутазорларини орқага қолдириб, 10 километр йўл юрдилар. Ён томондаги йўллар (а эҳтимол улар асосий йўл бўлиши ҳам мумкин) тез-тез бўлиниб кетганларидан, улар кетаётган йўналишлари олдингидай тўғрими-йўқлигини билишлари қийин эди. Тўсатдан Биллининг руҳини нимадир шундай кучли чулғаб олдики, унинг нафаси ичига тушиб кетди, у машинасини буриб йўл четига тўхтатди.

— Нима бўлди? — Джим Уайзхарт сўради.

Биллини бироз титроқ тутди, ва унинг чаккасидан тер томчилади.

— Билмайман. Нимадир нотўғри бўлаяпти. Мен бироз ёлғиз қолишим керак.

У чиқди ва машина орқасида юра бошлади. Бир оёғини орқа бамперга қўйганча, ибодат қила бошлади: “ Самовий Ота, Сен Ўз қулингга нима айтмоқчисан? “. Бахорнинг салқин, ҳаётбахш овози куч-қувват берди ва тез орада унинг ўпкаси ва томоғидаги босим туйғуси йўқолди. Атрофга қараб Билли йўлдан узоқда черковни кўрди. Бу эски черков ёнида кичикроқ кишлоқ қабристони жойлашган эди.

— Брэйс ака, менга ўша қоғоз варағини олиб кел! — ҳаяжонланиб қичқирди у.

Ҳамма машинадан чиқди, ва Биллини ортидан қабристонга бордилар. Шундоққина тўсиқ ортида улкан мармартош ёдгорлик турар эди. Унинг текис оппоқ юзида ўйилган исм, фамилия ва саналар мистер Брэйс қўлидаги варақда ёзилганларга тўлиқ мос келар эди.

— Мен ҳеч қачон, олдин бу ерларда бўлмаганман, — деди Билли, — лекин мен, биз тўғри йўлда эканимизни биламан. Бу, мени тўхтатган — Раббий Фариштаси эди.

—У менга йўлдаги ушбу мўлжални ўтказиб юборишимни хохламади.

11километр ўтиб, улар тепаликка чиқиб қолдилар ва уларнинг нигоҳи чорраҳадаги қишлоқчага тушди.

— Мана шу жой, — деди Билли.

— А мана у ерда сариқ витрина-дўкон. Мана кўрасиз: у ерга борганимизда дўкондан оқ мўйловли одам чиқади, ва у бизга бундан кейин қандай юришни кўрсатади. Унинг устида кўк рангли кўкрак чўнтакли комбинезон, ва сариқ вельвет шапка бўлади. Қараб туринг, ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Брэйс хоним деди:

— Бранхам ака, ўша қабрдаги ёдгорликдан бери, ҳали ўзимга келганим йўқ. Бунақанги нарсалар содир этилишини мен ҳозиргача ҳеч қачон кўрмаган эдим. Агар бу одам сен айтганингдай пайдо бўлса, унда мен нима қиламан, билмайман.

— Агар у пайдо бўлмаса, — деди Билли, — унда мен бориб турган, ғирт алдоқчиман.

Чоррахага тўхташ учун машина секинлашганда, дўконнинг олд эшиги очилди, ва ундан эркак киши чиқди: оқ мўйловли, кўкрак чунтакли кўк комбинезонда, бошида сариқ вельвет шапкаси билан ва ҳоказо. Брэйс хоним эрини тизаларига ўтириб қолди, шу заҳоти ҳушидан кетди...

Билли давом этди:

— Энди қараб туринг: у ўзини ғалати сезади, чунки Раббийнинг қудрати шунчаликлар яқин.

Деразачасини очиб, Билли деди:

— Сэр, сиз менга Харольд Нэйл қаерда яшашини яйтишингиз лозим.

Аввалига у одам ҳайрон бўлгандай туюлди, лекин кейин, гапира бошлагач, худди асабийлашгандай кўзлари у ёқ – бу ёққа ўйнай бошлади.

— Шу йўл бўйлаб бир километрча юрасиз ва кейин чапдан биринчи йўлга буриласиз. Чапдан иккинчи тургани, унинг уйи. Тепаликда катта қизил омборни кўрасиз. А нима гап ўзи?

— Унинг мажруҳ қизи бор, шундай эмасми?

— Ҳа. Ҳўш, нима қибти.

— Раббий Исо уни шифолайди.

Билли Саут-Бостондан ўтиб, ўша одам айтганидай кетаётган бир пайтда, орқа ўриндиқда мистер Брэйс хотинининг юзини ишқалар эди. Улар Нэйллар хонадонига етиб келганларидагина миссис Брэйс ўзига келди. Билли машинани ташқарида тўхтатди ва ундан ҳамма чиқди. Уйнинг эшигини йирик аёл очди.

— Ассалому-алайкум. Мен — Бранхам ака бўламан.

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим. Мен — миссис Харольд Нэйл, сизга хат йўллаган менман.

— Сизни учратганимдан хурсандман, миссис Нэйл. Бу одамлар сизни қизингиз учун ибодат қилиш мақсадида мен билан бирга келдилар. У шифоланади.

— Нима?—деди аёл ва эшикни ланг очди.—Марҳамат ўтинглар.

Билли уйга кириши билан, уни миссис Нэйл кузатишини кутиб ўтирмади: ишонч билан шаҳдам юриб коридордан қизчани ётоғига йўналди. Қолганлар унинг орқасидан қолишмади. Улар кирган хона ваҳийдагига мутлақо мос келар эди: У ерда ўтин печка турар, девор қизил нақшли сариқ обой билан ёпиштирилган; эшик устида *“Худо уйимизни дуо қилсин”,* деган тахтача осилган эди; ўша ерда тўрт устунчали бронза кроват бўлиб, унда ёпинчиқда юзи ўғил болага ўхшаб кетадиган ўша мажрух-қиз ётар эди. Унинг бир қўли қуриган, а қийшайган оёқлари эса танаси остига йиғиштирилган эди.

Хонани ва қизчани Билли айтиб берганидек кўрган миссис Брэйс яна ҳушидан кетди. Эри чопиб келди-да, уни ўзига келтириш учун юзига шапатилай бошлади.

Шу пайт бир нарса бўлиб ўтдики, уни Билли кейинчалик ҳам тушунтира олмади. Гўё унинг руҳи танасидан ажралди ва секин кўтарилди, ҳамманинг устида, ён томонида муаллақ туриб қолди. Унинг олдида ҳаммаси равшан кўринар, ва у ўзининг (ёки, хеч бўлмаганда унинг танаси) полдан юриб: — “Опа, РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ:” Сен шифоланасан””, — дея кроватга борганини кўрди. У ўзига қаради ва қизчанинг қорнига кўлини ваҳийдагидек аниқ қўйганини ҳам кўрди. Кейин унинг руҳи яна ўз танасига кирди. Унинг кўзлари юмуқ ва ибодат қилар эди: “Раббим, мен буни Сенинг амринглигига ишониб қилаяпман”.

Қизча қичқириб юборди. Билли кўзини очди ва унинг қуриган кўли соғайган тус олганини кўрди. Қизча қаттиқ ҳаяжонда тўшакдан туриш учун ҳозиргина шифоланган кўлини ишлатди. Унинг оёқлари тўғриланганидан пижамасининг битта пойчаси юқорига кўтарилиб қолди ва унинг думалоқ тиззалари кўриниб қолди. Ваҳий аниқ ижобат бўлди.

Мистер Брэйс хотинини ўзига келтиргани сабабли, у ўз оёқларида тура олар эди. Ҳозиргина тўшакдаги касал қизча, қаттиқ қичқирди:

— Она! Она!

У кроватга ўтирганча, иккала оёғини ҳам ликкилатди, кейин полга қўйда ва ўрнидан турди. Миссис Брэйс шу мўъжизага бир қаради-ю, яна ҳушидан кетиб, эрининг қўлларига йиқилди.

Бир қанча вақт ўтиб, қачонки улар мехмонхонада кутиб туришаркан, бирдан шу ўспирин-қиз икки соғайган оёғида юриб, сочларини кўп йиллар довомида қуриб қолган ва хеч ишга ярамай қолган қўли билан тараганча, чиқиб келди. Бу сафар миссис Брэйс ўзини қўлга ола-билди.

25 БОБ
М-И-И-И-ЛЛТАУНДАГИ МЎЪЖИЗА
1940

МИССИС НЭЙЛНИНГ қизи шифоланганидан бир неча Ҳафта ўтиб, Уилльям Бранхам яна онасининг уйида тунаб қолди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, у нимагадир ухлаёлмади, шу учун турди ва юраги тушунарсиз бир оғирликдан қисилиб, меҳмонлар ётоғида, қоронғида у ёқдан – бу ёққа юра бошлади. У уйлади: “Эҳтимол, яна қаердадир, кимдир бетоб ва менинг ибодатимга муҳтождир?”

Билли кроват ёнида чўккалаб, узоқ ибодат қилди, хеч қандай енгиллик сезмади. Юқорига қораб, онаси бир тўп чойшаблар қўйган ўша стул яқинроғида, бурчакда қандайдир, оқ нарсанинг тўпланишини пайқади. Қанчалик ҳайратли бўлмасин, лекин у заифгина шуъла бериб тургандай туюлди. Ўша оқ доғ Биллига яқинлаша бошлагач, у тушундики, бу Раббийнинг Фариштаси. Бу шуъалаланаётган булутчага ўхшар эди. Оқ булутча уни ўраб олди, ва у бирдан қоронғиликда одам оёғи етмаган, бегона жойда кетаётганини кўрди. Кейин у олис-олисдан кўзичоқнинг маърашини эшитди: “ Бэ-э-э-э-э, Бэ-э-э-э-э”. У шунчалик ночор ва ноилож маърар эди. Билли деди: “Бечора шўрлик. Қарайчи, тополармиканман уни”. У зорланиб маъраётган товушга томон қараб бир парча қалтираган қўзичоқни дарахтлар панасидан ва буталар остидан қидира кетди. Билли маърашга қанчалик яқин борар экан, у кучлироқ эшитила бошлади ва гуё, эшитиш тони ҳам то одам овозини эслатмагунигача юксалаверди. Билли тўхтади ва қўлоқ солди. Гўё, қўзичоқ маърар эди: “Ми-и-и-лтаун ... М-и-и-и-лтаун”. Кейин у ваҳийдан чиқди.

Биллига ҳеч қачон Милтаун деган жойни эшитишига тўғри келмаганди, шу учун кейинги оқшом хизмат иш вақтида у ўз йиғилишидан бирон-кишига унинг қаердалиги маълумми, деб сўради.

— Бранхам ака, мен биламан, у қаерда жойлашганини, — деди Жорж Райт. — Бу шаҳарча бу ердан 56 километрлар ғарбда; мен яшайдиган жойдан унчалик узоқ эмас.

— Мен у ёққа кейинги шанба бормоқчиман — тушунтирди Билли. — У ерда кимдир кулфатда. — Шу сўзлар билан ўз йиғилишига ўша ваҳийни айтиб берди.

— Мен сени у ёққа этаман, — таклиф қилди Жорж Райт.

Миллтаун Индиана штатининг маълум бир намунали қишлоқ жойи экан. Шанба кунлари энг жонланган жойи бу шаҳарчанинг қоқ марказидаги озиқ-овқат дўкони бўлиб, у ерга ҳамма фермерлар ҳафталик ҳаридларини қилиш учун келишар экан. Асосий бош кўчадан машинасида бораркан, Билли ўйлади: “Қизиқ, Раббим мендан нимани хохларкин?” Калласига бирор яхши фикр келмаганидан, у кўча бурчагида бозор яқинида ваъз қилмоққа қарор қилди. Дўконга бориб, Билли ёғоч яшик сотиб олди, кўча бурчагига уни тўнкариб қўйди ва қўлида Библияси билан ҳар бир ўткинчига ваъз қилиш учун унинг устига чиқиб олди. У шунга ўхшаш хушхабарни Жефферсонвилли кўчалари бурчакларида юз марталаб айтган бўлса ҳам, бироқ, ҳозир қандайдир сабабга кўра ваъз қилиш учун бирор-бир мавзу тополмади. Тезда шу аниқ бўлдики, одамлар тайёргарликсиз ва тутилиб айтилаётган ваъзни эшитиш учун умуман тўхтамоқчи ҳам эмас эдилар.

Жорж Райт деди:

— Бранхам ака, мен ўша тепаликка таниш бир одамга тухум сотгани бораман. Мен билан боришни истайсанми?

— Нима учун йўқ дерканман. Мен бу ерда ҳеч нарса қилолмайман.

Ўша тепаликнинг энг юқорисига кўтарилиб, улар катта оқ черков олдидан ўтиб кетдилар.

— Бу чиройли бино нима? — Билли пайқаб қолди.

— Ҳа, — жавоб берди Жорж. — Биласанми, бу ерда бир хунук воқеа бўлувди. Олдин бу баптистлар черкови эди, аммо унинг охирги пастори нохушликка дучор бўлди. Ундаги қатнашувчилар ҳам бу ерни тарк этдилар ва шаҳардаги бошқа черковларга тарқалдилар, а бу бино эса шаҳар бошқармаси қўлига ўтди.

— Жорж ака, унда сен нимага имиллайсан? Машинани тўхтат ва мени тушур шу ерда! Мени нимадир шу черковга тортаётгандай бўлаяпман.

— Яхши Билли ака. Мен қайтишда олдингга келаман.

Машина кетгач, Билли зинадан кўтарилди ва эшикни очишга уриниб кўрди. У қулфлик экан. У зинага ўтирди, қўлини қовуштирди, бош эгди ва ибодат қила бошлади: “Раббим, агар Сен мени шу черковда бўлишимни хохласанг, илтимос, мен учун бу эшикларни оч”.

Шу орада бир одам келиб қолди ва сўради:

— Ассалому алайкум. Мен сизни бу ерда ўтиришингизни кўриб, эҳтимол, мен сизга нима биландир фойдам тегиб қолар, деб ўйладим.

— Хўш, мен — ваъзхонман, — тушунтирди Билли, — ва мен шу черковни ичига кирмоқчиман, лекин у ёпиқ экан.

— Менда калит бор, — деди у одам.

“Миннатдорман Сендан, Раббим”, — Билли пичирлади.

Нотаниш киши эшикларни очди ва уни кичикроқ зал орқали, унда қарийб тўрт юз кишини ўтирғизса бўладиган улкан ибодатхонага олиб кирди.

— Бу бино кимнинг ихтиёрида? — сўради Билли.

— Шаҳар бошқармаси. Мен бор-йўғи бу ерда тартиб сақлайман. Биз уни фақат тўй маросимларида ва таъзияда ишлатамиз.

— Мен бу ерда уйғониш йиғилишлари ўтказсам бўладими?

— Сизга бу ҳақда шаҳар ҳокимиятидаги шахслар билан гаплашишингизга тўғри келади.

Жорж Райт қайтганидан кейин, икковлари шаҳар ҳокимини топдилар, у эса:

— Албатта, агар сиз у ерда фақат ҳисоблагич ўрнатсангиз. Ҳозир у бинода электр токи йўқ.

— Бу катта муаммо бўлмайди, — деди Билли. — Мен Жефферсонвиллида коммунал хизмат компаниясида ишлайман. Мен ўзимнинг ҳисоблагичимни ўрнатиб қўяман холос.

Кейинги шанба эрталаб Билли ҳисоблагич ўрнатди ва ўша ердаги одамларга, кейинги ҳафта чоршанба оқшомдан бошлаб режалаштирган уйғониш йиғилишларига таклиф қила бошлади. Унинг биринчи мулоқоти кўпам натижа бермади.

— Ассалому алайкум, сэр. Мен Билли Бранхам бўламан.

— Ассалому алайкум. Менинг исмим — И***

— Мистер И***, биз кейинги чоршанба оқшом тепадаги эски оқ черковда уйғониш йиғилишларини ўтказмоқчимиз. Сиз шунга келоласизми?

Мистер И*** “қаттиқ ёнғоқ “ экан.

— Мен товуқ кўпайтираман. Менинг ҳеч қайси черковга боришга вақтим йўқ.

— Нима ҳам дердим, унда сиз шу товуқларни бироз вақт қолдириб, йиғилишга келолмайсизми, — ўз фикрини маъқуллади Билли

— Қулоқ сол, оғайни, — гапини бўлди у одам, — сен бор-да ўз ишингни қил, мен эса ўзимни ишимни қиламан.

— Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим, сэр.

Барча қолган кунлар ҳам шундай давом этди. Кўпчилик одамлар унга мистер И***дан кўра кўпроқ хушмуомала қилдилар-у, аммо у ким билан гаплашмасин, — ҳамма унинг уйғониш ҳақидаги ниятининг ўзига қаршилик қилишар эди. Билли хафа бўлиши мумкин эди, лекин у бу ерда Раббийнинг сўзи бўйича турганини билар эди. Қаердадир, Миллтаунда ёрдамга муҳтож Худонинг қўзиларидан бири маърар эди. Билли ваҳийда бор-йўғи озгина тафсилот — шаҳарнинг номигина берилгани туфайли, унга токи ўша муҳтож қўзи топилмагунча тўхтаб турмаслигига ва ҳаммасини қилиб кўришига тўғри келишини билар эди.

Жорж Райт маҳаллий газетага бўлғуси уйғониш мажлислари ҳақида эълон берди ва Биллини 1935 йилда ўлган, хушхабарчига айланган машҳур бейсбол ўйинчисига таққослаб, ўз пасторини “навбатдаги Билли Сандей” дея реклама қилди. Бу ҳунари амалга ошиши ва кичикроқ, лекин қизиқувчан гуруҳни жалб қилиши мумкин эди; аммо, гап бошқа ёқда эди, эълонда бундан ташқари “Худонинг шифолаши” ва Билли Бранхам касаллар учун ибодат қилади, дейилганди. Миллтаундаги эскиликка ёпишиб олган консерватив кайфиятдаги одамлар бунақа кескин, радикал ғояларга эътибор бермадилар. Ўша якшанба маҳаллий черков хизматчилари ўз йиғилишларига бунақанги бемаъниликдан узоқроқ юришни маслаҳат беришди. Маҳаллий “Масиҳ Черкови” шунчаликка бордики, агар улар бу уйғониш мажлисларига журъат қилиб боришса, ўз аъзоларини четлаштириш билан қўрқитаверди. Бунақанги ҳаддан ташқари қаршиликни ҳисобга олса, чоршанба оқшон Миллтаундаги эски баптистлар черковида бор-йўғи тўрт киши, чунончи: Жорж Райт, унинг хотини; уларнинг ўғли ва қизи ўтирганига ҳайрон бўлмаса ҳам бўлар эди. Билли ҳеч нарса бўлмагандай, гўё бино одамларга лиқ тўла бўлганидай ваъз қилди.

Пайшанба кечқурун ҳам чоршанбадаги ҳолат такрорланадиганга ўхшарди. Аммо йиғилиш бошланишига 5 дақиқа қолганда, оғзидан кукуруз сўтаси трубачаси таёқчаси билан бир одам зиналардан кириш жойига кўтарилди ва очиқ эшикдан черковга кўз ташлади.

Бу турган одамни кўрган Жорж Райт, уни ичкарига таклиф қилиш учун шошилиб ўрнидан турди.

— О, мистер Холл, сизни кўришдан хурсандман, — саломлашди Жорж.

Бу одамнинг сочлари пахмайган, кийимлари кир, оғзида эса, бир томон тишларидан бир нечтаси йўқ эди. У чекадиган трубкачасини чаппа қилди ва уни бино деворига тақиллатди, шундан зинага кул тўкилди.

— Қани ўзи у йигитча — “Билли Сандей”, сиз шунчалик мақтаётган. Мен бир қарамоқчиман унга.

Эшикдан ўтиб, мистер Холл биринчи тўғри келган скамейкага билдирмайгина жойлашар экан, Жорж бу вақт пасторини огоҳлантириш учун кафедра томон кетди.

— Билли ака, бу ерга, бу ердаги энг ашаддий одам кирди. Уни Уилльям Холл дейишади. У баландда, тепаликда тош майдалайдиган жойни бошқаради. О-о, у энг тўполончи, урушқоқларни учига чиққани.

Билли кафедра ортида ўтирганча Бибилияни ўқирди. У керакли жойга хатчўп қўйди ва турди.

— Эҳтимол, Раббий ҳам айнан шу одамни излаётгандир.

Билли ваъз қила бошлагач, Жорж Райт черковнинг у бошига борди ва мистер Холлни яқинроққа ўтиришни таклиф қилди.

— Йўқ, миннатдорман. Мен шу ерда, орқада ўз ишимни эплайман, сен эса ўша олдинда ўз ишларингни қилишинг мумкин.

Бироқ йиғилиш охирида мистер Холл нафақат қаторлар оралаб олдинга ўтди, балки бунинг устига, кафедра олдига, меҳроб тутқичи ёнида чўкка тушди, Худодан ўз жонига шафқат сўраб ялиниб-ёлворди.

Жума кечқурун мутлақо янги Уилльям Холл бир неча ўнлаб қўшнилари ва ишчиларини у билан уйғониш хизматига боришларига ундади. Хизмат охирида Билли ҳамма касал бўлганлар учун ибодатга таклиф қилди. Бир неча одам олдинга чиқди ва шифоландилар.

Кейин мистер Холл деди:

— Бранхам ака, биласанми, бугун мен шу атрофда бу йиғилишлар ҳақида гапирган ва одамларни таклиф қилганимда, сен ҳақингда сўраб-суриштираётган бир қизча борлигини билиб қолдим. Унинг исми Жоржи Картер ва у бир неча йилдан бери туберкулёздан жабрланар экан. Жоржи ҳозир 27 ёшларда экан ва мен қанчалик эслайман, айтдиларки, у тўшакда тўққиз йил-у, саккиз ойдан бери ётувлик бўлиб қолган. Ҳозир унинг аҳволи жуда оғир — бир тери билан суяк бўлиб қолган. У шунчалик ориқлаб кетган ва заифлашганки, ҳатто унинг тагига тувак қўйиш учун уни кўтариш ҳам мумкин бўлмай қолибди. У сенинг Исо кеча У қандай бўлса, бугун ҳам шундай, деб ёзган китобчангни ўқиётган бўлса керак, ва у сени келишингни ва у учун ибодат қилишингни ёлворяпти.

Ички туйғу Биллига, худди ана шу ўша ваҳийдаги маъраётган қўзичоқ эканлигини айтди.

— Унда биз нимани кутаяпмиз? Келинглар, борайлик ва у қиз учун ибодат қилайлик.

— Бу нарсани қилиш унчалик енгил бўлмайдими деб қўрқаман. Унинг ота-онаси “Масиҳ Черкови” аъзолари, шу сабаб улар сен билан бирон алоқа қилишни хохлашмайди. Улар сени ёлғончи деб ўйлайди.

— Бундай бўлса, — деди Билли, — мен буни Раббим олдига ибодатимда қўяман, холос.

Жума кечқурун юз берган шифоланишлар, шу атрофдаги тортишув ва мунозаралар ари “уяси”ни титиб ташлади. Ғазаб-нафрат ошкор бўлиб ва кўплар масҳарали кулдилар; бироқ айримларни қизиқувчанлик “чақид олди”. Шанба кечқурун эски оқ черков курсиларига ўттизта янги одам ўтирди, ва яна ўнлаб шифоланишлар маҳаллий тортишувлар оловига “мой қуйди”.

Йиғилишдан кейин мистер Холл Биллига яхши хабар етказди.

— Картерлар фикрини ўзгартирди ва сенга қизи учун ибодат қилишга рухсат берадилар, фақат бир шарт билан, улар сен келганингда унинг ота-онаси уйда бўлишмайди. Мен ўйлайман, Жоржи жуда ҳам истаяпти, ота-онаси эса сенинг боришинг уни қаноатлантиради деб умид қилишяпти.

— Улар менинг боришимга қўйишдан олдин, ўз пасторларидан рухсат олишлари керакмиди, деб ўйлайман, — билдирди Билли. — Нима бўлганида ҳам юринглар, ўша ерга борамиз.

Бу аёлнинг хонасига кириб кўрганларидан Билли вужуди билан қаттиқ шокка тушди, хижолатда қолди. Тўққиз йил давомида бу касалликда Жоржи Картер шунчалик озиб кетгандики, тери билан бекитилган скелетдай бўлиб, ўрнида ётар эди. У 25 килограммдан оғир эмасди, ва қўллари худди гугурт чўпидай эди. Унинг бош учида, чойшабда Биллининг “Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшадир” деган китобчаси ётар эди.

Жоржи лабини қимирлатди, лекин Билли унинг нима деганини эшитолмади. У кроват ёнига келди ва яқинлашиб энгашди.

У шивирлади:

— Бранхам ака, мен сени келишингга ва Исо мени шифоланишимга йўл беришига ишонгандим.

— Опа, агар У сени шифоласа, сен бутун қалбинг, юрагинг билан Унга хизмат қиласанми?

У базўр бош ирғади ва такрорлади:

— Бутун қалбим билан.

Кейин у йўтала бошлади. Жоржига қаровчи аёл унинг оғзига косача келтирди, лекин бадбахтгина қиз шунчалик заиф эдики, унда туфлашга ҳам мажол йўқ эди.

Жоржининг имонини кўтариш учун, Билли миссис Нэйлнинг қизини шифоланганини сўзлаб берди.

— Нима учун сен Нэйллар оиласидаги ўша қиз учун қилганингни, мен учун қила олмайсан? — сўради у.

— Опа, унда ваҳий бўлган эди. Мен олдин ваҳий кўришим керак. Мен яна шу ерда, шаҳарда икки ҳафтадан кейин тўрт кун давомида уйғониш йиғилишларини ўтказаман. Мумкин, бу вақтга келиб Худо менга янада аниқроқ бирор-нима кўрсатар. Ҳозир менинг билганим, бор-йўғи — мен сен учун ибодат қилишим мумкин. Агар Раббим ниманидир бундан бошқасини кўрсатса, унда мен бу ёққа қайтиб келаман. Лекин мен олдингидай ишонаманки, бизнинг биргаликдаги ибодатимиздан кейин сен шифоланасан.

Икки ҳафта ўтиб, Миллтаундаги эски баптистлар черкови эшиклари очилгач, Билли Исо Масиҳнинг қутқариш иноятi ва шифоловчи кучи ҳақида, олдингидан кўра иккибаробар кўп одамлар гуруҳига ваъз қила бошлади. Ҳар кечқурун у йиғилиш катталашаётганлигини ва янги имонга келганларнинг кўпаётганлигини гувоҳи бўлар эди. Бу нарса уни шанба кунини сувдан чўқинтиришни амалга оширишга бағишлашни кўнглига солди.

Шанба, 1940 йил 1 июнда, улар Тотен-Фордда Синей дарёси ёнида учрашишди. Билли қараб ҳайрон қолди, дарё соҳилида кечқурунги уйғониш йиғилишларидан бири вақтидагидан кўра кўпроқ одамлар турган эди. Қачонки у буни Уилльям Холлига эслатган эди, у маҳаллий хизматчилардан бири ўз черковидаги ҳамма аъзоларини келишга ва уни кўришлари учун қизиқтирганини айтди.

Билли белигача гирдобчалар сузиб ўтаётган совуқ сувга кирди ва ўша янги имонга келганларни тўдадан чиқиб ва ўз гувоҳликларини сувдан чўқиниб тасдиқлаш учун таклиф қилди. Унинг чорлашига элликка яқин одам жавоб берди. Билли уларни бирин-кетин Раббий Исо Масиҳ Исмидан чўқинтирди. Навбатдаги турган охирги одамга келиб, у ибодат қила бошлади: *“Худойим, Исони чўмдириш учун Яхёни юборганингдек, Исо ҳам бизга шундай деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар, янги тилларда гапирадилар; қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирор нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди; беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.”*[79]

[79]Марк 16:15-18

Шу заҳоти оломон, гўё Худо Руҳи бир одамдан бошқа одамга ҳаракатланаётганидек, қўл силкиб, қарсаклар билан олқишлаб, қичқира бошлади. Қарийб ҳамма қуруқ кийимдаги одамлар сувга чўмдирилиш учун навбатга тизилдилар, шулар қатори ўша йиғилишини ўзи билан олиб келган хизматчи ҳам бор эди. Бу одамлар бирин-кетин дарёга кирдилар: эркаклар галстуклари билан костюмларида, аёллар шойи куйлакларида, ота-оналар болалари билан. Билли одамларни то кун оғгунича чўқинтиришда давом этди. У чўмдиришни тугатганда, унинг оёқлари шунчалик совқотиб ва увушгандики, уни сувдан икки одам қўлларига олиб чиқишига тўғри келди.

Жорж Райт Биллини овқатлантириш ва ўша кечқурун йиғилиш олдидан дам олишга имкон бериш мақсадида ўз уйига олиб келди. Келганларида, кечки нонушта тайёр бўлгунича, уларда тўлиқ бир соат вақтлари бор эди. Билли ўртоғига деди:

— Мен ўрмонга ибодат қилишга бораман. Нимадир юрагимни жуда эзаяпти.

— Яхши, — жавоб қилди Жорж, — лекин қачон мен тушлик қўнғироғини чалсам, шу заҳотиёқ келгин, чунки биз тез нонушта қилишимиз керак, агар биз черковга ўз вақтида бормоқчи бўлсак.

Билли буталар оралаб, ўзига йўл очиб бораверди ва кейин қизил[80] деган бута ёнида чўкка тушди. Қуёш аллақачон ботган, ва ерда узун-узун соялар пайдо бўлган эди. Унинг юрагига қанчалик оғир бўлишига қарамай, у ҳеч ибодат қила олиш ҳолатига тушолмади. Ҳаво совуқ эди ва Билли қулай ўтиролмади: тиконлар унинг оёғига шимидан ўтиб санчилар эди, бунинг устига у черковдаги хизматга кечикмасайдим, деб безовта бўлар эди. Аммо у шу ҳолатида туришга, токи, ниҳоят, бу тикон ва совуқ каби арзимас кичик ноқулайликлар устидан кўтарилиб, Худо Руҳи эпкини эсиб,

ибодатларига қанот боғламагунигача, тиришиб давом этаверди. Тушга чақирувчи қўнғироқ чалинди, лекин Билли ибодатга жуда ҳам чўкканидан уни эшита олмади. Қўнғироқ чалинди, натижасиз, чалингандан-чалинаверди. Тез орада Райтлар оиласи ҳаммаси қўллари фонарлари билан ўрмонга пасторини чақириб, излаб чиқишди.

[80]Қизил — серсув ширин-нордон, қизил рангли мевали, қизиллар оиласига мансуб дарахт ёки бута тури. Жанубий ва Шарқий Европада, Кавказ, Кичик Осиё, Япония ва Хитойда, Шимолий Америкада унинг тўрт тури ўсади. Мевасини еса бўлади, ёғочи қурилишбоп; асал беради.

Кўзини очиб, Билли, қизил бутаси тепасида турган ва уни яқингинадан ёритаётган қаҳрабо рангли ёруғликдан сапчиб тушди. Бутун ўрмон бўйлаб босиқ паст овоз жаранглади: ***"Картерларникига бор ва Жоржи шифоланади"****, — деб айтди.*

Билли қувониб, қичқирганча сакраб турди ва Райтлар фермаси томон югуришга тушди. Ёвондан ўтиб, у қурилиш охирида бурилиб, тўғри Жорж Райтнинг қучоғига ўзини урди.

— Билли ака, ахир сен қаерларда қопкетдинг? Одамлар мана шу тепаликларга сени қидириб кетди, онам бўлса, бир соатдан бери сени келиб нонушта қилади, дея кутаяпти.

— Райт ака, бугун мен кечга овқатланмайман. Жоржи Картер бутунлай соғаяди. БУ РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЯПТИ!

Жорж Райт ҳайрон бўлганидан қошларини "охиригача" чимирди.

— Сен уни ўрнидан туриб кетади, демоқчимисан?

— Биз у ёққа боришимиз билан, у бир неча дақиқадан сўнг бутунлай соғаяди ва нормал ҳолатга келади.

— Унда кетдик, — деди Ждордж. — Мен уйга машинамда келаман, сен бўлсанг бунгача келганингни онамга билдир. Қолганларга келганингни у ўзи айтолади.

Мистер Брейс уйда эди. Билли қувончли янгиликни етказганда, у бунга ишонолмади.

— Сен ўша "қоқ суяк" қизни айтмоқчимисан? Майлими, мен сизлар билан бораман, ва буни ўз кўзларим билан кўраман?

— Албатта.

Унгача Жорж машинада келди, ва тез орада улар учовлон бу ердан 13 километр узоқликдаги Миллтаунга эгри-бугри тупроқ йўлдан суриб кетдилар.

ШУ ОРАДА миссис Картер ўз уйида ҳаяжонланар ва у бурчакдан – бу бурчакка бориб келар эди. Ундан сал олдин, кундузи у қизининг тўшагида ўтиган эди, бу вақтда Жоржи Худо билан аҳд тузган эди, агар шу бугун у шифолана олса, шу куннинг ўзида Тотен-Фордга жўнайди ва бошқа одамлар қатори сувда чўқинади. Қачонки кун кечга яқинлаша бошлаган бўлса ҳам, мўъжиза юз беравермагач, Жоржи кучи борича йиғлайвериб, ўзидан-ўзи жуда асабийлашди. Бу аҳволни кўриб, энди миссис Картер хафа бўлиб кетди. У ошхонага борди, тиззада турди ва ибодат қила бошлади: "Азиз Худойим, Жоржига раҳминг келсин. У бечорагина, ана ўлим яқинида, ҳаёти қил устида у ерда ётибди, бу ерда эса биз тарафларда бир қаллоб ўтди, ўзини ким-нима деб кўрсатиб, аслида ундай бўлмаса ҳам; ва у менинг болам юрагини яралади ва уни саросимага солди. Худойим, илтимос, раҳм қил".

У бошини кўтариб, кўзларини артди. Ботаётган қуёшнинг таратаётган тўқ-қизил нурлари ошхонада деразаси орқали ўтиб, қарама- қарши турган девор юқорисига тушаётган эди.

Миссис Картер деворда ҳаракатланаётган одамнинг соясини кўриб қолди. Олдинига уни ҳовлида бурчакдан чиқиб келаётган эри бўлса керак, деб ўйлади. Бироқ, бу шарпа уни қарийб ёнигача яқинлашгач, у Исо Масиҳнинг соясини эслатди.

— К-к-ким — кимсан? — тутилиб сўради у.

Соя бурилди ва эшик томонга қаради. Миссис Картер ҳам бурилди ва ўша ваъзхон хизматчи Бранхам акани, ҳатто эшикни қоқмай эшикдан ўтганини кўриб, ҳайратдан қотиб қолди. Бу киши Бранхам акалигини билди, чунки унинг суратини ўша, қизини шунчалик асабийлаштирган ўша китобчада кўрган эди. Бранхам Библияни кўксига босиб ушлаган ва унинг ортидан бошқа иккита одам бораётган эди: улардан бири шу ерлик — Жорж Райт эди, бошқаси эса унга нотаниш эди. Бу учта одам унинг ёнидан ўтдилар ва Жоржининг ётоғига йўналдилар, аммо, ҳали у ерга кирмай, бирдан улар кўринмай қолдилар.

Миссис Картер қўлларини оғзига қўйди ва қичқирди:

— О-о, Худойим! Мен уйқуда бўлсам керак!

Қизининг ётоғига чопиб кирди, ғўлдирай бошлади:

— Жоржи! Жоржи! Ҳозиргина нима бўлганини ҳеч қандай билолмайсан ҳам. Мен ошхонада ибодат қилаётган эдим ва...

Шу пайт у уй ёнига машина келиб тўхтаганини эшитди. Ётоқхонанинг очиқ эшиги орқали миссис Картер ёш Бранхамнинг Библияни кўксига босиб, кириш эшигидан ўтганини кўриб қолди. Унинг ортидан иккита одам кирди ва у учун жуда ғалати ва ақлига сиғмайдиган нарса эди. Унинг кўзлари тепага кетди ва у ҳушидан кетди, стулдан йиқилган ун халтадай полга шўлп этиб тушди.

ҚАЧОНКИ БИЛЛИ Картерлар уйи ҳовлисига машинадан тушар экан, у бутун танасига сингаётган мутлақо ишонч қуйилиб келаётганини ҳис қилди. Энди уни ҳеч нарса тўхтатолмас эди. У ваҳий кўрди. У нимада турганини билар эди.

Қачонки у зинадан эшик олдига кўтарилган эди, гўё унинг руҳи танасидан ажралгандай бўлди. У ўзини қандай қилиб эшикни таққилатмай, очиб кирганини кўрди. У ерда, тўшакда, ўша бадбахт аёл, озғин ва миср мўмиёсидай буришиб қолган Жоржи Картер ётар эди. Унинг кровати ёнида тиззада турган онаси унга қаради-ю, шу онда ҳушидан кетди. Билли ўзини кроватга бораётганини кўрди. Кейин унинг руҳи танасига қайтди.

У ёпинчиқ ташланган беҳол қизга қаради ва деди:

— Жоржи опа, сен севган ва сен доим ишонган Раббий Исо Масиҳ, худди Ўша Исо бугун оқшом ўрмонда мен билан учрашди ва менга ваҳийда сени шифоланишингни айтди. Шунинг учун мен сени қўлларингдан ушлайман ва Исо Масиҳ Номидан буюраман: оёғингга тур ва шифони қабул қил.

Унинг суяк қўлларини қўлига олиб, Билли эҳтиёткорлик билан уни тортди. Бироқ эҳтиёт бўлишга эҳтиёж йўқ эди. Шу онда Жоржи қичқириб юборди, чунки унинг танасини ғайритабиий куч қувватга тўлдирган эди. Ёпинчиқни бир томонга отиб, ўқувчи қиз янги йил эрталаб тургандай ўз зиндонидан чаққонгина туриб кетди.

Бу ҳамма шовқин-суроннинг сабабини билиш учун Жоржининг кичик синглиси ётоғига бошқа хонадан чопиб кирди. У опасини кўрди, қайсики, у эсини билгандан бери касалликдан тўшаклик эди, энди кичкинагина скелетга ўхшаб, хонасида рақсга тушар эди. Бу ҳолат синглиси ақлини вақтинча ўчириб қўйди. У чинқириб юборди ва сочларини чангаллаб, очиқ турган кириш эшигидан ўқдай учиб чиқди ва тинмай қичқираверди:

— Нимадир бўлди! Нимадир бўлди!

Бу вақтда мистер Картер молхонадан челакда сут билан қайтаётган эди. Бу қичқириқларни эшитиб ва энг ёмон, хунугини кутаётиб, челакни ерга ташлади ва уйга чопди; лекин у ерда у, қизи Жоржига ўта ҳайрон бўлиб қараб, остонада тўхташга мажбур эди, қизи пианинода ўтирганча, ҳали қизалоқлигидаёқ ўрганган черков қўшиғи куйини чалар эди:

Хоч олдида туришни хохлайман,
Кўришни кўнглим бўлиб маҳлиё,
Гўлготадан раҳм-шафқат қанчалик
Дунёга оққанидай гўё, бир дарё.

Кейин Жорж Райт нима учун муҳтарам Бранхам ака тайинланган вақтда келолмаганини айтиш учун тепаликка, черковга кетди. Ҳамма бу мўъжизани ўз кўзи билан кўришни хохлар эди. Улар Картерлар уйига келган пайтда, Жоржи эмаклаганча, ҳовлидаги ўтлар ва гулларни ўпар эди[81].

[81] Жоржи Картер 1954 йилгача, унда врачлар кўкрак ракини билиб қолмагунича, соғ-саломат яшади. Ўшанда у 41 ёшда эди. Унда рак топилганда, унинг бошқа органларини ҳам емира бошлади, бу эса, тиббиёт нуқтаи-назаридан айтганда, соғайишга ҳеч қандай умид қолмаган эди. Ноиложликда у Уилльям Бранхамдан ибодат қилишини сўради. У ибодат қилди ва Жоржи Картер яна шифоланди. Шундан кейин у яна 44 йил яшади ва 1998 йил 22 мартда, 84 ёшида вафот этди.

Кейинги оқшом эски оқ черков одамлардан лиммо-лим тўлди, буни ажабланарли жойи йўқ эди. Йиғилиш ўнгида Уилльям Холл сўради:

— Бранхам ака, бу ерда бундан кейин нимани режалаштирасан?

— Ҳозирча билмайман. Ўша ваҳийдаги адашган қўзини топишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламовдим.

Джодж Райт фикр билдирди:

— Бу одамларга Библиянинг фундаментал бой таълимоти билан таъминламай, тарқалиб кетишига қўйиб қўйиш яхши бўлмайди.

— Токи, бу меҳнатни қилишга Худо бошқа бир одам кўтармагунича, мен бу ёққа мунтазам келиб тура оламан, деб ўйлайман, — деб у билан рози бўлди.

Миллтаундаги бу баптистлар черковига кейинчалик пастор бўлган мистер Холл:

— Бу ажойиб эски черковни таъзия маросимидан ташқари бирор бир бошқа нарса учун ишлатилса зўр бўлар эди, — деб маъқуллади. — Нима бўлганда ҳам, улар кўпайиб кетди, шекилли. Душанбада бизда у ерда навбатдаги таъзи маросимлари бўлади.

— О-о, бирон-бир менинг танишларимдан бўлса ҳам керак? — Жорж сўради.

— Сиз мистер И***ни биласиз, деб ўйлайман?

Жорж ва Билли кўз уриштириб олдилар.

— Нима ҳам дердим, у энди бошқа товуқ кўпайтирмайди, — деди Жорж.

Афсуски, у ўз жони ғамини еб, озгина бўлса ҳам вақт ажрата олмади, — қўшиб қўйди Билли.

26-БОБ
БЎРОН ТОҒИДА АДАШДИ
1941

ҚЎШИҚ ТУГАДИ. Билли Поль сабрсизликдан ёниб, тортнинг тўғрисига туриб олди-да, ўпкасига иложи борича кўпроқ нафас олди ва ҳамма олтита шам ўчиб қолгунча пуфлади. Кейин бахтиёрлигидан яшнаб, ўз совғаларига ташланди.

Ўғилчасининг туғилган кунидан ҳуррамлигидан думоғи чоғ Уилльям Бранхам жилмаяр эди, — булар ҳаммаси Меда Бройнинг ғамхўрлиги туфайли эди. У Билли Поль учун торт пиширди ва бу кун — 13 сентябрь 1941 йил — унинг туғилган куни, кичкинагина тарбияланувчиси хотирада қолишини истаб, туғилган кунини нишонлаш учун диққат билан тайёрланди.

Бу вақтга келиб Меда, беш йилча Билли Поль Бранхамга ҳар кун қаради. Унинг туғилган кунини нишонлаш, у учун батамом табиий ҳол эди; бироқ, улар атрофидагиларнинг ҳаммаси ҳам, улар орасидаги муносабатларини бегуноҳ ва нуқсонсиз ҳисобламас эдилар. Кўп сонли ғийбатчилар “бу ёш ваъзхон ва унинг уй бекаси” ҳақида ёмон миш-мишлар тарқатдилар.

Биллига бу одамшаванда Медага қарши ранжитадиган шаъмалар ёқмас эди, лекин у нима учун одамлар бунақа гап тарқатаётганларини тушунар эди: мана, чиройли ёш аёл, никоҳ ёшига кирган, қайсики, ўз ҳаётига кам эътибор беради ва дам-бадам унинг кирларини ювади, уйини йиғиштиради ва унинг ўғлига қарайди. Аслида эса Биллини Меданинг вақтини олаётгани ноҳақлик эди. Медага яхши бўлиши учун уни уй хизматчиси сифатида ёллашни бас қилишга қарор қилди. Бир куни ишдан кейин, Билли Польни олиб кетиш учун келганида, унга бу ҳақда айтишни ният ҳам қилди. Аммо ҳар сафар бунга имконият туғилганда, у ўзининг сўзлари билан “сиқилар” эди. У қандай қилиб, ўғлига салкам беш йил қараган мулойим қўлга энди бошқа энага ёлламоқчиман, деб айтишга журъат эта олади? Ўзини бундай қилишга мажбур қилолмасди. Шунга қарамай, қандайдир тарзда унинг деб, шу қиз учун бундай қилиш кераклигини ҳис қилар эди. Медага у билан вақтинчалик боғлиқлигидан, бошқа бирор киши билан бир умрга боғланиб қолишлиги учун, узилиши керак эди.

Ниҳоят, Биллининг ҳаёлига муғомбир фикр келди. У ўйладики, бирор бошқа аёлни учрашишга илтимос қилса, Меда бундан шундай норози бўлади-да, ўзи кетади қўяди. Бундан у кутган ҳеч нарса чиқмади. Медани умуман аччиғи келмади — унинг дарди юрагида эди. У бир неча кун йиғлади.

Бундан Билли ҳам ўзида эмасди. У Меда ҳақида жуда кўп ўйлади ва унинг учун ҳаммасини қилишга ҳаракат қилди, аммо, бунинг ўрнига ҳаммасини бузди. Ҳеч бўлмаганда, лоақал у буларни ҳаммасини тушунтириб беришга арзир эди.

— Меда, наҳотки сен кўрмаяпсан. Мен ахир сенинг жуда кўп вақтингни оляпманку. Мен учун умрингни беҳуда ўтказма, сен ажойиб қизсан.

— Лекин, Билли... Мен сени севаман. Мен сени доимо яхши кўраман. Унинг устига сен келгусида ҳам яхши кўрадиган ягона одамимсан.

— Меда, мен буни жуда қадрлайман. Мен ҳам сени севаман. Лекин бир нимани биласанми? Мен тарки дунёга — қаландардай яшайман, холос. Мен яна уйланмоқчи ҳам эмасман, ҳеч қачон, шу учун мен қандай қилиб сенинг вақтингни олишда давом этавераман?

Бу беҳуда бўлиб, Меда бунга кўна олмас эди. Ёлғиз қолиб, Библияни ёпиб, тиззасига қўйди-да ва ибодат қила бошлади: “Раббим, агар Сенинг хохишинг шундай бўлса, унда мен Сенга итоатсизлик қилмоқчи эмасман... ва шунга қарамай, мен Биллини севаман. Мен нима қилишни билмайман. Раббим, Исо, илтимос, менга ёрдам бер. Бутун умрим бўйи ҳеч қачон мен буни Сендан сўрамаганман, Раббим, ва мен умид қиламанки, Сендан буни сўрашга ҳам тўғри келмайди, лекин мен ҳозир Сендан мана нимани сўрайман: қачонки мен Библияни очганимда, менга ёзувдан йўл бошчим, раҳбарлик ва таскин, юпанч бергин”.

Кўзини юмганча, у Библиясини ўртасини очди ва кўрсатгич бармоғини саҳифанинг ўртасига қўйди. Кейин у кўзини очди ва қаради. Унинг бармоғи Малахия 4-бобдаги оятни кўрсатиб турарди: *“Мен сизларга буюк ва даҳшатли Раббий куни олдидан Илёс пайғамбарни юбораман...”*

“Қандай ғалати Ёзув жойи”, — у ўйлади. “Қизиқ, нега энди Раббим...?” Кейин у хотирлади... Кўп йиллар бурун у дарё қирғоғида турар эди, Билли бўлса, сувда турар ва одамларни чўмдирар эди, қандай қилиб куппа-кундузи бирдан ўша юлдуз пайдо бўлди. У ўша олов шарни кўрмади, чунки у

кўзларини ибодат учун юмиб олган эди; бироқ унинг *“Яхё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини эълон қилгандай, сенга Унинг Иккинчи Келишини эълон қилиш учун мактуб топширилади”*, — деган овозни ҳеч ҳам унутолмас эди. Энди у нима учун Раббий унга таскин учун айнан шу Ёзув жошини берганини тушунди. *“Мана мен сенга Илёс пайғамбарни юбораман...”* Меда турди ва Биллига турмушга чиқишига ишонган ҳолда, кўнгли хотиржам бўлиб кетди.

Биллининг ўзи ҳам шундай хулосадан узоқ эмас эди. Бир куни ишдан сўнг, ўғлини олиш учун у Бройлар уйи ёнида тўхтади. Билли Поль қумда ўйнар эди.

— Билли, даданг билан уйга кетасанми? — сўради Билли.

Билли Поль бошини унга буриб сўради:

— Дада, менинг уйим қаерда?

Билли бундан хижолат бўлди. Охирги пайтларда у дарё соҳилига келтириб, боғлаб қўйилган кичикроқ уйчада яшар эди, чунки унга ўзининг ижарага олган уйида туриш бениҳоят ёқмасди: Хоупсиз у шунчалар бўм-бўш туюлар эди. Энди бўлса Билли 6 ёшар ўғлига қаради ва ўйлади: “Бир кун келиб, уни электр стулига олиб келишса, у менга бурилади ва дейди: “Дада, агар сен онамнинг айтганини қилганингда, яна уйланганингда, ва мени у ердан бу ерга кўчириб юриш ўрнига, менга яхши шароит қилиб берганингда, бунақа ишлар бўлмаган бўлар эди”.” Ўғлининг иштончасидан чангни қоққанча, у ўйлади: *“Эҳтимол, Хоуп ўлими олдидан, ҳақ эди”.*

Ўша кеч Биллини қаттиқ уйқудан нимадир уйғотди. Қоронғида жимгина ётганча унинг сузиб юрувчи уйи деворига тўлқинларининг енгил шалоплашини тинглар эди. Ҳар ҳолда у ерда яна кимдир бор эди. Унинг нақ эшиги олдида кимдир турмаганмикин? Қўрқанидан унинг бўйнида энсасидаги сочлари диккайди. Кейин Билли пастгина, лекин аниқ айтилган сўзни эшитди: *“Бор, Меда Бройни ол ва шу йилнинг 23 октябрида унга уйлан”.*

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ 1941 йил 23 октябрида Меда Брой билан никоҳга кирди. **(№10 Сурат)** Билли асал ойида Ниагара шаршарасига боришга, кейин эса, Қўшма Штатларининг Шимолий чегаралари бўйлаб, шарқий йўналишга, Нью-Йорк штатининг юқори қисмида жойлашган Адирондак тоғлари томон боришга таклиф қилди. Бу жойларда Билли бир неча бор бўлган ва у ердаги ўрмончилардан бири билан таниш эди. Икки йил бурун ўрмончи-рейнжер Дентон билан у Канада чегарасининг ўзгинасида, Бўрон тоғи яқинида учта айиқ отгандилар. Агар Билли шу кузда ўша ёққа боролса, у яна бир айиқни отолар ва шу билан бутун қиш бўйи гўшт билан ўзини таъминлар эди.

Бу нарса Меда учун тўғри фикр бўлиб кўринди. **(№11 Сурат)** Улар биргаликда турмушни қанчалик қашшоқликда бошлаганликларини Меда биларди. Қишга кўмир олиш учун етадиган пул тўплаш учун у кечқурунлари Биллига маймунжон теришга ёрдам берар эди. Гўштнинг запас қилинганлиги, уларининг тақчил бюджетларига яхши ҳисса қўшар эди.

Билли ўз хатида: “Мистер Дентон, мен мана шу кузда бораман. Мен сен билан айиқ овлашни истардим”, — деб ёзди.

Мистер Дентон ёзди: “Жуда соз, Билли, кел. Мен уйчамда бўламан, унга Харрикэн Маунтин Роуд[82] деган жойдан йўл боради...”; ва у ноябрнинг бир санасини кўрсатди. “Сен менга баҳордан бошлаб ўтқазган телефон симини тортишга ёрдам берасан, ва кейин биз айиқ овига чиқамиз”.

[82] Инглизчадан сўзма-сўз: Бўрон Тоғига Йўл.

Бўрон тоғлари чўққисида ўт ўчириш минораси турган эди. **(№12 Сурат)** Шу йил баҳорда Билли рейнжерга ўт ўчириш минораси ва йўл охиридаги уйчани бирлаштириб турувчи 8 километрли телефон симини сўқмоқ йўл бўйлаб тортишга ёрдам берган эди. Ўша симларни қиш вақтида тортишга кетса бир кун кетар, лекин бу Билли учун бундай ажойиб йўл бошловчи билан ов қилиш имтиёзига эга бўлиш, у учун адолатли келишув эди.

Билли, Меда ва Билли Поль бир неча кун олдинроқ келишди. Ўрмончи рейнжернинг уйчаси жуда маҳкам ёпиқ экан; бироқ, яқинроқда, агар сўқмоқдан юқорига чиқилса, айвон бор бўлиб, уларни шамолдан пана қила олар эди. Ҳали қор тушмаган бўлса ҳам, об-ҳаво ана ёғаман – мана ёғаман деб турган эди. Ўша тун ҳарорат нолдан пастга тушди. Ухлаган вақтларида Билли Поль совқотмаслиги учун Билли ва Меда уни таналари билан иситиш учун уни ораларига олдилар.

Эрталабига Билли деди:

— Биласанми, севгилим, агар мен айиқ билан олиб кетиш учун битта каттакон буғуни ҳам ушласам, ажойиб бўларди-да. Агар мен бугун бирор нарса овлайолсам, бир бутун қишга етадиган гўштни ғамлаган бўлардик.

Қоп-қора булутларга қараб, Меда деди:

— Рейнжерсиз бориш бехатар дейсанми? А агар адашсанг, нима бўлади?

— Мен? Адашаман? — Бу Биллига қизиқ кўринди. — Ҳеч қачон. Сен мени ҳеч қаерда йўқотиб қуймайсан. Менинг онам ярим томонлама индеецларданлигини эслайсанми? Менда сутканинг исталган вақтида қаердалигимни билишга сезгирлик ҳисси туғма берилган. Мен нимам биландир бобом Харвига ўхшайман. У мактаб ўқитувчиси бўлганидан ташқари, бутун Жанубда энг яхши қопқончи ва овчи бўлган.

Меда унга ишонмайроқ итоаткорона қараб қўйди.

— Яхши, фақат узоқ қолиб кетма, Билли. Эсингдан чиқмасин, мен ҳеч қачон аввал ўрмонда бўлмаганман. У ҳақида ҳеч нарса билмайман.

— Мен иккиларга қараб қайтаман, —ваъда берди у.

Қуролини елкасига ташаганча, у йўлдан пастга қараб, то кўп йиллар олдин кундаков қилинган жойга етгунча кета бошлади. Кундалар ва қолиб кетган шох-шаббалар орасидан янги буталар ўшандан бери беш метрга ўсган эди. Буғулар яшаши учун бу жуда соз кўринар эди: озуқа-ем ҳамон ҳам, пана жой ҳам мўл эди. Билли йўлни қолдирди, бурилиб, ўрмон оралаб кета бошлади. Кейинги соатда у кўплаб буғу изларини кўрди, бироқ уларнинг бари учи ўткир излар, бу эса уларнинг урғочи буғуларникилигини билдирар эди. Биллига эса эркак буғу керак эди.

Тоғ тизмасидан ўтиб ва бошқа дарага кириб, Билли буталар орасидан қандайдир шитирлашни эшитди. У жойида, дарахт тўнкасидай қотди ва қулоқ сола бошлади. У қандайдир ҳайвоннинг оёқлари билан қарағай баргларини қирсиллатиб босаётганлигини аниқ эшитди. Бу туёқ эмас, балки юмшоқ ёстиқчали панжалар эди. Худди шу моментда ўша ҳайвон бутозордан ўқдай учиб чиқди ва Билли чакаланзорга ўзини урган йирик ўрмон пума-мушугини кўриб қолди. У куролини нишонга олиш учун туширди, лекин йирик ёввойи мушук ундан ўзганлик қилди. Билли уни отаман дегунича, у кўздан ғойиб бўлди.

Билли пумани кетидан водий бўйлаб пастга қараб бир ярим километрлар қувди. Бир неча вақт у қалин буталар қисирлашини эшитолди, аммо тез орада катта мушук олислаб кетди ва энди Билли излар, шохларни қайрилганига қараб, ўзининг изқуварлик маҳоратини ишлатишига тўғри келди. Ниҳоят, пума баланд дарахтларга чиқиб, уларнинг шохлари орқали катта чаққонлик билан қочди. Билли изни йўқотди ва қидиришни тўхтатди.

У орқага, водий бўйлаб кўтарила бошлади, аммо эркак айиқнинг хидини сезиб, бирданига тўхтади. Қувончга тўлиб-тошиб, водийнинг шамолдан тикка бўлиб қолган деворига чиқди, тизмадан ошиб, бошқа томонга ўтди. У ҳидни бир неча бор йуқотиб қўяр, лекин яна таниб олар эди. Бу ерда ер анчайин текис эди. Чумолиларнинг бузилган ини ёки дарахт танасида тирноқ изларини қидирганча ўша жойни ўрганиб, юришда давом этди. У тоғ ўркачига чиқди ва кейин пастроқ дарага тушди. Қачонки у даранинг тубига етганида, хайвоннинг иси уни шу яқин орадалигини айтиб турар эди. Билли то айиқнинг ғор уясини топмагунича, қояларни ва ундаги ёриқларни қараб чиқди, бунда ҳеч қандай хатолик бўлиши мумкин эмас: бундайин бадбўй ҳиддан унинг кўзларидан ёш оқди. У астагина ғорнинг қоронғи оғзига келди; қурол ўқланган ва тайёр эди. Саёзроқ ғор-уя бўш-экан.

Билли соатига қаради. Миллар 12:30ни кўрсатди. Агар Медага берган ваъдасида турмоқчи бўлса, унга тез орада қайтишига тўғри келади. Бироқ у овни шу билан тўхтатмаслик тарафдори эди. Энди айиқ инининг қаердалигини билгани сабабли, мистер Дэнтон билан Бўрон тоғи чўққисига телефон симини ўтказиб бўлиши билан, у бу ерга қайтиши мумкин бўлади.

Дара бўйлаб кутарилаверди ва озгина юрган эди, Билли водийнинг қарама-қарши томонидан буталарнинг қимирлаганини кўрди.”Ха, мана у, қадрдон қаерда!”— ўйлади Билли. У қуролининг стволига ўқни ўтказди ва қотди. Бироқ айиқ ўрнида йирик келишган эркак буғу пайдо булди. Билли куролини унга тўғирлади ва тепкини босди. Буғу ўша жойида қолди. **(№13 Сурат)**

Билли ўлжани бўлаклаб бўлган пайтда, аллақачон соат бирдан бир неча дақиқа ўтиб қолганди. У буғуни орқа оёғидан дарахт шохига боғлаб, ўзи эса водийдан юқорига бутазорлар бўйлаб кўтарила бошлади. У қора булутни пасая бошлаганини сезди. Бўрон тоғи аллақачон туманда эди. У ўйлади: “Мен шошилишим керак. Бўрон яқинлашаяпти”. Агар хамма жойни туман қопласа, унга ўз ориентир-белгиларини кўролмай қолиши маълум эди.

Ўттиз дақиқалар Билли шаҳдам қадамлаб, шу водийга кирган жойини қидириб излаб юрди. Дам олволиш учун тўхтаб, чўнтагидан рўмолчани олди ва юзидан терини артди.”Вой-бўй, йўл шунча узоқ экан-ку!”—ўйлади у. “Мен шунчалик узоқ юрганимга шубҳа ҳам қилмовдим”.

У яна юра бошлади. Бир неча дақиқадан кейин у бутунлай ҳайрон бўлиб тўхтади. Унинг боши тепасида буғу танаси осилиб турарди!

“Хўш, мен нима қилиб қўйдим?”—ғўлдиради у. “Қаердадир мен бурилишим керак бўлган жойдан ўтиб кетдим. Лекин мен қандай қилиб яна шу жойга қайтиб келдим?”

Билли ўйлаб-ўйлаб яна хаммасини бошқаттадан бошлади: “Бу сафар ҳаммаси жойида бўлади. Мен сал эътиборсизлик қилдим, шубҳасиз”. Шаҳдам қадамлаб, тикка қоядан тушган ўша жойни синчиклаб қидира кетди. Энди булут қорайиб дарахт устигача тушган эди. Борган сари олдидаги бирор-нарсани кўриш ҳам қийинлашаверди. Қирқ дақиқалик йўлдан кейин у бир жойга, унга танишдек кўринган жойга келиб қолди. Бир неча сониядан кейин у сабабини тушунди. Ахир у дарахтда унинг буғуси осилиб турарди...

Билли чарчади ва саросимага тушди, фикрларини жамлаш учун ва дам олиш учун ўтирди. У нима бўлаётганини билар эди. Ҳиндулар буни “ўлим сўқмоғи” деб атайди: одам ўрмонда адашиб, дайдиб айланаверади. Токи бутунлай силласи қуримагунича. А кейин эса оғир ёмон об-ҳаво шароитида ўлиб қолади. Агар тоғда Биллининг бир ўзи бўлганида, у ҳеч нарса ҳақида ташвишланмаса ҳам бўлар эди. У айиқ инига қайтган ва у ерда токи булут тарқаб, бўрон тинишини кутган бўларди. Қачонки унинг ҳамма белгилари яна кўринарли бўлар ва кулбага йўл топишига кўп куч сарфламасди. Бироқ, ҳозирги ҳолатда бу режа беъманилик эди. Меда умрида ҳеч қачон ўрмонда бўлмаган эди. У ҳатто қандай қилиб гулхан ёқишни ҳам билмас эди. Агар Билли айвончага қайтмаса, у ва Билли Поль билан, шубҳасиз, кечаси совуқдан ўлиб қолишлари мумкин. Бунинг устига, у қоронғиликдан қўрқади. Ундан ҳам, бирор ҳайвонни қичқириғини эшитса-чи, нима бўлади? Уни мени қичқирган деб ўйлаши мумкин, уни қидиришга тушиши ва ўзи хам адашиб қолиши мумкин. Кейин Билли айвон яқинларида ўрмонда изғиб юрган пума ҳакида ўйлади...

Ҳавотирга тушган Билли сакраб турди ва бутазорлардан тиккасига югуришга тушди. Тезда у ўзини — “Бир дақиқа, Уилльям Бранхам. Сенга нима бўлди? Сен нима, ақлдан оздингми?” — деган ўйда тўхтатиб олди. У бутун умрини ўрмонда ўтказган эди. Шунақа ҳолатда одамга энг хавфлиси — бу қачонки одам ваҳимага тушади ва ўрмонда ўйламай чопади. А кейин эса, баҳорда бирор киши унинг суяклари-қолдиқларини қоя тагида топиб олишини Билли жуда яхши тушунар эди. Билли беқарор азобларини босиб олиш учун чуқур тин олди. “Мен ўзимни қўлга олишим керак”, — ўйлади у. — “Умуман, мен адашганим йўқ. Мен озроқ гангиб қолдим, холос. Мен бор-йўғи қилишим керак бўлгани — бу қаерда жойлашганимни аниқлаш”.

Энди туман ўрмонни бутунлай қоплади ва ҳамма нарса бегона бўлиб кўринаверди. Бунинг устига, қор ёға бошлади, а энг ёмони эса, қуёш бота бошлаб, тез қоронғи туша бошлагани бўлди. Агар у тезроқ бу ердан чиқиш йўлини қилолмаса, унда у бу ердан умуман чиқиб қутулолмайди. Унда уларнинг учаласи ҳам тун зулматида нобуд бўладилар.

Бор кучи билан ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб, Билли уйлади: “Мен адашишим, бўлиши мумкин эмас. Мен ўрмонни жуда ҳам яхши биламан, адашмайман. Бир дақиқа, ўйлашим керак. Мен бу ёққа келганимда, шамол мени юзимга қараб эсган эди. Мана, худди шундай: мен қилишим керак бўлган нарса, бор-йуғи — бу шундай боришим керакки, шамол менинг орқамдан эссин ва мен бу ердан чиқиб кета оламан”.

У олдин эсган шамолга қарама-қарши томонга кетди. У атрофида бирдан—бир билгани — бу яқин атрофда турган туман ва қор билан қопланган дарахт ва буталарнинг сояли шарпалари эди. Кучайиб эсаётган шамол тез-тез ўз йўналишини ўзгартирар эди. Тезда Биллига тоғ чўққилари атрофида айланаётган шамол унинг учун компас вазифасини бажармаслиги тушунарли бўлиб қолди.

Ўзида мардлик ва ҳотиржамликни сақлаш учун, Билли товуш чиқариб айтди: “Сен адашганинг йўқ. Сен ахир биласан-ку, қаерда турганингни”.

Бироқ унинг виждони ўзини-ўзи алдашига қарши хитоб қилди: “Билли, сен биласан-ку, адашганингни”.

У ўзига жавоб қилди: “Мен? Фақат мен эмас. Мен адаша олмайман.” Кейин у бирданига йирик тўнкага дуч келди, ва у унинг ёнидан олдин ўтмаганини билар эди. Биллини қалтироқ босди. Унинг юзидан тери томчилари оқа бошлади. “Энди ўзимни ўзим алдамаслигим керак”, — ўйлади у. “Сен адашдинг буни тан ол”.

У мағрурлигига урилган зарбадан эмас, балки хотини ва ўғлига нисбатан ҳис-туйғуларидан дили оғриди. “Мен ростдан хам адашдим”, — деди ўзига-ўзи. “Мен шарқдан ғарбни фарқлай олмайман. Мен бирор йўналишни танлашим ва ўша томонга тўппа-тўғри кетишим керак, чунки мен бир йўналишда айланиб юрганим аниқ. Хуллас, мен шу йўл билан борай-чи”.

Йўналишни таваккалига танлаб, Билли озроққина кўриб билган дарахтларга қараб-қараб, ва дарахтдан дарахтга тўғри линияда боришга ҳаракат қилганча кета бошлади. Бораётиб, унга *“Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир, Танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган ёрдамчимиздир”*[83] — деб шивирлаган товуш эшитилгандай булди.

[83] Сано 45:2

Билли ўйлади: «Ана, энди мен ақлдан озаяпман. Менга ҳар хил товушлар эшитилаяпти».

Бор кучи билан бутун эътиборини ўз олдидаги мақсадига қаратиб, юришда давом этди. Тезда у яна, бу сафар олдингидан баландроқ айтилган: *“Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир, Танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган ёрдамчимиздир”,* — деган овозни эшитди. Билли орқасида қуроли билан юришидан тўхтамади; у шунчалик ҳолдан тойган эди. Қатъий овоз янада баландроқ эшитилди: *“Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир, Танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган ёрдамчимиздир”.*

Билли тўхтади ва деди:”Раббим Исо, мен адашдим, менда компас ёки мўлжалим йўқ, лекин мен ҳамишагидек Сенга эгаман. Раббим, мен яшашга лойиқ эмасман, аммо, илтимос, менинг ўғлим ва хотинимни ўлишига йўл қўйма”.

Кейин у яна ўша товушни эшитди. Бу унинг ҳаёлида эмас эди; бу сўзлар унинг қулоқларида аниқ жаранглади *“Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир, Танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган ёрдамчимиздир”.*

Қуролини дарахтга суяб, Билли шляпасини ечди, уни қорга ташлади ва унга тизаларини қўйиб, чўккалади. Юқорига қараб, ибодат қила бошлади: “Самовий Ота, мен ўрмон ҳақида ҳамма нарсани биламан, деб ўйлаган эдим, лекин мен хато қилдим. Менга бошқа йўлдан кетаётганим маълум, лекин мен қаерда бурилишни билолмайман. Мен шунақа мақтанчоқ эдим; мен адашдим, менга ўзи шу керак ҳам. Мен шу ерларда кўплаб дайдишга ва ўлмай қолиш учун жайраларни ейишга ҳам лойиқман. Лекин, Раббим, менинг хотиним, бечора, ахир унинг ҳеч қандай айби йўқ-ку. Агар мен шу ердан чиқиб кетолмасам, шу кеча у билан ўғлим ўлиб қоладилар. Ота, аллақачон қоронғи тушди, ва мен адашиб қолдим – мен бутунлай адашдим. Илтимос, менга ёрдам бер. Сен менинг Компасим ва Йўл Бошловчим бўл”.

Оёққа туриб, у шляпаси қорини қоқди, а кейин деди: “Раббим, мен ишонаман, менга шивирлаган ўша овоз, Сенинг Овозинг эди. Мен ишонаман, Худонинг Фариштаси қаердадир шу ўрмонда мени кузатаяпти. Раббим мен Сендан йўл бошлашингни сўрадим. Бу бор-йўғи қўлимдан келгани. Энди мен бу йўлда кета бошлайман”.

У олдинги йўналишда кетмоққа бошлаган ҳам эдики, бирдан елкасида бировнинг қўлини ҳис қилди, қайсики уни тўхтатмоқчи бўлиб силтаб тортди. Қўркиб кетган Билли бу кимлигини кўриш учун бошини бурди. Қанчалик ғалати бўлмасин, у ерда ҳеч ким кўринмади. Аммо унинг кўз ўнгида туман бир неча сонияга тарқалиб кетди ва у орқасида Бўрон тоғини кўрди. Бу қутқарилишга йўл эди. У ахир, тўппа-тўғри ундан тескари томонга кетаётган эди! Ҳозир ўша “деразача”ни туман қоплашидан олдин, бурилишга ва тоғ томон тўғри бўлишга етарлича вақт бор эди.

Қўлини кўтарганча Билли хитоб қилди: “О-о, буюк Худо Иегова, Сен менга шунчалик яқинсанки, Сен Ўз қўлингни менинг елкамга қўйдинг. Сен ҳақиқатдан ҳам менинг танг аҳволимда тез Ёрдамчисан”.

Билли йўналишдан қийшаймаслик учун ҳар сония ҳушёр бўлиб, иложи борича, тўппа-тўғри Бўрон тоғи йўналишида туманли ним қоронғиликда юришда давом этди. Аста-секин ўрмонга қоронғулик чўкди. Билли ҳамма вакт 8 километрга тоғ қиялиги бўйлаб дарахтдан дарахтга боши устида чўзилган телефон симини қидирганча, қўлини қўтариб бораверди. Агар у ўша иккита симдан бирини қўлига ушлаб олса, у ундан кейин сим ёрдамида тоғ этаги бағирлаб тўғри уйгача тушиши мумкин бўлар эди. Аммо агар у ўша симларни ўтказиб юборса, унда у, хотини ва ўғли — ҳаммаси ўлимга маҳкум бўлади.

Кейинги уч соат Билли ўз йўналишида юришни давом этдирди; вақти-вақти билан унга кичикроқ тик қоялардан ўрталаб ўтишга тўғри келар эди. Энди қор учқунлари қор бўронига айланди, а шамол бўлса дарахт шохларини синдириб увилларди. Билли қуролни бир қўлида олиб борар, бошқасини эса сочма ўқ милтиғи стволидай оғирлашиб қолмагунича, боши устида кўтариб ушлаб юрар эди. Кейин у қўлини алмаштирар эди, йўлда давом этишдан олдин, доим икки қадам орқага кетишни унутмас эди — бу ишни қўлини алмаштирган вақтида ўша телефон симини ўтказиб юбормаслик учун қилар эди. Айрим пайт унинг қўли бирор нарсага урилиб кетар ва у: “Мен уни топдим!” — деб қичқириб юборар эди. Бироқ у дарахт шоҳига тегиб кетган бўларди, холос. Унинг бармоқлари қўлқопда увуша бошлади. Ниҳоят, унинг қўллари шунчалик совқотдики, у қўлини ҳам, бу қўлини ҳам базўр кўтарарди. Шунга қарамай, у битта қўлини кўтариб юришга мажбур эди. Уч кишининг ҳаёти унга боғлиқ эди.

Бу пайтга келиб, тун шунчалик зимистонга айландики, Билли кўз олдида айланаётган қорларни ҳам базўр кўрар эди. Унинг юраги титрай бошлади. Агар сим қияликда дарахтдан дарахтга осилиб турган-у, у бўлса пастликдан ўтса, натижада у қўлини кўтариб ҳам унга тегмай қолса, нима бўлади? Агар шундай бўлган бўлса, унда уларнинг учаласи ҳам ўлимга маҳкум этилган бўладилар.

Бирдан уни қўли пружинадай бир-нимага тегиб кетди. То бармоқлари ингичка симни ушлаб олмагунича, уни пастга тушира бошлади. У симни топди! У қутқарилди! Улар учовлари қутқарилган эди!

Билли куролини ерга тушириб юборди, шляпасини кескин ечди ва миннатдорчилигини айтди: “О Худойим, бу қандайин ҳис-туйғуки қачондир йуқолган эдим, энди топилдим. Мен қандай қилиб Сенга етарлича миннатдор бўла оламан? Тўппа-тўғри бу симнинг охирида мен учун ҳаётда энг азизларим: менинг хотиним ва ўғлим бор. Бу телефон сими тоғдан тушишимда менинг йўл бошловчим бўлади. Бу симни мен ҳеч қачон қўлимдан чиқармайман. Аммо ҳақиқатдан, Раббим Исо, Сен менинг Йўл Бошловчимсан. Ва мен бутун умримда Сендан ушлаб бормоқчиман, чунки йўл охирида мени меҳр-муҳаббат, хавфсизлик ва ором кутаётганини биламан”.

27-БОБ
ҚОТИЛ-ҲЎКИЗ
1945-ЙИЛ

ЕВРОПАДАГИ ҲАЛОКАТЛИ УРУШ “тишини ғажирлатиб”, поянига етаётган эди. Иттифоқдош давлатлар қўшинлари немис армиясини бор кучлари билан икки томондан қисавердилар. 1945 йил январида генерал Жуков бошчилигидаги рус армияси Берлинга Шарқ томондан бор-йўғи 64 километргача яқинлашиб, Одер дарёсига етиб келди. Бироқ тезда бундан кейин русларнинг механизациялашган қўшинлари баҳорги лойгарчиликлар ва немисларнинг қаттиқ қаршиликлари сабабли юришни секинлаштирдилар ва олдинга силжишни тўхтата бошладилар. Шу вақтнинг ўзида ғарбий иттифоқдош давлатлар қўшинлари Бельгия ва Франция орқали муваффақиятли ва тезроқ ҳаракат қилдилар; Германия босиб олган територияда америкаликлар ҳаммадан кўп олдинга сурилдилар. Мартнинг бошида генерал Паттоннинг Учинчи Армияси Кобленц яқинидаги Рейн дарёсига етиб келди. Бир неча кун ўтгач генерал Хожнинг Биринчи Армияси қуйи оқимда Ремаген яқинидаги кўприкни ишғол қилдилар. Америкалик генераллар руслардан олдин етиш учун олға юришда давом этишни жуда хохлардилар, улар ҳам Берлинга силжиётган эди, аммо улар то генерал Монтгомери 25 та буюкбританлик дивизияси уларга етиб олгунича кутишга буйруқ олдилар.

25 апрелда руслар нафақат Берлинни қуршаб олдилар, балки улар Эльба дарёсидан 70 километр ғарбда Америка қўшинлари билан ҳам учрашдилар. Шу вақтнинг ўзида Италияда немис мудофааси ағдарилди, бу эса, ғарбий иттифоқдош давлат қуролли кучларига шимолий йўналиш бўйича Италия “этигининг” юқори қисми бўйлаб тез ҳужумга ўтишига имкон берди. 28 апрелда италиялик диктатор Бенито Муссолини иттифоқдош давлатлар қўшинлар ҳужумидан қочиб, қутулишга уринаётганида ушланди ва ўз халқи қўлида қатл қилинди. Энди фашизм дунё сиёсий кучи сифатида ўлиб ётар, шу пайтда нацизм охирги нафасини чиқараётган эди. Бошқа томондан Коммунизм жанг қилар, кенгаяр ва ўз йўлида ҳамма нарсани ўзига сингдирар эди. Ҳали Берлин кўчаларида коммунистлар ва нацистлар жанг қилаверсин, Гитлер ўз ёрдамчиларидан бири — Карл Доницни немис давлати раҳбари мансабига тайинлади. Кейин 30 апрелда Адольф Гитлер ер юзидан сирли равишда ғойиб бўлди. Дониц шу заҳотиёқ бир томонлама таслим бўлиш процесини бошлаб, бу процес расман 1945 йил 8 майда ниҳояига етди. Европада уруш тугади.

БУ ЖУДА МУҲИМ дунё воқеалари кўринишлари олдида Уилльям Бранхам фақат кузатиб бора олар ва 1933 йил июнь куни келажак ҳақида бирин-кетин кўрган еттита ваҳийдан учтаси ҳозир аниқ бўлиб ўтганига ҳайрон қолар эди: Муссолини шармандаларча ўлди, Гитлернинг тугаши сирли бўлди ва коммунизм борган сари сиёсий устивор кч сифатида кўпроқ мустаҳкамланаверди. Шубҳасиз, қолган тўрт ваҳий бунинг кетидан, Худо белгилаган пайтда амалга ошади. Бу нарса Биллига ўзининг келажаги масаласида оптимист бўлишига имкон берди. Албатта, Раббий унинг ҳаётига алоҳида мурод-мақсад ҳозирлаган, акс ҳолда, Қодир Худо нима учун унга бундай ғайриоддий неъматни беради, ахир?

Билли ўзининг оптимистик кайфияти оловчасини қувватлаб турувчи, у топиши мумкин бўлган ҳар қандай “ёқилғи”га муҳтож эди, чунки табиий ҳаётида Худо Шоҳлиги учун бирор-бир буюк нарсани амалга ошириш йўлида ўз қашшоқлигидан етарлича қутилишнинг ҳеч қанақа йўлини у кўрмади. У олдингидай уч ишда ишлар эди, ундан иккитаси пул тўламайдиган эди. Унга ҳамма вақт пул етмагандай бўлса ҳам, у ҳеч қачон ўзининг пасторлик меҳнати учун пул олмоқчи эмас эди. Унда бунга бир неча сабаб бор эди. Биринчидан, Библияни ўқиб ва атрофдаги хизматчиларни кузатиб, бошидаёқ пулга ишқибозлик[84] пулпарастлик, хизматчи қачон бўлса ҳам дуч келадиган энг хавфли тузоқ бўлишлигини тушуниб олди; ва Билли ўзини бундан четга олишга қарор қилди. Иккинчидан, унинг йиғилишидаги айрим аъзолар соатига уч доллар ишласалар ҳам, уларнинг кўпчилиги унга ўхшаб ва ундан ҳам камбағалроқ эдилар; шу сабабдан Билли бу камбағал одамлардан ҳозир қилаётган пул ҳайр-эҳсонларидан ортиқчасини сўраб олмас эди. Шундай бўлсада, у ўн улуш келтиришнинг Библияча принциплари ҳақида ваъз қилди; ва ҳар бир аъзо ўз даромадининг ўндан бир улушини хонанинг охирида шу мақсадда қўйилган қутига ташларди. Бироқ Билли бу пуллардан бир цент ҳам ўз шахсий ҳаражатларига ишлатмади. Бу пулларнинг ҳаммаси ҳар ой тўланадиган ссуда учун, қолгани эса, зўрға бинонинг ҳолатини ушлаб туришда ишлатилар эди. Учинчи сабаб, озроқ мағрурлик ва ўз кучига ишончи борлиги билан боғлиқ эди. У кучга тўлган ва ишлай билишлигидан, у ўйларди: “Нима учун энди ишламаслик керак экан?”

[84] Пулпарастлик: 1 Тимофей 6:10 (Тарж.)

Бир куни ҳисоб-китоб қилинадиган кунларидан бирида, Билли Меда билан биргаликда, Индианадаги коммунал хизмат компаниясида ишлаб, ҳафтасига оладиган иш ҳақи — 28 долларни тақсимлар эди. Биринчидан, ундан ўн улушни ажратди. Кейин Меда унга тўлаб қўйиш зарур бўлган ҳисобларни эслатди. Лекин қолган 25 доллар ва 20 центни қандай тақсимламасинлар, у кечиктириб бўлмайдиган қарзларини тўлашга етмас эди. Уларга 10 долларга яқин етишмасди. Билли хатни олди ва Медага кўрсатиб деди:

— Азизам, биз хатто бу учун тўловни ҳам бошлаёлмаймиз.

— Лекин биз буни тўлашимиз лозим-ку, ахир, — деди у. — О Билли, нима қиламиз энди?

Биллида фикр пайдо бўлди.

— Биласанми, нима? Бугун черковда мен ҳайр-эҳсон йиғаман.

Меда олдинига ҳайрон бўлди, кейин у бундан мамнун бўлди.

— Сен буни қандай қилар экансан, деб маза қилиб томоша қилмоқчиман.

Ўша оқшом қўшиқлар куйлаб бўлингач, ваъз қилишидан олдин Билли деди:

— Нима дердим, дўстлар, бугун... Хўш, сиздан буни сўрашни мен жуда ҳам хохламасдим...

У қанчалик сиқилиб турганини билган Меда, унга жилмайибгина қаради. Билли унга қарамасликка ҳаракат қилиб, қийналиб сўз танлар эди.

— Мен олдин ҳеч қачон бундай қилмовдим... бу оғир вақтлар, биласизми, ҳам... базўр етказаман... агар сизда ортиқча беш ёки ўн цент бор бўлса, ўшани шляпамга, қаторларингиз орасига узатишганларида ташламоқчи бўлсангизлар...

Нозир Уайзхарт олдинга ўтди, ҳайронлигининг бошқалардан кам эмаслиги, пасторини яхши кўрмаганлигидан эмас, қайтага у пасторини яхши кўрар эди. Уни ҳамма яхши кўрар ва Биллига ҳар турли йўл билан ёрдамга тайёр эдилар. Лекин улар ҳеч қачон, 12 йил мобайнида бунақаси бўлмаганлигидан ҳайрон эдилар.

Уайзхарт ака шляпа билан биринчи қатордан ўтди. Миссис Вебер чорзона фартуги чўнтагига қўл солгани ва ундан тўғнаб қўйиладиган танга-чақали ҳамёнини олганини кузатиб турди. У беш цент олганида, Биллининг юраги балиқчилар қармоғи ипидаги қўрғошин қармоқтошини қўл тубидаги балчиққа чўкканидай, маъюс тортди. Бу замонлар биргина у учун эмас, деярли ҳамма учун ҳам оғир эканлигини билар эди. Бундай қилишга ўзини мажбур қилолмади.

— Шошманг, Вебер опа, тўхтанг. Сизни беш цент ташлашингиз зарур эмас. Мен буни жиддий айтмовдим. Мен буни, сизлар нима қилар экансиз, деб қилгандим, холос.

Қария нозир Уайзхарт ҳеч қачон бундай гангиб қолмаганди.

— Бранхам ака, мен нима қилишим керак? — сўради у.

— Уайзхарт ака, шляпамни олдинги жойига қўйсанг бўлди. Мен хизматни давом эттираман.

Меда оғзини қўли билан бекитиб, бошини тебратди. Кўз ифодасига қараб, Билли уни кулаётганини тушунди.

Жон Райен, Биллининг эски қадрдони Жефферсонвиллидан шимолроқда истиқомат қилар, шу ҳафта, шу шаҳарда меҳмон бўлиб турган эди. Бу тетик чол 400 километр масофани “ярим-жон” велосипедида, ҳатто Мичиган штатидан келганди. Лекин бу велосипед унга шунчалар серташвиш бўлдики, уни қолдириб, уйга йўл-йўлакай машиналарда кетишга қарор қилди. Жон Райен одатдаги саҳийлигини қилиб, велосипедини Биллига берди, у бўлса, шу заҳоти уни ремонт қилди ва ўн центлик бўёқ билан бўяб, “ясантирди”. Бу велосипед тўғриси Биллига керак эмас эди, лекин у, эҳтимол зарур пулни топиш мақсади, уни сотиб юборарман, деб ўйлади.

Биллининг пул тўланмайдиган иккинчи иши, Индиана штатида ёввойи қушларни муҳофаза қилиш инспектори лавозими, унинг коммунал хизмат компаниясидаги ишига шунчалик мос келар эдики, у деярли камдан-кам ҳоллар қўшимча иш деб ҳисоблар эди. Бу ҳолда унинг омади келди, унинг линия электромонтёри бўлиб ишлаши ўз ҳажми бўйича қарийб иккала ишни ҳам қамраб олар эди. Коммунал хизмат компаниясидаги асосий вазифасидан бири, Индиана штатидаги, ўрмон ичидаги юзлаб километр чўзилган, ўтиш қийин бўлган юқори кучланиш линиясини текшириш ва таъмирлаш эди. Бу жойларнинг катта қисми йўлдан олисда жойлашган, шу сабабдан тез-тез Биллига кунига 50 километрлаб яёв юришига тўғри келар, ҳафтаси олти кун, — ва бунинг ҳаммаси соатига 60 цент учун. Лекин бу иши пулдан ташқари бошқа мукофотни ҳадя қилар эди. Бу иш ёрдамида у шаҳардан чиқиб, жуда яхши кўрган, одам оёғи етмаган жойларга боролар эди. Ҳар замонда ёввойи қушларни қўриқлаш инспектори вазифаси шарофати билан бирон-бир браконьерни тузалишига ёрдам беришни уддалар эди; бу, ўз навбатида ўша жойнинг тирик табиатини ҳимоя қилишга ёрдам берар эди. Бунинг устига, ўз ёвонларида ишлаётган фермерлар билан гаплашиш учун ҳар доим тўхталар эди. Суҳбат ҳар доим Худо ҳақидаги мавзуга келиб тақаларди ва Биллига Исо Масиҳ

муҳаббати билан ўртоқлашиши учун имконият пайдо бўлар эди. Баъзан қайсидир-бир фермернинг кўнгли юмшар ва ўз қалбини Исога топширар эди. Билли дарҳол у билан яқинроқдаги дарёчага жўнар ва уни Раббий Исмига чўқинтирар эди. Уларнинг иккиси ҳам ич-ичигача ивиб кетган кийимда ажрашишар ва қувонч билан ўз ишларини бажаришга қайтишишар эдилар.

Бир куни Билли, Индиана штатидаги Генривилла яқинларида бўлганида, у балиқлар ва қушларни қўриқлаш вазирлиги топшириғи бўйича дарёчага балиқ қўйворганди. У дўстларидан бирининг фермаси яқинларига келиб қолган ва бундан олдин тасодифан унинг бетоблигини эшитган эди. Шунинг учун Билли бу одамдан хабар олса ва у учун ибодат қилса, ажойиб иш бўларди, деб ўйлади. Ферма бор-йўғи бир неча шох-шабба билан ўралган яйловлардан иборат масофада жойлашганлигидан, Билли бу йўллардан машинада ўтиб, ўзини қийнамасликка қарор қилди. Револьверни қинини ечди, юк машинаси олдинги ўриндиғига уни ташлади, эшикни ёпди ва бу яйловларнинг тўртала бурчагига "ХАВФЛИ! ҲЎКИЗДАН САҚЛАН!" — деб огоҳлантирувчи ёзувлар бириктирилганлиги ҳақида умуман унутиб, биринчи тўсиқдан ошиб ўтди.

Майсазордан борар экан, Билли Масиҳчилар мадҳиясини хиргойи қилар эди. Яйлов ўртасида баланд бўлмаган дублар — бўйи ўртача уч метрга етадиган пастқам дуксимон дарахтлар — ўрмончани ташкил қилганди. Билли бу дарахтларга яқинлашгани эдиямки, бирданига ўтлар орасидан баҳайбат ҳўкиз кўтарилди-да, пишқирди. У дуб шохлари соясида ётар, шу дақиқагача унга кўринмаганди. Билли дарҳол хавфни тушунди, чунки айнан шу машҳур бўлиб кетган гернзей зотидан эди. У Жефферсонвилли яқинидаги Беркнинг фермасидаги зотдор ҳўкиз бўлиб, лекин урушқоқ феълини кўрсатиб, ниҳоят, ўзининг молбоқарини ўлгудай сузгани учун, уни эгаси ундан қутилишга мажбур бўлди. Бу яхши зотли ҳўкизлиги учун ўраб қўйилган қишлоқ жойида, ёвузлик қилишга имконият туғилмас деган умидда, Берк уни Генривиллидаги одамга сотиб юборган эди.

Билли бу ҳақида ҳаммасини биларди-ю, лекин ёдидан кўтарилган эди. Ҳозир саросимада ўзини қутилиб кетишга имкониятини чамалади. Пастгина дублар жуда ҳам мустаҳкам эмас ва бунинг устига бошқа томонда турганди. Тўсиқ девор ҳам узоқда қолган, шунинг учун фақат револьвердан фойдаланиш имконияти қолганди. Эҳтимол, у бу ҳайвонни отишга мажбур бўлар, лекин кейин унга фермерга етказилган зиён учун товон тўлашига тўғри келади.

Ёвуз-ҳўкиз бошини хам қилди, пишқирди ва туёғи билан ер қазий бошлади. Унинг дароз ўткир шохлари ҳақиқатдан ҳам ажалнинг қуроли бўлиб туюлар эди. Билли револьверни олмоқчи бўлган эди, аммо у ерда уни тополмади. Кейин у эслади: ахир уни юк машинаси ўриндиғида қолдирганди-ку!

"Нима ҳам дердим, Раббим, агар менинг ўлиш вақт-соатим келган бўлса, унда мен ҳақиқий эркакдай ўлимга юзма-юз чиқмоқчиман". У елкаларини ростлади ва ўз душманига бепарво қарай бошлади. Шу вақт Биллининг ичида ақлга сиғмайдиган бир ҳодиса юз берди. Унинг қўрқуви "парланиб кетди", ўрнига эса юраги раҳм ва ҳамдардлик натижасида туғилган шунақанги севгига тўлдики, бу нарсани олдинлари ҳис қилган ҳеч нарса билан таққослаб бўлмас эди. У ўйлаб қолди: "Бу бечора ҳўкиз бу ерда, ёвонда ётганди-ю, мен пайдо бўлдим-да, унинг оромини буздим. Унга ўзини-ўзи ҳимоя қилиш туғма инстинктидан, бошқа нарса маълум эмас".

Ҳўкиз айни ҳужум қилиш олдидан, туёқлари билан ерни тирнаб, тупроқни орқага отиб, борган сари тез-тез пишқирар эди. Билли баланд овозда деди: "Ҳўкиз, мен кечирим сўрайман, сени оромингни бузганим учун. Мени ўлдиришингни хохламайман. Мен — Худонинг хизматкориман ва ҳозир бетоб одам учун ибодат қилишга бораяпман. Мен бу огоҳлантирувчи ёзувлар ҳақида умуман унутибман".

Ҳўкиз бошини эгганча, бурама шохларини ўлжага аниқ нишонлаб, ҳужум қила бошлади. Ҳайратга қолдиргани шу эдики, Билли ҳеч қандай қўрқувни ҳис қилмади, балки фақатгина муҳаббатни туйди. У "Исо Масиҳ Исми билан, бор ўша ёққа ва ўша дарахтлар тагида ёт", — деди.

Жонивор ҳамла қилиш учун бор кучи билан тиришиб, ғазаб билан югуришда давом этди. Қачонки Биллигача уч метрча қолганди, ҳўкиз олд оёқларини ташлади ва чанг-тўзон ичида тўхтади. Унинг тумшуғида ғалати ифода пайдо бўлди ва у боши билан олдин ўнгга, кейин эса чапга чайқай бошлади. Шундан кейин ҳўкиз бурилди ва Биллига думини силкитди. У пастқам дублар олдига аста-секин қайтди, ерга ётиб, Биллининг ўтлоқдан қолган йўлни ўтаётганини кузатди.

Ўша куни, кун бўйи — ва кейинги кунлар давомида — Билли ўша ўтлоқда ҳўкиз билан ўртасида бўлиб ўтган воқеадан завқланиб юрди. Қарийб, муқаррар ўлимга юзма-юз бўлганда, у ташвиши ва шахсий манфаатларидан қандай қилибдир четга чиқа олди ва бошқа ҳаётнинг томир урушини ҳис қила олди. У қандайдир тарзда ҳўкизнинг ҳуркишию-ҳаяжонини тушунди ва унга ҳамдарлик қилди. Билли пастор бўлиб турган экан, тез-тез бошқа одамлар учун ўзидаги борини беришга ҳаракат қилар, қўлидан келган заҳоти улар учун ғамхўрлик қилар ва ёрдам берар эди. Аммо

бу сафар бошидан кечиргани нимаси биландир бошқалардан фарқ қилар ва ўзида қандайдир чуқурроқ ва сирлироқ нарсани мужассам этган эди. Ҳаётининг бир неча дақиқасида,унда қўрқув бутунлай йўқолди ва у мукаммал, чин муҳаббатни ҳис қилди.

ТАХМИНАН, шу вақтнинг ўзида Билли қўшниси — унинг квартали охирида истиқомат қилувчи миссис Ридни, — туберкулёздан ўлаётганини эшитди. Уни тўртала болачасини бу жуда юқумли касалликдан асраш учун, Луисвиллидаги санаторияга ўтказдилар. Туберкулёз — Хоупни нобуд қилган иблис, ёвуз руҳ бўлганлиги туфайли, Билли кўнглида миссис Ридга нисбатан чуқур қайғуга тушди. У бетоб аёл ҳақида ўйлашдан ўзини тўхтатолмасди: шундай ёш аёлга, шунчалик кўп қийналишга ва бу бечора болаларини етим қолдиришига тўғри келади.

Бир куни кечқурун Билли санаторияга борди ва у аёл учун ибодат қилди. Икки кун ўтиб у айвонида ўтирган эди ва Раббий унга миссис Рид ҳақида ваҳий кўрсатди, ваҳийда у оқсоч кампир бўлиб, ҳамма катта болалар билан қўл бериб кўришаётган эди. Билли санаторияга қайтди ва унга:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЯПТИ: “Сиз яшайсиз!”

— О-о, Худога шукур! — миссис Рид хитоб қилди.

Билли сўради:

— Қачон туриб кетсангиз, У сизнинг гуноҳларингиздан оқлаши учун, Унга имон келтириб, Раббий Исо Масиҳ Исмидан чўмдирилишни қабул қиласизми?

— Худо менга неки буюрса, мен ҳаммасини қиламан, — деб жавоб берди у.

Бир неча кундан сўнг, Билли уйи ёнидаги тротуарда турганча, яқинда сотиб олган велосипедида озиқ-овқат дўконига кетмоқчи бўлиб турган эди. У энди оёғини рамадан ошириб, велосипедни итариб юргизмоқчи ҳам эдики, бирдан уни яқин қўшниси чақириб қолди:

— Эй, воиз, бир дақиқа тўхтада. Бу сен қаёққа кетаяпсан?

— Хайрли тонг, мистер Эндрюс. Мен озиқ-овқат дўконига бораяпман. Мумкин, сиз учун у ердан бирор нарса харид қилишимни хохларсиз.

— Йўҳ-э. Мен сендан бир нималар ҳақида сўрамоқчиман.

Бу сўзлардан кейин унинг товуши айбни фош қиладиган оҳангга ўтди.

— Наҳотки, сенга ўзинг учун уят эмасми?

— Сиз нимани кўзда тутяпсиз?

— Сен у бечора ўлаётган аёлга, сен яшайсан деб, унинг оиласини ёлғондан умидвор қилдинг.

Билли гап нимадалигини энди тушунди. Мистер Эндрюс кўпроқ одамшаванда қўшни эди-ю, аммо у ҳамма вақт Билли эътироф этадиган Худога ишонишга келганда, дағал муносабатда эди. Мистер Эндрюс Рид билан давлат темирйўл станциясида ишлар ва бу ваҳий тўғрисида ундан эшитган бўлиши керак.

— Нима ҳам дердим, мистер Эндрюс, у *яшайди*, — Билли ўзиникида туриб олди.

— Ҳар йили туберкулёздан минглаб одамлар ўладилар. Сени миссис Рид тирик қолади, деб ўйлашга нима ундайди?

Билли унга ўзининг ягона тушунтиришини берди:

— Чунки Исо шундай дейди. У менга бу ҳақида ваҳий кўрсатди.

— Сенинг ўрнингда бўлганимда, ҳамма ерда юриб ва одамларни шундай алдашдан мен уялган бўлар эдим. Биламан, мен сенга баджаҳллик қилаяпман, аммо...

— Ҳаммаси жойида, мистер Эндрюс. Сизда ўз тушунчангиз, менда эса ўзимники.

Билли шу сўзлар билан велосипедга минди-да, кетди.

Бу пайтга келиб миссис Риднинг аҳволи шунчалик яхши бўлдики, врачлар унинг ўпкасини яна бир бор рентгенга тушурмоқчи бўлдилар. Уларнинг мутлақо ҳайрон қолишларига яраша, улар аёл танасида касалликдан бирорта ҳам белги тополмадилар. Уни санаторияда ушлашга бошқа ҳеч қандай сабаб қолмади. Катта қувонч ва ҳурмат билан у уйига, ўз оиласига қайтди.

Икки кун ўтиб, Меда шундай деди:

— Билли, бугун мен миссис Эндрюс жуда бетоблигини билдим. Сен бориб, ундан хабар олишинг керак.

— Яхши, мен бораман, лекин унинг эридан эҳтиёт бўлишимга тўғри келади. У мен ҳақимда жуда ҳам яхши фикрда эмас.

Билли қўшниси эшигига борди ва тақиллатди. Мистер Эндрюс эшикни очди.

— Ассалому алайкум, мистер Эндрюс. Мен хотингиз бетоблигини эшитиб қолдим. Сизга бирор нарсада фойдам теголармикан?

— Қулоқ солда, менга, — қўшниси қўпол жавоб берди, — бизда яхши врачимиз бор ва биз сени ҳеч қанақа ёрдамингга муҳтож эмасмиз. Унда бор-йўғи кўричак. Биз уни олиб ташлаймиз, шу билан унинг ҳамма муаммоси тугайди. Бу ерда бизга ҳеч қандай ибодат керак эмас.

— Мистер Эндрюс, мен ҳатто хотинингиз учун ибодат қилай, майлими, деб ҳали сўраганим ҳам йўқ. Мен ўз ёрдамимни таклиф қилмоқчи эдим, холос. Мен сизга кечки овқатга бирор нарса келтира олишим, ёки дўконга озиқ-овқат учун бориб келишим, ёки яна бирор бошқа нарсада ёрдам бера олишим мумкин эди.

— Раҳмат, яна бир бор раҳмат, — мистер Эндрюс қўполлик билан деди. — Ҳаммаси вазият назорати остида.

— Мен, албатта, шундай бўлса ҳам керак, деб умид қиламан, — жавоб қилди Билли. — Агар бирор нарсада менинг ёрдамим керак бўлиб қолса, менга билдирсангиз бўлди.

Қўшниси тўнғиллаганча, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Кейинги куни эрталаб, Билли одатдагидек коммунал хизматлар компанияси учун юқори кучланиш линияларини текшириш ва таъмирлаш мақсадида ишга борди. У юк машинасидан чиқди, қушларни муҳофаза қилиш инспектори тасмаларини тақди ва йўлдан юқорилаб кета бошлади. У юк машинасидан узоқлашишга улгурмадиямки, шу пайтнинг ўзида бурилишга ва уйга қайтишга кучли хохиш сезди. Булутли осмондан ёмғир майдалар, лекин уни ишга боришини бекор қиладиган даражада кучли эмасди; шу учун у кутилмагандаги ҳаво ўзгаришини менсимай, юришда давом этди. Бу, ўша ҳис-туйғу яна қайтди ва бу сафар қатъийроқ бўлди. Билли юк машинасига қайтди ва рация орқали бригадирига бугун ишлай олмаслигини маълум қилди. Кейин уйига жўнади.

Меда эрини эшикдан кириб келганига ҳайрон бўлди, ҳали ҳовлида тонгги маҳал эди-да.

— Нимага қайтдинг?

— Мен ўзим ҳам аниқ билмайман. Раббим менга қайтишимни буюрди, шу учун ҳам мен келдим.

У револьверини ошхона столига қўйди, уни бўлакларга бўлди ва ёғлаб ва уларни ҳар бирини арта бошлади. Деразадан мистер Эндрюсни уйи ёқалаб, уникига келаётганини кўрди. Икки дақиқадан сўнг эшик тақиллади ва мистер Эндрюс овоз берди:

— Миссис Бранхам, воиз уйдами?

Ошхона столида уририб юрган Меда қўлини фартугига артди-да:

— Ҳа. Киринг, мистер Эндрюс, — деди.

Қўшнилари гўё қамчи еган итни эслатадиган қиёфада, ошхона эшиги орқали ўтди. Кўзлари қизарган, шишган, бурни оқиб, бошидаги шляпаси эзилган, формасини йўқотган эди.

— Салом, воиз, — деди у ғамгин овозда.

— Ассалому алайкум, мистер Эндрюс. Марҳамат ўтиринг.

Мистер Эндрюс Биллининг ёнида ўтирди. Юзидаги ҳар бир ажин унинг асаби бузилганидан далолат берар эди.

— Сен миссис Эндрюс тўғрисида эшитдингми?

— Йўқ. А нима бўлди?

— Унда, воиз, — деди у қалтироқ товуш билан, — у ўлаяпти.

— Менга буни эшитиш жуда оғир, аянчли, мистер Эндрюс. Лекин сизда яхши врач борлигини мен биламан.

— Ҳа, — деди у бурун қоқиб, — лекин ҳар ҳолда бу кўричак эмас экан. Бу уюшган қон экан ва бир неча соатдан кейин у унинг юрагига етиб келаркан. Биз учун ҳозир касалхонага Луисвиллидан мутахассис келди. Уни айтиши бўйича шу уюшган қон юрагига етиб борса, у ўларкан.

— О-о, бу жуда ёмон, — деди Билли. — Менга бу нарсани эшитиш жуда оғир, лекин сизда бу касалликни шифолаш учун яхши врач бор.

Мистер Эндрюс тутина бошлади ва гапиришга қийналиб сўз топар эди.

— Хўш... ҳм...у аҳволи жуда оғир, тушунасанми, ҳам... ҳм... мен билмоқчи эдим, агар... э-э... сен унга ёрдам беролмасмидинг?

— Мен? — Билли қўлини кўксига қўйганча сўради. — Мен ахир врач эмасманку. Мен нима қилишни қандай биламан?

— Хўш... ҳм... биласанми... мумкин, сен унга, анави томондаги аёлга ёрдам бергандинг-ку... миссис Ридга, ўшандай унга сен озроқ ёрдам берасанми, деб мен ўйловдим.

— Буни мен қилмовдим, — тушунтирди Билли

— Раббий Исо, айнан У миссис Ридга ёрдам берди. Мен бўлсам сизни Унга ишонмайсиз деб ўйлабман.

Мистер Эндрюс елка қисди.

— Биласанми, менинг холаларимдан бири, у тепаликларда яшайдигани Масиҳчи эди. Бир куни у Худога сўз берганди, ўша жойдаги воизга йилнинг охирида беш доллар тўлайман деб. Бу пулни тўплаш учун у бировларнинг кийимларини ювар эди, лекин, фақат йил охирлаб қолиб, шу доллар унда бўлмай қолди, холос. Ўша воизнинг келишига бир кун қолганда, у беш центга янги бир бўлак совун харид қилган. Кир ювиш тоғораси устида бош эгиб, ваъдаси устидан чиқмаганлигидан йиғлаган. У фартуги билан кўз ёшларини артган, кейин кўпик чиқиши учун ўша совун бўлагини кир ювиш тахтасига ишқалаб қўлини сувга солган. Совун нима учундир ғалати жарангдор товуш чиқарган. Синчиклаб қараб, ўша бўлак совунга ботган беш долларлик тангани топиб олган. Шу учун, ҳарқалай у Худога берган ваъдаси устидан чиқолган.

— Қандай қилиб тилло танга у ёққа тушиб қолганикан? — сўради Билли, буни жавобини ўзи била туриб.

Мистер Эндрюс бош чайқади, ва деди:

— Мен билмасам. Мен ўзим ҳам шуни тез-тез ўйлаб қоламан.

— Мен айтаман сизга, у қандай у ердан чиқиб қолди. Буни тирилган Исо қилган. У аёл тоза виждон ва юракдаги ҳалол ният билан ваъда берди. У буни уддасидан чиқаман деб ўйлаган. Худо уни ниятига етишига йўл очиб берган.

Мистер Эндрюс бош ирғаб маъқуллади ва деди:

— Мен бир неча бор бу ҳақида ўйловдим. Бу нарса ҳатто менга, Худо борми ўзи ё йўқми, деб ўзимга-ўзим савол беришимгача ундади.

— Мистер Эндрюс, Худо *бор.*

У одам бошини эгди.

— Сен нима деб ўйлайсан, У менинг хотинимга ёрдам бера оладими?

— Албатта. Мен биламан, У ёрдам беролади.

— Сен у учун ибодат қилолмасмидинг? — мистер Эндрюс ялина бошлади.

— Ҳаммасини бир бошидан қиламиз. Олдин сиз юрагингизни тартибга келтиришингиз керак. Сиз шу ерда мен билан тиз чўкмайсизми, биз биргаликда ибодат қилар эдик?

— Хўш... мен—мен нима дейишни ҳам билмасам керак.

— Мен сизга ёрдам бераман.

Хуллас, улар стулларини столдан суриб қўйдилар ва тиз чўкканча, тирсаклари билан ўринларига суяндилар. Билли ўргата бошлади:

— Чин юракдан айтинг: “Худойим, менга раҳм-шафқат қилгин, гуноҳкорга”.

Улар токи бу суяк-суягигача ўтиб кетган атеист ўз шахсий кўз ёшлари билан Исо Масиҳга ишонишга йўл очмагунига қадар ибодат қилишда давом этдилар. Кейин мистер Эндрюс нам кўзларини артиб, туриб сўради:

— Хўш, воиз, сен ҳозир касалхонага борасанми?

— Ҳа, мен ҳозир бораман.

Меда у билан борди. Улар касалхона палатасига кирган пайт миссис Эндрюснинг аҳволи шунчалик оғир эдики, унинг кўзи қарийб хиралашган ва ҳаётий кучдан маҳрум бўлаёзганди. Унинг юзи шунчалар шишиб кетганидан, улар билан кўп йиллар қўшни бўлиб яшаётган ўша аёлга базўр ўхшар эди. Уни кўриб, Меда йиғлай бошлади. Билли касалхона кровати ёнида тиз чўкди ва ибодат қила бошлади: “Азиз Худовандим, илтимос, миссис Эндрюсга ёрдам бер. Биз ҳаммамиз ночормиз. Врач қўлидан келган ҳамма нарсани қилдиям, шундаям у олдингидай ўлимга кетяпти. Исо, биз биламиз, Сен ўликлардан тирилдинг ва энди хохлаганингни амалга ошириш кучига эга бўлиб, орамизда тириксан. Биз Сендан илтимос қилиб сўраймиз, бу бечора аёлга раҳм қилиб, уни яшашига рухсат бер”.

Билли у ерда миссис Эндрюснинг шишиб кетган қўлларини ушлаганча, бир неча муддат турди.

— Сен бирор нарса кўраяпсанми? — Меда сўради.

— Йўқ, азизам, мен ҳеч нарса кўрмаяпман.

Улар палатадан чиқдилар ва пастга каридор бўйлаб, дераза орқали чақалоқларга қараш учун туғруқхона бўлимига бордилар. Кейин улар миссис Эндрюснинг палатасига қайтишди.

Билли остонадан ўтиши билан, у миссис Эндрюснинг ўз ошхонасидаги духовкадан олма пирогини олаётганини кўрди. Кейин у ўзини, уйининг айвонида ўтирганини кўрди. Миссис Эндрюс уйнинг бурчагидан чиқиб келди ва унга пирогни ҳаммасини олишини сўради. Пирогларни бўлакларга бўлиб, Билли учбурчак бўлакни олди ва уни ея бошлади.

Шундан кейин, шунчалар у бирданига ва яшиндай у йўқ бўлиб қолиб, яна касалхона палатасида ҳозир бўлиб қолди. Медага бурилиб, у деди:

— Азизам, ҳаммаси жойида бўлади. Қайғурма. Худо бизнинг ибодатимизни эшитди.

Ҳамшира тасодифан унинг мулоҳазасини эшитиб қолди ва сўради:

— Муҳтарам Бранхам, сиз бу билан нима демоқчисиз?

Билли унга тушунтирди:

— Миссис Эндрюс уч кундан кейин менга пирог пишириб беради. Агар бундай бўлиб чиқмаса, мен хизматчилик вазифасидан кетаман.

Мистер Эндрюснинг уйига қайтиб, Билли унга деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Хотинингиз соғаяди”. Ҳавотир олманг, мистер Эндрюс.

— Қандай қилиб сен бунчалик ишонасан?

— Худо ўшандагидек, миссис Рид яшайди деб айтган ваҳийдаги каби, худди шундай ваҳий орқали гапирди; ва ҳозир у уйида, яхши аҳволда.

Аммо Билли олма пироги ҳақидаги эпизодни гапириб ўтирмади

Билли Меда билан уйига кетди. Икки соатдан кейин, мистер Эндрюс яна Биллининг эшигини қоқди.

— Воиз, у ҳозир ўлади деб, врач айтяпти Уни томоғи хариллаб қолди.

— Лекин Раббий Исо у яшайди деб айтди, — деб жавоб қилди Билли, уни юпатишга ҳаракат қилиб. — Наҳотки сиз менинг айтганларимга ишонмайсиз?

— Майли, воиз, мен ишонишни хохлайман, лекин врачлар уни бир соатдан ўтмайди, дейишяпти.

— Врачларнинг нима дейишганини ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Қачонки Худо бирор нима деса, бу албатта ижобат бўлади.

Ҳаяжонланган ва ҳар қандай ишончдан айрилганча, мистер Эндрюс касалхонага кетди. Меда миссис Эндрюснинг оғир аҳволини эслаб, эридан сўради:

— Билли, сен ўзинг аслида нима деб ўйлайсан?

— О-о, бу учун ташвишланма. Худо шундай дедими шу ишни ҳал қилади ҳам. Бу аёл уч кундан кейин мен учун олма пироги пиширади ва мен биринчи бўлакни айвонда ўтирганимда ейман. Агар шундай бўлмаса, унда мен орқали Худо эмас, бошқа гапирган бўлади.

Бир соат ичида мистер Эндрюс қувончдан яшнаб келди ва бақирди:

— Воиз, биласанми, нима бўлди?

Билли энди револьверни бўлакларини йиғиб бўлган эди. У барабанни буради, уни ўтқазди ва револьверни қайтиб қинига солиб қўйди.

— Нима бўлди, мистер Эндрюс? — деб сўради у.

— Ундан ҳамма суюқлик чиқди. У тўшагида туриб ўтирди ва “мен ўлардек очман”, деди. Қачонки ҳамширалардан бири унга озроқ товуқ шўрва келтирувди, у, “мен шўрва хохламайман, менга сосиска ва тузланган карам беринг”, деди. Воиз, улар айтяптики, мен бир неча кундан кейин уни уйга олиб кетсам бўларкан!

Бундан уч кун ўтиб, Билли айвонида ўтирар эди, миссис Эндрюс уйи бурчагидан қўлларида пирог билан чиқди. Билли оёқларини узатиб, ҳали ҳеч қачон емаган, энг ширин олма пирогини зўр иштаҳа билан еди.

Кейинги куни Билли ўзининг янгиланган велосипедини ўн долларга сотди; бу пул айни унинг қарзларини ва ўша ой учун харажатларига етар эди. Раббий у ҳақида ғамхўрлик қилишини билар эди.

28-БОБ
ФАРИШТА ВА ҒОР
1946

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ касалхона қабул бўлимида соатлаб орқа-олдинга бориб келарди. Шу яқиндаги туғруқхона палатасида хотини Меда, ўзининг биринчи боласига кўзи ёриши эди. Бу оғир туғруқ бўлди. Охири врачлар уни қизчасини она қорнини ёриб олдилар. Бу 21 март 1946 йил — Медага 27 ёш тўлишига 5 кун қолганда содир бўлди.

Ўша куни кечроқ, врач Биллига болаларни кўпайтирмасликни маслаҳат берди. Унинг профессионал фикри бўйича, Меданинг танаси яна бир бор тўлғоқ пайтидаги қийноққа чидай олмас экан. Билли бу маслаҳатни философ нуқтаи-назардан эътиборга олди. У ҳозир салкам 37 ёшда эди. Бор йўғи бир неча йил олдин у, Билли Поль унинг ягона оила аъзоси бўлиб қолади, деб ўйлар эди. Энди бўлса Билли, нафақат хотинини эркалар, балки кичкинагина қизалоғини ҳам аллаларди. Агар Худо унда бундан кейин бошқа бола бўлмайди деб қарор қилса, у ўз тақдирига шикоят қилолмас эди.

Меда билан Билли қизалоқни Ривқо деб атадилар. Ривқо, усиз ҳам тор икки хонали уйларини яна кўпроқ тиғиз қилган бўлсада, у бу ноқулайлик ўрнини Билли ҳаётига "янгилик" қўшиши билан тўлдирди, акс ҳолда унинг кунлари руҳий эзилганлик ва ўзига ишончсизликдан, оғир кечарди.

Биллининг руҳий тушкун аҳволи чуқур илдизга эга эди. У элликчилар черковларида ваъз қилиш имкониятини рад қилганидан бери (салкам ўн йил бурун), у Худо билан мулоқотдан жуда ҳам кам, ҳар замонда қониқиш оларди. Бу йиллар давомида Билли буюк ғайрат ва қунт билан ибодат қилган, Библияни ўрганган, воизлик ва гувоҳлик қилган бўлса ҳам, у бир жойда ҳеч қаёққа силжимай, туриб қолгандай эди. Албатта, озмунча ваҳийлар ва шифолашлар бўлмаганди, уларнинг баъзилари ҳайратланарли ҳам эди. Аммо бу, мантиққа сиғмайдигани — парадокс эди, чунки бу воқеалар Биллини тинчлантирмас, балки янада кўпроқ ташвишлантирар, чунки ўша жойдаги қарийб ҳамма хизматчилар уларни қаттиқ танқид қилар эди. Қўполроқ пасторлар Биллини йўлдан оздирувчи, жинга чалинган ва виждонсиз фирибгар дея ҳукм қилишар эди; раҳмдилроқлари бўлса уни, яхши ният истагидаги адашган одам деб атардилар, холос. Шундай бўлса-да, бу хизматчиларнинг бариси, Билли кўрган ваҳийлар ва унинг кетидан бўлаётган ғаройиботлар, — бу ҳаммаси иблис кучи билан қилинаяпти, деган умумий битимга келдилар, чунки, уларнинг фикри бўйича, Худо бунақанги нарсаларни бошқа энди қилмайди.

Қачонки Билли Масиҳчи бўлганида, бунақа хизматчилар уни айблаб, қоралаб муомала қилишлари уни ўйлантирар, ташвишга солар эди. Нима бўлганда ҳам, у кўрган келажак тўғрисидаги ваҳийлар нафақат, доим ижобат бўлди, балки бирор киши ҳаётида ғайритабиий шифоланишга йўл кўрсатиб, доим кимгадир ёрдам берар эди. Бундай яхши натижалар бераётган нарса, қандай қилиб ёвуз шайтондан[85] илҳомланган бўлиши мумкин. Аммо ўз тенгқурлари томонидан бир неча йил доимий танқидлари сабабли, охир-оқибат Биллининг фикрлари тескари томонга оғиб кетди. Ахир шунчалик кўплаб ақлли одамлар — Масиҳ Хушхабарини тарқатишда унинг ҳамкорлари — бу ваҳийлар иблисдан илҳомланган дея бир фикрда бўлса, унда бу ваҳийлар чинданам нотўғри, сохта манбадан бўлиши керак. Бундан Билли дилида жуда ҳам қийналарди. У Исо Масиҳни бутун юраги билан севар экан, шайтон унинг ҳаётида ғалати, тушунарсиз ҳокимликка эга эканлигини ўйласа, бу ўй уни ўзини бахтсиз ҳис қилишига қўзғар эди. Энди у бундай ҳодисотлардан озод бўлиши учун: — "Илтимос, Худойим, буни мендан олиб ташла. Мен бошқа ҳеч қачон буни кўришни истамайман. Самовий Ота, мен ҳозир Масиҳчиман. Мен шайтонга тегишли эмасман, мен Сенга тегишли. Илтимос, мен билан бу ғалати нарсалар яна бўлишига йўл қўйма. Ҳозир мен қандай яшаётган бўлсам, шундай яшашда давом этишимга йўл берма. Мен бошқа Масиҳчи хизматкорлар каби бўлишни хохлайман: Каломни менга ўргатганларидай ўрганаман, холос", — деб Худодан узоқ-узоқ сўраб ибодат қилди.

[85] Эфесликларга 2:2 (Тарж.)

У бунга нисбатан ибодатларига ҳеч қанақа жавоб олмади.

Қизи Ривқо туғилганидан кейин, кўп кун ўтмай, навбатдаги ваҳий кўрсатилиб, унда у ўзини йўлдан шимоли-шарқ йўналишида бораётганини кўрди. Бироздан кейин Худо Руҳи уни қайтариб, унга ғарб томонни кўрсатди. Билли бепоён текисликни кўрди, кейин бу текисликдан тоғ — баланд гумбазли черковлар тоғи кўтарилаётганини кузата бошлади.

Биллининг ортида ўнг томонида Фаришта турар ва унинг орқа томонида бўлганидан кўринмас эди. Фаришта унга буюрди:

— ***Ғарбга, шу тоққа бор.***

Билли унга бўйсинди. Яқинлашган сари, тоғ этагида эшикни кўрди. У ичкарига кирди ва у ерда тўй кийимидаги чиройли аёлни кўрди. Маҳорат билан тикилган бу кўйлак, шубҳасиз, бир вақтлар қандай оппоқ бўлган, энди ифлос ва кир кўринарди. Аёл айтди:

— Ассалом. Мен — миссис Методистман. А сиз тасодифан Билли Бранхам ака эмасмисиз?

— Ҳа, бу менман. Айтингчи менга, нима учун сизнинг кўйлагингиз шундай ифлос бўлган.

— А, буми, — деди у, кафтини кўтарди ва кейин билагини тушурди, бу ҳаракати билан бепарволигини билдирди. — Мен шундай банд эдим.

— Тўппа-тўғри, — уни маъқуллади Билли. — Сиз методистларда шунчалик черков жамоатлари ва ташкилотлари кўпки, Раббий учун кўп вақт ажратолмайсиз.

Миссис Методист деди:

— Сиз мен учун юборилишингиз айтилган эди. Балки, яхшиси бориб, эримни уйғотиб келарман.

У шоша-пиша ён томондаги туннелга кўринмай кетди ва бошқа қайтмадиям.

Ўнг томонга қараб, қотиб қолган буханка нони тўдасини пайқади, унинг атрофини оқ товуқлар ўраб олган эди. Қақалашганча, бу тансиқ таомни йўқотиб қўймаслик учун, ора-сира бошқа томонларга ҳам қараб қўйишар эди; улардан айримлари бу тўдадан озроқ чўқишар эди, лекин нонинг кўп қисми тегинилмай қолди.

*— **Сен уларни биласанми?** — Фаришта сўради.*

— Йўқ, — жавоб берди Билли.

*— **Бу сенинг черковинг ва улар Ҳаёт Нонидан бошқа емайдилар. Мен сени узоқ ғарбга юбораман.***

Ғарбга юравериб, Билли бу тоғдан олислаб кетди ва бепоён ёвонга келди, у ерда у, кўриниши палаткани ёки гумбазли кафедрал соборни эслатадиган улкан бинони кўрди. Билли ёнбошидаги очиқ девордан ўтди, баланд платформага кўтарилди ва ниҳоят, баланд пардага келиб тўхтади.

*— **Пардани сур,** — буюрди Фаришта.*

Билли осиғлиқ арқонни тортди, парда бир томонга секин сурила бошлади, Биллининг кўз ўнгида Ҳаёт Нони улкан тўдаси очила бошлади. Фаришта деди:

*— **Бу билан одамларни боқ.***

Билли қаради ва у ёққа ҳар томондан оқиб келаётган оқ кийимли одамлар тўдасини кўрди; улар палаткага тўпланишиб катта йиғилишни ташкил қилдилар.

Кейин ваҳий тугади.

Бу ваҳий Биллини одатдагидан кўра кўпроқ хавотирга солди. У кейинги пайтлар, бу ўзи хохламайдиган ва миясини гангитадиган ҳодисалардан халос бўлиш учун зўр бериб ибодат қилди, лекин мана яна бири, таппа-тайёр. Нима учун Худо уни шайтоннинг қийнашига йўл қўяди? Ҳамма кўнгилсизликларнинг устига бу ваҳий чуқур руҳий маънога эгадай кўринди; шунга қарамай, у унинг саволларига жавоб бермас, қайтанга, саволлар янада кўпайди. Нима учун энди у айнан ғарб томонга борди экан? Нима учун у Ҳаёт Нонидан иборат тоғ шунчалар буюк эди? У одамларнинг ҳаммаси қаердан пайдо бўлдилар? Ва ниҳоят, у қандай қилиб ўша ҳамма одамларни Ҳаёт Нони билан боқар экан? Ахир унинг ўзи камбағал эди, кўримсизгина шаҳарчадан, маълумотсиз воиз эди. Нима сабабдан шунчалик кўп одамлар, у қандай қилиб Хушхабар айтишини эшитиш мақсадида тўпланишди? Нима бўлганда ҳам, ҳозирга қадар бу ваҳийлар бехато эди. Эҳтимол, Биллининг онгидаги ҳамма саволлардан энг қийини мана бу эди: нимага энди иблис унга ваҳий бериши керак, улар эса ҳақиқат бўлиб чиқаяпти ва бажарилаяпти? Нима учун? Нима учун? Нима учун? Бунинг ҳаммаси шунчалар чалкаш туюлар эди.

Туш пайти, 7 май, сешанбада, Билли ўз ишидаги юк машинасини Ист Эйт Стрит 922[86] манзилидаги Бранхам Чодиридан бор-йўғи биттагина йўлдан бу ёқда турган уйи олдида тўхтатди. У машинасидан чиқувди ҳамки, унинг орқасидан черков аъзоларидан бири, Роджер Гиббс деган одам келиб, машинасини тўхтатди.

[86] Инглизчадан сўзма-сўз: 8-Шарқий кўча – 922.

— Билли, сен бугун мен билан Мэдисонга бора оласанми? — деб сўради Роджер.

— Роджер ака, узр, мен боролмайман. Бугун мен юқори кучланишли линияларни кўриб чиқиш учун Генривиллига боришим керак. Уйга кир. Хотиним тушлик тайёрлаган.

— Йўқ, мен боришим керак. Кейинги якшанбада черковда учрашамиз.

— Яхши. Якшанбада кўришгунча.

Билли енгларини шимарди, ҳовли олдидаги водопровод жўмрагидан қўлларини ювди. Кейин у уй ёнидан, револьверини айвонга қўйиб қўйиш учун, йўл-йўлакай унинг тасмаларини ечиб бораверди. Ўша жойни пешин жазирамасидан сақловчи катта заранг дарахти шохи тагига борган ҳам

эдики, боши узра шамол шовқинини эшитди. Баландга қараб, тўппа-тўғри унга қараб келаётган улкан қуюнни кўриб ҳаяжонга тушди. Унинг кўкрагига куч билан барг ва хашакларни урганча, гўё бу қуюн дарахт учларини ва томни тепасини учириб кетгудек эди. Билли гандираклаб кетди ва ҳушидан кетишига сал қолиб, эшик олдида чалқанчасига йиқилди.

Роджер Гиббс машинасидан сакраб тушди ва пасторига ёрдамга чопди.

— Билли ака, нима бўлди?

Билли нима бўлганига тушунмай, гир атрофга аста-секин қараб чиқди. Қуюн бўлмагандек эди; кун иссиқ ва тинч эди. У олдин заранг дарахти тепаларига, ундан кейин уйи томонга кўз югуртирди. Улар бус-бутун ва зарар кўрмаганлигидан у ҳайрон бўлди. Фақат шунда Билли нима бўлганини англади.

— Менда ҳаммаси жойида, — деди у ўзини тутиб олиб. — Роджер ака, кетсанг бўлади. Мени аҳволим яхши бўлади.

Меда кўзачада сув билан уйдан чопиб чиқди.

— Билли, сен беҳуш йиқилдингми?

— Йўқ. Мен билан ҳаммаси жойида, — деди у кўзани суриб.

Роджер кетгач, Меда ҳаммасини ундан суриштира бошлади.

— Билли, нима бўлди ўзи? Сен бетобмисан?

— Йўқ, азизам. Бу яна ўша ғалати ҳодиса.

Уни туришига ёрдам берди ва деди:

— Уйга борайлик. Тушлик аллақачон тайёр.

— Меда, севгилим, мен бу ҳаммасидан жуда чарчадим, — деди у ва унинг овозидан ички шубҳалари ва руҳий зиқликдан келиб чиқадиган қийналишларининг ифодаси бор эди. — Мен юрагим билан Исо Масиҳни яхши кўришимни биламан. Мен иблис билан ҳеч қанақа умумийликка эга бўлишни ҳам хохламайман. Мен сўрадим ва ялиндим Худодан, У менга бу нарсани бошқа бўлишига йўл қўймасин деб, бу нарса ҳеч нима бўлмагандай яна бўлиб ўтяпти. Мен бундай яшашда давом этолмайман; мен масиҳчидай яшашга интилган бир пайтда, ҳамма одам, иблис менинг пайимга тушгандейишяпти. Мен асирман!

— Билли, сен одамларнинг гапига қулоқ солмаслигинг керак.

— Азизам, лекин бошқа воизларга қарагин. Ахир улар бунақа нарсалардан қийналишмайдику.

Меда эрининг чуқур кўзларида қатъий ният пайдо бўлаётганини кўрди ва бу уни чўчитди.

— Нима қилмоқчи бўлаяпсан?

— Мен хохлардимки, сен мени бошлиғимга қўнғироқ қилсанг ва бугун тушдан кейин мени ишга бормаслигимни унга айтсанг. Эҳтимол, мен эртага қайтаман, мумкин, умуман қайтмасман ҳам. Унга айт, агар мен жума кунига қайтмасам, унда менинг ўрнимга бошқа одамни тайинласин. Меда, мен банк ҳисобида 17 доллар йиғганман. Бу сенга келгунимча етади.

— Билли, қаёққа кетмоқчисан ўзи? Нима қилмоқчисан?

— Мен Туннель Миллдаги ғоримга, Худо билан охиригача ярашиб олиш учун бораман. Қачон уйга қайтаман, мен билмайман: мумкин икки кундан кейин ёки икки ҳафтадан кейин. Меда, мен ўша ўрмондан, токи Худо шу ҳодисотларни мендан олади ва булар яна мен билан бўлишига йўл қўймайди, деб ваъда бермагунича, мен қайтмайман.

Туннелъ Миллга етиб келиб, Билли машинасини, йўл сойликдан ўтиб, кескин бурилган жойга тўхтатди. У тўсиқдаги тиканли симни орасини очиб ўтди ва ўзининг яширин ғорига қараб бурилди, йўлнинг асосий қисмида ибодатда бўлди. Ғорга етиб келгач, дарахтнинг ўша ерда йиқилиб ётган танасига ўтириб олди, Бибилияни очди ва кунинг қолган қисмини ўқиш ва ибодатда ўтказди.

Унинг эътиборини Коринфликларга Биринчи Мактубнинг 14-бобидан лавҳача, аниғи — 32 ва 33 оятлар: *“Пайғамбарларнинг руҳлари пайғамбарларга бўйсунади. Чунки Худо тартибсизлик Худоси эмас, тинчлик Худосидир...”* Мана Билли нимани юрагига жуда истар эди — тинчлик ва ором. У ҳали умуман ёш бола бўлган вақтларидан бери, биринчи ваҳийни кўрганидан бери саросималикка дучор бўлганди. У Масиҳчи бўлган вақтида ундаги парокандалик бир қанча вақт камайди, лекин бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Қани ўша тинчлик, Худо ваъда қилган тинчлик? Ва Бибилядаги *“пайғамбар руҳлари пайғамбарларга бўйсунади”*, деган сўзлар нима дегани экан?

Қуёш ботганидан кейин, Билли ғорга кирди. У ерда тор қоронғи йўлакда у ёқдан – бу ёққа бориб, у ўзини қийнаган саволига жон-жаҳди билан жавоб излашда давом этди. “Ота, мен билан бу ғалати нарсалар бўлишига нима учун Сен йўл қўясан? Ахир Сен биласанку, мен Сени севишимни. Мен жинга чалинган бўлишни хохламайман. Мен билан бу нарсалар бўлиб ўтишини хохламайман. Илтимос, Худойим, бу яна бўлишига йўл қўйма. Мен дўзахга боришни хохламайман. Агар

адашаётган бўлсам, бунчалик зўр бериб ваъз қилишимдан нима фойда. Мен нафақат ўзимни дўзахга жўнатаман, балки, бунинг устига юзлаб одамларни адаштираман”.

У изтиробларини Раббийга соатлаб тўкди. У томоғи ғириллаб ва кўзи шишиб кетмагунига қадар йиғлаб-сихтаб, зўр бериб ибодат қилди. Кейин қоронғуликда ўтирди. Ҳар нарсага Қодир Худо ҳақида ўйлаб ва фикрларини ой ва юлдузлардан ҳам узоқларга, вақт ва адабийлик ўлчовларига йўналтирганча, ва ниҳоят у ўз Яратувчисини учрата олиши мумкин бўлган ўша жойни тинмай излади. Бироз вақтдан кейин у турди ва яна бутун қалби билан сўраб, у ёқ – бу ёққа юра бошлади.

Жуда кеч бўлганда, Билли кроват ўрнида фойдаланиладиган қоя дўнглигига ўтирди, аммо унинг битта кўзида ҳам уйқу йўқ эди. “Худойим, илтимос, мени озод қил. Сен ахир юрагимни биласанку. Сени севишимни ҳам биласанку ахир. Ҳамма хизматчилар мени атрофимда ҳаракатланаётган руҳ шайтондан келаяпти, деб уқтиришаяптилар. Нима учун менинг ҳаётим азобларга тўла бўлишига йўл қўясан? Нима учун булардан мени озод қилиўни истамайсан? Худойим, мен мана шу ерда, агар Сен мен билан учрашмасанг ва мени бу асирликдан озодликка чиқармасанг, ўлмагунимча чиқмайман. Нимага энди Сен, мен ҳам қолган хизматчилардай бўлишим учун, мени бу ҳодисалардан озод қилмайсан?”

У яна ўша ғалати босимни ғис қилди, гўё қандайдир кўринмас куч ҳозиргина бу қоронғу ғорга киргандай эди. Унин териси санчилиб ва чеккасидаги сочлари диккайди. Эҳтимол, Раббий мана-мана унинг саволларига жавоб бермоқчи бўлаётгандир. У Худо Овозини эшитишни кутиб, қотиб қолди ва узоқ қоронғуда жим ўтирди. Бу кутиш вақтида унинг онгида кутилмаган фикр йилт этди: “Агар ўша ҳамма хизматчилар хато қилишаётган бўлсачи, нима бўлади?” Билли олдин ҳеч қачон бунақа эҳтимолликни қараб кўрмаган эди. Шунга қарамай, агар улар ҳақиқатдан ҳам адашсаларчи, унда нима бўлади? Агар бу ҳодисотларни шайтон эмас, балки Худо юзага келтираётган бўлса-чи, унда нима бўлади? Бироқ, агар бу шундай бўлса ҳам, унда нима учун фолбинлар, астролог ва медиумларга ҳаётдаги бу неъматни таний оладилару, шу вақтнинг ўзида бу Масиҳчи хизматчиларга бу ҳақда ҳеч нарса маълум эмас?

У бу саволни тузиши билан, жавоб унга сув босқинидай “шариллаб келди”. Исо туғилган пайтда фақат юлдуз кузатувчилар — улар астролог эдилар — Шарқда Унинг юлдузини кўрдилар ва то Байтлаҳмгача унинг ортидан эргашиб келдилар. Фалестиндаги бирорта муқаддас одам уни кўрмади. Ўша юлдузнинг ўзи эмасмикан, 1933 йил Огайо дарёси устида пайдо бўлган, қачонки у ўзининг биринчи уйғониш йиғилишларидан кейин одамларни сувга чўмдирганди? У ўша кунни шунчалар аниқ-равшан эслади: сув юзи ойнадай, зангори, тиниқ осмон; унинг боши узра пульс ураётган ўша олов шарини ва *“Яхё Чўмдирувчи Исо Масиҳнинг Биринчи Келишини хабар бериши учун юборилганидек, сенга Унинг Иккинчи Келишини хабар беришинг учун мактуб топширилади”,* — деб унга гапирган Овозни. Билли ўша куннинг ўзида, кечроқ, ишбилармонлар гуруҳи унга келганларини ва улар ундан бу ҳаммаси нима бўлса эканлигини сўраганларини эслади. Ўшанда у бунинг маъносини билмас эди; бу ўтган барча йиллар давомида ҳам, унга ҳеч нарса маълум эмас эди. Аммо ҳозир...ҳозир, тун жимлигида йиғлайвериб, кўзида ёши қуриб; ҳозир, томоғи қуриб, хириллаб қолгунча қичқириб; ҳозир, бутун ҳаётида биринчи марта Билли ўзига савол берди, у сўраш керак бўлмаган нарсани сўрамадимикан?!

Шунчалик узоқ йиллар давомида хира ва чигал ўтмиш манзаралари, ҳозир энди ҳайрон қолар даражада ойдинлаша бошлади. Исо ерда юрганда, Исроил диндорлари, фарзийлар, саддуқийлар, қонунчилар, уламолар, руҳоний ва раввинларга тўлиб тошганлиги ҳақидаги фикр, Биллининг миясига келди. Бу одамлардан кўпчилиги Ёзувни яхши тушунадиган, билимдон ва олимлар эди. Бироқ, ажабланарлиси шуки, қачонки Исо Ўзининг жамиятдаги хизматини бошлаганида, бу одамларнинг кўпчилиги Унга иблис, жинлар бошлиғи, ҳаммадан ҳам ўта-кетган медиум ва веельзевул дея ёмон лақаблар қўйиб, Уни мутлақо инкор қилдилар[87]. Бироқ ундан ҳам ғалатиси шу эдики — жинга чалинган одамлар “У — Худо Ўғли!”, дея Исони тўғри таний билдилар.[88]

[87] Матто 9:32-34, 10:25 ва 12:22-28; Марк 3:22-26; Лука 11:15-20
[88] Матто 8:28-26; Марк 1:22-24
[89] Ҳаворийлар 16:16-18

Ёзув жойлари “оқиб келаверганидан” ва унинг ақли ва тушунчасида бир-бирига боғланаверганидан Билли титроққа тушди. Воизлар Исони иблис десалар, жинлар эса Исони Исроилнинг Муқаддаси дейишди. Худди шу намунани Биллининг ҳаётига қўйиб қўйса бўлармикан? Ҳа, албаттада, зеро бу намуна нафақат Масиҳ ҳаётида бўлганди. Қачонки Павел ва Сила бутун Кичик Осиё бўйлаб ваъз қилганларида, ҳар бир шаҳарда иброний, яҳудий, солиҳ эркаклар уларни ёлғончи ва қаллоб деб эълон қилгандилар; шунга қарамай Филиппи шаҳридаги жинга чалинган фолбин хотин Павел ва Силани Худойи Таолонинг эрлари, нажот йўлини кўрсатаяптилар дея эълон қилди[89]. Кейин Билли Исо ҳамда Павелнинг бу жинларга ман қилиб ва жим бўлишларини буюриб, қилган

муносабатларини эслади. Улар иблиснинг ёрдамига муҳтож эмасдилар. Исо ҳамда Павел ўзларининг ким эканликларини жуда яхши билишар эди.

“Эҳтимол, бу ҳамма вақтлар мен адашгандирман”, — деб ўйлади Билли. “Мумкин, мен бунинг ҳаммасини бутун қалбим билан қабул қилишим, ўжарлик билан қаршилик қилмаслигим керак эдими?” У овозини чиқариб, ибодат қила бошлади: “Худойим, агар мен хато қилган бўлсам, унда мени кечир, илтимос”.

Билли бу сўзларни айтиши билан нур йилт этганини сезди ва сапчиб тушди. Бу яна нимаси? Кимдир ғорга фонарча билан кираяптими? Йўқ, нур ташқаридан тушмаяпти. У ғор ичида порлаяпти — кичикроқ нур гардиши, ҳавода муаллақ турар ва борган сари ўлчамда катталашиб ва ёрқинлиги ниҳоят, ғорнинг поли ва деворларини ёритаётган шовқин билан айланаётган олов шарига айланмагунига қадар кучаяверди. Билли бу кўзни қамаштирадиган ёрқин нурдан ҳимоя қилиш учун кўзларини қисиб олди ва юзини қўллари билан бекитди. Кейин у бўғиқ товушни эшитди:”топ, топ, топ”, — бу, кимдир ғорнинг полини босиб келаётган эди. Айнан шу янтарсимон олов шари остида Билли яланг оёқни ва оқ кийимни кўрди. Шундан кейин нурдан одам чиқди.

Бунинг устига шундай одам эдики, Биллига бутун ҳаёти давомида бундайин одамни кўришига тўғри келмаганди! Унинг тана тузилиши йирик: бўйи ҳеч бўлмаганда олти фут[90] ва вазни мумкин, юз килограммлар бор эди. Кўкрагида қовуштирган қўллари эса бақувват эди. Устидаги оппоқ кийими елкасига тушиб турган қора сочларини янада билдириб турар эди. У ўттиз ёшлар кўринар эди. Унинг соқолсиз силлиқ юзи қарийб, кўкимтир-жигарранг тусланар, кўзлари эса ўткир ва қоп-қора эди.

[90] 180 см.

Эркак киши Биллига яқинлашишда давом этди. Қаҳрабо тусли нур ғор тепасига кўтарилиб, ўлчами кичрая бошлади ва кейин, олдингидек “қайнаб”, энергияси уфуриб, бу нотаниш одам боши узра муаллақ турди. Биллида қочиб кетиш истаги пайдо бўлди, лекин ҳеч қаёққа қочиб бўлмас эди, чунки ғордан чиқишга этадиган тор каридорни бу нотаниш тўсиб турган эди. Билли даҳшатда кутиб, бармоқларидан бирини қаттиқ тишлаганидан, ундан қон чиқа бошлади.

Қачонки улар ораси бор-йўғи бир неча қадам қолганида, бу одам тўхтади ва Биллига яхши ният билан қаради. Билли бу юз ифодасини, гарчи у кейинчалик у ҳеч қандай уни тўлиқ ифодалай олмаган бўлса-да, умрбод эслаб қолди: у шунчалик меҳрибон ва хотиржам ва шу вақтнинг ўзида ундан куч ва қудрат таралар эдики, бундан Билли қўрқув босди.

***— Қўрқма,** — деди бу одам паст, жарангдор овоз билан.*

Билли бу товушни эшитиши биланоқ, ундаги қўрқув йўқолди. Бу ўша эди. Бунда ҳеч қандай хато бўлиши мумкин эмас. Бу худди ўша овоз эди, қайсики унга ўша теракдан, ҳали у умуман ёш бола эди, “Ҳеч қачон ичма, чекма ва танангни ҳеч қандай тарзда харом қилма. улғайганингда, сен учун меҳнат бўлади”, — деб буюрган ўша овоз эди. Билли бу овозни ҳеч ҳам унутолмаганди. Уни, бу ўтган ҳамма йиллар давомида унинг товушини шундай кўп марта эшитишига тўғри келганди. Бу одам Билли билан ўша ваҳийларда гаплашган, ўша Фариштанинг ўзи бўлиши керак! Билли олдин ҳеч қачон уни аниқ кўролмаган эди. Айрим пайт Фаришта унинг ўнг томонида, орқада, айнан унга кўринмай турар эди. Бошқа ҳолларда, қачонки ваҳийда Фаришта унинг олдига ҳозир бўлганида, унинг юз кўриниши ва танаси ҳар доим ноаниқ кўринган эди, шу учун Билли уни аниқ кўриб ололмаган эди. Энди эса Билли уни бутунлай аниқ-равшан кўрди. Ва бу ваҳий эмасди! Бу одамни Билли шунчалик, худди ўзининг бармоғидан, қўрқанидан терисини тишлаб олган жойидан оқиб турган қонни сезиб турганидек, чиндан ҳам ҳис қилар эди.

Фаришта сўзини давом этди:

— Мен Қодир Худо Ҳузуридан сенинг ўзига хос туғилишинг ва ўзгача ҳаётинг сени бутун дунё одамларига илоҳий шифолаш инъомини келтиришни билдиришни айтиш учун юборилганман. Агар сен чин дилдан ибодат қилсанг ва одамларни ўзингга ишонтира билсанг, сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса тура олмайди, ҳаттоки рак ҳам. Сен дунёнинг кўп жойларига борасан ва қироллар, ҳокимлар ва подшоҳлар учун ибодат қиласан. Сен бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларга ваъз қиласан ва минглаб муҳтож кишилар сенга маслаҳат сўраб келадилар. Сен уларга уларнинг фикрлари осмонда сўзларидан кўра баланд жаранглашини айтасан.

Билли Фариштанинг мактубини, у Индиана коммунал хизмат компаниясидаги ҳар куни маълум бир ҳажмдаги иш берадиган бошлиғини эшитгандай аниқ эшитди; аммо Билли ўзида бундай буюк топшириқни умуман, қандай қилиб ҳам уддалаши мумкинлигини тасаввур қилолмас эди.

— Жаноб, мен камбағал одам ва камбағаллар орасида яшайман. Мен қандай қилиб бутун дунё бўйлаб бора оламан? Ва қандай қилиб уларга тушунтира оламан? Ахир мен мактабни фақат етти

синфини тугатганман. Мумкин, майли бошқа бирор киши, қайсики унда одамлар билан гаплашиш учун етарлича маълумоти бор киши бўлсин. Улар мени тинглашни хохлашмайди.

Фариштанинг юзи жиддий тус олди.

— Мусо пайғамбарга уни Худо юборганини тасдиқлаши учун иккита аломат берилганидек, сенга ҳам иккита аломат берилади[91]. Биринчидан, одамнинг ўнг қўлини чап қўлингга олиб, ҳар қандай вируслик касалликни борлигини, унинг чап қўлингда пайдо бўладиган вибрациядан аниқлай оласан. Кейин сен у одамни шифоланиши учун ибодат қилишинг керак; агар бу нарса бўлиб ўтмаса, унда у одам учун дуолар сўра ва нарига ўтавер. Худо Руҳидан мойланган пайтингда, ўз фикрингга йўл берма, нима гапириш сенга берилади.

— Аммо, агар улар барибир менга ишонмасаларчи? — сўради Билли.

— Иккинчи аломат биринчисига қараганда буюкроқ бўлади. Агар сен мулойим ва камтарликда бўлсанг, шундай бўладики, ваҳий ёрдамида сен уларнинг юрак сирларини билиб оласан. Шунда одамлар сенга ишонишига тўғри келади. Бу Хушхабарни қудрат билан ёйишимиз учун асос бўлади, қайсики, Масиҳнинг Иккинчи Келишини хабар қиладган қудратли Хушхабарни бошлаб беради.

Бу сўзлар кўп ойлар, кўп йиллар давомида мобайнида шубҳа-гумонлар ва зиқликдан ялонгочланган асабларига тегиб кетди. Унинг қийналганлари кўкрагида аланга бўлиб, жон оғриги бўлиб ловуллаб кетди.

— Жанобим, мен ҳам худди шу сабабли бу оқшом ибодат қилаяпманда. Хизматчилар менга, бу ваҳийлар ёвуз руҳлардан келаяпти, деяптилар.

— Наҳотки сен тушунмаяпсан, *— деди Фаришта,* ***— Исо Масиҳ, бизнинг Раббимиз даврида ҳам худди шундай бўлганди?***

Биллининг онгида руҳий дунёни тушуниш шунчалик тез ўзгардики, у ўзини базўр тутиб тура олди.

— Унда қанақанги руҳ менга бу ваҳийларни юборади?

— Бу Худонинг Муқаддас Руҳи. Энди сенинг ҳаётингда бу ваҳийларнинг сони кўпаяди.

Қачонки Билли бу сўзларни эшитганида, унинг тушунчаси умрбод ўзгарди. Бошқа одамлар жуда узоқ вақт уни ўз фикрлари билан алдаб юргандилар ва ҳозир буларнинг ҳаммасига хотима бериш вақти келди. Энди у одамнинг Исо Масиҳ билан юриши ҳақиқатдан ҳам қанчалик шахсий нарса эканлигини англади.

Фариштанинг қўллари олдингидай кўкрагида қовушган ва юз ифодаси хотиржам эди. Ҳар сафар, у Библиядан цитата келтириб, Биллига ўргатаркан, у Кароль Иаковнинг[92] инглиз тилидан фойдаланар эди. Чунки Биллини бу таржима Муқаддас Ёзув сифатида осон қабул қилишини билар эди. Фаришта гапиришда давом этди:

— Исо Масиҳ ҳаётини кузатгин. Качонки Натанъил биринчи бор . Унинг хузурида булганда, Исо айтди: "Мана, ҳақиқий Исроиллик, ҳеч ҳийлани билмайди!" Натанъил сўради: "Сен мени қаердан биласан?" Раббимиз унга жавоб бериб деди: "Филлип сени чақирмасидан олдин, сен анжир дарахти тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим"[93]. Қандай қилиб Раббимиз Натанъилни "кўрди"? У уни ваҳийда кўрганди. "Ўғил Отанинг ишларини кўрмагунча, Ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, Ўғил ҳам худди шуларни қилади"[94] — деб Худо Ўғли айтганини эслайсанми? Сен бирор вақт бунинг нимани англатиши ҳақида ўзингга-ўзинг савол берганмисан? Бу шуни англатадики, Ота Ўғлига ваҳий орқали кўрсатиб, У ваҳий орқали, У нима қилиши кераклигини билиб олар эди. У буни қачонки Байт-Хосда (арамийча "илоҳий раҳм-шавқат уйи" демакдир) деган ҳовуз ёнидан кўплаб касал ва мажруҳлар орасидан аниқ битта одамни шифолаш учун ўтаётганида исботлади[95].

[91] Чиқиш 4:1-8
[92] Қирол Ёқуб Библияси – 1611 йилдаги Библиянинг инглизча таржимаси.
[93] Юҳанно 1:43-51
[94] Юҳанно 5:19
[95] Юҳанно 5:1-15
[96] Матто 17:24-27
[97] Матто 21:1-7; Марк 11:1-7; Лука 19:28-35

Раббимиз Исо олдиндан нима бўлиб ўтишини ваҳийда кўрди. Эслайсанми, қандай қилиб У Пётрнинг балиқ оғзидан танга топишини билди[96]. Худди шундай Раббий Исо Ўз шогирдларига Қуддусга яқинлашган пайтларида нима деганига эътибор бер: "Қаршингиздаги қишлоққа боринглар; шу заҳот боғлаб қўйилган ургочи эшакни ва унинг ёнида хўтикни кўрасизлар. Уларни ечиб, Менинг олдимга келтиринглар. Агар кимдир сизга бирор нима деса, "Раббимизга керак, У кўп ўтмай уларни қайтариб юборади"[97]. Наҳотки, бу нарса Раббимиз айтгандай бўлиб чиқмади? У худди шундай бўлишини ҳам билар эди, чунки буни У аввал Отадан ваҳийда кўрган эди.

Бунинг устига, сенинг хизматингда шундай вақт келадики, унда сенга ваҳий одамларнинг шифоланишига тўсиқ бўладиган, юракларидаги яширин сирларини очиб беради. Самарияда қудуқ олдидаги аёл тўғрисида ўйлаб кўр. Исо у билан, токи унинг руҳи билан алоқа қилмагунича гаплашди; кейин ваҳийда У аёлнинг муаммоси нима эканлигини кўрди. У деди: "Бор, эрингни бу ерга чақириб кел". Қачонки аёл Унга жавобан: "Менинг эрим йўқ" — деганда, Исо унга деди: "Эрим йўқ деб сен тўғрисини айтдинг; зеро сенинг беш нафар эринг бўлган, ва ҳозиргиси ҳам эринг эмас". Бу аёлни: "Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан", — деб ҳайқиришига мажбур қилди[98]. Худди шу нарса, агар сен самимий бўлсанг, сенинг хизматингда ҳам бўлиб ўтади.

Бу сўзлардан сўнг Фаришта Биллига ўз шубҳаларини такрор ифодалашига имконият бериб, тўхтаб турди.

— Жаноб, мен билмайман, бу ҳаммаси қандай қилиб менинг ҳаётимда бўлиб ўтиши мумкин. Мен камбағалман, маълумотсиз ва...

— Ҳеч қачон унутма, Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадул-абад Ўшанинг Ўзидир, бу ҳақида Ёзувда таъкидлаганидек[99]. Буларнинг ҳаммасини сен эмас, Раббий Исо Масиҳ бажаради. Эсда тут, Исо Ўз шогирдларига нима ваъда берган эди: "Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро, Мен Отамнинг олдига кетяпман... Бироздан сўнг, дунё мени бошқа кўрмайди; аммо сизлар Мени кўрасизлар, зеро, Мен ҳаёт бўлганим учун, сизлар ҳам яшайсизлар. Мен Отада, сизлар Менда ва Мен сизларда ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар"[100].

[98] Юҳанно 4:6-9
[99] Ибронийларга 13:8
[100] Юҳанно 14:12,19-20

Бундан кейин Билли яна нима дея оларди? Унинг кўзи ўнгида кишини ҳайрон қолдирадиган топшириқ билан Худо элчиси турар эди: у, Билли Бранхам, бу дунё одамларини шифоловчи Худо неъматини олиши учун олдиндан белгилаб қўйилган, аталган. У ҳаяжонда тўлиб тошган эди ва шунга қарамай унинг юрак тубида Фаришта усталик билан келтирган Ёзув жойларини фикрлар экан, нимадир юрак тубида қўзғалар эди, бу Ёзув жойлари Биллининг ҳаётида маълум бир мазмун бахшилар, акс ҳолда эса унинг ҳаёти ғалати ва тушунарсиз бўлиб қолаверар эди. Шунга қарамай у ҳали ҳам бу топшириқни қабул қилишга иккиланар эди.

— Мен сен билан бўламан, *— деди Фаришта.*

Шу билан бу ишга хотима ясалди ва Билли қарор қилиб, деди:

— Мен бораман.

Фаришта жилмайди. У бош ирғади холос ва деди:

— Ҳар сафар, ҳозиргидай менинг ҳузуримда қанақа туйғуни ҳис қилган бўлсанг, шунақа туйғуни ҳис қилганингда, билгинки, мен ўша яқинда тураман.

Фаришта боши узра олов чирсиллаб, шовқин ва айланганда олов тилларини чиқариб кенгая бошлади. Фаришта бу катталашаётган нур чамбарида ғойиб бўлгандай эди. Кейин Олов Устуни ғорнинг оҳактошли шипида "парланиб кетди".

Бирданига ғорни яна қоронғулик ва бутунлай жимжитлик қоплади, бундан Биллининг асаблари охиригача тортилди. Ақли жойидалигига ўзида шубҳаланди. Бармоғини тишлари орасига қўйиб, яхшигина ўзини тишлади ва туш кўрмаётганлигига кўзи етди. Бармоғидан сизган қон томчиси, у ҳозиргина кўрган Фаришта ҳам худди шундай ҳақиқатлигини англатиб турар эди. Йўқ, энди у ҳеч қачон Фаришта айтган сўзларнинг биттасига ҳам шубҳа қилмайди.

Билли ғорнинг тош полига тиз чўкди, қўлларини кўксига қўйди ва: "Самовий Ота, Сендан миннатдорман, Сен Ўз Фариштангни менга бу нарсаларни тушунтириш учун юборганинг учун. Бу нарсалар, мен бутун дунё бўйлаб кўплаб одамларга ваъз айтишим ва қироллар, ҳокимлар ва бошқалар учун ибодат қилишим, бу ҳаммаси мен билан бўлиб ўтиши ақлга сиғмайдигандай. Мен шундай камбағалчиликдаман. Буларни амалга ошириш учун, мен қандай қилиб етарлича маблағ топаман? Мен ўз кучим билан қила олмаслигимни ҳам биламан, лекин менга яна шу нарса аён — Сен ҳаммасини қиласан. Раббим, мен бораман ва токи одамлардан пул сўрашимга тўғри келмаслиги учун, Сен менинг муҳтожимни тўлдириб турар экансан, мен Сенга бу ишингда меҳнат қиламан, деб ваъда бераман", — деди.

Ўша эрталаб, чоршанбада, 1946 йилнинг 8 майи, Уилльям Бранхам уйига мутлақо янги одам бўлиб қайтди.

29-БОБ
ҚЎЛДАГИ АЛОМАТ
1946

УИЛЛЬЯМ БРАНХАМ Фариштадан олган топшириғи ҳақида хотинига сўзлаб бергач, у шу заҳоти ўзиниг собиқ пасторини йўқлаб борди. Доктор Рой Дэвис ҳозирда Индиана штатидаги ўша округ миссионер-баптистлар черковлари устидан епископ эди. Гарчи олдинлар Билли ва доктор Дэвис бир-бирларига айрим норозиликларини билдирган бўлсалар-да, Билли аввалгидек бу кекса одамнинг мулоҳазаларини ҳурмат қилар, уни ўзиниг нозири, назоратчиси – деб билар эди. Ҳозир эса, умрида ҳар қачонгидан ҳам, Билли яхши маслаҳатга муҳтож эди. Фаришта унга бутун жаҳон хизматларини ажойиб кўринишини тасвирлаб берди, аммо унга буни қаерда бошлаши кераклиги ёки қайси йўналишга боришдан бошлаш ҳақида озроқ ҳам маълумот бермаган эди. Эҳтимол Раббий уни миссионер-баптистлар атрофларида хизматини бошлашини хохлар... Агар шундай бўлса, унда доктор Дэвис унга биринчи қадамларни босишда ёрдам беролармиди.

Епископ хонасида ўтириб, Билли унга ҳамишаги, эҳтимол унинг ҳаётига иблис таъсир қилаётган деган фикрлар билан боғлиқ қийинчилик ва руҳий зиқликлари ҳақида сўзлаб берди. У, кеча уйи одидаги заранг дарахти боши устида титилиб кетгудек бўлганлиги, ва у ўрмонга кетишга ва токи Худо у билан учрашиб, бунақа азоблардан қутқармагунча у ердан ҳеч қачон қайтиб чиқмасликка қарор қилгани ҳақида айтиб берди. Билли доктор Дэвисга ғордаги айланаётган олов шари ва ўша нур ичидан чиқиб келган Фаришта ҳақида сўзлаб берди. У Фариштанинг юз ифодасини тасвирлади ва кейин Фаришта унга нима ҳақида гапирганини ҳикоя қилиб берди: у қироллар ва ҳокимлар учун ибодат қилиши ва бутун жаҳон бўйлаб унга маслаҳат ва шахсий суҳбат учун келишларини.

Шу пайт доктор Дэвис уни бўлди ва тортинмасдан сурбетларча ўз фикрини айтиб юборди:

— Билли, ўша оқшом нима егандинг? Сен чамаси, ёмон туш кўргансан.

Бу сўзлар Биллининг юрак-юрагига кириб кетди.

— Доктор Дэвис, мен бунақа фикрга умуман аҳамият бермайман.

Кекса одам қўлларини қўтарди ва:

— А-а, яхшиси, Билли, уйингга бор-да бу ҳақида, бутунлай унут. Бу навбатдаги ўша сен кўрадиган галлюцинациялардан бири. Сен ҳаддан ташқари фаол фараз қиласан, — деб, қария қўлларини қўтарди.. ва бу фикрга қўл силтаб қўяқолди.

— Доктор Дэвис сиз мени буни унутишим ҳақида уқтиришингиз мумкин, лекин Худо менинг юрагим тубига ниманидир ташлади. Ва агар мен сизга керак бўлмасам, унда бошқа одамлар бор, уларга мен керак бўламан. Мен Худо олдида, бориб бутун дунёга ваъз қилишда, қарздорман.

Бу ёш одам унга Фаришта келганлиги ҳақидаги ҳикоясини қанчалик жиддий қабул қилаётганлигини кўриб, доктор Дэвис у билан яхшироқ фикрлашмоқчи бўлди.

— Билли, наҳот сен бутун дунё бўйлаб борасан ва Масиҳ учун минглаб жонларни озод қиламан деб айтмоқчисан? Сен, етти йиллик маълумотинг билан?

— Айнан шуни у менга айтди, ва худди шунга мен ишонаман.

— Қандай қилиб сен буни амалга оширасан?

— Билмайман. Мен сизда қандайдир фойдали таклиф бор, деб умид қилгандим.

Доктор Дэвис кулиб юборди.

— Мен сени уйингга бориб яхшилаб ухлаб олишингни маслаҳат бераман. Балки уйғонгангда анча ақллироқ бўларсан. Наҳотки сен ҳақиқатан ҳам, шунақа Худо шифолаши тэологияси билан бутун олам маълумотлилари оммасига рўпара чиқиб бора оламан деб ўйлайсан?

— Бу менинг Худо шифолашим эмас, — эътироз билдирди Билли. — Бу — Худонинг ваъдаси, ва айнан У менга бу топшириқни берди.

Бу доктор Дэвисга ҳеч қандай таъсир қилмади.

— Наҳотки сенга одамлар ишонади деб ҳисоблайсан?

— Энди бу менинг ишим эмас, — саботлилик билан жавоб берди Билли. — Менинг ишим — бу, Сўзга содиқ қолиш.

— Билли, агар сен шунга ўхшаш нарсаларни ваъз қилсанг, сен черковни томини ушлаб турган устунларга ваъз қиласан.

— Унда мен Худо Каломини устунларга ваъз қиламан, чунки Худо шу устунлардан Иброҳимга авлод тиклашга қодир[101]. Агар Худо мени юборса, унда у ерда кимдир бўлиши керак, бунга ишонадиган бирор кимса.

[101] Матто 3:9 ва Лука 3:8: “...Худо шу тошлардан Иброҳимга авлод тиклашга қодир”. (Тарж.)

Билли доктор Дэвиснинг уйидан олдингидай қатъий, ҳар қандай аҳвол ва қийинчиликларга қарамасдан, Фаришта топшириғини бажаришги тайёр қайфиятда чиқди. Шунга қарамай, епископнинг мазаҳлари унинг юрагида кичкинагина “шубҳа зирапчаси” қолдирган, бундан у ҳафтанинг қолган кунлари қийналар, азобланар эди. Охир-оқибат бу бемаъни тушга ўхшар эди. Қандай қилиб у, камбағал ва кам даромадли Билли Бранхам, бутун ер юзи одамлари учун Илоҳий шифоланиш инъомини олиб билади экан? Бунга мантиқий нуқтаи-назар билан қараганда, бу шубҳасиз, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўринар эди.

Жума куни Билли, чек бўйича 28 долларлик ҳафталик иш ҳақини нақд қилиб олиш ва олти ҳафталик қизчаси Ривқо ялпиз чойидан ича бошлай олиши учун бир нечта бутилка ва резина сўрғич сотиб олиш мақсадида Спринг Стрит кўчасида жойлашган “Мейсонс” дорихона дўконига кетди. Билли ҳозиргина ишдан қайтган ва унинг эгнида ҳали ҳайвонларни муҳофаза қилиш инспектори махсус кийими бор эди. Дорихона дўконига етиб келган эди, кўча бурчагида Луисвиллидан келган автобус тўхтади, ва ундан йўловчилар чиқа бошлади. Уларнинг кўплари автобусдан маълум мақсадда чиқишар ва шу заҳоти тез кетиб қолишар эди, лекин бир эркак ҳаммадан ажралиб турар эди. У йўлакчага ўз чемоданини қўйди ва чор атрофни диққат билан ўргана бошлади, гўё бу ерда турганидан ҳайрон бўлаётгандай кўринар эди. Бу одам Биллига кўзи тушганди, у юзида ғалати бир ифода билан унгага тикилиб қарай бошлади.

Дорихона дўконига харид қилгани кирган Билли, кўчада турган ғалати одам ҳақида умуман унутди. У ташқарига чиққач, ўша одамни йўлакдан чемоданини олиб, дорихона дўконига қараб кела бошлаганини кўриб қолди. Нотаниш яна Биллига кўзи тушдида, яна ўша бошқача қараши билан унга тикилганча, тўхтади. Бир сония Билли бу одам тунамоқчи деб ҳам ўйлади, аммо сўнгра бу кулгили эканлигини англади, чунки бу куппа-кундузи, серқатнов ҳаракатли чорраҳада бўлаётган эди; бунинг устига Билли ҳамманинг кўз ўнгида тасмасида револьвер қопчиғи билан олиб юрган эди.

Билли кўчадан юқорилаб кетиш учун бурилди. Шу вақт кимнингдир қўли унинг елкасига текканини сезди. Қайрилиб, бу ўша сирли нотаниш кимсани кўрди.

— Илтимос, кечирасиз, сиз эмасми инспектор? — деб сўради у одам.

— Мен — ҳайвонлар муҳофазаси бўйича инспектор, — жавоб берди Билли. — Мен Индиана штати тирик табиати муҳофазаси вазирлигида ишлайман.

Киши худди ўзига ишонмагандай, тутила-тутила гапирди.

— Мен... ҳм... мен топмоқчиман... э-э... маълум бир одамни. Балки сиз менга ёрдам бероларсиз. Сиз... ҳм... сиз бу жойларни яхши биласизми?

— Мен бу ерда бутун умр... яшаяпман, — деди Билли. — Сиз кимни топмоқчисиз?

Энди одамгинанинг юзида яна ўша ғалати ҳайронлик ва гангиб қолганлик ифодаси пайдо бўлди.

— Мен унчалик дадил эмасман. Сиз, эҳтимол, мени ақлдан озган деб ўйлашингиз мумкин, лекин мен тарихимни сизга айтиб беришимга рухсат берсангиз. Мен Кентукки штатидаги Падьюка шаҳрида яшайман, қуйи оқим бўйича бу ердан сал кам 320 км. Менинг соғлигим қарийб икки йилдан бери ёмоелашаяпти. Сал олдин шу ҳафта, мен туш кўрдим, унда осмондан тушаётган, менга Индиана штатидаги Жефферсонвиллига боришимни ва қандайдир Бранхам деган одамдан мен учун ибодат қилишини сўрашимни айтаётган, катта ёрқин Фариштани кўрдим. Сиз Бранхам фамилияли бирор кишини биласизми?

Биллининг юраги ҳаяжондан шундай ура бошладики, гўё у тўппа-тўғри кўкрагидан чиқиб кетаётгандек туюларди унга.

У деди:

— Мана шу бурчакдан ўтгач пансион бор, менинг онам ўшани бошқаради; унинг фамилияси Бранхам.

— О-о, у Бранхам! Унда, эҳтимол, сизнинг фамилиянгиз ҳам Бранхамми?

— Биродар, — деди Билли, бегона одамни елкаларидан қучганча, — шу ҳафта, сал олдинроқ, мен ғорда тургандим, бирданига у ерда кучли нур порлади ва Фаришта менга касаллар учун ибодат қилишимни буюрди.

Нотаниш киши чидай олмади ва йиғлаб юборди. Билли шляпасини ечди ва улар иккови кўча бурчагида тиз чўкдилар ва Худодан бу одамнинг соғлигини тиклашини сўрадилар. Билли ибодатни тугатиб, кўзини очганда, у пиёдаларнинг тўхтаб турганини кўрди: эркаклар шляпаларини ечиб, ҳурмат билан турардилар, аёллар эса болаларини атрофда чопмасликлари учун ёнларида ушлаб туришар эди. Билли Худонинг игнаси ҳозиргина унинг терисини тешганини ва усталик билан кичкинагина шубҳа “зирапча”сини умрбод ундан олиб ташлаганини ҳис қилди. Ҳозир у бутунлай уни

Худо юбораётганига ишонар эди, агар уни Худо юбораётган бўлса, унда айнан Худо Ўзи у учун йўл ҳозирлайди.

ЎША ЯКШАНБА, Билли черковга кирганида, энг аввл, унинг эшитгани — бу унинг йиғилиши куйлаётган янги қўшиқ эди. Унга эшитганлари ёқди (Бу қўшиққа унинг асосий қўшиғи бўлиб қолиши тақдир қилинган эди). Қўшиқнинг мусиқаси ва ритми оддийгина, лекин услуби чиройли эди. Одамларнинг нақоратни қандай қилиб бир неча вариантларда такрорлаганларини эшита туриб, Билли Раббий Фариштаси яқинлашганини сезди... гўё бу қўшиқ Фариштага ҳам хуш ёқди.

Ишон фақат, ишон фақат
Худога ҳаммаси мумкин, ишон фақат ишон...
Исо шу ерда, Исо шу ерда,
Худога ҳаммаис мумкин, Исо шу ерда...
Ҳа, мен ишонаман, ҳа, мен ишонаман,
Худога ҳаммаси мумкин, ҳа мен ишонаман...

Ўша якшанбада Билли бутун йиғилганлар олдида, зиғирча ҳам шубҳа қилмай, қўрқмасдан унга Фариштанинг ҳамма айтганлари билан бўлишди.

— Бу ерга мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан минглаб одамлар келишади. Улар сизларни бу ердан чиқариб қўядилар. Агар сиз Худога самимий бўлсангизгина ва бу ерга эртароқ келсангизгина бўш ўринларни топа оласиз.

Унинг подаси унга ишонди, шу қаторда Чарли Мак Дауэлл деган одам ҳам. Душанба куни ишхонада пайвандлаш вақтида электрдан куйиб, Чарли кўзига шикаст етказди.

Унинг врачи уни вақтинча, бор йўғи 8-10 кун давомида кўрмайди деб ишонтирди. Аммо шунга қарамай, Чарли Биллига келиб у учун ибодат қилишни сўраб қўнғироқ қилди. Кейинги куни эрталаб Чарли шунчалик яхши кўраётганидан, ишига қайтиб борди.

Чарлининг бошлиғи, мистер Морган, уни шунчалик тез ишга қайтганини кўриб ҳайрон бўлди, ва ундан бу ҳақида суриштира бошлади. Чарли унга, Исо унинг пастори ибодатига жавоб берди деб тушунтирди. Мистер Морган:

— Мен, шу пасторингни ибодати менинг хотинимга ҳам ёрдам берадимикан, шуни билмоқчи эдим? У шу ердаги баптистлар касалхонасида ракдан ўлаяпди.

Чарли жавоб бериб, деди:

— Билмадим. Нега сиз уни чоршанба куни кечқурун черковга олиб келмайсиз ва ҳаммасини ўзингиз билиб олмайсиз?

Мистер Морганнинг хотини, Марджи — 21 йил давомида дипломли ҳамшира бўлиб ишлаган, энди эса, кўп ойлардан бери ракдан ўлаётганди. У кўп марта рентген нурлари тасирида даволаниш курсларини қийинчилик билан бошидан ўтказди, аммо буни ҳаммаси ҳеч қандай фойда бермади. Врачлар текшириш учун жаррохлик қилдилар ва рак унинг танасини кўкракдан пастки қисмини емирганини аниқладилар. Рак шунчалик қутурган эдики, унинг йўғон ичаги атрофига, канализация трубаси атрофига ўсган дарахт томирлари каби чирмашиб кетган эди. Уни яна қайтиб тикдилар, врачлар касалликнинг кейинги бориши тўғрисида: миссис Морган учун ҳеч қандай умид қолмаган, — деган ягона ташхис қўйдилар.

Чоршанба кечқурунги йиғилиш вақтида Мистер Морган хотинини замбилда черковга олиб келди. У зўрға ҳушида эди. Билли бу ориқлаб кетган аёлга ачиниб қаради. Оғриқдан инқиллаб, у пойма-пой сўзларни ғўлдирарди. Билли унинг ўнг қўлини чап қўли билан, айнан Фариштa унга буюрганидай олди ва бирдан билаги ва елка олдиларида санчиқни сеза бошлади. Унинг қўллари озгина шишди ва касалга ўхшаш қизил рангли тус олди. Унинг орқа томонидан митти-митти оқ пуфакчалар пайдо бўлди ва маълум форма ҳосил қилди. У тебранишни қўли бўйлаб юқорига елкаси орқали ўтиб, кейин эса кўкраги орқали тўғри юрагига ҳаракат қилаётганлигини ҳис этди.

Ҳамширанинг эрига қараб Билли сўради:

— Бу аёлнинг муаммоси нимада?

— У ракдан ўлаяпти, — деди Мистер Морган. Сиз унга ёрдам бера оласизми?

Билли Фариштанинг сўзлари ҳақида ўйлаб қолди: *“Агар сен чин юракдан самимий бўлсанг ва одамларда ўзингга нисбатан ишонч уйғота олсанг, — сенинг ибодатинг олдида ҳеч нарса тура олмайди, ҳаттоки рак ҳам”.* У Мистер Морганнинг кўзларига тикилиб қаради ва деди:

— Сэр, мен ишонаман, Худо уни шифолайди. Савол турибдики, сизчи, сиз бунга ишонасизми?

— Ҳа, —жавоб берди мистер Морган.

Билли кўзларини юмди ва Худодан Исо Масиҳ номидан бу аёлни шифолашини сўради. Тўсатдан қўлидаги тебраниш тўхтаб қолди. Билли кўзларини очди ва чап қўли ўнг қўлидай асл ҳолига қайтганини кўриб ҳайрон бўлди. Ўша пайти у ваҳий кўрди, унда миссис Морган ҳамшира формасига кийинган ва касалхонадаги беморларга қараётган эди.

Билли турди ва эълон қилиб, деди:

— Сэр, қўрқманг, зеро РАББИМ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Сенинг хотининг яшайди!”

Марджи Морганни черковга кўтариб келган врачи эътироз билдира бошлади:

— Мени кечирасиз, муҳтарам Бранхам, лекин бу рак унинг йўғон ичагини шунчалик қисиб олганки, биз уни ҳатто клизма орқали ҳам юволмаяпмиз.

— Қанақа муаммо бўлмасин унда, менга аҳамияти йўқ. Мен унинг яна касалхонада касалларга қараётганини ваҳийда кўрдим ва мени ўрмонда учратган ўша одам айтадики, мен нима кўрмайки, мен уни айнан шундай айтишим керак, ва бу шундай бўлади. Ва мен унга ишонаман!

Кейинги кун Марджи Морган бутунлай ўзига келди ва эс-ҳуши ҳам жойида эди. Жума куни иштаҳаси очилди ва озроқ қувватланди. Шанбада врачни чексиз ҳайрон қилиб у коридорлардан юрар, уйга жавоб сўраб илтимос қилар эди.

30-БОБ
ТУТҚУНЛАР ҲИБСДАН ЧИҚАРИЛДИ
1946

МАРДЖИ МОРГАННИНГ шифоланганлиги ҳақидаги хабар, Миссисипи дарёсини кесиб ўтмагунча, узум новдасидек, дўстлардан қўшниларга ўзининг сирли оламида бураланиб ва шохланиб, тарқалиб кетди. Тез орада Уилльям Бранхам Миссури штатидаги Сент-Луисдан телеграмма олди. Муҳтарам Роберт Догерти номаълум касалликдан қийналаётган қизи Бетти учун Биллининг келиб ибодат қилишини хохлар эди. Бунда Худонинг қўли борлигини билгач, Билли ўша ёққа боришга етадиган пулни йиғгач, у ерга кетишини черковига айтди.унинг йиғилиши ҳам бунда Худонинг иродаси борлигни сезди.ўз маблағларини бирлаштириб улар шу заҳотиёқ поездда у ёққа ва қайтишга билетга зарур бўлган 11 долларни йиғишди. Билли биродарларини биридан костюмини вақтинчаликка олди ва Миссурига жўнайдиган кечқурунги поезга ўтирди.

Кейинги куни эрталаб поезд Сент-Луисга келганида, Роберт Догерти вокзалда кутиб турар эди.

— Бранхам ака, сиз Раббийдан бирор нима эшитдингизми?

— Йўқ Догерти ака. Қизингизни аҳволи қандай?

У букчайди ва унинг овози бўшашган ва жуда маъюс эшитилди.

— Аҳволи жуда оғир. Юринг мен сизни машинада этаман, сиз уни кўрасиз.

Уйга боришда у тушунтирди.

— Менинг қизим уч ойдан бери бундан қийналади. Врачлар бундан таажубда холос. Унинг доимий қалтирашидан, улар, эҳтимол, бу муқаддас Витта[102] рақси деган фикрга келаяптилар, аммо унда бу ташхисга тўғри келмайдиган, бошқа симптомлар ҳам бор. Врачлар қўлидан келганларини барчасини қилиб кўрдилар, бироқ ҳеч нарса ёрдам бермаяпти. Мен у учун доим ибодат қиламан ва ибодат қилавераман, бутун оилам ибодат туширади, менинг йиғилишим ибодат қилади, шаҳардаги бошқа хизматчилар рўза тутиб ибодат қилаяптилар. Шунга қарамай унга ҳеч қанча яхши бўлмаяпди.

[102] Муқаддас Витта рақси — асаб касаллиги, мускулларнинг беихтиёр тартибсиз қисқариши кўринади, хорея. (Тарж.)

Уларнинг уйига етиб келиб, Билли миссис Догертини учратди. У руҳан тушкун кўринар эди; оғиз ва кўзларини бурчаклари осилиб қолган эди. Бу она касал қизи тўшагида сурункасига ҳафталаб ўтирар эди. Кичкина жингала соч Бетти Догертига келсак, у тўхтовсиз қийналар ва шундай ачинарли кўринар эди. Унинг пастки лаби шишган ва оғриқ зўридан тишлаган жойи жуда қизариб, қонталаш бўлиб кетган эди. Бечора қизча жойида доимо гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ағдарилар эди; у шунчалик кўп йиғлаганидан ва қичқирганидан овози чиқмай қолаёзган эди; шунга қарамай, у янада қичқиришга ҳаракат қилар эди.

Кроват олдида тиз чўкканча, Билли қизчанинг ўнг қўлини ўзининг чап қўлига олди. Ҳеч қандай тебраниш сезмаганлиги уни ҳайрон қолдирди. Фаришта унга чап қўлида каслликни сезишини айтганди ва айнан шу нарса Марджи Морган билан аниқ бўлиб ўтди. Нима учун у бу ерда касалликни сеза олмади? Кейин Билли эслади... Фаришта унга микроорганизмлар иблис ҳаёти туфайли пайдо бўлганидек, агар касаллик иблис ҳаёти туфайли келиб чиққан бўлсагина у қўлида тебраниш сезишини айтганди. Бундан хулоса шуки, Беттида касаллик бўлмаган. Унда ундаги оғриқ нимадан?

Билли бу дардман қизча учун ибодат қила бошлади, аммо дарровликда ҳеч қанақа натижа бўлмади. Яна нима қилишини билмай, Билли жаноб Догертига у билан ўз черковига боришни таклиф қилди. У ерда улар ибодатда Худодан шифо сўрашни давом эттиришлари мумкин бўлади. У ерда, тинч маъбадда бу икки одам уч соат мобайнида Қодир Худодан Бетти Догертига раҳм-шафқат сўрадилар. Ибодатни тугатиш олдидан Билли шундай деди: “Самовий Ота, агар Сен бечора қизчани шифоланишига йўл берсанг, мен, Сен мени чақирган хизматингга ўзимни бутулай бағишлайман, деб ваъда бераман. Ва яна бир бор Сенга Сенинг хизматингда меҳнатингни қиламан деб ваъда бераман токи Сен менинг муҳтожликларимни тўлдириб тураркансан, чунки мен одамлардан бирор марта ҳам пул сўрашни истамайман”.

Улар уйга қайтганларида, Бетти Догертининг аҳволи ўзгармаган эди. Билли меҳмонхонадаги диванга ўтирди ва жимгина ибодат қилишда давом этди. Одамлар дам-бадам келиб-кетиб турар эди. Бир неча соатдан кейин Билли оёқларини ёйиш учун кўчага чиқди ва ибодат қилишда давом этиб бир неча квартал юрди.

У қайтиб келганида Догерти бобо уни айвонда учратди ва:

— Бранхам ака, сенга Худо бирор нима кўрсатдими? — деб сўради.

— Ҳозирча йўқ, — Билли ғамгин жавоб берди ва яна диванга ўтирди.

Кейин у меҳмонхонага қайтиб борди ва яна ўтирди.

Қачонки Билли дераза орқали қараганди, хона ўзгарди. У қизчанинг кроватини кўрди; унинг атрофида тўпланган одамларни кўрди; бунинг устига, болага нималардир қилаётган ўзини ҳам кўрди.

Бу нима эди ўзи? Билли ҳали тушунишга улгурмай, ваҳий бир онда йўқ бўлди ва у яна меҳмонхонада диванда ўтирган ҳолда пайдо бўлди. Кейин Билли нима бўлганини тушунди. Бобой уйга қайтди ва ваҳийни жуда эрта бўлиб юборди.

— Бранхам ака, сенга бирор нима келтириш керакми? — бобо сўради.

Билли турди ва:

— Кечирасиз, аммо мен озроқ ёлғиз қолишим керак, — дея кириладиган эшикка қараб юрди.

У ҳовлига чиқди ва Роберт Догерти машинасида, Худодан ваҳий қайтиб келишини ялиниб сўраб, ўтирди. Тезда унинг қулоқлари қуюуннинг ритмик шовқинини эшитиб қолди. Юқорига қараб, Билли ғорда Фаришта устида пульс уриб турган ўша Олов Устунини кўрди. Ҳозир у машина капотидан ярим метр баландликда айланар эди.

Ваҳий унинг кўз олдидан шошилинч ўтди: Билли Догерти оиласи уйи ёнида, ертўланинг қия эшиги ёнида ўйнаётган кичкина қизчани кўрди; эшикнинг энг юқори қисмида пастга-баландга қизчанинг сакраётганини кўрди; кейин у қизчанинг тойиб кетганини ва беўхшов ерга йиқилганини кузатди. Бу эпизоддан кейин Билли унинг дарди нимадалигини кўрди ва унга ёрдам бериши учун, нима қилиши кераклиги ҳам кўрсатилган эди.

Машина эшигини ёпиб, у подъезд йўлагидан уйга борди.

— Догерти ака, сен менга, Худонинг хизматкорига ишончинг борми?

— Ҳа, Бранхам ака.

— Менда қизингиз учун РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ, аммо сизлар мен нима қилишимни айтсам, шуни аниқ бажаришларингиз лозим. Биринчидан, оилангиздан бошқа ҳамма уйдан чиқишлари керак.

Қачонки дўстларнинг кўплари чиқиб кетишгач, Билли онасига деди:

— Догерти опа, икки кун бурун сен оқ челак сотиб олдинг ва уни кичик омборхонадаги бет-қўл ювгич устига қўйдинг. Сиз ҳали унга сув қўймадингизлар.

— Бранхам ака, бу ҳақиқат. Сен буни қандай билиб олдинг?

— Бор, ўшани олиб, унга сув солиб ва унинг билан оқ газлама олиб бу ерга кел.

Қачонки у қайтганида, Билли қизчанинг кровати ёнида тиз чўкди ва деди:

— Мен бобони бир томонимдан, отасини эса бошқа томонимдан тиз чўкишларини истайман. Қачонки, мен Раббимга Ибодат айтган вақтимда, мен онасининг бу газламани хўллашини, уни артишини, кейин унинг қўлларини, ундан кейин айни ибодатни тугатишим олдидан оёқларини артишини истайман.

Билли бош эгди ва гапира бошлади: *“Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг Исминг улуғлансин; Сенинг Шоҳлигинг келсин; осмондаги бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг иродан бажо келсин...”*

У бу ибодат намунасини тугатиши билан, у ҳуқуқ қудрати билан деди:

— РАББИЙ ШУНДАЙ ДЕЙДИ: “Бетти Догерти шифоланади”. У ертула эшигидан йиқилган ва умуртқа поғонасидан биттасини силжитган. Бу суякни қайтиб ўз жойига итаринглар, ва қизча соғаяди.

Роберт Догерти қизини қорнига қилиб ағдариб қўйди ва унинг орқасини умуртқаси бўйлаб пайпаслай бошлади. Ҳақиқатан ҳам битта бўғин жуда чиқиб турар эди. Мистер Догерти бақувват қўллари билан ўша нуқтага чаққонлик билан қаттиқ итарди ва бўғинча ўзининг олдинги жойига тушди. Шу вақтнинг ўзида Бетти нола қилишдан ва ағдарилишдан тўхтади. Тез орада у тўшагида ўтириб олди ва жилмайди. Ўша куни кечроқ Билли ва Бетти музқаймоқ ва ичимлик сотиладиган маҳаллий киоскага боришди ва икки кишига сутли коктейл харид қилишди.

БИР НЕЧА ҲАФТА ЎТИБ, Билли ўз айвончасида ўтирганида, кун ҳам кечга яқинлашган пайт, машина келиб тўхтади, унда Догертилар оиласи бор эди. Бетти машинадан биринчи бўлиб сакраб тушди. Унинг оқ-сариқ жингалак сочлари Биллига чопиб келиб, уни қучоқлаган пайтда ҳавода силкинарди. Роберт Догерти айвончага ўтирди ва у Биллидан Сент-Луисга қайтиб, бир ҳафта давомида уйғониш ва шифолаш йиғилишлари ўтказиш учун хохиш билдирмасмикин, дея ундан сўради.

Билли бу таклиф устидан кўп ўйлаб ўтиришига тўғри келмади. У март ойида кўрсатилган ваҳийни эслади, унда у Ғарбда турар ва одамларга улкан Ҳаёт Нонини тарқатаётганини кўрган эди. Сент-Луис Жефферсонвиллидан ғарбда жойлашган. Эҳтимол бу уйғониш йиғилишлари, ўша ваҳийнинг бажарилишидир. Аммо, ҳатто агар бундай бўлмаганида ҳам, Билли ҳозир Худо олдидаги ваъдасини бажариши керак ва ўзининг янги хизматига тўлиқ сингиши кераклигини ҳис қилиб турар эди.

Кейинги куни у Индиана коммунал хизматлар компаниясидаги ишдан бўшади ва худди шундай Индиана штати ҳайвонлар муҳофазаси инспекторлиги мансабидан ҳам кетди. Черковда, якшанба йиғилишида Билли мажлисдагиларга Сент-Луисда бўладиган уйғониш йиғилишлари тўғрисида сўзлаб берди. У Худога берган ваъдаси ҳақида ҳам хабардор қилди, агар Бетти Догерти соғайса, у хушхабарлаш меҳнатига боришга ва токи Худо унга одамлардан ҳеч қачон пул сўрашига тўғри келмаслиги учун, молиявий муҳтожини тўлдириб турар экан, у ерда шу меҳнатда қолишига ваъда берган эди. Кейин Билли ваъз қилди, ундан кейин у кўп йиллар Бранхам Чодирида ваъз қилмади.

Ўз ваъзи учун, баҳайбат филистимлик жангчи Голиафни енгган паст бўйли Довуд ҳақидаги мавзуни олди. Бу батамом мос келадиган мавзу бўлиб чиқди, модомики, ёш Довудга ўхшаб, Биллида ҳам кучлар бўйича тенгсиз рақиблари бор эди. У кичкина шаҳарнинг воизи эди, чўнтагида сариқ чақаси йўқ, бу дунёнинг касаллик, оғриқ ва руҳий ғафлати каби айрим кучлари билан жанг қилиши учун, имон билан чиқди. Аммо у маҳорат ва малакаси, ҳамда пул маблағи етишмаслиги учун ташвишланмасди, зеро Худо у биланлигини билар эди. Худо билан эса, ҳамма нарса мумкин (Довуд ва Голиаф тарихидан бунга тасдиқ топамиз[103]).

[103] 1 Шоҳлар 17.

Марджи Морган Билли ва Медани уларнинг черковидан бошқа бир неча аъзолари билан бирга Сент-Луисга кузатиб қўйдилар. Роберт Догерти цирк чодиридек ўлчамдаги палаткани ижарага олди ва бутун шаҳар бўйлаб уйғониш йиғилишлари ҳақида реклама қила бошлади.

Биринчи кечки йиғилишга бор-йўғи бир неча ўн одам келди. Билли уларга, у билан Фаришта учрашгани ва Худодан бутун дунё одамлари учун Илоҳий шифоланиш инъоми топшириғини берганини сўзлаб берди. Кейин у Марджи Моргандан кафедрага кўтарилишини ва гувоҳлиги билан бўлишишини сўради. О, бу шундай кишини ўзига тортадиган гувоҳлик эди! Бир ярим ой бурун Марджи Морган тўшакда кучли оғриқ азобидан алаҳсираб ётган эди. Гўё унинг вақти-соати битганди. Рак уни шунчалик еб қўйганидан, унга ҳеч қандай умид йўқдек эди. Ва кейин мўъжиза юз берди. Ҳозир у ўзини ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам яхши ва соғ-саломат сезаётган эди. Бундан кейин платформага Бетти Догерти чопиб чиқди. У ҳам ҳар қандай етти яшар қизчадек соппа-соғ ва кучли кўринар эди. Бу икки гувоҳликни умумий манзара учун олиб, Билли одамларни шифо олишлари учун Худо ваъдасига мутлақо ишонишга чақириб, қисқагина ваъз қилди. Кейин у, ким касал бўлса, олдинга чиқишини сўради. Платформага ибодат қилишлари учун ўн саккиз киши келди.

Биллининг энг биринчи ибодат қилганларидан бири, етмиш ёшли аёл бўлиб, унинг боши бинтланган эди. Унинг бурни учида гольф ўйини коптогидек катталикда ўсма бор эди. Билли аёлнинг ўнг қўлини чап қўлига олганида, қўлининг ички томони носоғ-қизил рангга кирди ва шиша бошлади. У тебранишнинг, лўқиллаб аёлдан чиқаётганини, қўлидан, вена олдидан ўтиб ва кейин тўғри унинг юрагига йўналаётганини ҳис қилди. У шишган ва қизарган қўлининг ички томонида тўпланаётган оқ ғуддачаларни ўргана бошлади. Улар ҳам, Марджи Морганни қўлини ушлагандаги кўрган ғуддачалар гуруҳидагидек тарзда ҳаракатланаётган эди.

— Бу рак, шундай эмасми? — сўради у.

Аёл буни тасдиқлади. Билли Исо Масиҳ Исмидан бу аёл шифоланишига ибодат қилгач, қўлидаги пульсация тўхтади, ўсма кичрайди ва унинг қўли нормаль ҳолатига қайтди. Гарчи, ҳатто унинг бурнидаги рак ўсмаси аниқ кўриниб турган бўлса-да, Билли аёлни шифоланганини эълон қилди.

Кейин Билли ҳассасига қаттиқ суяниб, оқсаб олдинга чиққан кекса одамга келди. У одам Биллига кўп йиллардан бери чўлоқ бўлиб қолганлигини айтди. Қачонки Билли унинг қўлини олди ва ҳеч қандай тебранишни сезмади, шунда у Ёқубнинг 5:14-15 мактубида ёзилган: *“Агар сизлардан бирор киши бемор бўлса, имонлилар жамиятининг оқсоқолларини чақирсин. Улар Раббимиз Исо Номи билан дуо қилиб, беморнинг бошига ёғ суркасинлар. Имон билан қилинган дуо беморни соғайтиради, Раббимиз Ўзи уни тузатади”*. Худо ваъдасига ҳуқуқини даъво қилиб, Билли ўша одамнинг пешонасига зайтун ёғи суртди ва кейин Исо Масиҳдан уни шифоланишини сўрай бошлади. Билли ҳали ибодатини тугатишга улгурмай, қари одам ҳассасини бир томонга ташлади ва соппа-соғ,

тетик аҳволда, худди йигирма ёшга яшаргандай, қадам ташлаб кетди. Энди керак бўлмай қолган ҳассани олиб, Билли платформа устидаги кўндаланг тўсинига илиб қўйди.

Бутун оқшом худди шундай давом этди: бирин-кетин шифоланиш бўлиб ўтаверди. Ўша оқшом иккита карнинг қулоғи эшита бошлади, кўр одамнинг кўзи очилди. Албатта, ҳамма шифоланиш ҳам кўринавермасди, аммо, ибодат учун олдинга ўтган ҳар бир киши Биллининг ибодатидан кейин улар билан қандайдир ғайритабиий нарса бўлганлигини таъкидлар эдилар. Одамлар тўдаси уйларига жуда ҳаяжонли аҳволда тарқалишди.

Ҳали ҳеч ким кўрмаган бунақа мўъжиза ҳақидаги хабарлар шу заҳоти маҳаллий эълонлар узатиш системаси томонидан тарқалиб кетди, ва кейинги оқшом чодирда бўш ўрин қолмади. Кейинги оқшом кўпроқ стуллар қўйилди ва шунга қарамай, кўплаб одамлар ташқарида туришар эди. Ҳафтанинг қолган кунлари ҳам худди шундай бўлди: чодир ҳаммани сиғдироладиган даражада катта эмас эди. Шунга қарамай, ташқарида турганлар уйларига кетмасдилар. Улар Биллининг ваъзини эшитиш учун эшикка талпинишар, кейинроқ уларга ибодат учун олдинга ўтиш имкони бўлишига умидвор бўлишар эди.

А қанақанги шифолар бўлди! Ҳафта давомида, бир мартада шунчалик кўп шифоланишларни Билли ҳеч қачон кўрмаган эди. Одамлар кўз ақийлигидан, артритдан, грижадан, туберкулёздан, диабетдан, шолдан, шишдан, ракдан, асаб таранглиги хасталиги, ошқозон касаллиги ва бошқалардан шифоланишар эдилар.

Билли одамларнинг бирор касалликдан қийналаётганини, қўлидаги аломатдан аниқлар эди. У қўлидаги инъом нималарга қодирлиги ҳақидаги элементар билимга эга бўла бошлади. Шунга қараганда, бирор-бир микроорганизм чақирадиган ҳар бир касаллик маълум бир частота билан тебранарди. Унинг чап қўли жисмонан бу тебранишлардан таъсирланар, унга жавоб берар эди. Қўлининг ички томонида пайдо бўладиган оппоқ ғуддачалар уни ҳаммасидан кўпроқ қизиқтирар эди. Шу ғуддачалар тўпланадиган конфигурация, яъни унинг ташқи кўриниши гўё ҳар бир касаллик учун ҳар хилдай эди. Ҳар бир тўпланишларни алоҳида ўргана туриб, у микроорганизмми, ёки у вирус бўладими, ёвуз руҳ борлиги сабаб чақирадиган ҳар қандай касалликни у аниқлай олар эди. Албатта, Биллига тажриба етаридан кўп эди.

Шанба куни кечқурун платформага 93 ёшли узун оқ соқолли қарияни замбилда олиб келишди. Унинг оёғлари ёғочдан ва кўзи эса сунъий қўйилганди, аммо у бутунлай кар бўлганидан унинг эшитиши учун ибодат қилишларини хохлар эди. Уни ёғ билан мойлаб, ва Исо Масиҳ Номидан ибодат қилингач, у ҳатто шивир-шивирни ҳам эшита олди.

Якшанба куни кечқурун платформага 65 ёшли қора-танли хизматкорни келтиришди. Бу одам 20 йил мобайнида кўр эди. Билли унинг юзига фонар нурини йўналтирди, натижада унинг киприклари бор-йўғи салгина қимирлади. Бу одам учун уни мойлаб, Раббий Исми билан сўраб, ибодат қилди. Кейин Билли ўз қўлини кўр одам юзига тутди ва сўради:

— Сиз менинг қўлимни кўра оласизми?

Одам ҳаяжондан титраб хитоб қилди:

— Ҳа. Ҳа, мен ниманидир кўраяпман. Бу ғира-шира.

— Бу менинг қўлим, — деди Билли. — Унга қараб туринг ва қачон бошқа кўролмасангиз менга айтасиз.

Бу сўзлар билан Билли қўлини ўша алфозда кўз баландлигида ушлаганча, платформада орқасига кета бошлади. Қачонки у 12 метрлардан кўпроқ платформа охирига келганида, эркаккина бирдан баландга қаради ва хитоб қилди.

— Раббийга Шукур! Мен чироқларни санай оламан! Ва мен улар осиб қўйилган тортқиларни кўраяпман!

Душанба куни эрталаб, шаҳардан бир неча хизматчилар Биллининг меҳмонхона номерига, ундан яна бир ҳафта бу йиғилишларни давом эттироладимикан, деб сўраш учун келишди. Билли уларга бу ҳақида ибодат қилиб, кейин уларга қарорини маълум қилишлигини айтди. Хизматчилар кетгач, Билли ва Меда Раббийдан раҳбарлигини сўраб тиз чўкишди. Улар ибодат қилиб бўлишгач, бир муддат улар жим қолишди, Меда ўз Библиясидан ўқиши кераклигини сезди. Уни тахминан очди ва Ишайёнинг 42-бобидан ўқий бошлади:

Мана , Менинг хизматкорим, қайсиники Мен қўлидан ушлайман, Менинг танлаганим, ундан Менинг жоним рози. Мен унга Руҳимни солдим ва у мажусийларга ҳукмни эълон қилди... Мен, Раббий, сени ҳақиқатга чорладим, ва сени қўлингдан ушлайман ва сени асрайман, ва сени халқ учун аҳдим этиб қўяман, мажусийларга огоҳлик учун, кўрлар кўзи очилсин учун, қулларни қамоқдан ва қоронғуда ўтирганларни – зимистондан чиқариш учун[104].

[104] Ишаё 42: 1,6,7. Карол Иаков таржимаси: “Мана Менинг Ўғлим, Қайсиники Мен қўлидан тутаман, Менинг танлаганим, қайсидаки Менинг жоним рози. Мен Ўз Руҳимни Унга бераман, ва халқларга ҳукмимни эълон қилади... Мен, Раббий, Сени чақирдим, ҳақиқатга, ва

Сени қўлингдан тутаман ва Сени асрайман, ва Сени халқ учун аҳд этиб қўяман, мажусийлар билиши учун, кўрларнинг кўзи очилиши, қулларни қамоқдан, қоронғудагиларни – зиндондан чиқариш учун”.

Билли бу унинг саволига жавоб эканлигини ҳис қилди. Наҳотки у ўз кўзлари билан махбуслар қамоқдан чиққанларини ва ҳатто кўрлар кўра бошлаганларини кўрмадими? Сент-Луисдаги хизматчиларга қўнғироқ қилиб, у яна бир ҳафта уйғониш ва шифоланиш йиғилишларини ўтказишда давом этишини айтди.

Ўша оқшом Билли лим тўлган чодирда ваъз қилди, ва касаллар учун кечки соат биргача ибодат қилди. Махбуслар ришта, ўт тоши, без касалликлари, кўриш ёмонлашиши, юқори қон босими, артрит ва рак каби касалликлардан озодликка чиқишда давом этаверди. Гўё, ҳеч нарса одамларнинг Исо Масиҳ кучига ишончига қарши туролмасди. Бир одамнинг қўли 29 йил давомида шол эди. Ибодатдан кейин у бемалол қўлини боши узра айлантирди. Майиб аёл замбилда келтирилиб, чодирдан ўзганинг ёрдамисиз ўзи чиқиб кетди. Ўнг оёғи суяк-бўғин туберкулёз одам, қачондир оғриқ оёғи билан шахдам қадам ташлаб ва ҳеч қандай озгина ҳам оғриқни сезмаган ҳолда кетди. Қўлида боласини тутган, бошқа аёл Биллига боласини ҳеч қачон кўзини очмаганлигини айтди. Билли Исо Масиҳ Исмидан ибодат қилди ва боланинг кўзлари очилди.

Шу оқшомларнинг бирида Эвангелина Гетти деган ўн бир ёшар қизча ўзидан кичикроқ болани платформага келтирган эди, бола эса эшитмасди. Билли қизнинг ҳикоясини эшитиб бўлгач, у бу сўзларни микрафонда такрорлашини сўради. Эвангелина – Боббининг ота-онаси Худога ишонишмайди, лекин мен ишонаман, — деди. У Худо нималар қилиши мумкинлигини кўрди, ва шунинг учун ўз дўсти Боббини бу йиғилишга, унинг шифоланиши учун олиб келди. Билли Боббини муқаддас ёғ билан мойлади ва Исо Масиҳ номи била у учун ибодат қилди. Боббининг эшитиш қобилияти тикланди.

Бу кар боланинг шифолангани ягона ҳодиса эмас эди. Бир куни кечки 12:30 да, қачонки Билли ибодат хизматини тугалламоқчи бўлган эди, бир эркак чодирнинг орқа томонидан қичқирганча югуриб кирди:

— Бранхам ака, тўхтаб туринг! Ҳали тугатманг.

У одам платформага ўн икки яшар қизчани келтирди-да, тушунтира кетди:

— Мен — Иллинойс штати шимолий қисмидан, хизматчиман. Дўстларимдан айримлари қўнғироқ қилиб, сизнинг ибодатингизга Раббий Исо қандай жавоб бераётганлигини сўзлаб бердилар. Қизим учун ибодат қила олишингиз учун мен кун бўйи машинада юрдим. У туғилганидан бери бутун ҳаётида ҳеч қандай товуш эшитмади.

Қизчани зайтун ёғи томчиси билан мойлаб, Билли нигоҳини осмонга қаратди ва жим ибодат қила бошлади: “Азиз Раббим, илтимос, Исо Масиҳ Исмидан, бу қизчанинг эшитишини тикла”.

Қизча гўё нимадандир қўрққандай сапчиб тушди. Қўлларини қулоқларига қўйганча отасига қараб югурди. У эшита билди!

Ҳар кечқурунги йиғилиш бошида, бу уйғониш йиғилишлари вақтида ибодат қилинган айрим одамлар шифоланганликларини айтиш учун олдинга чиқар эдилар. Улар қаторида бурни учида рак бўлган кекса аёл ҳам бор эди. У учун ибодат қилинган кечқуруннинг ўзида, ўша шиш бўлган жойда кичикроқ чуқурча қолдириб, рак тушиб кетди. Бошқа бир кекса аёл ҳозир қўллари қандай яхши ишлаётганлигини кўрсатди, у тушунтирдики, муваффақиятсиз операциядан кейин охирги икки йил давомида иккала қўли ҳам букилмай ва ҳеч нарсага ярамай келганлигини, ҳозир қўллари яхши ишлаётганлигини кўрсатди. Олдин бўғин ревматизмидан қийналган одам, ҳозир оёқ-қўллари қандай яхши ҳаракатланаётганлигини намойиш қилди. Ёшгина аёл оёқ кафтини синдириб, чап оёқ тўпиғига зиён етказганини, шундан тери остидан туртиб чиқаётганини айтиб берди[105]. Врачлар ҳеч қандай ёрдам беролмади. Аммо у учун Билли ибодат қилганидан ўн беш минут ўтиб, унинг оёғи совий бошлаётганини ҳис қилди. Пастга қараб шиш кичрайгани, ва суяк ўзининг олдинги жойида турганини кўриб, ҳайрон бўлди.

[105] Кафт суяги — болдир ва бармоқлар орасидаги тўпиқнинг бир қисми.

Бир неча охирги йиғилишлар вақтида платформа атрофида ибодат қилишлари учун шунчалик кўп одам тўпланганидан, Билли бир одамдан бошқасига базўр ўтар эди. Ибодатга муҳтож ҳар бир одам учун кўп куч сарфлаб ёнига борар, шу туфайли, хизмат кечаси соат иккигача чўзилар эди. Ҳар кечқурун Билли хизматни тугатган вақтида, у шунчалик ҳолдан тояр эдики, жаноб Догерти уни машинага боришга ёрдам бериши лозим эди. Кундузи бу юк устига қўшимча, Роберт Догерти Биллини кечки йиғилишларга келолмаган одамлар уйларига ибодат қилиши учун, машинасида олиб юрар эди.

Ниҳоят, Биллини келажакка илҳомлантириб, шифоланиш билан борадиган илк уйғониш йиғилишлари тугади. Имони орқали у ўзининг янгича хизматига кирди ва Худо уни дуо қилди. Ўтган ўн бир кун мобайнида Билли мингдан ортиқ одамга қўл қўйди ва ибодат қилди. Асирлар қамоқда

чиқарилгандилар, аммо бу, ўз навбатида орқасидан маълум оқибатларга олиб келди. Биллининг жисмонан силласи қуриган эди. Шунга қарамай у қониқиш сезган эди, чунки у Масиҳ меҳнатини олдинга этиш учун бутун кучини сарфлаганлигини билар эди. Афсуски, Билли Сент-Луисда компанияларини ўтказишда шундай услуб ўрнатдики, у туфайли икки йил ўтиб, бу фаолият соҳасидан бутунлай кетишига оз қолди.

Муаллиф изоҳи

Бу текстни ишончлилиги ва аниқлиги қизиқтирадиган ўқувчилар учун, менинг муаллифлик изоҳларим фойдали бўлиши керак.

Ҳикоя қилиш услуби ҳақида бир неча сўз... Худди *“Биринчи Китоб: Ўспирин ва унинг топталиши*”да бўлганидек, *“Иккинчи Китоб”*даги диалог ва суҳбатларнинг кўп қисми у 1947 ва 1965 йиллар оралиғида ваъз қилган, 1100 дан ортиқ ваъзлари вақтида айтиб берган, плёнкаларда ёзилган Уилльям Бранхамнинг шахсий гувоҳликларига асосланган. “Аста-секин жудоликдан ўзига келади” деган 23-боб бошидаги суҳбат бундан мустасно бўлиб, ўша болалигида кўрган ваҳий ҳақида онаси эслатади, унда Огайо дарёси устида қурилаётган кўприкдан сувга йиқилиб, 16 киши ҳалок бўлади. Бу суҳбат — менинг тахминим. Бу суҳбатни мен қўшимча қилишимга сабаб, ўқувчига Биллининг болалигида кўрган бу ваҳийининг амалга ошиши, ҳаётининг қоронғу даврида, уни қанчалар кучли қўллаб-қувватлаган бўлиши керак, деган фикрни етказиш эди. Асосий фактлар ишончли: Элла Бранхам бу вақтда пансионни юргизар ва унинг ўғли тез-тез кечки нонуштага уникига келар эди; ўша биринчи ваҳийни қоғоз варағига ёзиб сақлаб қўйган эди; Жефферсонвилли ва Луисвилли оралиғида Огайо қирғоқларини бирлаштириб турадиган Мемориал Кларк Кўприги ўша йил қурилган эди. (Гарчи дарё орқали бу иккала шаҳар ўртасида бир неча кўприк қурилган бўлса-да, Уилльям Бранхамнинг дўсти Пэрри Гринга Мемориал КФларк Кўпригини кўрсатади ва айнан шу кўприк болалигидаги ваҳийда кўрганини унга айтади.)

Уилльям Бранхам топшириғига келсак, 19 йилдан кўпроқ бутун дунё хизмати давомида у бир неча марта 1946 йил май ойи оқшомида, қачонки Фаришта унинг ғорида учрашади ва у билан ярим соатга яқин гаплашганини далил қилиб келтиради. Уилльям Бранхам билан Фариштанинг суҳбати — мен уни “Фаришта ва ғор” 28-бобда тавсифлаганим, у кўп йиллар давомида ваъзларида фаришта келгани ҳақидаги ҳамма айтганларидан иборат яхлит, тўлиқ суҳбатдир. Шу сабабдан бу суҳбатни унинг бирор бир алоҳида ваъзида топиш имкони йўқ.

Бу муҳим оқшомнинг яна бир жиҳатини кўрайлик: Уилльям Бранхам ўзининг аввалги ваъзларида одатда, бу топшириқни унга берган Фаришта билан учрашганида, ташлаб кетилган эски кулбачада ибодат қилаётган эдим, деб айтган. Аммо Уилльям Бранхам – Пэрри Грин ва бошқалар билан шахсан суҳбатларида ҳақиқатда бу эски кулбачадан йироқроқдаги ғорда бўлиб ўтганини айтади. У шубҳасиз, Фаришта у билан ғорда учрашганини очиқ-ошкор айтганида, одамлар ғорни топмагунларича, бутун ўрмонни тинтиб чиқишлари мумкинлигидан ташвишланган эди. Уилльям Бранхам ўз ғорини ҳилват, ёлғиз, чеккадаги ибодат қилиши учун хилват жой сифатида фойдаланганлиги сабабли, унинг жойлашган жойини сир сақлашни хохлаган эди. Шунга қарамай, бир куни, Фаришта унга ғорда учрашганини ошкора тан олди: *“Бир куни кечқурун Гринс Миллда, Индиана штати, ғорда, мен ўша ердалигимда Раббий Фариштаси зоҳир бўлди ва деди: “Сен бориб касаллар учун ибодат қилишинг лозим”. Кейин нималар бўлиб ўтишини менга айтди. “Қўрқма, Мен сен билан бўламан”, — деди У. Мен жойимдан турдим ва одамларга Унинг айтгани бўйича бўлиб ўтадиган воқеалар ҳақида айтиб, Жонсборо орқали бутун мамлакат бўйлаб юрдим. Ва бу шундай тарзда бўлиб ўтаяпти, бутун дунё бўйлаб исботланди”*[106].

[106] Уилльям Бранхамнинг 1953 йил 9 май куни Арканзас штати, Жонсбородаги “Олов Устуни” ваъзидан лавҳа. (Тарж.)

Ниҳоят Уилльям Бранхам қўлидаги аломатга нисбатан бир қанча фикрларимни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Бу аломат ғайритабиий бўлсада, у табиий характерга ҳам эга эди. Қачонки у чап қўли билан бирор маълум тур касалликдан озор чекаётган одамнинг чап қўлига текканида, микроорганизм ва вируслар унинг қўлида жисман таъсир қилар эди. Бу тебранишлар у тегилганидан пайдо бўлмас эди − у ўша одам ичида шунгача, олдиндан бор эди ва бу касаллик иблис ҳаёти билан боғлик ва уни келтириб чиқарар эди. Уилльям Бранхам ўзидаги қобилят ёрдамида бу тебранишларни сеза олар ва улар унинг қўлини қандай ўзгартиришини кузатар эди. Ҳар бир касаллик унинг қўлида ҳар хил таъсир қилар эди. 1947-йил 23-ноябрда “Даштдаги болалар” номли ваъзида қўли *“қондай қизил ва оқ гуррачалар унинг устига касалликка мос равишда чиққани”*ни айтди.

Мен, кимё соҳасидаги билимларидан келиб чиқиб, ҳамма кимёвий элементлар маълум бир частота билан тебранишини биламан; яъни электронлар доим атом ядролари атрофида ҳаракат қилади. Айнан электронларнинг жойлашиши материяга форма берар экан, шунга ўхшаб, материя ва ҳаракат, айрим маънода ўхшашдир. Ҳамма атомлар, ҳамма молекулалар ва ўз навбатида, ҳамма тирик тўқималарнинг ҳужайралари тебранишлардан ташкил топгандирлар. Бундан хулоса шуки, вирус ва микроорганизмлардаги ёвуз руҳ ҳаёти ҳам ҳар хил частоталар билан тебранади ва коинотнинг табиий қонунларига бўйсунади.

Ҳаётнинг икки томони бор: жисмоний ва руҳий. Бу нарса тирик тўқиманинг ўлишини ўрганадиган ҳар қандай одамга очиқ-равшан бўлиши керак. Унда тўқималарнинг ҳамма белги-хусусиятлари бўлиши мумкин, аммо ҳаёт чиқиб кетди. Ҳаёт ўз фаолиятида тўла маънода руҳий нарсадир. Касалнинг ёвуз ҳаётида ҳам худди шундай жисмоний ва руҳий томони бор. Биринчи аломат касалликнинг жисмоний томонини намоён қила олиши ва уни одамлар кўра олиши учун амал қилсада, фақат Исо Масиҳнинг руҳий қудрати у ёки бу иблис ҳаётини тўхтатар эди.

Ўзидаги инъомдан фойдаланишни ўрганиш учун Уилльям Бранхамга қанча вақт керак бўлганлигига келсак, бунда ўрганиш ва тажриба кераклигини мен биламан, чунки, Марджи Морганнинг қўлини олганда ва бу тебранишларни биринчи марта сезганида бу нимани билдиришини билмас эди. У унинг эридан, унинг муаммоси нимада эканини сўрашга мажбур эди. Бу ўрганиш жараёни қанча чўзилганлиги менга номаълум. Эҳтимол, узоқ бўлмагандир. Ҳатто, Уилльям Бранхам ўрганаётган вақтида ҳам, унинг фарқлай олиши доимо бехато эди. Агар у касалликни фарқлай олмаса, у бу ҳақида сўрар эди. 1947-йилга келиб, унинг хизматлари биринчи марта тасмага туширилаётганда у сўрамаганди, одамларга уларда қандай касаллик борлигини айтган ва у ҳеч қачон адашмаган эди.

Ундаги инъомнинг шундай руҳий томони ҳам бор эдики, бу инсоннинг ақлига сиғмас эди. Ундаги биринчи аломат ҳақида ғорда, Уилльям Бранхам билан гаплашаётганда, Фаришта: *“Илоҳий Руҳ таъсири остида бўлганингда, ўз фикрингга йўл қўйма, сенга нимани гапириш берилади”,* — деган эди. Буни тушунтириб бўлмайди, лекин унинг ибодат хизмати ёзилган ёзувларди, унинг натижалари ҳақида эшитиш мумкин.

Уилльям Бранхам доим таъкидлардики, унга берилган инъом ҳеч кимни шифолай олмайди, деб доим таъкидлар эди. Аммо бу инъом қандай қилиб муаммоларни юз фоиз аниқликда аниқлаганини одамлар кўрганларида, уларнинг имони Исо Масиҳдан шифо олиш даражасигача кўтарила олар эди. Имон ─ бу руҳий қонун. Имон кучи ҳар бир Масихчига, уни ишлатиши истаганча имконлидир. Рухсат берсангиз қуйидаги фикрни сизни ўйлаб кўришингиз учун айтиб қолдирсам: Уилльям Бранхам ҳаёти ҳақида бор-йўғи бир тарих ҳақида ўйлагандек ўйламанг. Буни сиз ўзингиз учун қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Худо Ўз Қудратини бизнинг авлодга янгидан очди. Сиз муҳтож бўлган қутқарилишми, шифоланишми, ваҳий ва бошқаларми, Худодан ҳамма нарсани ола билишингиз учун, Сизнинг имонингиз шундай даражага кўтарилишига ижозат беринг. Исо деди: *“Сўранглар ва берилади...”*[107]

[107] Юҳанно 16:24.